Анализ ИК- спектров поглощения некоординированных молекул ацетамида, карбамида, нитрокарбамида, тиокарбамида, никотинамида и их смешанноамидных комплексных соединений с пальмитатом меди (II) показало, что с переходом в координированное состояние значения характеристических частот молекул амидов значительно изменяются. Из-за сложности спектров комплексных соединений пальмитата меди (II) нам не удалось отнести наблюдаемые частоты к соответствующим колебаниям групп связей. В ацетамидных, карбамидных и нитрокарбамидных комплексах пальмитата меди (II) частоты преимущественного валентного колебания связи C=O понижаются соответственно на 10-18, 6-30 и 24-36 см⁻¹, в то время как частоты валентных колебаний связи C-N для АА, К и НК соединений повышаются соответственно на 16-18, 4-5, 14-15 см⁻¹. В координационных соединениях тиокарбамида не удается наблюдать изменения значения частоты 1414 см⁻¹ - ν (CS), так как она перекрывается широкой полосой ν_s (COO) пальмитатной группы. Однако в низкочастотной области спектров частоты молекулы тиокарбамида при 730 и 630 см⁻¹ понижаются соответственно на 10-11 и 10-23 см⁻¹ в случае комплексов. Такое значение частот в спектре можно объяснить координацией молекулы тиокарбамида с ионом меди (II) через атом серы.

В спектре свободной молекулы никотинамида частота ν (кольца) наблюдается при 1593 см⁻¹, которая в случае комплексов повышена на 6-33 см⁻¹. Полосы поглощения при 1028, 703 см⁻¹, принадлежащие к колебаниям кольца в случае комплексов расщеплены и появляется высокочастотная компонента. Эти изменения могут быть свидетельством координации никотинамида с ионом меди (II) через гетероатом азота пиридинового кольца. Характер координации пальмитатных групп остается бидентатным, как и в случае полтора водного пальмитата меди (II).

**3- ШЪЎБА. ТАБИЙ БИРИКМАЛАР АСОСИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ
МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА САҚЛАШДАГИ МУАММОЛАРНИ
БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**ПЕРЕРАБОТКА СЫРЬЕВЫХ РЕСУРСОВ ВИНОДЕЛЬЧЕСКОЙ
И КОНСЕРВНОЙ ОТРАСЛЕЙ**

Нуриев К.К., Рахматов О., Қурбонов Э.С., Давлатов П., Рахматуллаев Р.

Гулистанский государственный университет

Виноградарство—одна из ведущих отраслей растениеводства Республики Узбекистан. Аборигенные столовые, кишмишные сорта винограда славятся высоким качеством, как в стране, так и за рубежом. В настоящее время площади виноградных насаждений составляют более 200 тыс.га, среднегодовое производство винограда превышает 1442 тыс.т, что однако, не удовлетворяет существующие потребности.

На ближайшую перспективу планируется увеличить производство всех видов виноградарской продукции - как за счет расширения площадей под виноградниками, так и за счет повышения их урожайности и замены на более урожайные сорта.

При столь большом валовом сборе урожая винограда значительная его часть перерабатывается на вино, используется при выпуске натуральных соков и варенье, а также производства сухого винограда: кишмиша, изюма и коринки [1].

При промышленной переработки в винодельческой отрасли образуется большое количество отходов (кожица, семена, винный осадок и др.), являющихся ценными вторичными сырьевыми ресурсами (ВСР). Для этого в корне необходимо совершенствовать существующую технику и технологию переработки сельскохозяйственного сырья, в том числе и виноградарства, что связано с недостаточно высокой эффективностью работы производственного оборудования, сложностью технологических процессов подготовки сырья, отсутствием унификации и гибкости процессов переработки.

С июля по ноябрь виноград насыщается сахарами, витаминами и полностью соответствует наливом прямому употреблению в пищу и промышленной переработке. Последний подразделяется на винодельческую и консервную отрасли.

В виноделии при переработке винограда и последующей обработке виноматериалов образуется от 15 до 20% отходов [2]. К ним относятся гребни, виноградные выжимки, дрожжевые осадки, винный камень. Для получения спиртов практическую ценность представляют виноградные выжимки и дрожжевые осадки. Выжимки образуются после прессования винограда на шнековых прессах при изготовлении белых и красных вин и натуральных соков. Осадки и винный камень образуются при отстаивании и хранения суслу.

На Паркентском винзаводе (Ташкентская обл.) в урожайный год перерабатывается более 10000 т. винограда, из которых образуется около 1800 т отходов в виде свежих перебродивших выжимок. Часть свежих выжимок высушивается в барабанных сушильных установках до воздушно–сухого состояния, с последующим аэродинамическим разделением на семена и кожицу.

На данном заводе получают до 110 т. виноградных семян, с содержанием 20–25% жира. В 90 – х годах прошлого века со всех 64 винзаводов Республики Узбекистан виноградные семена отправляли на Кокандский масложиркомбинат для извлечения косточкового масла по традиционной классической технологии. В настоящее время на заводе построен цех по переработке семян винограда методом холодного прессования. В линию входят три шнековых пресса марки ПШМ – 200, производительностью 200 кг семян в час, мощность электродвигателя 19 кВт. Длина зерновой камеры 300 мм. Отжатое масло после декантации мути отправляется на изготовление олифы или купажируется с другими растительными маслами (например, с хлопковым, соевым, арахисовым) и употребляется для

пищевых целей. Полученный жмых с жирностью 6 – 8 % идет на приготовление комбинированных кормов для КРС и птицеводства.

Переработка виноградных выжимок осуществляется двумя методами:

а) прямой перегонкой сброженных выжимок на спирт в различных дистилляционных аппаратах с последующим получением из барды и промывных растворов винокислой извести.

б) диффузией выжимок водой в батарее резервуаров или в экстракторах непрерывного действия кислотой в виде виннокислой извести или винного камня.

Поскольку заводы первичного виноделия имеют небольшую мощность и образующиеся отходы составляют несколько сотен тонн, то для переработки их в спирт достаточно мини – установки периодического действия.

Предлагаемая нами установка по производству этилового спирта состоит из следующих составных частей (рис.).

Часть оборудования - нестандартное и выполнено по индивидуальным разработкам из стали X18H10T. Ректификационная колонна кубового аппарата состоит из трех разъемных царг диаметром $D=318\text{мм.}$, внутри которых с интервалом $h=150\text{ мм}$ расположены колпачковые тарелки. Всего тарелок 22 и на каждой из них закреплены по 7 колпачков диаметром $d_k = 57\text{ мм.}$ Линия укомплектована котельной установкой марки ДЕ – 1/9, мощностью 1000 кг пара в час при давлении $P = 6 \div 9$ атмосфер.




Рис. Принципиальная технологическая схема получения спирта из сброженных виноградных выжимок:

1 – шнековые транспортеры; 2 – батарея экстракторов; 3 – шнековый пресс; 4 – центробежный насос; 5 – напорная емкость; 6 – кубовый аппарат; 7 – дефлегматор; 8 – сборник спирта.

Сброженная масса выжимок из экстрактора 2 поступает в шнековый пресс 3. Отпрессованный жом идет на приготовление корма для КРС, а жидкая фаза через напорную емкость 5 поступает на перегонку в кубовый аппарат 6. Перегонку осуществляют при температуре не более 78 - 80 °С. Пары спирта по мере поднятия вверх по колонне укрепляются и поступают в дефлегматор 7, а оттуда - в сборник спирта 8. Рекомендуемый объем перерабатываемой барды за один цикл $V = 16000\text{ л.}$ При крепости барды 8%, за цикл можно получить свыше 1300 л. этилового спирта крепостью 92%. Полученный спирт может быть использован в пищевой промышленности и в других отраслях народного хозяйства.

Из продуктов консервирования винограда следует отметить производство сухофруктов – кишмиша и изюма. После сушки виноград обрабатывают на гребнеотделителе. Устройство обеспечивает качественную очистку кишмиша от сора, плодоножек и гребней за

счет свободного взаимодействия плодов винограда с определенными активными рабочими органами аппарата [3].

Далее сушеный кишмиш сортируют на трехположном вибрационном разноячеечном аппарате ВЛ – 3 на 4 сорта (по размерам):

- экспортно – ориентированный < 10-15 мм;
- высший 9-10 мм;
- ликвидный 7-8 мм;
- неликвидный < 5 мм.

Отсортированный кишмиш первого, высшего и ликвидных сортов фасуют в картонные коробки по 15-20 кг и складывают в сухом проветриваемом помещении или расфасовывают на дозировочно – упаковочном автомате по 250-500 г. и отправляют на торговые предприятия, а неликвидный отход перерабатывают на блендерах в нугу или пастилу, и используют для кондитерских целей.

На основании выше приведенных материалов можно отметить, что на всех этапах переработки продуктов винограда, образовавшиеся ВСР подлежат дополнительной переработке с получением полезной продукции: консервированных зеленых листьев, виноградного косточкового масла, натуральных пищевых красителей, этилового спирта, биокормов для КРС, а также древесного топлива.

ПУТЬ ПРЕОБРАЗОВАНИЯ И СТАНОВЛЕНИЯ ДЫНИ КАК ДРЕВНЕЙШАЯ КУЛЬТУРА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

Нуриев К.К., Рахматов О.О., Давлатов П., Янгибоева Г.

Гулистанский государственный университет

Бахчеводство Центральной Азии – одна из древнейших отраслей сельского хозяйства. Узбекистан является одним из регионов происхождения ценнейших сортов дынь. В древних оазисах Самарканда, Бухары, Хорезма, Шахрисябза и Ферганской долины создавались и формировались почти все культурные сорта дынь (более 150).

Документальные сведения о возникновении и распространении дынь в Узбекистане либо отсутствуют, либо не сохранились. Однако по отрывочным данным можно судить о существовании этой сельскохозяйственной культуры еще две тысячи лет назад.

Историками особо отмечается хорезмский массив дыневодства, где с очень давних времен в пойме реки Аму – Дарьи возделывали дыни.

Превосходное качество хорезмских дынь отмечается во многих исторических документах. Так, ими восхищались жители Ирака, куда еще в IX – X веках хорезмские дыни доставлялись в большом количестве караванами верблюдов. Из истории известно, что марокканский путешественник Ибн Ботут, побывавший в XIV веке в Мавераннахре, специальную главу в своей книге посвятил восхвалению дынь Хорезма. Он описывает их превосходный вкус, аромат и большую сладость [1].

В своей книге «Бабур-наме», наш соотечественник Бабур, родившийся в г. Андижан (1483 г), описывает города и области и занятия в них дехкан. В частности говорится: «Андижан расположен в середине области и является ее столицей. Зерна и фруктов в городе в изобилии, виноград и дыни хороши. В сезон дынь продавать их у огородников не принято». Далее отмечается превосходное качество самаркандских дынь. В заключение Бабур отмечает, что ему нигде не приходилось встретить, такие замечательные дыни, как дыни Мавераннахра и Хорезма.

Дыни, являясь древнейшей культурой Узбекистана, прошли длинный путь своего преобразования и становления. Будучи выведенными первоначально из дикорастущих форм, по мере попадания в условия культурного земледелия, природа дынь постепенно менялась. Человек целенаправленным действием создавал новые, более ценные сорта. На протяжении

многих веков народные селекционеры из поколения в поколение непрерывно отбирали лучшие плоды дынь, обладающие высокими вкусовыми качествами, постепенно прививали и закрепляли эти признаки по наследству. Народные селекционеры своей кропотливой и непрерывной работой создавали сохранившиеся до наших дней сорта дынь, не имеющие себе равных в других странах [2].

Народный селекционер отбирал на семена лучшие, крупные, сахаристые и скороспелые плоды. В оценке плодов участвовали многие дехкане, ценители и знатоки хороших сортов. После такой экзаменационной оценки от самой вкусной и сахаристой дыни брали семена, бережно хранили, распространяли между дехканами, а затем высевали. Семена на сев брали от наиболее долго сохранившихся плодов. При многократном повторении такого отбора лежкость сорта постепенно нарастала. Например, в Хорезмском оазисе созданы самые лежкие сорта. Там нередко случаи, когда дыню сохраняют до марта–апреля месяцев, и разрезав её семена несут в поле для сева.

Благоприятные почвенно-климатические условия Хорезма и изолированность способствовали созданию там самых лежких зимних сортов дынь.

Местные аборигенные сорта, хороши приспособленные к определенным почвенно-климатическим условиям при перенесении в другие районы с другими почвенно-климатическими условиями теряют свои вкусовые качества, снижается урожайность. Лишь отдельные сорта сохраняют свои ценные качества при выращивании в других условиях.

Многие сорта, созданные в одном очаге, постепенно распространяясь в соседние регионы деградируют и оказываются непригодными для выращивания в других районах. Но вместе с тем, некоторые сорта, попадая в новые условия изменялись не только по хозяйственным признакам, но и морфологически. Чем шире распространялся сорт, тем больше он изменялся. Постепенно под одним сортовым признаком, появлялась целая группа сортов, близких по ряду характеристик и в то же время значительно различающихся друг от друга. Например, под названием Гурбек в производстве встречаются четыре сорта с шаровидными плодами, но с различной окраской, весом и урожайностью. Это –Ала–гурбек, Кара–гурбек, Гюк–гурбек, Ак–гурбек. Подобны им: Аккаун, Кокча, Бешек, Замча, относящиеся к одному сортопроисхождению.

В огромном сортовом разнообразии узбекских дынь, созданных народными селекционерами, скороспелые сорта немногочисленны и их высевают на небольших площадях и реализуют до поступления на рынки среднеспелых сортов.

Самым большим набором сортов представлены дыни летнего созревания. Почти каждый сорт имеет свои особенности и отличается по вкусовым качествам от других сортов и увеличивает их разнообразие.

Позднеспелые сорта пригодны для зимнего хранения. Они характеризуются хорошей лежкостью. Сорта со средней лежкостью выдерживают хранение до трех–четырёх месяцев. Самые лежкие сорта можно хранить до весны следующего года.

Такой набор сортов дынь обеспечивает население нашей Республики в течение всего года. Они занимали и занимают особое место в питании населения Узбекистана в летне-осеннюю пору. Являясь любимым десертным блюдом к обеду и ужину, дыня устраняет усталость и жажду в жаркую погоду. В июле, августе и сентябре, в период массового созревания дынь, в Узбекистане не бывает ни одной семьи, не употребляющей дыни. Не зря в этот период традиционно в нашем народе проводят свадебные торжества и другие массовые мероприятия, когда на стол с изысканными яствами, изобилием различных фруктов и винограда подают на ляганах разрезанные дольками дыню, тающую во рту.

В прежние годы существовал народный обычай – в сезон созревания дынь устраивать праздник урожая –«ковун–сайли».

На этом празднике любители–бахчеводы показывали свои лучшие по сахаристости, сочности и аромату дыни, а присутствующие оценивали и обсуждали. Бахчеводы делились опытом выведения новых сортов. Обнародованные сорта дынь в дальнейшем получали широкое распространение.

В заключении необходимо отметить, что узбекские сорта дынь завоевали всемирную славу по вкусовым достоинствам, внешнему виду и привлекают к себе внимание народов многих стран. Так-так они распространены не только в соседних центрально-азиатских республиках, Туркменистане, Таджикистане, Казахстане, но и в странах Ближнего Востока, Афганистане, Иране, Пакистане, Индии и Турции.

БИОДОБАВКИ ПРОТИВ АНЕМИИ

^{1,2}Саитмуратова О.Х., ¹Сагдиев Н.Ж., ¹Дехканов К.А.

¹Институт биоорганической химии им. акад. А.С. Садыкова АН РУз.
Ташкентский педиатрический медицинский институт

Введение. Железодефицитная анемия-малокровие заболевание в основе которой лежит дефицит железа в организме человека. Железа участвует во многих биохимических процессах, в частности в тканевом дыхании.

В настоящее время, создан ряд комплексных соединений (Кобальт, Феррум-лек, Тардиферон и др.) обладающие достаточной противоанемической эффективностью. Однако эти соединения вызывают ряд нежелательных побочных действий, такие как тошнота, головокружение, рвота, понос и др. Помимо того эти препараты в основном импортируются и дорогие в ценовом эквиваленте.

Цель настоящего исследования является, поиск и создание отечественных антианемических пищевых добавок из местных природных источников железа. К ним относятся молоко и кисломолочный продукты, в частности верблюжье молоко, которые по содержанию биодоступного железа намного превосходят молочные продукты коров, кобыл и др. Известно используется при лечении не только анемии, но и туберкулёза, хронического гастрита, колита и ряда других заболеваний, поднимая защитные силы организма.

В институте биоорганической химии АН РУз разрабатываются биологически активные добавки (БАД) на основе верблюжьего молока (Ver-Mol-I).

Результаты. Изучен химический состав (Ver-Mol-I), общий и свободный аминокислотный состав, изучен микроэлементный, углеводный состав и биологическая активность.

Клинико-экспериментальными научными исследованиями установлена биологическая активность, противовирусная, интерферон индуцирующая, гипогликемический эффект и антианемическое свойства не уступает современным препаратам.

В целом приведённая работа по изучению химического состава Ver-Mol-I и его биологической активности раскрывает некоторые новые подходы в понимании лечебного действия этого натурального природного вещества и дополняет ряд используемых в настоящее время лекарственных средств.

Таким образом, наработка БАД (Ver-Mol-I) на основе верблюжьего молока, позволит обеспечить продуктом профилактики железодефицитных анемий у беременных женщин и родильные дома.

ҚОВУН ҚОҚИ ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНГ БИР ТАЖРИБАСИ

Рахматов О., Нуриев К.К., Тўхтамишев С.С., Давлатов П., М. Холбоева.

Гулистон давлат университети


Қовундан қоқи тайёрлашда мавжуд офтобда қуритиш ва такомиллашган қуритиш усулларидан фойдаланилади.

Қовунни қуритишда қуритиш майдончаси атрофи очиқ, қуёш яхши тушадиган ва серкаторов йўллардан узоқроқ бўлган фермер хўжалигининг дала шийпонидан фойдаланилди. Қовун қуритиш учун майдонча, стол, пичоқ, патнис, ходача, рейка, каноп ип ва

зангламайдиган симлар тайёрлаб олинди. Қовун қуритиш махсус жиҳозланган илгакларда амалга оширилди. Бунинг учун баландлиги 170 см бўлган диаметри 6х6 см рейкалардан дастгоҳлар ясалди. Бу рейкаларнинг ҳар икки томонига учбурчак асосли кенглиги бир метр тирговучлар осилди. Учбурчак шаклидаги тирговучлар 2,5 метр оралиғи ўрнатилиб, рейкалар билан мустаҳкамланди. Ҳар икки томонидан 4–5 қатор қилиб 35–40 см оралиқда сим тортилди. Тажриба учун олинган қовун миқдорини қуритиш учун мавсумда (2 марта қуритилганда) 8 та дастгоҳ, ясаш учун 1 куб. метр ёғоч сарфланди.

Қовунни офтобда мавжуд усулда қуритишда пишиб етилган ва касалланмаган қовуннинг мевалари олинди. Этининг зичлик даражасига қараб уни қирқиш ва қуритишнинг турли усулини танлаб, эти зич бўлган «Оқ уруғ», «Сарик пўчоқ», «Оқ пар» навларини оддий усулда илмоқларда тўғридан тўғри қуритилди. «Ичкизил», «Шакарпалак 554» навларини эти қарсилдоқ бўлиб, тилиб осиб пайтида узилиб кетиши боис уларни аввал сўкчакларга ёйган ҳолда қуритиб, сўлитилди, юмшагандан сўнг рейкаларга осилди. Бутун, соғлом қовунлар ажратиб олиниб, улар ювилади ёки хўл латта билан артилади. Ундан кейин тенг икки бўлакка бўлиниб, уруғи олинади. Кесилган паллалар тилимларга бўлиниб, қалинлиги 3–4 см бўлади ва пўсти тозаланиб, бир жуфт қилиб қуритиш учун осиб қўйилди.

Тажрибадаги кузатилган навлардан қуритилган маҳсулот олишда мавжуд офтобда ва такомиллашган сояда қуритиш усулларидадан фойдаланилди. Уларни қуритиш давомийлиги ҳамда тайёр маҳсулот чиқиши аниқланди. Бунда ҳар бир навдан 50 кг дан олиниб, уруғ ва пўчоқлардан тозаланди, сўнгра, ажратилган пўчоқ ва уруғ тортилиб вазни аниқланди. Олинган хомашё миқдоридан пўчоқ ва уруғ вазнини айириб қовун этининг вазни аниқланди, шу вазндан келиб чиққан ҳолда қовун этининг фоиз миқдори топилди. Кейин қовун эти тилим ҳолатида сўйилиб, офтобда қуритиш учун тайёрланган мосламаларга осилди (расм). Маҳсулот қуриши давомийлиги кузатиб борилди. Маҳсулот қуригандан сўнг тайёр бўлган қоқини тарозида тортиб, унинг вазни ва фоиз миқдорлари аниқланди (жадвал).



А- симон шаклдаги илгакларда қовун этини қўйида қуритиш моламаси

**Қовун навларидан мавжуд офтобда қуритиш усулида
маҳсулот чиқиши**

№	Навлар номи	Қуритишга олинган қовун миқдори, кг	Қуритишга қўйилган қовун эти миқдори,		Қуритиш давомийлиги (кунларда)	Қуритилган маҳсулотлар чиқиши		
			кг	%		Этига нисбатан		Хом ашёга нисбатан
						кг	%	
1	Шакарпалак-554	50	39,0	78,0	9	3,2	8,2	6,4

2	Оқ пар	50	42,5	85,0	8	3,6	8,5	7,2
3	Ичқизил	50	40,7	81,4	10	3,5	8,7	7,0
4	Сарик пўчоқ	50	37,5	75,0	11	3,2	8,6	6,4
5	Оқ уруғ	50	40,4	80,8	12	3,3	8,1	6,6
жами		250	203,6	81,4	-	16,8	8,3	6,7

Жадвал маълумотларининг таҳлилига кўра, ўрганилган қовун навларида хом ашёдан қовун этининг чиқиш миқдори хом ашёдан этининг чиқиши 75-85 % миқдорида бўлиб, офтобда қуритилганда қуритиш давомийлиги 7-12 кун бўлиб, этидан тайёр маҳсулот 8,1- 8,7 % миқдоридан олинди.

Бунда Шакарпалак 554 нави этининг чиқиш миқдори 78,0 %, Оқ пар навида 85 %, Ичқизил навида 81,4 %, Сарик пўчоқ навида 75,0 %, Оқ уруғ навида 80,8 ни ташкил этди.

Қуритиш давомийлиги ҳар бир навда алоҳида кузатиб борилди. Шакарпалак 554 навини қуритиш жараёни 7 кун давом этган бўлса, Оқ пар нави 8 кун, Ичқизил нави 10 кун, Сарик пўчоқ нави 11 кун, Оқ уруғ нави 12 кунда қуриди.

Хом ашёдан олинган этнинг вазнига нисбатан тайёр маҳсулотнинг чиқиши мос равишда 8,2; 8,5; 8,7; 8,6; 8,1 фоизни ташкил этди. Умумий ҳисобда 250 кг хом ашёдан 203,6 кг қовуннинг эт қисми ажратиб олинди. Бундан 16,8 кг қоқи қуритилди, бу қуритилган маҳсулот қовун этига нисбатан 8,3 % ни, хом ашёга нисбатан эса 6,7 %ни ташкил қилди.

Бунда энг юқори миқдорда тайёр маҳсулот чиқиши Ичқизил навида кузатилди. Қуриган тайёр маҳсулотни ўртача намлиги 18 % ни ташкил этди.

Шундай қилиб, қовунни офтобда қуритилганда, энг кўп тайёр маҳсулот чиқишини Ичқизил, Оқ пар, Сарик пўчоқ навларида кўришимиз мумкин эканлиги аниқланди.

Хулоса қилиб айтганда, қуритилган маҳсулотнинг тайёрлиги кесилган қовун бўлақларининг ҳолатига қараб аниқланади. Қоқи эгилувчан, кафтда қисилганда, ундан шира оқмаслиги ва таркибидаги намлик 20 фоиздан ортиқ бўлмаслиги шарт. Шунингдек, хом ашёни қуритиш майдонига навларга ажратилган ҳолда келтирилиши керак.

ҚОВУН ҚОҚИСИНИНГ КИМӨВИЙ ТАРКИБИНИ ЎРГАНИШ

Рахматов О., Нуриев К.К., Тўхтамишев С.С., Давлатов П., Холбоева Ш.

Гулистон давлат университети

Ўзбекистонда ҳозирги даврда қовуннинг 160 дан ортиқ маданий навлари тарқалган бўлиб, улар пишиб етилиш муддати, ҳосилдорлиги, таъми, меваларининг сақланиш муддати бўйича ўзаро фарқланади ва уларнинг кўпчилик қисми жаҳонда шуҳрат қозонган.

Ҳозирги даврда қовуннинг 36 нави давлат Реестрига киритилган бўлиб, шундан: 9 таси эртапишар, 15 таси ўртапишар, 12 таси кечпишар навлардир. Давлат Реестридаги навларнинг саккизтаси маҳаллий навларга мансубдир. Шулардан кўпчилик қовун навлари бир неча ўн йилликлар мобайнида етиштирилиб келинмоқда.

Улуғ аллома олим-табиблар Искари Олим (милоддан аввал IV аср) ва Абу Али ибн Сино (милодий X аср) асарларида қовунни кўпгина касалликларни даволашда ишлатилганлиги келтирилади. Қовуннинг доривор хусусиятларини замонавий тиббиёт илми томонидан ҳам тасдиқлаган. Уни истеъмол қилиш кўплаб физиологик жараёнларни бошқаришга ёрдам беради. У буйрак, меъда, жигар касалликларида ҳамда атеросклероз, бронхит, сил, бод хасталикларида ва камқонликда доривор восита сифатида фойдаланилади. қовун уруғи дамламалари йўтал, тери ва тош касалликларини даволашда ишлатилади.

Ўзбекистон республикаси Марказий Осиёнинг энг йирик полизчилик минтақасидир. Бу ерда ҳар йили 35-40 минг гектардан ортиқ ер майдони полиз экинларига ажратилади ва

ялпи ҳосил 450-500 минг тоннани ташкил этади, шундан қорақалпоғистонда полиз экинлари 5,5 минг гектар майдонга екилиб, 39 минг т. миқдорида ялпи ҳосил олинмоқда.

Қовун асосий полиз маҳсулотларидан бири ҳисобланади. У фақат етилган пайтда истеъмол қилинадиган қийматли бўлиб қолмай, балки қайта ишлангандан кейин ҳам ўзининг хуштаъмлигини йўқотмайди.

Қовун таркибида глюкоза, фруктоза ва сахароза каби қанд бирикмалари ҳамда кўп миқдорда клетчатка, гемицеллюлоза, пектин ва бошқа моддалар мавжуд. Қовун уруғи экишдан ташқари, ундан ёғ олишда, пўстлоғидан чорва учун ем сифатида ишлатилади. Қовуннинг меваси ажойиб таъмга ҳамда кўпгина фойдали хусусиятларга эгадир. Унинг таркибида 85,0-92,0% сув, 8,0-15,0% қуруқ модда, 0,8% оқсил 1,8% клетчатка ва 6,2% бошқа углеводлар, 0,9% мой, 0,6% кул, 20,0-30,0 мг/% С дармондориси, 0,03-0,07 мг/% бошқа дармондорилар, Mg, Fe, Ca, Mn, K, P каби микроэлементлар, органик ва минерал тузлар мавжуд. Ўрта Осиё қовун навлари меваларидаги қанд моддаси миқдори - 14,0-16,0 фоизга етади. Таркибида фруктоза моддаси миқдорининг ортиқлиги сабабли қовуннинг эти ўта ширин, глюкоза моддаси кўпроқ бўлганда эса эти нимширин таъмга эгадир.

Ўзбекистон уруғчилик хўжаликларида қовун уруғи олиш учун ҳар йили 15–20 минг тонна маҳсулот сарфланади. Бундай миқдордаги қовунни қайта ишлаш натижасида 1000 тоннадан ортиқ қоқи олиш мумкин. Бу эса хўжаликларнинг қўшимча даромад олишига имкон беради.

Қовундан қоқи тайёрлашда мавжуд офтобда қуритиш ва такомиллашган қуритиш усуллардан фойдаланилади. Қовунни механик усулда текшириш чоғининг таркибий қисмлари турлича эканлиги аниқланди. Шунинг учун қовунни тилиб қуритиш пайтида ҳар хил навлардан турли миқдорда қоқи олинади. «Кўкча», «Босволди» ва «Гурбек» навларидан 4,5–5,4 фоиз қоқи олинади. Бошқа нав меваларидан эса 7,5–10,7 фоиз маҳсулот тайёрланади. Бир тонна қовун қоқи олиш учун 11,7–15,2 тонна хом ашё сарфланади.

Қовун таркибидаги қанд моддасининг ярми сахарозага тўғри келади.

Корейша маълумотида кўра қовуннинг қишки навларида узоқ вақт давомида қант моддаси камаймайди, аммо моносахаридлар билан дисахаридлар ўртасидаги ўзаро нисбат ўзгариб, сахарозага ортиб кетади. Маълум вақтдан кейин эса сақланаётган қовунлар таркибидаги қантнинг умумий миқдори сезиларли даражада камаяди.

Қовунда пектин моддалар 0,1-0,4% ни ташкил қилса, тарвузда 1,2-2% гача етади. Қовунда целлюлоза ва гемицеллюлоза миқдори бошқа полиз маҳсулотларига нисбатан кам бўлади. Бу эса қовун этининг юмшоқлигини оширади ва ипсимон толалар бўлмаслигини таъминлайди.

Қуйидаги.1-жадвалда полиз маҳсулотлари таркибидаги органик моддалар миқдори келтирилган.

1-жадвал

**Полиз маҳсулотлари таркибида органик моддалар миқдори,
(хўл ҳолида %)**

№	Экинлар	Сув миқдори	Қуруқ модда	Оқсил	Углевод-лар	Мой	Клетчатка	Кул	Калорияси, кг/кал
1	Тарвуз	93,4	6,58	0,72	5,69	0,06	0,04	0,07	274
2	Қовун	89,6	10,4	0,82	6,21	0,88	1,82	0,63	360
3	Қовоқ	93	9,68	1,1	6,5	0,13	1,22	0,73	316

Қуйидаги 2-жадвалда полиз маҳсулотлари таркибидаги минерал моддалар миқдори келтирилган.

2-жадвал

Поліз маҳсулотлари таркибидаги минерал моддалар миқдори

Экинлар	Натрий	Калий	Кальций	Марганец	Фосфор	Темир
Тарвуз	16	64	14	224	7	1
Қовун	32	118	16	13	12	1
Қовоқ	14	70	40	14	25	0,8

Поліз маҳсулотлари таркибида ёғлар жуда кам миқдорда (0,1-0,4%), асосан уларнинг уруғларида бўлади.

Қуйидаги 3-жадвалда полиз маҳсулотлари таркибида витаминларнинг миқдори келтирилган.

3-жадвал

Поліз маҳсулотлари таркибида витаминларнинг миқдори, %.

Экинлар	Аскорбин кислота	Каротин	Тиамин	Рибофлавин
Тарвуз	8	1,0	0,03	-
Қовун	-	-	-	-
Қовоқ	10	-	-	-

Ўзбекистонда қуритилган қовун қоқилари таркибида С витамини 15,4–83,7 мг фоиз атрофида, умумий қанд миқдори 38–75,7 фоизни, қуруқ моддалар эса 76–91,4 фоизни ташкил этади (4-жадвал).

4-жадвал

Қуритилган қовуннинг кимёвий таркиби ,(фоиз ҳисобида)

Қовун навлари	С витамини, мг	Умумий қанд миқдори	Қуруқ моддалар
«Кўкча»	22,35	75,7	81,9
«Тўқ сариқ гулоби»	16,4	66,3	91,4
«Гурбек»	21,6	62,3	82,1
«Умир боқи»	15,4	54,3	82,9
«Нон гўшт»	83,7	59,8	86,0
«Кўк гулоби»	39,8	51,4	86,0
«Гулоби»	34,7	49,6	76,0
«Тошлоқи»	78,0	55,8	89,3
«Оллахомма»	72,5	38,4	76,0

Қовун қоқиси сифати кўрсаткичи бўйича ГОСТ 7178-85 стандарти талабига жавоб бериши керак. Бу стандартга асосан қовун қоқиларнинг сифат экспертизасини ўтказишда уларнинг ташқи кўриниши, ҳиди ва таъми, пишиб етилганлиги, энг катта қўндаланг кесимининг диаметри, жароҳатланганлик даражаси каби кўрсаткичларига алоҳида эътибор берилди. Шундай қилиб айтиш мумкинки, стандарт талаби бўйича қовун қоқиларнинг ташқи кўриниши умумлашган кўрсаткич бўлиб, қоқиларни бутунлиги, тозаллиги, соғломлиги, ортиқча намликка эга эмаслиги, шакли ва ранги каби кўрсаткичларни ўз ичига олади.

“ADRENALIN RUSH” TETIKLASHTIRUVCHI ICHIMLIGINING KIMYOVIY TARKIBI

Xolmatova M. M., O'ktambekova I. A.

Andijon Davlat Universiteti

Tetiklashtiruvchi ichimliklar hozirgi kunda ommalashyotgan mahsulotlar sirasiga kiradi. Tetiklashtiruvchi ichimliklarning hususiyati shundaki, u insonga dadillik va quvvat bahsh etadi. Bunday ichimliklarni insonlar qadim zamonlardan iste'mol qilishadi. Xususan, O'rta Osiyoda choy, Xitoyda jenshenli damlamalar insonga tetiklik va quvvat bergan.

Gazli ichimliklarning asoschisi angliyalik kimyogar olim Jozef Pristli hisoblanadi. U 1767-yilda vino zavodida gaz bilan bog'liq tajriba ustida ishlayotga vaqtda, nasos yordamida suvga CO₂ (karbonat anhidrid)ni suvga singdiradiga apparat yaratadi. Bu asbobni birinchi bo'lib Yakob Shvepp sinab ko'rib, gazli ichimliklarga asos soldi. Shundan buyon gazli ichimliklarning vatani AQSH hisoblanadi.

Tetiklashtiruvchi gazli ichimliklar esa 1872-yilda Gankongda yaratilgan bo'lib, uni ishlab chiqarishni 1984-yilda avstraliyalik yirik kompaniya egasi Ditrihom Mateshits boshlagan. Hozirgi kunga kelib tetiklashtiruvchi gazli ichimliklarning turi ko'p. Bularning qatoriga Zip, Adrenalin Rush, Red Bull va shu kabi gazlashtirilgan ichimliklar ishlab chiqarilmoqda.

Adrenalin Rush ichimligining kimyoviy tarkibida CO₂, B₁₂, B₆, L-karnitin, kofein, jenshen ildizi ekstrakti, guarana ildizi ekstrakti bo'ladi.

Bu ichimliklar tarkibida vitaminlar va moddalar ko'p miqdorda bo'lib, odamning bir kunlik ehtiyojidan bir qancha ko'p. Masalan, vitamin B₁₂ unga bo'lgan kundalik ehtiyoj 0,002-0,005mg ni tashkil etsa, ichimlik tarkibida 0,8mg tashkil etadi. Bunday katta miqdor inson sog'lig'iga jiddiy zarar keltiradi.

Kofein moddasi asosiy tetiklashtiruvchi modda. Insonda kofeinga bo'lgan kunlik ehtiyoj 10-15mg. Tetiklashtiruvchi gazli ichimlikda esa 150-320mg dir. Kofein moddasi inson organizmida qonga tez so'rilib gemogloblin miqdorini ko'taradi. Odamda uyqusizlikni keltirib chiqarib miyya faoliyati buzilib ketishiga olib keladi. Kofeinning bunday ortiqcha miqdori jigarga zarar keltirib, qon-tomir kasalliklarini keltirib chiqaradi.

Taurin moddasi insonda charchoqlik hissini yo'qotib odamga quvvat baxsh etadi. Taurin so'zining ma'nosi "ho'kiz" bo'lib, bu modda dastlab ho'kizning urug'idan olingan. Hozirga kelib bu modda kimyoviy usullar orqali olinadi. Bu modda inson organizmida ko'payib ketsa, markaziy nerv sistemasiga zarar keltiradi. Insonda injiqlik, asabiylik holatlarini keltiradi, oshqozon shilliq qavatini zararlaydi.

Guarana moddasi Janubiy Amerikada o'sadigan o'simliklardan olinadi. Bu modda kofein moddasiga o'xshash bo'lib, insonda qandli diabetni kelib chiqishini tezlashtiradi.

Tetiklashtiruvchi ichimliklar insonga 3 soat ta'sir ko'rsatadi. Ichimlikni qabul qilgan inson o'zida tetiklik his qilib, organizmida kuch paydo bo'lganini sezadi. Aslida esa, bu ichimlik inson miyyasiga kuchli ta'sir ko'rsatadi, tormozlanib qolgan asb tizimiga turtki beradi. Odamda ochlik, charchoqlik holatlari yo'qoladi. Bunday ichimliklarni 1 sutkada 1marotaba iste'mol qilish kerak. Agar me'yordan oshib ketsa, hattoki o'limga ham olib kelishi mumkin. Yaqinda internet tarmoqlarida bir videorolik tarqaldi. Unda bir yosh yigitning shunday ichimlikdan birdaniga 24 donasini ichgani va shu ichimlik ta'sirida ahvoli og'irlashganligi aks ettirilgan. Bu muqarrar o'lim degani. Yana bir misol, o'tgan yili Germaniyada yosh ayolning tetiklashtiruvchi ichimlikdan 2,5 litr ichib restoranda raqsga tushayotganda vafot etdi. Ayolning yoshi 25 da edi. Bunday misollarni ko'p keltirish mumkin.

Ichimlikning sifati orgonaleptik va fizik-kimyoviy ko'rsatkichlari asosida baholanadi. Sifati esa O'zDST 925:1999 talabiga javob berishi kerak. Ular tiniq, cho'kindisiz hamda quyqasiz, shuningdek, aynan shu tur ichimlikka hos bo'lishi kerak. Ta'mi, hidi yoqimli, begona ta'm hamda hidlarsiz bo'lishi zarur.

Ichimliklar sig`imi 0,33va 0,5 litr bo`lgan butikalarga yoki germetik berkitilgan holda sotuvga chiqariladi. Yorliqlarda standart bo`yicha talab etiladigan hamma ko`rsatkichlar, xususan, tayyorlangan vaqti va saqlash muddati ko`rsatiladi. 2⁰ C dan 12⁰ gacha haroratda, quyosh nuridan saqlanadi. Bunday ichimliklar 18 yoshdan kichik, homilador va emizikli ayollar keksa yoshdagi shaxslarga, asab tizimi, uyqusizlik, qandli diabet, yurak faoliyati hastaligiga chalingan shaxslarga va aretrial bosim yuqori bo`lgan hollarda tavsiya etilmaydi.

Bizning taklifimiz shundan iboratki tetiklashtiruvchi ichimliklar tarkibidagi moddalar, vitaminlar davlat standarti talablariga javob bermaydi. Ushbu ichimlik tarkibidagi moddalarning me`yordan 10-15 martadan oshirib yuborilgani tufayli inson organizmiga juda katta xavf tug`diradi. Biz bu ichimliklardagi moddalarni, vataminlarni O`zDST talablarida ko`rsatilgan miqdorlargacha ozaytirishni tavsiya qilamiz. Agar moddalarni miqdorlari ozaytirilsa, inson organizmiga zararsiz hisoblanadi va is`temolga yaroqli bo`ladi.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ҚЎШИЛМАЛАРИНИ МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Асқаров И.Р., Қирғизов Ш.М. Жўраев А.М., Хатамова Д*.

**Андижон давлат университети*

**Фарғона давлат университети*

Инсон ҳаёт фаолиятини меъёрида кечиши учун озиқ-овқат керак. Озиқ-овқат таркибида инсон ҳаётфаолияти учун зарур бўлган энергия, хужайра ва тўқималар учун керак бўлган оксил, ёғ, карбонсув, витаминлар ва керакли макро ва микроэлементлар мавжуд. Ушбу моддалар эса организмда борадиган биокимёвий жараёнларни нормал кечишига ёрдам беради. Республикамизда аҳоли сонини ортиб бориши ва фан ва техниканинг ривожланиши тufайли турли озиқ-овқат маҳсулотларининг янги турлари ишлаб чиқарилмоқда. Бундай озиқ-овқат маҳсулотлари қаторига кейинги йилларда кўплаб хорижда ва ўзимизда ишлаб чиқарилаётган ярим тайёр озиқ-овқатлар Роллтон, Магистр, Хот ланч, Бистро ва хоказоларни мисол қилиб келтишимиз мумкин. Шунингдек, аҳоли орасида кенг истеъмол қилинадиган колбаса маҳсулотлари, айниқса ёш болалар севиб истеъмол қиладиган шокалад маҳсулотлари, ёзнинг иссиқ кунларида аҳоли томонидан кенг севиб истеъмол қилинадиган газли чанқов босди ичимликлар Фанта, Кока-Кола, Аква ва бошқаларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Булардан ташқи хатто музқаймоқлар таркибида ҳам турли озиқ-овқат қўшилмалари мавжудлиги ҳақида кўплаб оммавий ахборот воситаларида хабарлар бериб борилмоқда.

Юқорида номлари келтирилган озиқ-овқатларни маркировкаларини ўқиб кўрсансангиз барчасида Е харфи ва ундан кейин келадиган учта рақамни кўрасиз. Кўпчилик Е харфини нимани билдириши ва сонларни нима эканлиги тушунмайди. Е харфи Европа сўзини бош харфидан олинган бўлиб кейинги сонлар эса қўшилган озиқ-овқат қўшилмалари қандай кимёвий модда эканлигини ва нима вазифани бажаришини кўрсатади. Яъни қўшилган озиқ-овқат қўшилмаси таъм берувчи, хид берувчи, ранг берувчи, антиоксидант ва бошқа хусусиятларни намоён қилади. Дастлаб озиқ-овқат қўшилмалари дунё бўйича кенг кўламда озиқ-овқатларга қўшиб келинди. Кейинчалик маълум бўлдики айрим озиқ-овқат қўшилмалари инсон ҳаётига жиддий ҳавф солиши аниқланди. Бир қанча тортишувлар ва изланишлар натижасида учта озиқ-овқат қўшилмаси амалиётда кўлланилиши тақиқланди. Булар Е-121-цитрусли қизил бўёқ-2, Е-123-амарант бўёғи ва Е-240-формальдегид консерванти. Ушбу буёқ моддалар ширин газли ичимликларда, рангли музқаймоқларда, компотларда, киёмларда, шарбатларда, кўплаб импорт қилинадиган батончикли шокаладларда ишлатилиб келинган. Кейинчалик ушбу рўйхатга Россия давлати томонидан яъна иккита кимёвий модда Е-216-пара-гидроксibenзой кислотасининг пропил эфири ва Е-217-пара-гидроксibenзой кислотаси пропил эфирининг натрийли тузи. Ушбу қўшилмалар конфетлар, начинкали шокаладлар, бульонлар, гўшт маҳсулотларини тайёрлашда кенг

микёсда ишлатилган. Бу моддалар организмда ҳавфли ўсма касалликларини келиб чиқишига сабаб бўлиши аниқланган.

Қисқаси савол туғилиши мумкин бу рақамлар нимани белгилайди:

Е-100-дан Е-182 гача ранг берувчи ва рангни кучайтирувчи озиқ-овқат қўшилмалари.

Е-200-дан Е-299 гача консервант моддалар бўлиб маҳсулотларни сақлаш муддатини узайтиришга ёрдам беради. Шунингдек, шу гуруҳга кимёвий стерилловчи ва дезинфекцияовчи моддалар ҳам киритилган.

Е-300-дан Е-399 гача антиоксидловчи моддалар яъни мева ва сабзавотларни таркибидаги ёғларни тахирлашиб қолишидан сақланишга ёрдам берадиган озиқ-овқат қўшилмалари.

Е-400-дан Е-499 гача стабилизаторлар, қуюқлаштирувчилар, эмульгатор моддалар группаси критилган. Бу озиқ-овқат қўшилмалари маҳсулотларни қовушқоқлигини ошишига ёрдам беради.

Е-500-дан Е-599 гача маҳсулотларни рН муҳитини ушлаб турувчи моддалар яъни озиқ-овқат қўшилмалари киради.

Е-600-дан Е-699 гача тайёрланган маҳсулотларни таъминини ва хидини кучайтирувчи ароматизатор моддалар яъни қўшилмалари киритилган.

Е-900-дан Е-999 гача маҳсулотни кўпиклашиш жараёнини сусайтириб турувчи кимёвий моддалар яъни озиқ-овқат қўшилмалари киритилган.

Е-1000-дан Е-1521-гача қолган барча турдаги қўшилмалар киритилган бўлиб улар ҳам ўзига хос вазифаларни бажаришади. Масалан, ширинлаштирувчи ва хоказо озиқ-овқат қўшилмаларидир.

Е-700-дан Е-899 гача бўлган рақамлар келгусида кашф этиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари қўшилмалари учун ажратилган бўлиб ҳозирги кунда амалда қўлланилмайди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, кўплаб озиқ-овқат қўшилмалари ҳақида тўла маълумотлар йўқ. Хатто республикаимизга олиб кирилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги озиқ-овқат қўшилмаларини аниқлаш методикалари маълум эмас. Шунингдек, ушбу озиқ-овқат маҳсулотларини таркибидаги қўшилмаларини қайсилари зарарсиз ёки инсон организмда турли касалликларни келтириб чақиши мумкинлиги ҳақида тўла маълумотлар йўқ.

Барчага маълумки дунё тиббиётнинг асосчилари Ибн Сино, Ар-Розий каби алломалар бизнинг заманимиздан етишиб чиққанлар. Улар турли хасталикларни даъволашда асосан табиатдаги экологик тоза зарарсиз ўсимлик моддаларидан фойдаланиб келишган ва юксак натижаларга эришган. Улар қўллаган дори воситалари ҳозирги кунгача ўзини аҳамиятини йўқотмаган.

Бугунги кунда ҳам буюк ўтмишдошларимизни табабатдаги ишларини давом эттираётган ватанимиз олимлари ва табиблари ҳар йили янгидан янги озиқ-овқат қўшилмаларини яратиб келишмоқда. Бунга мисол қилиб 2017 йилда ташкил этилган “Ўзбекистон тиббий-илмий фаолият билан шуғулланувчилар академиси” профессор ва табиблари томонидан олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор. Айниқса кимё фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализар И.Р.Асқаров томонидан яратилган янги озиқ-овқат қўшилмалари диққатга завордир. Улар томонидан яратилган “Шифои Марҳабохон”, “Шифои Босим”, “Алкоман”, “Асқов”, “Аскальций” кабиларни мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин. Ушбу озиқ-овқат қўшилмалари юқоридаги рақамлари кўрсатилганларидан фарқи равишда олимларимиз томонидан яратилган бўлиб, бу қўшилмаларни инсон ҳаёт фаолиятига салбий кўрсатувчи ҳеч қандай таъсирлари йўқ. Янги озиқ-овқат қўшилмалари фақат турли хасталикларни даволашда ижобий таъсир кўрсатадиган бирикмалардир ва айни кунларда турли хасталикларни даволашда самарали восита сифатида фойдаланиб келинмоқда.

Ҳозирги кунда “Ўзбекистон тиббий-илмий фаолият билан шуғулланувчилар академиси” профессорлари ва табиблари томонидан инсонларни турли хасталикларига шифо бўлувчи ва инсон ҳаёт фаолиятига салбий таъсири хоссалари йўқ озиқ-овқат қўшилмаларини

яратиш устида шуғулланишмоқда. Ушбу академия ходимлари томонидан келгусида шифобахш хусусиятга эга бўлган янги озик-овқат қўшилмалари яратиш ва амалиётга жорий этиш устида илмий-ижодий изланишлар олиб борадиган истедодли профессорлар ҳамда табибларлари янги академияга жалб қилинмоқда. Яқин орада янгидан янги озик-овқат қўшилмалари яратилиши ва турли оғир хасталикларни давоси топилишига гувоҳ бўламиз деган умиддамиз..

Шунингдек, Андижон давлат университети кимё кафедрасида ташкил этилган “Товарлар кимёси” илмий лабораториясида илмий-изланувчи тадқиқотчилар озик-овқат қўшилмалари ва уларни тахлил этиш устида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

ТИББИЁТДА ИШЛАТИЛАДИГАН АЙРИМ ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИНИ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ АСОСИДА СИНФЛАШ

Асқаров И.Р., Жўраев А.М., Киргизов Ш.М., Акбарова М.

Андижон давлат университети

Маълумки, кимё фанлари XVII – XX асрларда асосан Европа ва Америка қитъаси олимлари томонидан очилган. Кимё фанларини очилишида жумладан, россияликлар (5 та), англияликлар (3 та), францияликлар ва швецияликлар (2 тадан), италияликлар, германияликлар, австрияликлар, голландияликлар (1 тадан) ва америкалик олимлар (3 та) иштирок этишган.

1997 йилгача Осиё, Африка ва Австрали қитъасидаги олимлар томонидан кимё фанлари очилмаган. Шу йили Ўзбекистонлик олимлар профессор И.Р.Асқаров ва академик Т.Т.Рисқиевлар томонидан “Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш” (ҳозирги кунда “Товарлар кимёси”) кимё фанлари ичида 20-фан бўлиб очилди, Эътиборли томони шундаки, бу фан бўйича дунёда биринчи техника фанлари номзоди ва техника фанлари доктори ҳамда кимё фани бўйича фалсафа докторлари Ўзбекистондан етишиб чикди. Ҳозирги кунда ушбу фан асосида дунёнинг кўплаб мамлакатларида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Инсонлар каби ҳам барча тирик жонзодлар ҳам ҳаёт фаолияти давомида дори-дармон воситаларига мурожаат қилишади. Одамларни соғлиғини сақлашда дори воситаларининг ўрни бекиёсдир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 25 майдаги 181-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона кўмитасининг 1999 йил 9 октябрдаги 115-сонли кўрсатмасига биноан Республика ҳудудига олиб кирилаётган ва олиб чиқиб кетилаётган тиббий техника буюмлари ва дори-дармон воситалари божхона органлари ходимлари томонидан назоратдан ўтказилади.

Уларни назорат қилиш экспорт ва импорт қилишда амалга оширилади. Бу жараёнда эса Ташқи Иқтисодий Фаолиятдаги Товарлар Номенклатураси (ТИФ ТН) алоҳида аҳамият касб этади. ТИФ ТН код рақами тўғри аниқлашда уларни кимёвий таркиби асосида ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Бу эса товарлардан бож, акциз солиғи, қўшимча қиймат солиғи ва божхона йиғимларини тўғри ундирилишининг асосини ташкил этади ҳамда республика фискал сиёсатини тўғри олиб борилдишига сабаб бўлади [1].

Ўзбекистон Республикасининг дори-дармон воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги қонунларга асосан юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон ҳудудига олиб кирилаётган дори-дармон воситалари ва тиббий техника буюмлари божхона расмийлаштирувидан ўтаётганида республика ҳудудига сотишга рухсат этилган дори-воситалари ва тиббий техника буюмларини рўйхатга олиш Давлат реестрига мувофиқ амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Дори-дармон воситалари Давлат реестрида рўйхатга олинмаган бўлса, улар “Дори воситалари ва тиббий техника буюмларини сифатини назорат қилиш бош бошқармаси” нинг рухсати билан ёки Давлат реестрида рўйхатга олингандан сўнг амалга оширилади.

Ҳозирги вақтда ҳар хил хасталикларни даволаш мақсадида замонавий тиббиёт воситалари билан бир қаторда таботатда ишлатиладиган ўсимликлардан олинадиган воситаларни қўллаш борасида Ўзбекистон тиббий фаолият билан шуғулланувчилар Академияси ташкил этилган бўлиб, замонавий тиббиёт ва халқ таботатини илғор усулларини инсон саломатлигини сақлаш мақсадида қўллаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўсимликлардан олинадиган дори-дармонлар таркиби жиҳатдан табиий восита бўлганлиги учун организмда сингиши ва дори воситаси сифатида таъсири юқори бўлганлигини этиборга олган ҳолда тиббиёт амалиётида кенг қўлланмоқда.

Юқоридагиларни этиборга олган ҳолда ўсимликлардан олинадиган айрим дори воситаларини хусусан юрак қон-томир системаси хасталикларини даволашда бошқа касалликларни даволашга нисбатан кўпроқ фойдаланилгани учун ТИФ ТН бўйича уларни синфлашда қулайлик яратиш мақсадида кимёвий таркиби асосида қуйидагича классификациялашни таклиф қиламиз [2].

Жадвал № 1

Тиббиётда қўлланиладиган айрим ўсимликлардан олинадиган дори воситаларини тиф тн бўйича синфлаш

Амалдаги ТИФ ТН бўйича		Таклиф этилаётган ТИФ ТН бўйича	
Код рақами	Позиция номи	Код рақами	Позиция номи
3004 90 000	– бошқалар		
	– – эркин савдо учун қадоқланган		
3004 90 000 1	– – – таркибида йод ёки йод бирикмаси тутувчи		
3004 90 000 2	– – – – бошқалар	3004 90 000 3	– – – юрак қон-томир хасталикларида қўлланиладиган таркибида гликозит тутган
		3004 90 000 4	– – – юрак қон-томир хасталикларида қўлланиладиган таркибида гликозит тутмаган
	– – бошқалар		
3004 90 000 5	– – – таркибида йод ёки йод бирикмаси тутувчи		
	– – – – бошқалар		
3004 90 000 6	– – – – асосий таъсир этувчи модда сифатида фақат; ацетилсалицил кислота ёки парацетамол ёки рибоксин (инозин) ёки поливинилпирралидон тутувчи		
3004 90 000 9	– – – – – бошқалар		

Бу эса ушбу дори-дармонларни экспорт-импорт жараёнида амалга оширилаётган ишларни соддалаштиради, жараёнга сарфланадиган вақтларни тежалишига ҳамда божхона экспертизасини ва тўғри синфланишини таъминлайди деган фикрдамиз.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ МУАММОЛАРИ ВА УНИ ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Н.Х. Кобилова, Г.Қ. Тўхтамишова

*Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти
Гулистон давлат университети*

Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларнинг ассортименти кенгайтириш ва инсониятни унга бўлган эҳтиёжини қондириш, бутун дунё аҳолисини ортиб бориши билан долзарб муаммолардан бири бўлиб келмоқда. қолаверса, жаҳон молиявий инкирози даврида, озиқ-овқат саноати хом ашёси қимматлиги ва ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бир қанча муаммоларни келтириб чиқарди.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш аҳоли саломатлигини сақлашда муҳим аҳамиятга эга. Озиқ-овқат хавфсизлиги бу иқтисодиётнинг шундай ҳолати, бунда жаҳон бозорлари тебранишларидан қатъий назар бир томондан, илмий асосланган кўрсаткичларга мос миқдорларда, иккинчи томондан тиббий меъёрлар даражасида истеъмолни қондириш учун шарт-шароит яратилган ҳолда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш кафолатланади. Озиқ-овқат етишмаслиги шундай вазиятки, аҳоли меъёрда ўсиш, ривожланиш ҳамда фаол турмуш тарзи учун зарур бўлган хавфсиз ва тўйимли озиқ-овқатларни етарли миқдорда ололмади. Озиқ-овқат етишмовчилиги ёки озиқ-овқат хавфсизлиги даражаси пастлиги аҳоли орасида қониқарсиз озиқланишга олиб келиб, у ўз навбатида одамлар, оилалар ва бутун халқ учун жиддий ҳамда жуда кўп салбий оқибатларга олиб келади. **Шу сабабли ҳам республикамизда сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.** Ўзбекистонда аҳолининг озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларни тўла қондириш, озиқ-овқат бозоридаги барқарорликни таъминлаш йўлида фаолият юритадиган аграр соҳасида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасидаги ҳам хусусан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширган ҳолда аҳолимизни сифатли гўшт, тухум, сут ва сут маҳсулотлари ва шу турдаги бир қанча маҳсулотлар билан таъминлашга қаратилган ислохотларни янада чуқурлаштириш масаласига катта эътибор қаратилмоқда.

Озиқ-овқат хавфсизлиги мамлакат аҳолисининг асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли даражада ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда таъминланишини, импортга боғлиқликни минимум даражасига эришишни ифодалайди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг дон мустақиллиги ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун қишлоқ аҳолиси томорқа майдонларини кенгайтириш ва янгиларини ажратиб бериш ва қишлоқ хўжалиги экинлари таркибини қайта кўриб чиқиш йўналишда чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу сай ҳаракатлар ҳозирги кунда ўз натижасини яққол кўрсатмоқда. Бугунги кунда аҳолимизнинг ўзи ҳам сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришда етакчилик қилмоқда хусусан ҳар бир хонадон ўз томорқаларидан оқилона фойдаланиш натижасида аҳоли эҳтиёжи учун экологик тоза маҳсулотлар етиштиришмоқда.

Хулоса шифатида шуни таъкидлаш лозимки озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш куйидаги муҳим вазифаларни давлат томонидан амалга оширишни тақозо этади:

1. Барқарор иқтисодий шароитни яратиш;
2. Самарали аграр сиёсатни олиб бориш;
3. Барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг имкониятларни яратиш;
4. Аҳоли бандлиги соҳасида самарали сиёсатни олиб бориш;
5. Озиқ-овқатга эга бўлишда тенгсизлик ва қашшоқликни бартараф этишга йўналтирилган ижтимоий сиёсатни олиб бориш;

6. Озиқ-овқат маҳсулотларини турли-туман, барқарор ва интенсив ишлаб чиқаришга эришиш, унинг самарадорлигини ошириш;
7. Хомашё ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашда илғор технологияларни жорий этишга кўмаклашиш;
8. Худудларни хомашё ва озиқ-овқат маҳсулоти билан ўзини таъминлаш ва халқаро меҳнат тақсимоти афзалликлардан самарали фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалигини жойлаштириш ва ихтисослаштиришни такомиллаштириш;
9. Фаол ташқи иқтисодий сиёсатни олиб бориш, экспорт-импорт фаолиятини оптималлаштириш;
10. Аграр секторни инвестициялаш.

МЕВАЛАРНИНГ ФИЗИК ХОССАЛАРИ ВА УЛАРНИ САҚЛАШ ДАВРИДАГИ ЎЗГАРИШИНИНГ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ

Эрматов В., Умиров Н.

Гулистон давлат университети

Ҳозирги қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган изчил илмий-иқтисодий ислохатлар аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондириши ва шу билан бир пайитда бугунги куннинг энг катта муоммоларидан бири бўлган озиқ овқат хавфсизлигининг олдини олиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Сўнги йилларда мева ва сабзавотларни етиштириш уларни сақлаш ва ўз вақтида қайта ишлаш мақсадида бир қатор қонунлар ва фармойишлар қабул қилинмоқда.

Бунга 2008 йил октябр ойидаги “Пахта экин далаларини қисқартирилиши билан мева-помидорлар ва узумни ривожлантиришга” қаратилган Вазирлар Маҳкамасининг Қарори Республикамизда ҳар йили аҳоли сонини ўсиб бораётганлигини эътиборга олган ҳолда уларни ўз вақтида озиқ овқат маҳсулотлари билан таъминлаш кўзда тутилган.

Ўрта Осиё маҳаллий боғбонлар кўп йиллардан бери боғдорчилик билан шуғулланиб келганлари сабабли, меванинг кўпгина навларини яратишга мувоффиқ бўлинди. Ўрик, ёнғоқ, шафтоли, анор, бодом каби меваларнинг маҳаллий навлари кўп яратилди, уларнинг айримларининг ҳосилдорлиги, сифати ва маҳаллий иқлим шароитига мослашувчанлиги, касаллик ва зарарқундаларга, қурғоқчиликка чидамлилиги билан фарққилади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик худудларини барқарор ривожлантириш бўйича Гулистон давлат университетига бўлиб ўтган илмий-амалий семинарда Руминиялик мутахасис Июлиана Григори шундай таклифни илгари сурди “Ўзбекистондаги мавжуд мевали дарахтларни чет давлатлардан кириб келаётган гибрид навларга алмаштирмаслик ва уларни кўпайтириш лозим”. Бундан ташқари Июлиана Григори ўзининг тажрибасида гибрид навлар вақт ўтиши билан ўзининг хусусиятларини йўқотиши баробарида инсон организмига салбий таъсир этишини ҳақида ҳам фикр билдириб ўтди.

Меваларни сақлаш жараёнида уларнинг физик хоссаларини билиш, сақлашда бу хоссалардан илмий асосда фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Меваларнинг физик хоссаларидан фойдаланиб, уларни қай мақсадда фойдаланишга қараб йиғиб-териш олиш ва ташиш ишларини ташкил этиш талаб этилади. Бунда йиғиштириш ва ташиш ишларига қўйиладиган агротехник талабларга риоя қилиш катта аҳамиятга эга.

Меваларнинг физик хоссаларига уларнинг сув буғлатиши, терлаши, иссиқлик хоссалари, механик пишиқлиги, тўкилувчанлиги, ўз-ўзидан сортларга ажралиши, ғовақлиги ва бошқалар кирилади.

Мевалар сақлаш жараёнида ўзининг таркибидаги сувни кўп миқдорда буғлатади, терлайди ва натижада сўлиб қолади. Буғланиш миқдори меванинг тури, нави, морфологик тузилиши ҳамда унинг кимёвий таркибига боғлиқ. Пўсти юпқа, пўстининг мум ғубори сидирилиб кетган, хужайра таркибида оксил ва коллоид моддалар кам бўлган, сувни сақлаб

қолиш хусусияти паст бўлган мевалар сувни тез буғлатади ва сўлийти. Сўлиган мевалар тез бузилади ва узоқ сақланмайди.

Ҳавонинг ҳарорати баланд, намлиги паст бўлиб, унинг омбордаги ҳаракати тез бўлса, буғланиш тезлиги ҳам шунчалик юқори бўлади. Майда мевалар йирик меваларга қараганда нисбатан сувни тез йўқотади.

Буғланиш тезлиги мевадаги сувнинг миқдорига ҳам боғлиқ. Агар мева теришдан олдин суғорилса терилган мевалар серсув бўлиб, сақлаш даврининг бошида таркибидаги сувни тез буғлатиб сўлиб қолади. Кўпинча уларда аччиқ моғор ҳосил бўлади, данакли меваларнинг данаги ёрилиб кетади. Теришдан олдин узоқ вақт сув ичмаган мевалар ҳам сақлаш вақтида сувни тез буғлатади ва сўлиб қолади. Буғланиш меваларда сувнинг тақсимланишига ҳам боғлиқ. Масалан, нокда сувнинг кўп қисми ҳужайра оралиғида жойлашган бўлади, шу сабабли у сувни тез буғлатади. Бунга асосий сабаб меваларнинг жадал нафас олиши ҳисобланади.

Мевалар сақланишининг дастлабки кунларида сувни жуда тез буғлатади, бунда мевалар таркибидаги эркин сувдан халос бўлади. Сўнгра буғланиш пасаяди, мева етилиши билан буғланиш кучаяди. Мева таркибидаги намликни сақлаб туриш мақсадида меваларни сақлаш даврида дастлабки етилиши ва меваларни сақлаш ҳароратига келтириб олиш катта аҳамиятга эга.

Мевалар идишга жойлашган ёки тўкма ҳолда қалин қилиб ва устидан ҳаво ўтиши учун очиқ жой қолдирилмай жойланганда улар терлай бошлайди. Яшиқ ёки уюм ўртасидаги ҳарорат одатда омбор ҳароратидан юқори бўлади. Шу сабабли юқори қаватдаги ёки ён томондаги мевалар терлайди. Бунда улар тез бузилади. Уларнинг сиртидаги намлик микроорганизмларнинг ривожланишига қулай шароит туғдиради.

Меваларни сақлаш учун сунъий усулда совутгичларда ва табиий усулда вентиляция ташқи ҳаво ёрдамида музлатилади. Меваларнинг музлаши 0,5 дан 3°C гача юз беради. Меваларнинг музлаш ҳарорати улар таркибидаги сувнинг миқдорига боғлиқ.

Мевалар қанчалик тез совитилса зарарли микроорганизмларнинг ривожланиши ва биокимёвий жараёнлар секинлашади, натижада маҳсулотнинг сақланиш муддати ошади ва нобудгарчилик камаёди. Музлатишда мева ва сабзавотлар таркибидаги сув турли муддатларда музлайди. Аввало эркин сув, яъни ҳужайра оралиғидаги сув кейин эса ҳужайра таркибидаги сув музлайди. Кичик идишлардаги ва тўкма қилиб жойланган мевалар, ҳажми кичик мевалар одатда тез музлайди.

Кўпинча қаттиқ музлатиш натижасида ҳужайраларнинг сувсизланиб қолиши, оксиллар ва плазманинг ҳамда бошқа коллоид моддаларнинг қайтарилмайдиган коагуляцияси натижасида мевалар нобуд бўлади. Механик шикастланган мевалар уларнинг совуқдан нобуд бўлишини кучайтиради.

Меваларнинг иссиқлик хоссалари ҳам уларни сақлашда муҳим аҳамиятга эга. Улар иссиқликни ва ҳароратни ёмон ўтказиши билан характерланади. Шу сабабли ҳамда ғоваклиги катта бўлганлиги учун улар жуда секинлик билан совийди ва исийди.

Меваларнинг иссиқлик ва ҳарорат ўтказувчанлиги ёмон бўлганлиги учун омборларда ўз-ўзидан қизиш жараёни пайдо бўлади ва натижада сақланаётган маҳсулотнинг бир қисми йўқотилади.

Омборлардаги ҳавонинг ҳарорати, намлиги мева ва сабзавотларни сақлашда уларнинг иссиқлик ажратиш чиқариш тезлигига боғлиқ. Мева ва сабза-вотларнинг иссиқлик ажратиш чиқариш хусусияти нафас олиш тезлигига боғлиқ, у ажралиб чиқадиган карбонат ангидрид миқдорига қараб ҳисоб қилинади.

Меваларнинг таркибида сув кўп бўлганлиги сабабли уларнинг иссиқлик сиғими баланд. Одатда меваларнинг иссиқлик сиғимини ҳисоблашда ундаги сувнинг миқдори ҳисобга олинади.

Меваларнинг иссиқлик сиғимини ва ундан ажралиб чиққан иссиқлик миқдорини билган ҳолда омбордаги маҳсулотнинг ҳарорати қанчалик ошганлигини ҳисоблаш мумкин. Ҳозирги замонавий омборлар маҳсус термодатчиклар билан жиҳозланган бўлиб улар

сақланаётган маҳсулотларни жуда кичик миқдордаги хароратининг ўзгаришини ҳам инобатга олиб маҳсус кондеционерларга хабар бериб огоҳлантиради.

Меваларни омборларга жойлаштиришда уларнинг механик пишиқлиги асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Меваларнинг механик пишиқлиги деганда уларнинг бир см² га таъсир кўрсатадиган солиштира қаршилиги тушунилади ва кг/см² билан ўлчанади. Меваларнинг солиштира қаршилиги уларнинг бир қатор хоссаларига, структурасининг пишиқлигига, қаттиқлигига, оғирлигига ва ўлчамларига боғлиқ.

Тўкилувчанлик хусусияти ҳам меваларни сақлашда маълум аҳамият касб этади. Улар турли хил шаклда ва ўлчамда бўлганлиги учун уларнинг тўкилувчанлиги паст бўлади. Омборларга жойлашда бурчагининг қиялиги 40-50⁰ дан ортиқ бўлгандагина улар сирпаниб тушади. Одатда меваларни бир жойдан иккинчи жойга кўчиришда транспорт ленталарининг нишаблик бурчагини сирпаниш бурчагидан кичик қилиб жойлаштирилиши лозим.

Мева омборларини машина ва механизмлар ёрдамида тўлдиришда ўз-ўзидан сараланиш кузатилади. Бунда маҳсулотнинг катталари уюмнинг ўртасига, кичик ўлчамдагилари эса уюм атрофига тўдаланади. Бундай тўдаланиш улар орасидан ҳаво ўтиши ва уюм орасида ҳаво алмашинувига салбий таъсир кўрсатади.

Маҳсулотларни ўз-ўзидан сараланишининг олдини олиш учун уларни ўлчамларига қараб сортларга ажратиш ва калибровка ўтказиш муҳим ҳисобланади. Бунда маҳсулотларни тупроқ, қум ва бошқа ифлосликлардан ҳам тозалаш лозим.

Сақлаш давомида маҳсулотлар орасида ҳавонинг алмашинуви уларнинг ғоваклигига боғлиқ. Мева ва сабзавотларнинг 1 м³ уюмидаги тешиқларнинг миқдори уларнинг ғоваклиги деб юритилади. Одатда ғоваклик 30 дан 50 фоизгача бўлади. Мева уюмидаги ғовакликларидан сақлаш даврида самарали фойдаланишда омборларда қўлланиладиган жиҳозлардан унумли фойдаланиш катта аҳамиятга эга.

УН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА ДОНЛАРГА ГИДРОТЕРМИК ИШЛОВ БЕРИШ УСУЛЛАРИ

Г.Қ.Тўхтамишева, А.О.Алимов

Гулистон давлат университети.

Республикада дон мустақиллигига эришгандан кейин унни сақлаш ва қайта ишлаш ҳамда аҳолини юқори сифатли навли унга бўлган эҳтиёжини таъминлаш долзарб бўлиб келмоқда. Аҳолини сифатли ун ва макарон маҳсулотларига эҳтиёжи ошиши сабабли Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил №376 сонли қарорида маҳаллий бугдой донларидан навли ун олиш ва 2007 йил 12 феврал №1 сонли қарорида донни қайта ишловчи корхоналарни модернизация қилиш ва импорт ўрнини босувчи рақобатбардош ун ишлаб чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу эса маҳаллий бугдой донларидан юқори сифатли навли ун тортишни олимлар олдига долзарб вазифалар бўлиб келмоқда. Тегирмонда гидротермик ишлов беришнинг асосий мақсади донни бошланғич технологик хоссаларини йуналтирилган ҳолда белгиланган ўлчамда ўзгартириб, функционал хоссаларни оптимал кўрсаткичларда бошқаришдир.

Ишлаб чиқаришга келаётган доннинг эндоспермаси ва кобикларини структурали-механик хоссаларини фарқи жуда кам булиши, яъни майдалашда яхлит бир жисм сифатида майдаланиши урганилган. Майдаланган доннинг анотомик қисмларини алоҳида қисмларга ажратиш жуда кийин бўлиб, тортилган уннинг сифати паст бўлади. Гидротермик ишлов беришда асосан донни кобиғи ва эндоспермасининг хусусиятларини фарқини кучайтиришга ҳаракат қилинади. Доннинг технологик хоссаларини ўзгартириш даражаси гидротермик ишлов беришнинг аниқ усуллари ва донни сув билан ўзаро ҳаракатини алоҳидалиги билан аниқланади.

Бугдой донидан навли ун тортишда гидротермик ишлов беришнинг бир нечта усули мавжуд булиб, махаллий бугдой донларидан навли ун тортишда Республикамиз тегирмонларда оддий усули келинмоқда.

Махаллий бугдой донларидан навли ун тортишда гидротермик ишлов бериш жараёнини такомиллаштириш учун донларнинг гигроскопик хусусиятларини тадқиқ этиш долзарб муаммодир.

Сувни мустаҳкам саклаш ва уни йўқолишини олдини олиш доннинг кейинги уруғ қобиғи, алейрон қатлами ва муртакни юкори гидрофиллиги оркали таъминланши ўрганилган. Бу жараёни тезлаштириш учун ташқи босимни ошириш ёки сувнинг сирт таранглигини тушириш оркали бажарилиши назарий асосланган. Махаллий бугдой донларидан навли ун тортишда ушбу жараёнлар ўрганилман.

Ҳозирги кунда кичик ва ўрта қувватли тегирмонларнинг донни ун тортишга тайёрлаш бўлимида гидротермик ишлов бериш жараёни учун катта майдон талаб қилиниши бир қанча мураккабликларни келтириб чиқармоқда.

Эндоспермада майда ёриқларни кўринмай қолиши, намланган оксил матрицалари ҳажмининг кенгайиши, шунингдек, крахмал хужайраларининг ҳажмини ҳам қисман кенгайиши билан боғлиқлиги билан тушунтирилган. Донларга гидротермик ишлов беришда уларнинг структуралӣ-механик хусусиятлари намликка боғлиқ ҳолда тажриба йўли билан ўрганилди.

Буни аниқлашдан мақсад намликнинг технологик қийматини аниқлаш, яъни намликнинг қайси қийматида тажриба учун олинган бугдой донларни майдалаш учун кам куч сарфланиши ва уларнинг реологик хусусиятлари майдалаш учун мойиллигини тадқиқ этишдир.

Донга гидротермик ишлов бериш жараёнида намлик ва иссиқликни доннинг структуралӣ-механик хоссаларига таъсири илмий-тадқиқот хулосаларидан маълум бўлдики, доннинг тури, етиштирилган ҳудуди ва физик-кимёвий хоссалари боғлиқ ҳолда ўзгариши аниқланган.

Намликка боғлиқ ҳолда мустаҳкамлик чегарасини ўзгариш қонуниятини ўрнатилди, жумладан, белгиланган ораликларда намликнинг ошишида мустаҳкамлик чегарасини жадал тушиб бориши аниқланди.

Хулосалар шуни кўрсатадики бугдой донининг мустаҳкамлик чегараси 14,5-15% намликда минимал қийматга эга бўлиши назарий ва тажрибавий йўллар билан аниқланди. Дон намлиги 15,5% ошиши билан унинг пластик деформацияланиши кузатилди ҳамда майдалаш ва саралаш жараёнларида энергия сарфини ортиши тадқиқ қилинди.

Адабиётлар

1. Каримов И. А. Мировой финансово-экономический кризис, пути и меры по его преодолению в условиях Узбекистана. - Ташкент: «Узбекистан», 2009.
2. Равшанов С.С., Турсунходжаев П.М., Хусанов И.Н. Влияние влажности на предел прочности зерна пшеницы и его модель напряженно деформационного состояния//Журнал Химия и химическая технология. -Ташкент, 2008.- № 3.
3. Егоров Г.А., Мельников Е.М., Максимчук Б.М. Технология муки, крупы и комбикорма. М.: Колос, 1984.

АНОР ШАРБАТИНИНГ ТАРКИБИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

А.Узайдуллаев

Гулистон давлат университети

Қандолатчилик корхоналарида қайнатилган анор шарбатига қанд қўшиб олинган сиропдан фойдаланилади. Анор мусида лимон ва олма кислотаси, қанд, шунингдек олтингургурт, хлорли ва бошқа тузлар, кальций, калий, натрий, фосфатлар, марганец, магний мавжуд.

Ибн Сино (980-1037) ғунча ва гулларнинг барглари қон оқишини тўхтатиш мақсадида, томоқ касалликлари, иситмани пасайтирувчи восита сифатида дизентерияда фойдаланишни маслаҳат қилади. Анор шарбатини иситмани тушириш, чанқокни қондириш мақсадида қўллашади. У сабзи ва лавлаги шарбати билан мос келади, бундай мувофиқлик ҳомиладорлик даврида айниқса фойдали. Шакарли қиём билан анор шарбати қонни кўпайтириш учун яхши восита саналади. Анорнинг даво хусусиятлари турли ферментлар фаолияти учун зарур марганецнинг кўп миқдордалиги билан белгиланади.

Замонавий фитотерапевтлар шамоллашда, ўткир ва хроник колит, диареяда кунига уч маҳал анор мевасини истеъмол қилишни маслаҳат беришади. Тоза ёхуд консерваланган шарбатни юрак аритмияси, асцит, астросклероз, нурланиш касалликлари, зарарли гепатитда, сафро ҳайдаш воситаси сифатида иштаҳани очиш, шишлар борлигида қон ивишини ошириш учун кунига 3-4 маҳал овқатдан 20 минут олдин қабул қилиш тавсия қилинади.

Анор шарбатидан тайёрланган бироз алкоғолли ичмиликлар жуда хушхўр бўлади. Анор донлари таркибида 35,02% сув, 1,54% кул, 6,85% ёғ, 12,64% крахмал, 9,38% оксил ва 22,41% тола мавжуд. Анор уруғлари таркибида 6,6% сув, 20,8% ёғ, 20% крахмал, 34% клетчатка ва 10% азотли моддалар бўлади.

Анор уруғларидан мой ва чорва уни тайёрланади. Анор меваси пўчоғидан ошлаш ва бўяш корхоналарида фойдаланилади. Улар энг юқори навли чармларни ошловчи модда ҳисобланади. Янги анор пўчоғи таркибида 56,16% сув, 39,2% кул (мутлақо қуруқ модда), 28,38% ошловчи моддалар бўлади. Унинг пўчоғидан жун ва зиғир толали буюмларни, ипларни бўяшда, сиёҳлар тайёрлашда, шунингдек жун ва пахта буюмни бўяш учун ўсимлик бўёғи сифатида ҳам фойдаланилади. Гулларидан кизил рангли газламалар, сиёҳлар учун кизил бўёқлар тайёрланади.

Анор мевасининг истеъмолга яроқли қисмининг энергетик қиймати 63 -78 калорияни, 100 мл шарбатида эса 44 – 64 калорияни ташкил этади. Мевада 1,6% оксил, 0,1- 0,7 % ёғ, 0,2-5,1 клетчатка, 0,5-0,7% кул мавжуд. Анор меваси 38,8-63,4% шарбат, 27,8-51,7% пўсти ва 7,2-22,1% уруғлардан иборат. Ҳиндистонда етиштирилладиган энг олий маданий анор навларидаги истеъмолга яроқли қисми 68%, шарбат 78,5-84,2%ни ташкил этади. Шарбатнинг ранги турли навларда очпуштидан тортиб тўққизилгача турлича бўлади.

Анор шарбатида 12,4-23,2% қуруқ моддалар мавжуд. Меваларнинг этдаги шарбати миқдори (% ҳисобида) қуриштириш йўли билан аниқланган қуруқ модда ёки мева ва шарбатдаги кислота нисбатига қараб ҳисобланади:

$$c = a1/a2,$$

бунда: $a1$, $a2$ - мева ва ундан олинган шарбат таркибидаги қуруқ модда (ёки кислота) миқдори, %.

Мева пўстлоғидаги кичик дефектлар (доғлар, қуёшда қуйган қисмлар, зарарланган тўқималар), меванинг ўлчам ва шакли маҳсулот сифатига таъсир кўрсатмайди.

Қуруқ массанинг асосий таркибий қисмларига шакарни киритса бўлади, унинг таркиби худудларга қараб фарқланади:

- Ўрта Осиёда 8-20%,
- Грузияда 13,5-17,5%,
- Қримда 14-20%,
- АҚШда ўртача 11,6%ни ташкил қилади.

Шакарнинг таркибига глюкоза, фруктоза, ва кам миқдорда сахароза киради. Айрим навларининг шарбатида сахароза аниқланмаган.

Органик кислоталарнинг мавжудлиги анор шарбати сифат кўрсаткичини белгилайди: Ўрта Осиё анорларида 0,2-0,9%миқдорида, Кавказда эса 1,7-2,6% миқдорда. Таркибида лимон кислотаси 2,4%гачани ташкил қилади, вино, олма, қахрабо, шунингдек, борат (кристалл шаклидаги кимёвий бирикма) кислотаси ҳам мавжуд. Ҳинд навларида 0,14% шовул кислотаси аниқланган.

Анор шарбатининг тахирлиги тери ошловчи моддалар борлиги билан белгиланади, уларнинг таркиби нави ва ўсиш ҳудудига кўра ўзгаради. Пўстдаги тери ошловчи моддаларнинг миқдори аҳамиятли – маданий навларда 6,3 дан 11,8%гача, ёввойи навларида эса 35% миқдорда.

Шарбат витамин Р фаоллигига эга бўлган фенол бирикмаларга бой бўлиб, умумий миқдори 1%гача етиши мумкин. Улар орасида шарбат ва пўстиинг рангини ташкил қилувчи антоциан муҳим аҳамият касб этади. Шарбатда шунингдек, лейкоантоциан ҳамда катехинларнинг кўп бўлмаган миқдори мавжуд.

Шарбатнинг витаминли комплекси таркибига С(8,7 мгдан 100г гача), В1 (0,004-0,36 мгдан 100 граммгача), В2 (0,032 мгдан 100 граммгача) витаминлар тақдим этилган.

Шарбат таркибига биологик фаол фенолкарбон кислоталари: хлороген, неохлаороген, п-кумаров, протокатех кислоталари. Пўстида галл ва элагт кислоталари аниқланган.

Шарбатдаги пектин моддалар кам миқдорда аниқланган, бироқ пўстидаги миқдори 6%дан юқори. Шарбатдаги оксил миқдори 0,2% ни ташкил этади. 15 та аминокислоталар аниқланган бўлиб, улардан 6 тасини ўрнини босиб бўлмайди.

Шарбатда минерал моддалар – 0,2%, пўстида 0,9%. Уларга қуйидагилар киради: кальций(3 – 10 мгдан 100г гача), фосфор (8-70 мгдан 100г гача), темир (0,3 мгдан 100г гача), калий (133 мгдан 100г гача), натрий (1 – 7 мгдан 100г гача), магний (12 мгдан 100г гача), шунингдек, марганец, кремний, мис, олтингурут, хром, алюминий, никель, литий.

Пўстида Р фаол моддаларининг умумий миқдори 3,62%ни , ички пардасида- 2,5%ни ташкил этади. Улар орасида катехинларнинг кўп миқдори мавжуд: пўстида 0,82-2,12%, ички пардасида – 0,25 – 0,50%гача. С витамини 20,7дан 193,0мг, 100ггача миқдорда.

Пўстида целлюлоза(15-16%) ва гемицеллюлоза(7 – 8%), кўп миқдорда тери ошловчи моддалардан таркиб топган.

Анор уруғларининг таркибига целлюлоза – 22,4%, крахмал – 12,6%, азот моддалар – 3,4%, кул – 1,54% киради. Ёғ 20%дан ошади.

Қизил тўқ сариқ анор уруғи мойи олий сифатли маҳсулот саналади. Унинг ўрнини босиб бўлмайдиган тўйинмаган кислоталарга (67% атрофида) бой. Е витамини борлигига кўра буғдой куртакларига тенглаша олади.

Барг, тоза илдизларда пелетиерин, изопелетиерин, метилпелетиерин, метилизопелетиерин ва псевдопелетиерин алкалоидлар топилган.

Дарахтининг барча қисмларида таннинлар мавжуд: қуруқ пўстида 26%гача, илдизида 28% гача, баргларида 11%гача таннинлар мавжуд.

Анор шарбати тиндирилган, этсиз, табиий ёки ширинлаштирилган бўлади. Табиий шарбат таркибида камида 10-12% қуруқ модда 1 бўлиши ва кислоталилиги 0,6-3,0% ни ташкил этиши керак; қанд қўшилган шарбатнинг қуруқ моддаси миқдори 15-17%, кислоталилиги 0,5-2,1% бўлиши керак. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон заводларида қанд ёки сироп қўшиб ширинлаштирилган анор шарбати ишлаб чиқарилмайди.

Яхши шарбат анорнинг нордон-ширин: Қизил Гулюша, Нозик-қобиқ, Мелес, Нор Олма, Қозоқи анор навларидан ишлаб чиқарилади.

Анор шарбатининг таркиби биологик фаол моддалар - сувда эрувчан полифенолларга (0,2-1,0%) бой ва анти микроб хусусиятларга эга. Унда 100 гда мг ҳисобида қуйидагилар мавжуд: антотсианлар 350-750; катехинлар 15-30; С витамини 5-10; В1 витамини 0,01-0,025; В2 витамини 0,03-0,3.

Анор шарбати сифатининг энг асосий кўрсаткичлари антотсианлар туфайли ҳосил бўлувчи ранг бўлиб, бу компонентнинг миқдори анор шарбатининг ҳар 100 гда 300 мгни ташкил этади.

ДОНДАН ЁРМА ОЛИШ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНИЛАРИНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

Эрматов В., Хўжакулов Ф., Худайбердиев Р.

Гулистон давлат университети

Ун ва ёрма сонсиз миқдордаги озуқа маҳсулотларини тайёрлаш учун асос бўлиб ҳисобланади. Уларни истеъмол қилиш натижасида инсон организми 30-50 % оқсилга ва 20-40 % турли зарур биологик моддаларга бўлган талабини қондиради. Озиқланиш нисбатида энг қимматлиси, таркибида озиқлантирувчи элементлари кўп бўлган ёрмалар ҳисобланади. Бундан ташқари ёрманинг таркибига қўшилган янчилган қобиклар ҳисобидан толасимон моддалар бўлиб, улар овқат ҳазм қилиш трактидаги турли шлакларнинг чиқиб кетишига таъсир кўрсатади ва ичакларнинг физиологик функцияларини яхшилади.

Ҳозирги замон ёрма заводлари таркибида оқсил, крахмал, минерал моддалар ва витаминлар миқдори кўпайтирилган ва камайтирилган турли навли ёрмаларни ишлаб чиқармоқда. Ёрма – бу доннинг гул, мева ва уруғ қобиклари ҳамда муртагини ажратиб олгандан кейин қолган бутун мағизи ёки унинг катта бўлакчаларидир.

Ёрмалар асосан гречиха, шоли, тарик, сули, арпа, маккажўхори, буғдой, нўхат ва жўхори донларидан ишлаб чиқарилади. Ёрма чиқиши ва сифатига доннинг кўпгина сифат кўрсаткичлари таъсир этади. Авваламбор доннинг пўстлоқ миқдори, йириклиги, текислиги, намлиги ва ундаги аралашмалар миқдори катта аҳамиятга эгадир.

Дондан ёрма олиш жараёни учта асосий босқични ўз ичига олади:

1. донни қайта ишлашга тайёрлаш;
2. дондан ёрма тайёрлаш ва ёрма маҳсулотларига қайта ишлов бериш;
3. тайёр маҳсулотни жўнатиш.

Донни қайта ишлашга тайёрлаш иккита асосий босқичдан: дон уюмидан аралашмаларни ажратиш ва донга гидротермик ишлов беришдан иборат. Ун ишлаб чиқариш корхоналарида дон тайёрлаш босқичидан фарқли улароқ ёрма ишлаб чиқариш корхоналарида дон сиртига қуруқ ишлов бериш ва ювиш жараёнлари йўқдир. Бу ҳамма ёрмабоп экинларни қайта ишлаш технологик жараёни бир-бирига ўхшаш бўлиб, яъни оқлаш натижасида ташқи пўстлоқни олиш вазифаси бажарилади. Албатта бу ҳолатда дон сиртини қуруқ ва хўл усулларда тозалашга зарурат йўқдир.

Ёрма ишлаб чиқариш корхоналарида донни аралашмаларидан тозалаш жараёни амалда худди ун ишлаб чиқариш корхоналаридаги каби усулларга асосланган. Бироқ дон тозалаш машиналарининг ишчи органлари у ёки бу донга кўпроқ мос келадиган қилиб ўрнатилиши ва пневманик кўрсаткичларга боғлиқдир.

Сули, гречиха, маккажўхори, буғдой ва нўхат донларини қайта ишлашга тайёрлашда гидротермик ишлов бериш қўлланилади. У ёрма чиқишини оширади, сифатини яхшилади ва кейинги ишлаш жараёнларини енгиллаштиради. Доннинг технологик хусусиятларини ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг турлилигига боғлиқ ҳолда турли усулдаги гидротермик ишлов бериш қўлланилади. Ишлов бериш усуллари ва бунинг учун қўлланиладиган оқлаш машинаси ҳам муҳим таъсир этади. Донни оқлашдан олдин уни фраксияларга ажратиш, калибрлаш қўлланилади.

Донни қайта ишлаш жараёни ҳамма технологик схемалар учун бир қатор зарур босқичлар: донни оқлаш, оқланган маҳсулотларни саралаш, тайёр маҳсулот назоратини ўз ичига олади. Кўпгина ёрмабоп экинларни қайта ишлашда ёрмани сайқаллаш ва силлиқлаш (полировкалаш) жараёнларидан фойдаланилади. Бундан ташқари, донни оқлашдан чиққан маҳсулотларни саралангандан кейин ҳосил бўлган чиқиндилар назорати муҳим жараён ҳисобланади.

Маълум бир экинлар учун ядрони майдалаш жараёни ҳам қўлланилади. Айрим схемалар учун йириклик фраксиялари бўйича донни алоҳида қайта ишлаш характерлидир. Бунга оқлашдан олдин донни калибрлаш орқали эришилади.

Ёрмабоп экинлар дони ўзининг шакли, ўлчами, тузилишига кўра ниҳоятда турлитумандир. У икки қисмдан иборат: ядро (эндосперм муртак билан) ва пўстлоғи (пленка). Ядро қопланган ташқи пўстлоғи ёки гул қобиғи (тариқ, шоли, арпа, сули), ёки мева қобиғи (гречиха, бугдой, маккажўхори), ёки уруғ қобиғи (нўхат) бўлиши мумкин. Доннинг жуда муҳим хусусияти ташқи пўстлоқ билан ядронинг зич боғлиқлиги ҳисобланади.

Ёрма заводларида кечадиган технолгоик жараёнлар:

1. Донни тозалаб, юзасига ишлов бериш.
2. Донни қобикларини ажратиш.
3. Ёрмаларни қоплаш ва қадоқлаш.

Биринчи (тайёрлов) бўлимида дон массаси бегона аралашмалардан тозаланади. Доннинг юзасига сув билан ишлов берилади.

Иккинчи (қобик ажратиш) бўлимида дон массаси йириклиги бўйича фракцияларга ажратилади, доннинг қобиклари ажратилади ва сараланади, майдаланади, қайроқланади ва силлиқланади, ёрма ва ҳосил бўлган чиқиндилар назорат қилинади.

Учинчи (қоплаш) бўлимида тайёр маҳсулот ёрмалар нави ва номери бўйича алоҳида қопланади.

Ҳозирги кунда тегирмон ва ёрма заводларида стандартлаштирилган жиҳоз ва ускуналар ўрнатилади. Тегирмон ва ёрма заводларига қайта ишлаш учун келадиган донлар давлат стандартлари талабларига жавоб бериши шарт. Донни қабул қилиш, сақлаш ва шу жараёнларда уларнинг сифат кўрсаткичларини назорат қилиш усуллари, дондан олинadиган маҳсулотларни қоплаш, қадоқлаш, сақлаш ва ташиш жараёнлари ҳам стандартлаштирилган. Ўзбекистон Республикасида ҳар бир тегирмон ва ёрма заводидан чиқадиган маҳсулотлар стандартлар асосида сертификатланган бўлиб, ўз сертификатига эга. Корхоналарни сертификатлашда уларга ўрнатилган жиҳозларнинг турлари, сифати, ишлаб чиқариш самарадорлиги, жараёнларни бошқарадиган технологларнинг билим савияси ва мутахассислиги ҳисобга олинади.

Чет мамлакатлардаги тегирмон ва ёрма заводларида технологик жараёнлар Ўзбекистон Республикасидаги заводларда қўлланадиган технологик жараёнлардан принципиал фарқ қилмайди. Фақатгина технологик жараёнларда қўлланадиган машиналар конструкциялари билан фарқ қилади.

Замонавий тегирмон ва ёрма заводлари юқори даражада механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган, иш суръати юқори суратда узлуксиз бажарадиган корхона турига киради.

Тегирмондаги технологик жараёнлар бир ёки бир неча оқимдан бошланиб ун тортиш даврида ўнлаб, юзлаб оқимларга ажралиб (йириклиги ва сифати бўйича) алоҳида ишлов берилади. Охирида бир ёки бир неча назоратчи оқим орқали тайёр маҳсулот чиқади.

Ёрма заводларида қайта ишланадиган экин дони турига, ўрнатилган сифат кўрсаткичлари ва чиқиш нормасига боғлиқ ҳолда 20 дан ортиқ турдаги ёрмалар ишлаб чиқарилади.

Ёрма экинлари донларидан ишлаб чиқариладиган ёрма маҳсулотларини 5 гуруҳга бўлиш мумкин.

- 1 гуруҳ - майдаланмаган бутун ёрмалар;
- 2 гуруҳ - майдаланган силлиқланган ёрмалар;
- 3 гуруҳ - майдаланган силлиқланмаган ёрмалар;
- 4 гуруҳ - ёрмаларни қайта ишлаб олинган маҳсулотлар (тайёр нонушталар);
- 5 гуруҳ - юқори тўйимликга эга бўлган ёрмалар.

Ҳозирги кунда ёрма маҳсулотлари аҳолининг барча ёш қатламлари истемол қилиб келмоқда. Юқори тўйимликка эга бўлган ёрмаларни спортчиларга ва оғир шароитда меҳнат қилиб келаётган ишчи-ҳодимларга тавсия этилади. Бунда ёрманинг тўйимлиги ва керак бўлган қувват билан таъминлай олиш хусусиятларига катта эътибор қаратилади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Бўриев Х.Ч., Жўраев Р., Алимов О. Дон маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш. Т., «Мехнат», 1997.
2. Бўриев Х.Ч., Жўраев Р.Ж., Алимов О. Дала экинлари маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш, Т., 2004.
3. Бўриев Х.Ч., Жўраев Р., Алимов О. Дон маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлов бериш. Т., 2002.
4. Р.Орипов., И.Сулаймонов.,Э Умурзоқов. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш технологияси. Т., «Мехнат», 1991.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ САҚЛАШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

П. Давлатов., С С Тўхтамишев., Д. Тожикулов.

ГулДУ

Қишлоқ-хўжалик маҳсулотларини сақлаш жараёнларини ташкил этишда атроф муҳитнинг (ҳаво, тупроқ, сув ҳавзалари) ифлосланишига ва зарарли омилларининг тегишли стандарт ва норматив ҳужжатларда белгилаб қўйилган чегаравий йўл қўйиладиган меъёрлардан ортиқ даражада тарқалишига олиб келмаслиги шарт.

Қишлоқ-хўжалик маҳсулотларини сақлаш жараёнларининг хавфсизлигига қуйидаги талабларни амалга ошириш орқали эришилади:

-ишлаб чиқариш ускуналарига хизмат кўрсатиш тартибидаги технологик жараёнларни (иш турларини) амалга ошириш, шунингдек иш усуллари ва меъёрларига амал қилиш;

-белгиланган талабларга жавоб берувчи ва ишловчилар учун ҳар жиҳатдан қулай бўлган ишлаб чиқариш воситаларини қўллаш;

-қишлоқ-хўжалик маҳсулотларини сақлаш майдонларини тайёрлаш;

-ишловчиларга зарарли таъсир кўрсатмайдиган хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотларни, бутловчи материалларни қўллаш (ушбу талабни бажаришнинг имкони бўлмаган тақдирда ишлаб чиқариш жараёнининг хавфсизлигини ва ходимларнинг ҳимоясини таъминловчи чоралар кўрилиши шарт);

ГОСТ 12.1.004 ва ГОСТ 12.1.010 талабларига мувофиқ ишлаб чиқариш жараёнлари ёнғин ва портлаш хавфсизлигига жавоб бериши шарт.

Қайта ишлашнинг физикавий усули. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини физикавий усулда қайта ишлаш турларига термостерилизация, қуритиш, музлатиш, нур ёрдамида стерилизация қилиш, шарбат ишлаб чиқариш киради.

Қайта ишлаш маҳсулотининг сифатли бўлиши учун энг аввало хом ашёнинг етилганлиги унинг ранги ҳамда ўлчамлари бир хил бўлиши керак бўлади. Бунинг учун хом ашё қайта ишлашдан аввал калибровка ва сортировка қилинади. Хом ашёни сортларга ажратишда маҳсус столлардан ёки лентали транспортерлардан фойдаланилади. Транспортер ҳаракати 0,1-0,5 м/сек дан ошмаслиги керак. Хом ашё қайта ишлашадан олдин тоза ичимлик сувга ювилади.

Қайта ишлашга тайёрланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қисқа муддатга қайнаб турган сув ёки буғ билан ишланиши бланшировкалаш дейилади. Бланширлашда муддати ва ҳарорати, турли хил мева ва сабзавотлар учун ҳар хил бўлади, пўсти юпка (олхўри, гилос) 80° С да, пўсти қалинлари (олма, нок) 80-95°С да бланширланади.

Бланширлаш кўпгина хўжаликларда оддий қозонларда бажарилади. Консерва заводларида маҳсус бланширловчи қурилмалар ёрдамида бажарилади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга тайёрлашда улар қисмларга қирқиш ёрдамида ажратиб олинади. Қайта

ишлашда туз, шакар қўшилади ва улар ГОСТ талабига жавоб берадиган даражада солиниши керак бўлади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини термостерилизация, микробиологик ва химиявий усулларда консервалаш. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашда энг кўп қўлланадиган усул, термостерилизация ҳисобланади. Бу усул асосан юқори ҳарорат ёрдамида микробларни йўқотишга ва маҳсулотлардаги физиологик, биохимик жараёнларни тўхтатишга асосланган. Ҳароратнинг 100°C га кўтарилиши микробларнинг аксарият қисмини ўлдиради, лекин иссиқликка чидамли бактериялар 120°C гача ҳароратга чидайдди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини 100°C дан паст ҳароратда қиздириш ёрдамида консервалашга пастерилизация дейилади. Консерва заводларида термостерилизация жараёни юқори босимда олиб бориш учун автоклов қурилмаси ишлатилади.

Автоклов зич ёпиладиган пўлат цилиндр бўлиб унинг ичи, сирти эмаль билан қопланган. Автоклов монометр, термометр ва соат билан таъминланган. Автокловда ҳарорат ва босим стерилизация формуласи бўйича кўтарилади ва автоматик равишда бошқарилади.

Пастерилизациялашда хом ашё солинган банкалар қопқоқсиз, ёки темир қопқоқлар билан юзаки ёпилиб ваннадаги қайноқ (50°-60°C) сувга қўйилади. Сув қайнаб чиққандан сўнг стерилизация муддати белгиланади. Стерилизация пайтида сув қаттиқ қайнаб кетмаслиги керак. Стерилизация вақти тугагач, банкалар ваннадан олинадди ва оғзи зик қилиб беркитилади. Маҳкам беркитилган банкалар оғзини пастга қилиб совитиш учун столга қўйилади.

Табиий консервалар, янги узилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини дан тайёрланади. Бунда хом ашё яхшилаб ювилиб сортларга ажратилади, ўлчамига қараб колибровка қилингандан сўнг бланширланади. Шу тариқа тайёрланган хом ашё банкаларга жойлаштирилади, буларга сувдан ташқари мазаси яхши бўлиши учун туз, шакар қўшилади.

Микробиология усулида консервалаш. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини микробиологик усулда консервалаш табиий консервантларга сут кислотаси, спиртдан фойдаланишга асосланган. Микробиологик жараён бижғишни тўғри олиб бориш учун бир қатор шароитлар мавжуд бўлиши керак: Сут кислотаси ҳосил қилувчи бактериялар, тузни маълум концентрацияси ва бактерияларни яшаши учун зарур бўлган ҳарорат бўлиши керак бўлади. Бижғиш жараёнини 22-24°C да ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кимёвий усулда консервалаш. Кимёвий усулда консервалашда сульфат, бензол, сарбин кислоталари қўлланилади.

Сульфат кислотаси ёрдамида консервалаш жараёни сульфикация деб юритилади. Сульфат кислотаси кучли антисептик модда бўлиб, турли хил микроорганизмларнинг ривожланишига ноқулай муҳит ҳосил қилади. Сульфитацияланган маҳсулотлар истеъмол қилишдан аввал иссиқ сувда қайнатилади.

МОЙЧЕЧАК ГУЛИ, ТИРНОҚГУЛЛАРИ ВА ЭМАН ПЎСТЛОҒИ ҚУРУҚ ЭКСТРАКТЛАРИ АСОСИДА ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ЯРАТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Х.Р.Тўхтаев, О.Ж.Хамидов, М.Б.Қосимова, С.Ш.Очилова.

ТошФИ

Ўзбекистонда кенг тарқалган доривор ҳисобланган мойчечак гули, тирноқгулва эманпўстлоғи микробларга қарши, оғиз бўшлиғидаги турли касалликларга, яллиғланиш, аллергия таъсирни йўқотиш мақсадида халқ табобатида кенг қўлланлади [1]. Ўсимликдан турли косметик воситалар, дори шакллари ва суюқ дори ажратмалари олинадди. Бундан ташқари ушбу ўсимликлар турли мураккаб таркибли дорилар мажмуаси таркибида кенг фойдаланилади. Мойчечак гули, тирноқгулва эман пўстлоғи ўз таркибларида флавоноидлардан, рутин, кверцетрин, кумаринлардан умбеллиферрон ва

герниарин, ошловчи моддалар, эфир мойларидан хамазулен, алкалоидлар, тритерпен спиртлари, холин, фитосетрин, аскорбин кислотаси, каротин ва шиллик моддалар каби биологик фаол моддалар тутганлиги сабабли тиббиётда дезинфекцияловчи, яллиғланишга қарши, стоматит, пародонтит ва томоқ касалликларига қарши кенг қўлланилиб келинади. Бунда уларнинг суяқ дамламасидан, элексириларида ва суртма дори шаклларида кенг фойдаланилади [2-4].

Ишнинг мақсади: мойчечакгули, тирноқгул ва эман пўстлоғи (ромашка аптечная, календулаи корадуба) экстрактлари тутган дори воситалари ва уларнинг дори шакллари олиш, ҳамда ушбу тадқиқотлар натижаларини доришунослик амалиётига тадбиқ этиш.

Тадқиқот услублари ва материаллари: Текшириш объектлари бўлган ўсимликлар Тошкент вилояти далаларидан териб олинган. Ўсимликлар ҳам ашёларининг асосий кўрсаткичлари ДФ 2 қисм, 233 б. мос келиши аниқланди. Ошловчи моддалар, флавоноидлар ва фенолкарбон кислотасининг йиғиндисини рутинга нисбатан ҳисобланди [4]. Эфир мойларининг миқдори Гинзбург асбоби ёрдамида аниқланди ДФ XI 2- қисмига кўра таҳлил қилинди. Таҳлил натижаларига кўра мойчечак гули ваэман пўстлоғи курук экстрактларида дастлабки кукунига нисбатан ошловчи моддалар миқдори 10-11% га ортанлиги кузатилди.

Мойчечак гули, тирноқ гули ва эман пўстлоғи таркибидаги биофаол моддаларни эритмага тўла ўтказиш мақсадида экстрагент сифатида сув ва 96 %ли этил спирти (1:1 нисбатда) олинди. Бунинг учун ўсимлик йиғмаси майдаланиб, 1 мм лик элақдан ўтказилди. Майдаланган ўсимлик кукунидан 10 г олиниб, 100 мл экстрагент солинди ва сув ҳамонида 30 - 45 дақиқага ушлаб турилди, сўнгра экстракция тўла бориши учун бир суткага сақлаб қўйилди. Асосий моддаларнинг тўла ажралиб чиқиши учун экстракция жараёни 5 марта такрорланди, филтратлар бирлаштирилиб умумий ҳажм курук холатга келгунича сув ҳаммонида буғлатилди.

Гель олиш жараёнида Наманган кимё заводининг махсулоти бўлган, сувда яхши эрийдиган полимер модда – карбоксиметилцеллюлозининг натрийли тузидан (Na- КМЦ) фойдаланилди (алмашиниш даражаси 70 га, полимерланиш даражаси 450 га, зичлиги 1,59 г /см³ га тенг).

Гель олиш учун 7гр Na КМЦ, 0.1 граммдан мойчечак гули, тирноқгули ва эман пўстлоғини курук экстрактлари, 20 гр глицерин, 0,2 гр нипагин ҳамда тозаланган сув билан 100 граммгача етказилди. Гель тўқ жигар рангли, қуюқ, бир хил консистенцияга эга.

Натижалар: Мойчечак гули, тирноқгул ва эман пўстлоғи дамламаларининг сақланиш муддати 4 кунни ташкил этди. Шу муддатдан сўнг дамламанинг устки қисми моғор билан қоплана бошлайди. Дамлама таркибига 6-8 % гача NaКМЦ ва 20 % гача глицерин қўшилганда, унинг сақланиш муддати 4 ойни ташкил қилди. Бунда ток жигар рангли, қовушқоқ гель ҳосил бўлди. Уч ойдан сўнг гель ўзининг қовушқоқлигини йўқота бошлайди. Гелнинг барқарорлигини ошириш учун унга нипагин қушилди. Шундан сўнг 1 йил давомида гель устки қаватида моғор босиш кузатилмади. Мойчечак гули, тирноқгули ваэман пўстлоғи дамламасидан тайёрланган гель жигар рангли, ўзига ҳос хидли, ширин таъмли ва юқори қовушқоқликка эга. Гелнинг ташқи кўриниши, рН қиймати (7,8-8,0 оралиғида), қовушқоқлиги ва микроорганизмларга қарши фаоллиги юқори. Гель таркибидаги полимер органик эритувчилар ёрдамида ажратиб олингандан сўнг глицерин ва флавоноидларга сифат реакциялари ижобий натижа кўрсатди. Оғиз бўшлиғи учун тайёрланган гель кўриниши оч жигар рангли, ширин таъмли, зичлиги 1,00-1,18 орасида. Ушбу гель бир йил давомида сақланганида ташқи кўриниши, таъми, ҳиди ва таъсири бўйича ўзгаришсиз қолди. Текшириш натижаларига кўра мойчечак ватирноқ гули ҳамда эман пўстлоғи курук экстрактларидан тайёрланган гель E.coli ва Bacillus subillus тест намуналарига нисбатан антибактериал фаоллиги текширилганда 10-15 мм ли майдонда микроблар ҳосил бўлишини тўхтатиши аниқланди. Алоҳида геллар мойчечак гули

тирноқгул гуллари ва эман пўстлоғидан тайёрланиб, улар учта ўсимлик экстрактлари қўшилиб тайёрланган гелларнинг хоссаларига солиштирилди.

Мойчечак гули, тирноқгул ва эман пўстлоғи ўсимлигининг курук экстрактларидан 1% миқдорда киритилган гелнинг хоссалари

Гель турлари	Ташқи кўриниши	рН	Зичлиги г/мл	Қовуш-қоқлиги Пас.	Парда хосил бўлиш, мин.	Сақланиш муддати
Мойчечак гуллари экстрактдан	Сарик жигар рангли қовушқоқ масса	6,7-7,5	1,2367	0,0625	9-12	1 йил
Эман пўстлоғи экстрактдан	Тўқ жигар рангли, Қовушқоқ масса	6,7-7,4	1,1937	0,1378	7-12	1 йил
Тирноқ гул гуллари экстрактдан	Оч- жигар рангли қовушқоқ масса	6,7-7,5	1,2367	0,0625	9-12	1 йил
Турли ўсимликлар* курук экстракт-ларидан	Тўқ жигар рангли қовушқоқ масса	7,1-7,6	1,18071	1.0200	9-14	1 йил

*мойчечак гуллари, тирноқгул ва эман пўстлоғи (1:1:1 нисбатда).

Хулосалар: 1. NaКМЦ, глицерин, нипагин қўшилган ҳолда таркибида мойчечак, тирноқгул ва эман дамламаси сақлаган гел олиш технологияси яратилди ва унинг сифат кўрсаткичлари баҳоланди.

2. Мойчечак гули, тирноқгул гуллари ва эман пўстлоғи дамламаси асосида оғиз бўшлиғи касалликларида қўл келадиган гел таркиби танланди. Бу дори шаклининг сақланиш муддати ўрганилди. Олинган намуналарнинг (курук экстракт ва гел) E.coli ва Bacillus subtilisга нисбатан фаоллиги юқорилиги ва самарали эканлиги кузатилди.

Адабиётлар руйхати:

1. Д.А. Муравьева. Фармакогнозия. Медицина. - Москва. 1998. - с. 244.
2. П.Д. Соколов, (ред). Растительные ресурсы СССР, Цветковые растения, их химический состав, использование. Наука. - Ленинград. 1987. - с. 58.
3. А.С. Блажей, Л.П. Шутый. Фенольные соединения растительного происхождения. Мир. - Москва. 1977. - с. 23-26.
4. А.Т. Бурбелло, А.В. Шабров, П.П. Денисенко. Современные лекарственные средства: Клинико-фармакологический справочник практического врача (3-ое издание переработанное и дополненное). Издательский Дом "Нева". - Москва. 2006. - с. 896.

PSEUDOMONAS ТУРИДАГИ БАКТЕРИЯЛАРНИ ЕТИШТИРИШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

Рахматов Ф.О., Маматова О.

УзМУ, ГулДУ

Pseudomonas турига кирувчи бактериялар, энергетик ва конструктив алмашинувдаги углерод ва азотнинг турли бирикмаларидан фойдаланиб, турли табиий шароитларда ривожланишлари мумкин. Шунга кўра, уларнинг кўпайтириш учун тўғри келадиган озуқа мухитининг таркиби турличадир.

Сув ва тупроқ псевдомонадларининг ривожланиши учун мухит сифатида азот ва углероднинг жуда оз миқдордаги дистилланган сувдаги эритмалари хизмат қилиши мумкин (Рубан, 1986). Ягона углерод манбаи сифатида синалган турли кимёвий тузилишга эга бўлган 100дан ортик бирикмалар орасида, псевдомонадлар учун энг универсал моддалар пирозум кислотаси, кейинги ўринларда эса а-кетоглутар, қахрабо ва фумар кислоталари туради. Аминокислоталар орасида пролин ва а-аланин углерод манбалари сифатида энг кўп ишлатилади.

*Pseudomonas*нинг баъзи турлари бир углеродли бирикмаларни ўзлаштиради: углерод оксиди, карбонат ангидрид, метанол, формальдегид, формиат, метилланган аминлар ва х.к.(Рубан, 1986).

*Pseudomonas chlororaphis*нинг полиуретанни углерод ва азотнинг ягона манбаи (Zheng et al., 2004), ҳамда нефть ва полициклик ароматлашган углеводородларни углерод ва азотнинг ягона манбаи сифатида қўллаш қобилияти ҳам маълум (Ветрова ва бошқалар, 2007).

Pseudomonas туридаги бактерияларда этанолни ассимиляциялаш қобилияти кенг тарқалган. *P. aeruginosa*, *P. fluorescens*, *P. putida* каби бир қатор штаммлар 1%ли этанолда углероднинг ягона манбаи сифатидаги синтетик мухитда яхши ўсади, баъзилари шу мухитда 2,5%ли этанолда яхши ривожланади, шу билан бирга уларнинг кўпчилиги флуоресцентловчи гуруҳларга тегишли бўлади. Углероднинг ягона манбаи сифатида этанолли мухитда, чуқурликда ўстириш шароитларида аминокислотали ва витаминли таркиб бўйича тўлақонли биомассани тўплаш амалга оширилган (Смирнов, Киприанова, 1990).

Маълумки, *Pseudomonas* турига кирувчи бактериялар, индивидуал учувчан н-алканларни гександан декангача ассимиляциялаш, шунингдек баъзи биологик фаол моддаларни энгил парафинлар аралашмаси углерод озукасининг ягона манбаи бўлган мухитларга синтезлашга кодир.

*Pseudomonas*нинг кўплаб турлари мураккаб таркибдаги бой мухитларда ривожланади: гўшт-пептонли бульон, маккажўхори экстракти, картошка шарбатида ва х.к.(Межераупе, 1978). Бироқ антибиотик моддалар олиш мақсадида *Pseudomonas*ни етиштириш учун, қоидага кўра, азот ва углеводли мухитининг бой органик шакллари талаб қилинади.

Ўтган асрнинг 50-йилларида King et al. (1954) флуоресцентланувчи пигментлар шаклланишини аниқлаш учун мухит таклиф қилган; аввал ва hozirgi кунга қадар таркибига глицерин, пептон, K_2HPO_4 , $MgSO_4$ кирувчи Кинг В мухити замбуруғга қарши фаол метаболитли продуцент- *Pseudomonas* тури бактерияларни етиштириш учун асосийлардан бири саналади. Сўнгги йилларда, Кореялик олимлар Lee et al. (2003)ларнинг ишларида бўлгани каби, бу мухитни ўзгартиришга уринишлар бўлди, бу ерда глицерин:пептон нисбатининг миқдорий ўзгариши амалга оширилди.

LB ва углевод манбасининг 0,5-1,0%и қўшилган озуқа бульонлари мухитлари каби (одатда глюкозалар) бой мухитлар камдан кам ишлатилади (Katoh & Itoh, 1983; Gould et al., 1985; James & Gutterson, 1986). Пиво ачитқисининг автолизати ва гидролизатлари кучли биостимулловчи таъсирга эга, шунга кўра уларни кўпинча ачитқи ва бошқа микроорганизмларни кўпайтиришда ўсиш тезлигини ошириш учун озуқа мухитларига қўшимча сифатида қўллашади. Гидролизат ва автолизатлар, оқсил, қанд, нуклеин ва бошқа биологик фаол бирикмалар гидролизи махсулотини ўз ичига олади. Ачитқи гидролизатлари

витаминлар манбаи сифатида (биринчи навбатда В₁ ва В₂, ҳамда РР, В₃, В₄, В₆, Н), алмашмайдиган аминокислоталар ва мой кислоталар, микробиологияда озуқа мухитини тузишда кенг қўлланилади. Пиво ачитқиларининг автолизат ва гидролизатларини пиво саноатидаги чиқиндиларидан, хусусан, ишлатиб бўлинган пиво ачитқиларидан олинади. 7-8 генерациянинг ишлатиб бўлинган пиво ачитқиларининг асосий функцияси хисобланган бижғишга қодир бўлмаганлиги сабабли, пиво саноатида қўлланилмайди; улар шунингдек, кўпайиш қобилятини ҳам йўқотади, лекин азотнинг арзон манбаи, пептон ўриндоши сифатида, псевдомонадларни етиштириш учун мухитларда фойдаланилиши мумкин. Бироқ, Квасников ва бошқалар (1975)нинг ишларида, *P. aurantiaca* штамmlарининг фунгицид фаол моддаларни нафақат Кингнинг бой мухитида, балки паст молекуляр n-алкан (С₆~С₁₀)лари атмосферасидаги Мюнцнинг синтетик мухитида ҳам синтезлашга қодирлиги кўрсатилган. Шунингдек, бу штамmlарнинг барқарор антибиотик моддаларни шакллантиришига қодирлиги ва лаборатория шароитида кўпайтирилишида 10-15 йил давомида сақланиши ҳам кўрсатилган.

P. aeruginosa томонидан пиоцианин синтези, ўсишнинг стационар босқичида бошланади. Углерод манбаи сифатида глицеринли, азот манбаи, ҳамда магний ва фосфорнинг маълум даражали таркибли мухитида пиоцианиннинг чиқими максимал концентрацияга етади (MacDonald, 1967; Leisinger & Margraff, 1979). Фосфатлар билан чеклаш пиоцианиннинг синтезланишини келтириб чиқаради. Экспоненциал фаза якунидаги фосфатларнинг паст кўрсаткичи пиоцианин синтезининг триггери саналади. Фосфатларнинг концентрациясини ошириш синтезни тўхтатади (Martin, 1977; Martin et al., 1992). Псевдомонадлар одатда метиониндан *P. Maltophilia*дан ташқари, озуқа мухитларининг аминокислотали таркибини талаб қилмайди (Clarke, Omston, 1975).

Кўплаб аминокислоталар углерод ва азотнинг ягона манбаи бўлиши мумкин. *P. putida* 18 та аминокислотадан хар қайсисида ўсиши мумкин. *P. aeuroginosa* азот манбаи сифатида метионин, треонин ва цистеинни қўллаши мумкин (Рубан, 1986).

ИСК синтези динамикаси ва мухитда максимум гормонни тўплаш учун мақбул шароитларни ўрганиш, фитогормонларнинг псевдомонадлар томонидан синтезланиши мухитга триптофан ёки триптаминни кўшиш орқали барқарорлантирилиши ва аммоний ионлари билан босилишини кўрсатиб берилган (Мордухова ва бошқалар, 1991). *P. fluorescens* 20 ва *P. putida* 23 ризосфера бактерияларининг ИКС продуцентларининг даврий режимида тегишлича 9 ва 40 с. давомида ўстиришга мос ИСК тўпланишида иккита максимум борлигини аниқлаб берилган (Олюнина, Шабаев, 1996, Joseph B. et al., 2007).

Антибиотикларни синтезлашда, аэрация катта таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, псевдомонадларни фунгицид табиатга эга антибиотикларни олиш мақсадида кўпайтириш 48-72 соат давомида (истисно аеругин антибиотигини синтезлаш - 6 кунни ташкил қилади (Lee et al., 2003) аэрация шароитларида 24-28°C хароратида амалга оширилади. Ва қоидага кўра, фунгицид фаолликнинг максимал ўсиши стационар фазада кузатилади.

YER NOKINING MING BIR HOSIYATI VA IQTISODIY SAMARADORLIGI

Turdiyeva M., Qirg'izov Sh.

ADU

Davlatimiz rahbari tomonidan mamlakatimizda innavotsion faoliyatni qo'llab-quvvatlash, ilmiy-texnik salohiyatni rivojlantirish, fan va ishlab chiqarish integratsiyasini kengaytirishga qaratilayotgan ulkan e'tibor iqtisodiyotni izchil isloh etish va iqtisodiyotni raqobatbardoshligini oshirish kabi ustuvor vazifalarni amalga tadbiiq etishda muhim ahamiyatga ega. Bugungi kunga kelib bozor iqtisodiyoti sharoitida mamlakatimiz olimlari tomonidan yaratilgan va innovatsion texnologiyalaridan keng foydalangan holda import o'rnini bosuvchi eksportbop mahsulotlarni ishlab chiqarish asosiy vazifalardan biri bo'lib qolmoqda. Mamlakatimiz florasi o'simlik turlariga

nihoyatda boy. Ular nafaqat biologik boylik, balki sanoatda, dorishunoslikda va xo'jalik sohalarning boshqa tarmoqlarida ham keng qo'llaniladi. Ana shunday o'simliklardan biri Yer nokidir (topinambur).

Xalq orasida aksariyat hollarda yer noki deb ataladigan topinamburning haqiqiy nok o'simligiga hech qanday aloqasi yo'q. Uning yaqin qarindoshi kungaboqar hisoblanadi. Topinambur-tugunak hosil qiluvchi, astradoshlar oilasiga mansub ko'p yillik o'simlik. Uni almashlab ekish tajribalarida bir yillik ekin sifatida o'stirish maqsadga muvofiq. Topinambur tugunaklari tarkibida sellyuloza miqdori juda kam, ammo mikroelementlarga va bioaktiv moddalarga juda boy (masalan; inulin). U yurak qon-tomir, tayanch-harakatlanish va ayniqsa, qandli diabet kasalligiga chalingan bemorlar uchun tabiiy dori vositasidir. Shu nuqtai nazaridan qaraganda topinambur ekologik jixatdan sof dorivor o'simliklardan biri ekanligi bilan ham ahamiyatli. Uning ko'k massasi, tugunagi va ulardan tayyorlangan maydalangan un chorva mollari uchun to'yimli vitamin va minerallarga boy oziq hisoblanadi.

Bundan tashqari, topinambur xom ashyosiga respublikamizning farmasevtika, oziq-ovqat, sellyuloza-qog'oz sanoatlarining talabi doimiy o'sib bormoqda. Aholining kundalik iste'molida topinambur oziq-ovqatlar, turli xil vitaminli salatlar tayyorlashda ishlatilishi hamda qandli diabet bilan og'rigan bemorlar uchun parhez taomlar, sharbatlar, topinambur uni, kofe ishlab chiqarish yo'lga qo'yilmoqda. Topinambur sharbati oshqozonda kislata miqdori oshganda, jig'ildon qaynaganda, bosh og'rig'i, qon bosimi oshganda iste'mol qilinadi. Shu bilan birga topinambur oshqozon hamda o'n ikki barmoqli ichak yaralarini tez bitishiga yordam beradi. Topinambur sharbati bilan poliartrit kasalligini davolash mumkin (yarim stakandan kuniga uch mahal). Topinambur sharbati olish uchun uning tozalangan va yuvilgan tugunaklari sharbat siqqich orqali chiqariladi, 2 osh qoshiq sharbat shu miqdordagi suv bilan aralashtirilib iste'mol qilinadi.

Sanoatda insulin, pektin, fruktoza, sellyuloza, etanol, butanol spirtlari va boshqa mahsulotlarni ishlab chiqarishda asosiy xom ashyo hisoblanadi. Har 100 kg topinambur tugunagidan 9-10 kg fruktoza va 1-8 litr spirt olinadi. Bu esa qand lavlagi va kartoshkaga nisbatan 1,5-3,5 marotaba ko'p demakdir. O'zbekiston va xorij mamlakatlarida topinambur ko'p yillik o'simlik sifatida yetishtiriladi

va har gektaridan 850-1000 sentner yashil massa, 280-400 sentner tugunak hosili olinadi. Uning 1-sentner yashil massasida 24,1 va tugunagida 30 oziq birligi, har bir oziq birligida 80-90 gramm hazm bo'ladigan proteyin mavjud. Tugunagi yaxshi saqlanadi, sovuqqa chidamli (-30 gradus). Tugunaklarida 11,7 foiz inulin va 2 foiz hom proteyin mavjud.

Qandli diabet davosi.

E'tirof etish kerakki, topinambur qandli diabet kasaligiga chalinganlar uchun

В двугорлую колбу, снабженную мешалкой, помещали 4,12 г (0,01 г/моль) 1-медьпропаргильного эфира и приливали 200 мл сухого диэтилового эфира. При интенсивном перемешивании частями добавляли элементарный йод до прекращения изменения окраски реакционной смеси. Затем реакционную смесь еще перемешивали в течение 2 часов при комнатной температуре. По истечении этого времени содержимое колбы отфильтровывали, фильтрат упаривали. 1-йодпропаргильного эфира п-йодбензойной кислоты представляет собой кристаллическое вещество кремового цвета. Выход – 4,54 г (95,6% от теоретического). T_{пл} = 101-102°C.

В аналогичных условиях получены соединения I и III, представляющие собой вещества светло-желтого цвета.

На кафедре фармакологии ТМА были проведены испытания синтезированных нами соединений. Общее действие и токсичность препаратов изучали на белых мышах при подкожном введении 5%-ного масляного раствора. LD₅₀ препаратов, вычисленная по методу Литфильда-Уилкоксона, составляет 2120 (874,3+3100) mg/kg, для соединений (II) 2300 (1595+3324) mg/kg при p=0,05.

Для выявления фунгицидного действия 1-йодпроизводных замещенных ароматических кислот проведены испытания против поражения хлопчатника вилтом. Фунгицидную активность определяли по методу торможения роста мицелия чистых культур гриба *Verticillium dahliae* клев на агарированной картофельно-сахарозной среде. Для этого готовили раствор испытуемого препарата, затем 2,5 мл такого раствора вносили в колбу, содержащую 2%-ный картофельный агар. После тщательного перемешивания содержимое колбы разливали в десять чашек Петри (10 повторностей). В центр каждой застывшей среды в три точки наносили кусочек мицелия гриба, выращенного в пробирках на 2%-ном агаре с

сахарозой (двухнедельная культура). Чашку Петри с инокулированной средой помещали в термостат с постоянной температурой (23-25°C).

Каждая серия опытов сопровождалась контрольными. В контрольных вариантах в питательную среду вносили только чистый растворитель. Результаты опытов фиксировали через 10 дней после инокуляции.

Таблица

Противилтовая активность препаратов II-III

№ соединения	Структурная формула	Торможение роста мицелия гриба в % к контрольному	УЗГЕН (известный)	Бевестин (известный)
II		96	50 [8,9]	50 [8,9]
III		86	50 [8,9]	50 [8,9]

Из приведенных результатов видно, что соединения II,III обладают высокой фунгицидной активностью, почти 1,8-2,0 раза превышающей активность эталонов (УЗГЕНА и Бевестина). Установлено, что активность соединений зависит от заместителей в молекуле ароматического кольца.

Библиография

1. Махсумов А.Г., Эргашев М.С., Мадиханов Н, Мухамедова Р.А. Поиск новых биологически активных веществ на основе ацетиленовых производных жирных кислот // Физиологически активные вещества, Украина, Киев, 1987, вып.19, С.41-43.
2. Желдубовская Г.А., Юрченко О.И. и др. Поиск фунгицидов в ряду Siацетиленовых и ениновых полифункциональных соединений // 7-международ.конф.по химии ацетилена, тезисы докладов, Ереван, 1984, С.214.
3. Майер-Бодде. Производные карбаминовых кислот // Гербициды и их остатки, Москва, 1972, С.209.
4. Яшина О.Г., Верещагин Л.И. Природные и синтетические ацетиленовые антимикотики // Успехи химии, Москва, 1978, 47, № 3, С.565-570.
5. Рахимова И.В., Эргашев М.С., Махсумов А.Г. Гербицидная активность моно- и диацетиленовых эфиров жирных кислот и фенолов // Всесоюзная конф. «Химические средства защиты растений», Уфа, 1982, С.56-57.
6. Махсумов А.Г., Усмонов М., Абдуллаев Ш.У., Таджибаев У. Синтез 1-медь и 1-йодПЭ-динитрофенола // Вопросы фармации и фармакологии, Ташкент, ТашМИ, 1973, вып.1, С.316.
7. Махсумов А.Г., Эргашев М.С. Синтез ацетиленовых производных жирных кислот // Узбекский химический журнал, Ташкент, 1984, №2, С.26-28.
8. Юнусов М. Узген – препарат против вилта. Ташкент, Фан, 1976, С.19.
9. ГАР К.А. Химические средства защиты сельско-хозяйственных культур // Москва, Наука, 1978, С.54.
10. Абдуллаев М.Х., Махсумов А.Г. Поиск новых фунгицидов на основе пропаргилацилатов и их производных // Труды XXIII молодых учёных, магистрантов и студентов-бакалавриата. Ташкент, Т.1, 2014, С.5-6.

СОРБЦИОННО-ФОТОМЕТРИЧЕСКОЕ ОПРЕДЕЛЕНИЕ ИОНОВ НЕКОТОРЫХ МЕТАЛЛОВ ИММОБИЛИЗОВАННЫМИ РЕАГЕНТАМИ

Н.К.Мадусманова, М.С.Инатова, С.Махмадалиев, З.А.Сманова

НУУЗ

Синтезированные на кафедре аналитической химии органические реагенты на основе пиридилазо нафтолов 6-метил-(пиридил-2-азо-м-аминофенол, 1-(5-метил-2-пиридилазо)-5-диэтиламинофенол, 1-(4-антипиридилазо)-2-нафтол сульфокислота, 1-(2-пиридилазо)-2-оксинафталин-6-сульфокислый натрий, N-метиланабазин- α -азо-1,8-аминонафтол-4,8-дисульфокислота характеризуются наличием пяти и шести потенциальных донорных центров для координации к иону металла и носителя. Результаты квантово-химических методов показали, что наибольший отрицательный заряд сконцентрирован на атоме кислорода сульфогруппы, азота азогруппы, атоме кислорода гидроксильной группы.

Особенностью реагентов является способность их образовывать со многими элементами весьма прочные внутрикомплексные соединения, превосходящие на 2-3 порядка по прочности таковые, используемые в промышленности. Эти реагенты применяются при фотометрических определениях и концентрировании более 30 металлов, включая ионы 15 редкоземельных элементов, с образованием окрашенных комплексов. Фотометрические методы с использованием вышеназванных реагентов характеризуются высокой чувствительностью, предел обнаружения которых равен 0,01 – 0,1 мкг/см³.

Для улучшения их аналитических и метрологических характеристик применены сорбционно-фотометрические методы определения некоторых металлов с использованием иммобилизации синтезированных реагентов на различные по природе сорбенты.

Иммобилизация азореагентов происходит за счет образования связей между сульфогруппами реагента и аминогруппами сорбента. Квантовохимические расчеты реагента N-метиланабазин- α -азо-1,8-аминонафтол-4,8-дисульфокислоты показали, что наибольшая электроотрицательность находится у сульфогруппы и пространственно наиболее благоприятное его расположение для образования ионных связей. Кроме того, данные ИК-спектроскопии показали сдвиг полос поглощения характерных для гидроксо- и аминогрупп в более длинноволновую, что указывает также и на образование сильных межмолекулярных водородных связей между реагентом и полимерным сорбентом. Результаты расчетов показывают, что комплексообразование на носителе будет происходить за счет тех же функционально-активных групп (ФАГ), что и в растворе.

Молярный коэффициент светопоглощения комплексов находится в пределах $5 \cdot 10^4$ - $1,0 \cdot 10^5$, чем и объясняется исключительно высокая аналитическая чувствительность синтезированных реагентов, которая при оптимальных условиях комплексообразования может достиг даже 0,01 мкг/мл. Металлы, образующие комплексы только при высоких значениях pH, не мешают аналитическому определению ионов тяжелых металлов, которые образуют комплексы в кислой среде (торий, уран, цирконий, плутоний, нептуний, церий, лантаноиды и др.).

Использование новых полимерных матриц, улучшение сорбционных свойств и структуры реагентов, механизмов иммобилизации, комплексообразования и разработка на их основе новых методов определения микроколичеств различных металлов и соединений в разнообразных по составу и природе объектах окружающей среды.

INSECTICIDIAL EFFECT OF CAPSAICIN ON DEVELOPMENT OF EUROPEAN CORN BORER (*OSTRINIA NUBILALIS* Hbn., LEPIDOPTERA CRAMBIDEA) UNDER LABORATORY CONDITIONS.

Allaeva L, prof.dr. Claus P.W. Zebitz

University of Hohenheim, Department of Applied Entomology

The European Corn Borer (ECB), *Ostrinia nubilalis* (Hübner), is a serious pest of corn and other cultivated plants in the northern hemisphere, including Europe, Asia and North America. Today ECB is common pest in all continents. Apart from maize, there are more than 200 plants which can serve as hosts for ECB. *O. nubilalis* will attack almost any herbaceous wild or cultivated plant with stems large enough for the larvae to enter.

As growth, development, and reproduction of insects strongly depend on the quality and quantity of the food eaten by insects, primary and secondary metabolites of the host plants can affect the population parameters of herbivores. However, ECB has adapted to diverse mechanisms to overcome these plant chemical defenses, including host choice and enzymatic detoxification of host plant toxins.

The aim of this study is to examine how ECB is able to overcome the chemical host-plant defense mechanisms and how the secondary metabolites, such as capsaicin in chili peppers affect larval development. We examined the inhibition effect of two varieties of *C. annuum* on larval and pupal development of ECB in an effort to find a biological control agent that is benign to the environment.

Capsaicin is an animal repellent that is also used as an active component of chili peppers, which are plants belonging to the genus Capsicum against insects and mites. Environmental Protection Agency (U.S. EPA) considers it to be a biochemical pesticide because it is a naturally occurring substance.

Capsicum annuum (Solanaceae) is cultivated in all regions, these fruits that are used as spices are very rich in phenolic compounds. The most abundant of these compounds are the capsaicinoids, including capsaicine and dihydrocapsaicine which represent 77 to 90% of secondary compounds. In addition, these compounds are biodegradable without any harmful effect on the environment.

Our objectives were to determine whether *O. nubilalis* adults show an ovipositional preference or larval development effects among pepper types that vary in levels of capsaicin and dihydrocapsaicin, which is measured in Scoville heat units (SHU). Two pepper types with a range were tested in the hotness: Peperoni Orias F1 (1000 SHU) and Habanero-red (35000 SHU).

Experiments were carried out in laboratory condition, IV Instar Larvae were obtained from laboratory strain of ECB *maintained* at ambient rearing condition. All the bioassays were conducted at 26-28°C, 70-80% RH, 16:8(L: D). During the experiments the insects were kept in plastic containers filled with different cultivars of chili peppers as a food source. Artificial diet was used as a control of measure for larval development.

The results showed, that larval development time was significantly longer on artificial diet and less longer on Orias and Habanero red pungent pepper. When larvae were fed capsaicin-rich Habanero pepper for the entire larval period. Larval survival was not significantly different among types while feeding on Orias species.

We conclude that *ECB* can complete their life cycle on chili pepper fruits, although high level of capsaicin negatively effects to larval development.

Careful application of plant-derived substances may become a very important strategy for crop protection. Furthermore, the *Capsicum* seem to be the most promising genera, and their lethal and various sublethal effects have been described. They affect insects that are pests of various crops and various products. Therefore, we believe that incorporating plant-derived insecticides into plant protection strategies may be beneficial to both the human economy and the environment.

References

- Bueno, V. H., Mendes, S.M., Carvalho, L.M. 2006. Evaluation of a rearing method for the predator *Oriusinsidiosus*. *Bulletin of Insectology* 59: 1-6.
- Ajlan, A., D. E. Knavel and J. G. Rodriguez. 1985. Resistance of pepper, *Capsicum annuum* L. to European corn borer, *Ostrinianubilalis*. *Trans. Kentucky Acad. Sci.* 46(3/4): 99–103.
- Frantz, J., J. Gardner, M. Hoffmann and M. Jahn. 2004. Greenhouse evaluation of *Capsicum* accessions for resistance to European corn borer. *HortSci.* 39: 1336–1338.
- Kirschbaum, P., E. Mueller and M. Petz. 2002. Pungency in Paprika heterogeneity of capsaicinoid content in individual fruits of one plant. *J. Agric. Food Chem.* 50: 1264–1266.
- Diaz, J., A. Bernal, F. Merino and A. RosBarcelo, 1998. Phenolic metabolism in *Capsicum annuum* L. *Recent Res. Devel. Phytochem*, 2: 155-169.
- Isman, M.B., 1999. Pesticides based on plant essential oils: *Pestic. Outlook*, 2: 68-72.

ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲАЁТИДА ЭПИФИТЛАР ВА РИЗОБАКТЕРИЯЛАРНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАСИ.

Д.Б.Қосимова

ГулДУ

Ўсимлик билан ҳайвонот оламини ўзаро боғлаб турувчи қишлоқ хўжалигини мустаҳкам ривожини белгилаб берувчи бош омил омил – бу тупроқдир. Тупроқда, бир-бирлари билан ўта мураккаб ва хилма-хил муносабатда, ҳаёт кечирувчи минглаб тирик жониворлар учрайдилар. Шулардан бири, балким энг кўпи – бу кўз илғамас микроорганизмлардир. Ҳозирча микроорганизмларни хилма-хиллигини бир-бирлари билан фойдали муносабатда бўлишлари, уларни тупроқни ҳаётидаги ва ўсимликни сифати тўғрисидаги роли ҳақида унчалик батафсил билимга эга эмасмиз, Ваҳоланки, юқорида акс эттирилган ҳолатлар, мустаҳкам табиий экотизимни аниқлаб беради. Хаксвортнинг хабар беришича 1991йилгача дунёда учраши мумкин бўлган микроорганизмларни атиги 13% , ёки 110 мингга яқин туркуми ўрганилган, қолганлари ҳақида эса ҳеч қандай ахборот йўқ.

Тупроқдаги микроорганизмларнинг энг кўпчилигини бактериялар ташкил этади. Уларнинг сони 1грамм тупроқда ўртача 600 миллион хужайрани ташкил этади. Бошқача қилиб ҳисоблаганда, ҳар бир гектар майдонда 10 тоннадан кўпроқ бактерия учрайди [Kilian et.al, 2000]. Тупроқдаги қуруқ органик массанинг 5%-ини бактериал масса ташкил этади. Албатта бактерияларни сони фаслга, тупроқ типига, намлик ва кислороднинг тупроқдаги миқдорига, шунингдек, тупроққа ишлов бериш сифатига, унга солинадиган минерал ўғитлар сифатига, миқдори ва бошқа кўплаб омилларга боғлиқ. Линчнинг [Lynch, 1983] фикрига кўра, микроорганизмларнинг сони, ва уларнинг биологик хилма-хиллиги, тупроққа ишлов бериш технологияси в унга солинадиган органик ўғитларга боғлиқ.. Тупроқ микроорганизмлари, барча экотизимларда озуқа элементларини ўзгариб туришида, ҳамда ўсимлик ва ҳайвон чиқиндиларини табиатда айланиб туришида жуда катта хизмат қиладила. Шунинг билан бирга, улар тупроқ структурасини ушлаб туришда, биологик азотфикация жараёнини намоён бўлишида, микорозалик ассоциациялар тўпланишида, фитопатоген микробларни сонини камайишида, ва ўсимликларни ривожланишига таъсир этувчи, тупроқнинг бошқа хоссалари ва хусусиятларини ўзгаришида фаол иштирок этадилар.

Ўсимлик организмни мураккаб экотизим (экосистема) сифатида қараш мумкин. Бу экосистемани ҳар хил бўлинмаларида микроорганизмлар колонияларини учратиш мумкин. Мана шу жойлашиб олган жойларига қараб, ўсимлик билан ўзаро алоқага кирувчи микроорганизмларни, ризосферадаги, эпифит ва эндофит микроорганизмлар деб бир-бирларидан ажратиб, алоҳида-алоҳида ўрганишни тавсия этишган.

Линчнинг эълон қилган классификациясига асосан, ризосфера микроорганизмлари дейилганда, ўсимлик илдизи зонасидаги – ризосферада тўпланиб, ривожланадиган тупроқ

микроорганизмлари тушунилади. Булардан фаркли ўларок, ризопландаги микроорганизмлар - илдизни сиртида жойлашган бўладилар [Lynch, 1990].

Ризосферани ўзини ҳам бўлақларга бўлиб ўрганилади:

- Эндоризосфера – илдиз ичидаги хужайра қавати;
- Ризоплан – илдиз ташқи сирти;
- Экторизосфера – илдизни ўраб турган тупроқнинг яқин ётган зонаси;
- Спермосфера – ризосфера билан ўсиб (униб) чиқадиган уруғ оралиғидаги, жуда

кийин локализация бўладиган зона. Бу зонадан микроорганизмлар униб чиқадиган ўсимликларни илдизи ёки барги томон интилишлари (миграция бўлишлари) мумкин.

Ризосферадаги барча таксономик гуруҳга мансуб бўлган организмлар: бактериялар, актиномицетлар, замбуруғлар, энг сода ҳайвонлар, сув ўтлари, вируслар, нематодалар, термитлар ва бошқалар учрайдилар. Бунга асосий сабаб, ризосферадаги юқорида келтириб ўтилган тирик организмлар ҳаёт кечиришлари учун зарур бўлган барча керакли озуқа моддани борлигидир. Ризосферада бундай шароитни ташкил бўлишида, кўп омилар, ўсимлик турлари, уларни физиологик ҳолати, тупроқ типи, намлик рН кўрсаткичи, аэрация ва бошқалар катта рол ўйнасалар, бош вазифани ўсимликнинг ўзи бошқаради.

Ўсимликни ривожланиши, ўсиши мобайнида бактериялар илдизидан, ўсимликни ер устки қаватига тарқалади, яъни пояга, баргга, гулга, гулдан эса уруғга. Клюпфел ва Тонкенларни [Kluepfel and Tonkyn, 1990] кузатишларига кўра, ўсимликларни ер устки қисмида колонизация (тўпланадиган) бўладиган микроорганизмлар ер устки қисмини ўраб турган бўшлиқни филлосфера, ўсимликни сиртини эса – филлоплан деб юритилади. Филлосфера адабиётларда эпифитлар (юнонча *Epi* – атроф, *Phytos* – ўсимлик) деб аталадилар.

Ўсимлик сиртида микроорганизмлар зоналарга бўлиниб жойлашадилар. Эпифит микроорганизмлар кўпроқ, устьицалар атрофида колонизациялашадилар. Нина барги ўсимликларни ҳар бир устьицаси атрофида 5 тадан микроб хужайраси топилган. Бу ўсимликларни бошқа қисмида микроорганизмлар учрамайдилар. Устьицалар орқали чиқиб турадиган ўсимлик моддалари, микроорганизмлар учун асосий озуқа манбаи бўлиб хизмат қилади.

Эндофитлар – ўсимлик тўқималари орқали ичкарига кириб, колония ҳосил қиладилар, аммо ўсимликларга касаллик олиб келмайдилар. Бактериал эндофитлар деб, ўсимликларни тўқималарига зарар етказмасдан ёки ўзини яшаб турган жойидан бошқа фойда олмайдиган бактерияларга айтилади.

Эндофит бактериялар ҳар хил ўсимликларни гулларидан, баргларида, поясидан, уруғларидан ва ҳатто илдизларидан ҳам ажратиб олинган.

Арпа ўсимлигини ризосфера тупроқларидан ҳар хил бактерияларни 100 та штамми ажратиб олинган. шулардан 16 изолят *in vitro* шароитида, фитопатоген замбуруғларга қарши фаолликга эга эканлиги аниқланган. Бошқа изолятлардан фарқли ўларок, мана шу 16 изолятни ҳар бири глюканолитик ва ажратиб олинган штаммлар *Bacillus polymyxa* (2 та штамм) *Bacillus pumilis* (13 та штамм), *Bacillus sp* (1 штамм) сифатида аниқланган. Ҳар хил таркибдаги озуқа муҳитида, ҳар хил миқдорда фермент ҳосил қилишига қарамасдан, ажратиб олинган штаммлар бир хил бионазоратлик фаоллигига эга бўлган, бу эса уларни биоконтрол микроб преператлари яратишда ишлатиш нақадар истиқболли эканлигидан дарак беради [Nielsen, Sorensen, 1997].

Нўхат ва бошқа дуккакли ўсимликларни спермосферасидан ҳар хил бактерияларни 92 та изоляти ажратиб олинган улардан 72 таси *Bacillus* авлодига кириши аниқланган. Бациллаларни 4 та изоляти *in vitro* шароитида *Botrytis cinerea* ва *Pythium mammilatum* эга эканлиги аниқланган. Бу штаммларни чуқур ўрганиш улардан бири *Bacillus polymyxa* ва 3 таси *Bacillus subtilis* эканлигини кўрсатган. Бу бактериялар синтез қиладиган бионазоратлик хусусиятига эга бўлган моддалар, термостабил моддалар (иссикга чидамли) бўлиб, уларни озуқа муҳити таркибида (хужайрадан ташқарида), ҳамда спораларни қобоғида бўлишлари аниқланган.

Bacillus авлодига кирувчи бактериялар, ўта чидамли эндоспоралар ҳосил қилишлари ҳамда кенг спектрлик антибиотиклар синтез қилишлари билан ажралиб турадилар.

Бациллаларни кўплари ҳамда улар синтез қилувчи антибиотиклар, фитопатоген замбуруғларга қарши антогонистик фаолликка эгалар. Улар асосан ўсимликни ризосферасидаги тупроқда яшайдилар ёки эндофит ҳисобланадилар. Бациллаларни, куритишга, юқори ҳароратга, ультрафиолет нурларга, органик эритувчиларга чидамли эканликлари, улар асосида янги янги биопрепаратлар яратиш истиқболларини очиб беради.

ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА БИОТИК ОМИЛЛАРДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШ

Базарбаева М.Ш., Д.Б. Қосимова

ГулДУ

Қишлоқ хўжалиги ўсимликларини ҳар хил зараркунанда ва касал кўзгатувчи патоген микроорганизмлардан ҳимоя қилишни энг истиқболли йўли –бу микробиологик воситалардан (препаратлардан) кенг фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ. Микробиологик препаратлар ёки биопестицидлар кимёвий ҳимоя воситаларидан бир қатор устунликларга эгалар. Энг аввало, уларни экологик хавфсизлигини, танлаб таъсир кўрсатишини, биопестицидлар таъсирида агроэкосистема элементлари орасидаги ўзаро алоқани бузилмаслигини, уларни таъсирига фитопатоген микроорганизмларни ўрганиб қолмаслигини, бу препаратларни кимёвий препаратларга нисбатан арзонлигини ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Шунга қарамасдан, биопестицидларни кенг тарқалишига тўсқинлик қиладиган бир неча сабаблар ҳам бор. Шундай сабаблардан бири – етарлича самара бермаслиги ва уларни экстремал ҳолатларда (тупроқнинг шўрланиши, юқори ҳарорат, кам сувлилик ва ҳ.) мўътадиллигини пасайиб кетишидир. Бундай ҳолатлар биопрепаратларни асосини ташкил қилувчи микроорганизмлар фаолияти билан боғлиқ.

Юқорида кўрсатилиб ўтилганидек, биопрепаратни фаоллиги, уни таркибидаги микроорганизмни муайян шароитда колонизацияланиши билан чамбарчас боғлиқ. Шундай экан, экологик ҳолати ва кимёвий таркиби бўйича фаркланадиган тупроқлардан ажратиб олинган микроорганизмлар асосида тайёрланган препаратларни, кимёвий воситалар сингари қаторасига, ҳамма тупроқларда ёки ҳар хил ўсимликларни ҳимояси учун ишлатиш тўғри келавермайди.

Бунинг учун бизнинг шўрланган тупроқларда ўз фаоллигини йўқотмайдиган, осон колонизацияланадиган бактерия *Bacillus subtilis* В-1дан фойдаланишни лозим топдик. *Bacillus subtilis* В-1 штаммининг оптимал муҳитда биомасса тўплашига ҳароратнинг боғлиқлиги профессор Қ.Давранов тажрибалари асосида аниқланган. Унга кўра:

1-жадвал

Ўстириш ҳарорати, °С	Биомасса, г/л (33 соат)	рН кўрсаткичи
20	3,80	6,8
25	4,00	6,8
30	4,65	6,8
35	5,05	6,8
37	5,25	6,8
39	5,30	6,8
41	5,10	6,7
45	4,60	6,7
50	2,80	6,7

Жадвалда келтирилган маълумотлар *Bacillus subtilis* В-1 штаммининг ривожланиши ҳароратга боғлиқ эканлигини кўрсатиб турибди. Ҳар хил ҳароратда ўстирилган бактериянинг

озука муҳитдаги рН кўрсаткичи деярли ўзгармасда, бактерияни ривожланиши, айна пайтда биомасса тўплаши ҳар хил содир бўлар экан.

Тажрибалар натижасида *Bacillus subtilis* В-1 штаммининг ўсиш ҳарорати 37-38⁰С га тенг эканлигини аниқланди. Бу эса бактериянинг ушбу штаммини ўсиб, ривожланиши ҳарорати, адабиётларда келтирилган бошқа штаммлардан бироз бўлсада фарқ қилишини кўрсатди.

Биопрепарат сифатида қўлланилаётган бактерия ўсимликларда касаллик туғдирадиган бошқа микроорганизмларга қарши антимикроб хусусиятига эга бўлиши лозим. Шуларни эътиборга олган ҳолда, биз *Bacillus subtilis* В-1 штаммини *Fusarium culmorum* –буғдойда илдиз чириш касаллигини чақирувчи фитопатоген замбуруғига таъсирини, бактерияни ўсиш динамикасида ўрганиб чиқдик. Бактерияни *Fusarium culmorum* замбуруғига қарши антогонистик фаоллигини аниқлаш учун Sambrook методидан фойдаланилди. Тажриба натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Ўстириш даври, соат	Биомасса, г/л	<i>Fusarium culmorum</i> замбуруғини ўсишини тўхтатиши, м/м
6	0,806	6
9	1,110	8
12	3,050	12
15	4,250	15
18	4,850	18
30	5,150	27
33	5,280	30
36	4,850	35
39	4,900	35
42	4,250	32
45	3,900	30
48	3,600	28
51	3,000	25
54	2,900	25
66	2,400	25
70	2,300	25

2 жадвалда акс этирилганидек, бактериянинг энг баланд антифугаллик хусусияти ўсиш ва ривожланишни стационар фазасини охириларига тўғри келар экан.

Bacillus subtilis В-1 штаммини *Fusarium culmorum* замбуруғига таъсирини, бактерияни ўсиш динамикасида ўрганиб чиқдик. Тажриба натижаларида *Bacillus subtilis* В-1 штамми оптимал муҳитда, онтогонистик фаоллигини ўзгартириш динамикаси ўрганилди. Энг паст натижа 6 соатда бактерия 0,806 г/л биомасса ҳосил қилиб, *Fusarium culmorum* замбуруғини 6 ммга тўхтатган бўлса, энг юқори натижа 33 соатда бактерия 5,280 г/л биомасса ҳосил қилиб, замбуруғнинг ўсишини 35 ммга тўхтатди. Шундан хулоса чиқариш мумкинки, бактериянинг оптимал таъсир механизми 33 соатни ташкил этар экан.

Юқорида келтирилган хулосалардан фойдаланиб, аниқ айтиш мумкинки, *Bacillus subtilis* В-1 штамми буғдой ўсимлигидаги *Fusarium culmorum* замбуруғига қарши антогонистик фаолликка эга. У ҳар хил тупроқ шароитига осон мослашувчандир. Улардан биопрепаратлар яратишда кам харажат сарфланади. Бу уларга экинлардан кўзлаган ҳосил олишга ва моддий жиҳатдан кам харажат сарф этилишига ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Қ.Давранов “Биотехнология” 2009 йил
2. Bowen G.D., Rovira A.D. Microbial colonization of plants roots // Annu. Rev. Phytopatol, 1976. Vol.14. P.121-144

3. Chanway C.P., Nelson L.M., Holl F.B. Cultivar specific growth promotion of spring wheat (*Triticum aestivum* L.) by coexistent *Bacillus* species // *Can. J. Microbiol.*, 1988. Vol.34. P.925-929
4. Di Fiore S., Del Gallo M. Endophytic bacteria: their possible role in the host plant // In: *Azospirillum and Related Microorganisms*. Ed. I. Fendrik. Berlin Heidelberg. Springer, 1995. P.169-187

БУҒДОЙ ДОННИНГ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИГА СТЕРОИД ТАБИАТЛИ БИРИКМАЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

К. Исмоилова, Н. Аблакулова, Н. Султонова, А. Бердалиев, Т. Иброхимова

ГулДУ

Буғдой навларини парвариш қилишдан асосий мақсад сифатли дон маҳсулотларини олишдан иборат. Ўз навбатида доннинг сифатли бўлиши унинг кимёвий таркиби, жумладан, оксил микдорига боғлиқ. Бироқ, тупроқ шўрланиши нафақат ҳосил микдорини пасайишига, балки, ҳосил сифатига ҳам салбий таъсир этади [1].

Сўнги йилларда кўплаб тадқиқотчилар томонидан табиий хом-ашёлардан ажратиб олинган препаратларни қўллаш асосида донли экинларни ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатини ошириш билан боғлиқ кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бироқ, шўрланган тупроқ шароитида стимуляторлар ёрдамида буғдойнинг ҳосилдорлигини ошириш билан боғлиқ ҳолда ўсиш-ривожланишини идора этишда қатор муаммолар ўз ечимини кутмоқда. Биз кучсиз ва ўрта шўрланган тупроқларда табиий хом-ашёдан олинган стероид табиатли бирикмаларнинг буғдойнинг ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатига таъсирини ўргандик.

Тажриба учун танлаб олинган буғдой навларига Учқун ва Реткил препаратини 0,01 %, ГК нинг моноаммонийли тузини 10^{-6} М концентрацияли, ТК(0,5%):ГК- NH_4 (10^{-6} М) ли композициялари буғдойнинг уруғлик донига ишлов бериб, найчалош фазасида пуркалганда ҳосил микдори ва сифатига таъсири ўрганилди. Доннинг табиийлиги [2] методи бўйича аниқланди

Барча тажриба натижаларининг таҳлили Доспеховнинг дисперсион анализ методлари [3] асосида амалга оширилди

Маълумки, оксил микдори нафақат навларнинг биологик хусусиятларига, балки ташки муҳитга ҳам боғлиқ. Оксил микдори, седиментация кўрсаткичи, ноннинг ҳажми ва шаклини сақлаш хусусияти ҳамда клейковина сифати кўрсаткичи нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнида энг асосий кўрсаткич ҳисобланади

3.14-жадвал

Кучсиз ва ўрта шўрланган тупроқларда стероид табиатли бирикмаларнинг буғдой дони сифатига таъсири

Вариантлар	Дон натураси, г		Шаффофлиг и, %		1000 та дон оғирлиги, г		Клейковина микдори, %	
	1*	2*	1*	2*	1*	2*	1*	2*
	Чиллаки нави							
Назорат	718	714	72	69	40,5±0,7	40,2±1,6	21,0±1,3	20,1±1,7
Учқун 0,01 %	740	745	80	75	43,9±0,6	43,7±1,5	23,4±1,1	22,2±1,8
Реткил 0,01 %	728	720	74	76	42,7±0,7	41,8±2,5	21,3±1,3	21,3±1,6
ГК 0,01 %	752	742	81	74	44,1±0,5	43,6±1,3	23,3±0,9	22,2±1,8
3*	754	750	83	78	45,3±1,0	43,9±1,5	24,8±0,8	23,9±2,4

	Дўстлик нави							
	724	718	74	72	40,4±1,2	39,0±1,9	23,3±1,3	22,0±2,1
Назорат	724	718	74	72	40,4±1,2	39,0±1,9	23,3±1,3	22,0±2,1
Учкун 0,01 %	738	722	85	84	44,5±0,8	42,5±1,2	25,8±1,3	24,0±1,8
Реткил 0,01 %	736	727	81	80	42,9±0,8	40,1±1,6	24,3±1,1	21,3±1,7
ГК 0,01 %	742	731	84	83	44,7±1,1	42,3±1,8	25,5±1,1	24,0±2,3
3*	747	747	86	84	45,7±0,9	43,6±1,5	26,3±0,3	24,8±1,3

1*-кучсиз шўрланган, 2*-ўрта шўрланган, 3*- ТГК 0,5 %- ГК (NH₄) 10⁻⁶

Вегетация даврида ҳарорат юқори, ёғингарчилик кам бўлиши дондаги оксил ва клейковина миқдори юқори бўлишини таъминлайди. Пишиш даврида ёғингарчилик кўп бўлса, клейковина паст бўлар экан. Ташқи омиллар таъсирида буғдойнинг чидамлилиги даражасини ошириш вадоннинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш мумкинлиги аниқланган бўлиб, ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этади.

Дон натураси унинг тўлиқлигини, йириклигини белгиловчи кўрсаткичлардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам дон натурасига алоҳида эътибор қаратилади. Чиллаки навида дон натураси кучсиз шўрланган тупроқда 718 г ни ташкил этган бўлса, ўрта даражада шўрланган тупроқда 714 г ни ташкил этди. Доннинг шаффофлиги кучсиз шўрланган тупроқда 72% ни ташкил этган бўлса, ўрта даражада шўрланган тупроқда 69% ни ташкил этди. 1000 та дон оғирлиги ўсимлик навларининг муҳим биологик хусусиятларидан ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич навнинг биологик хусусияти ва ташқи муҳитнинг таъсирини ўзида мужассам этган ҳолда шаклланади. Доннинг оғир бўлиши генотипнинг ташқи муҳит шароитларидан самарали фойдаланилганидан далолат беради. Кучсиз шўрланган тупроқ шаротида 1000 та дон оғирлиги 40,5 г ни ташкил этган бўлса, стероид табиатли бирикмаларнинг таъсирида 45,3 г га тенг бўлди. Бу доннинг оғирлиги назоратга нисбатан 4,8 г кўп бўлганлигини кўрсатди. Ўрта даражада шўрланган тупроқ шароитда стероид табиатли бирикмаларнинг таъсирида дон оғирлиги 3,7 г оғир бўлганлиги аниқланди. Клейковина миқдори доннинг сифатлилигини белгиловчи муҳим кўрсаткичлардан ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич Чиллаки навида кучсиз шўрланган тупроқда 21,0% ни ташкил этган бўлса, ўрта даражада шўрланган тупроқда 20,1% ни ташкил этди. Стероид табиатли бирикмаларнинг таъсирида клейковина миқдори кучсиз шўрланган тупроқда 24,8 % ни ташкил этган бўлса, ўрта даражада шўрланган тупроқда 23,9% га тенг бўлди. Ушбу маълумотлардан стероид табиатли бирикмалар таъсирида оксил миқдори 3,8% кўп бўлганлигини аниқ кўриш мумкин. Бошқа навларда ҳам айнан Чиллаки навида ўхшаш натижалар қайд этилди.

Стероид табиатли бирикмаларнинг таъсирида назоратга нисбатан барчасида устунлик кузатилди. Айниқса, доннинг сифатига техник глицирризин кислотаси ва глицирризин кислотасининг моноаммонийли тузи асосидаги композициясини ижобий таъсир кўрсатиши аниқланди. Демак, ушбу композицияни шўрланган тупроқларда буғдойнинг ҳосил сифатини яхшилашда қўллашни тавсия қилиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Исмоилова К.М. Қўшиев Ҳ.Ҳ, Абдиқулов З, Алмааматов Б, Султонова К. Глицирризин кислотаси тузларининг стимуляторлик хоссалари. «Табиий бирикмалардан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш истикболлари». Республика илмий амалий анжумани материаллари тўплами. Гулистон, 2013, 4-5 май. – Б.115.
2. Государственные стандарты. Зерновые, зернобобовые и масличные культуры. Москва. Издательство стандартов.1990. часть 2. 3-48.-С.2.
3. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта.- М.: Агропромиздат, 1985.

СТЕРОИД ТАБИАТЛИ БИРИКМАЛАРНИ ЛАБОРАТОРИЯ ШАРОИТИДА БУҒДОЙ ДОНЛАРИНИ УНУВЧАНЛИГИГА ТАЪСИРИ

К.Исмоилова

ГулДУ

Маълумки, тупроқ шўрланиши ўсимликни унувчанлигига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Бугунги кунда кўплаб олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлардан маълумки [1], стероид табиатли бирикмалар, жумладан, ГКнинг 10^{-6} – 10^{-8} М концентрациядаги эритмаси чигитнинг унувчанлик даражасини бир неча марта оширган ва шунингдек, ауксинларнинг 10^{-7} – 10^{-8} М концентрациядаги эритмалари эса буғдойнинг унувчанлик даражасини, ловиянинг илдиз тизимининг ҳосил бўлиш кўрсаткичини ҳам бир неча марта оширган [2]. Шу каби ГКнинг қатор табиий бирикмалари кўпгина ўсимликларнинг ўсиш-ривожланишида муҳим стимуляторлик хусусиятларини намоён этган[3].

Ушбу қайд этилган маълумотлар асосида тадқиқотлар давомида буғдойни унувчанлигига Учқун ва Реткил препаратлари, глицирризин кислотасининг моноаммонийли тузи ва ТГК(0,5%):ГК- NH_4 (10^{-6}) композицияси таъсири ўрганилди. Олинган маълумотлар кўра навлар орасида Дўстлик навида унувчанлик юқори, 98% ни кўрсатди. Паст унувчанлик кўрсаткичи Чиллаки навида унувчанлик 82% ни ташкил этди. Назоратга нисбатан кичик фарқ Реткил препаратидида қайд этилди, катта фарқ глицирризин кислотасининг моноаммонийли тузи ва техник глицирризин кислота асосидаги композицияда (ТГК0,5%:ГК- NH_4 10^{-6} М) кузатилди, яъни назоратга нисбатан Чиллаки навида 10%, Дўстлик навида 12%, Восторг навида 11%, Таня навида 11%, Боёвут-1 навида 10% унувчанлик ошган. Учқун препаратининг 0,01% ли эритмаси билан ишлов берилган донда унувчанлик назоратга нисбатан Чиллаки навида 9%, Дўстлик навида 12%, Восторг, Таня ва Боёвут навларида 10% га ошган. Глицирризин кислотасини моноаммонийли тузини 10^{-6} Мли концентрациясини буғдой донларининг унувчанлигига ижобий таъсири кузатилди, назоратга нисбатан Чиллаки навида 8%, Дўстлик навида 11%, Восторг ва Таня навларида 9%, Боёвут-1 навида 10% га ошган.

NaCl тузининг 2% ли муҳитда танлаб олинган навлар орасида яна Дўстлик навида унувчанлик юқори, 67% ни ташкил этди. Паст унувчанлик кўрсаткичи эса Таня навида аниқланди, унувчанлик 62%// Препаратлар билан донида ишлов берилганда назоратга нисбатан кичик фарқ, яъни 7-6% Боёвут навида кузатилди. Глицирризин кислотасининг моноаммонийли тузи ва техник глицирризин кислота асосида яратилган композицияда назоратга нисбатан Чиллаки навида 8%, Дўстлик ва Восторг навларида 10%, Таня навида 8%га унувчанлик ошган. Учқун препаратининг 0,01% ли эритмаси билан ишлов берилган донларда унувчанлик назоратга нисбатан Чиллаки ва Таня навларида 8%, Дўстлик ва Восторг навларида 9% га ошган. ГК- NH_4 ни 10^{-6} Мли концентрациясининг буғдой донларининг унувчанлигига ижобий таъсири кузатилди, назоратга нисбатан Чиллаки навида 7%, Дўстлик навида 9%, Восторг навида 10% ва Таня навида 8% га ошган. Олинган натижаларни таҳлил қилиб, препаратларнинг таъсири ҳар қайси навнинг биологик хусусиятларига ҳам боғлиқ эканлигини кўриш мумкин. Лаборатория шароитида барча препаратларнинг юқори концентрацияли эритмалари назоратга нисбатан дон унувчанлигини пасайтириб юборган.

Демак, буғдой донларига экишдан олдин ишлов бериб экилганда ТГК(0,5%):ГК- NH_4 (10^{-6} М) композицияси ва ГК- NH_4 нинг 10^{-6} М концентрацияли, Учқун препаратининг 0,01% ли эритмаси билан ишлов берилганда буғдой донларини унувчанлигини стимуллаши ва бу бирикмалардан стимулятор сифатида фойдаланиш имконини бериши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Лукьянова С.В., Тойчиев А.А., Далимов Д.Н., Гагельганс А.И., Тонких А.К. Действие глицирризиновой кислоты на растения //Химия природных соединений. 2001. - Спец выпуск. -С.14-15 (19).
2. Тойчиев А.А., Лукьянова С.В., Далимов Д.Н., Тонких А.К. О регулировании кальцевого гомеостаза растительных клеток глицирризиновой кислотой //Химия природных соединений.2002. -Спец выпуск. -С.66-67.(21).
3. Ismoilova K, Kushiev Kh. Adaptation of wheat in the conditions of salinity//International Conference on Arid Lands Studies. «Innovations for sustainability and food security in arid and semiarid lands», Samarkand, 2014. –P. 48.

QISHLOQ XO'JALIGI EKINLARINI SUG'ORISHDA SHO'RLANGAN SUVLARDAN FOYDALANISH BO'YICHA BA'ZI MULOHAZALAR.

Altmishev A., Raxmonov. I.

GulDU

Paxtachilikda ekologik muvozanatni buzadigan sabablaridan biri tuproqning sho`rlanishidir. Sho`rlangan tuproqlar Sirdaryo viloyatining maydonlarini egallagan. Chunki sug`orishning tuproqqa hamda uning sho`rlanish darajasiga ta`siri dehqonchilik rivojlanishi bilan o`zgarib boradi. Sifatsiz, me`yorsiz sug`orish sizot suvlarining ko`tarilishiga va tuproqning ikkilamchi sho`rlanishiga olib keladi.

Mutaxassislar ishlab chiqarishga sug`urishning eng maqbul usulini belgilab bergan. Bunda sizot suvlarining chuqurligi qay darajada sho`rlanganligini tuproqni sho`rsizlantirish yo`llari ham hisobga olingan. Viloyatda sug`ortiladigan dehqonchilikning keng miqyosda rivojlantirish oqibatida eskitdan haydab kelingan yerlarning jumladan, Boyovut tumani ba`zi xo`jaliklari yerlarining meleoratsiya holati aksari hollarda yomonlashdi. Va bu hol ilgari mavjud bo`lmagan salbiy ekologik jarayonlarni keltirib chiqmoqda. Bular asosan kollektor zovur tarmoqlarining qator yillardan beri tozalanmaganli va ikkinchi ekin sifatida ekilgan qishloq xo`jaligi ekinlarini sug`orish hamda ayrim hollarda ekinlarni sho`rlangan suv bilan sug`orish natijasida tuproqqa zararli tuzlarning ko`payishi sodir bo`ldi deb o`ylaymiz. Demak paxtachilikda asosiy ekologik muamolardan biri tuproqning meleoratsiya holatini yaxshilashga erishib, sho`rlanishni oldini olishdir. Ayniqsa tuproqlarning sho`rlanish sabablarini aniqlash hamda yo`qotish yo`llarini izlash, qishloq xo`jalik ekinlarini yaxshi o`sishi va rivojlanishini ta`minlab ulardan yuqori va sifatli xosil olish imkoniyatlarini yaratadi. Shu maqsadda 2012-2013 yillar Boyovut tumani sug`oriladigan yerlarining menirallashganligi darajasi, sizot suvlari sathi va uning menirallashganlik darajasi holatini kuzatib borish, sodir bo`layotgan o`zgarishlarni o`z vaqtida aniqlash, yerlarga baho berish salbiy jarayonlarni oldini olish va oqibatlarini bartaraf etish maqsadlarida monitoring olib borildi. Buning uchun tumanning jami 36145 ga sug`oriladigan maydonning nazorat ostiga olib, shundan 2012-2013 yillar holatiga ko`ra 1370 ga sho`rlangan 31461 ga kam sho`rlangan 3211 ga o`rtacha sho`rlangan va 103 ga esa kuchli sho`rlangan maydonlar aniqlandi. 2012-yilgiga nisbatan kam sho`rlangan yerlar 1830 ga ko`paygan. O`rtacha sho`rlangan yerlar 930 ga, kuchli sho`rlangan yerlar 224 ga kamayganligi kuzatildi.

Tumanning 1-Boyovut, Dehqonobot, Taraqqiyot, G`allakor, T. Latipov va Navruz suv iste`molchilari uyushmasi yerlardagi maydonlarning o`rtacha sho`rlangan yerlari ko`payganligi, N. Maxmudov, U. Yusupov va G`allakor suv iste`molchilari yer maydoning kuchli va o`rtacha sho`rlanishi darajalari kamayganligi aniqlandi. Tuman sug`oriladigan yerlarning sizot suvlari sathi va uning sho`rlanish darajasini 204 dona kuzatuv quduqlari yordamida nazorat qilindi. Bunda 2012-yil 1-oktabr holatiga ko`ra sizot suvlari sathi 1-1.5 metr bo`lgan maydonlar 377 ga, 2013-yilda 392 ga tashkil etdi yoki 15 ga ko`paydi. 2012-yil 1-oktabr holatiga ko`ra sizot suvlari 1.5-2 metr bo`lgan maydonlar 4953 ga 2013-yilda esa 5393 ga tashkil etdi yoki 440 ga ko`paydi. Va 2012-yil 1-oktabr holatiga ko`ra sizot suvlari sathi 2-3 metr bo`lgan maydonlar 29370 ga 2013-yilda esa 29124 ga

tashkil etdi yoki 246 ga kamaydi. Shu bilan birga tumanning ba`zi suv iste`molchilari uyushmalari yerlarda sizot suvlarining sathi ko`tarilishi kuzatildi.

Tuman bo`yicha 2012-2013 yillar 1-oktabr holatiga ko`ra sizot suvlarining menirallanish darajasi quydagicha tasdiqlandi: Minerallashganlik darajasi 0.1g/l gacha bo`lgan maydonlar 2012-2013 yillar aniqlanmadi. Minerallashganlik darajasi 1.0-1.3g/l gacha bo`lgan maydonlar 2012-yil 1-oktabr holatiga ko`ra 12853 ga 2013-yil 1-oktabr holatiga ko`ra esa 13295 ga aniqlandi yoki 492 ga ko`paydi. Minerallashganlik darajasi 3.0-5.0 g/l gacha bo`lgan maydonlar 2012-yil 1-oktabr holatiga ko`ra 21582 gada 2013-yil 1-oktabr holatiga ko`ra esa 21919 ga yoki 337 ga ko`paygan. Minerallashganlik darajasi 5.0-10.0 g/l gacha bo`lgan maydonlar 2012-yil 1-oktabrholatiga ko`ra 1268 ga 2013-yil 1-oktabr holatiga ko`ra esa 1161 ga yoki 107 ga kamaygan. Minerallashganlik darajasi 10.0 g/l dan yuqori bo`lgan maydonlar mavjud ekanli aniqlandi. Yuqorida Boyovut tumani sug`oriladigan yerlarda olib borilgan kuzatuvlar natijasida quyidagi dastabki tadbir va tavsiyalarni taklif etish mumkin:

1. Sizot suvlarining sathini kritik (2.5-3.0) chuqurlikdan pastga ushlab turishga qaratilgan barch tadbirlarni amalga oshirish.
2. Mavjud kollektor-zovur tarmoqlarini muntazam yaxshi holatda ushlab turish va foydalanish ish samaradorligining pasayishiga yo`l qo`ymaslik zarur.
3. Sug`orish sifatiga va rejimiga hamda sho`r yuvish me`yorlari muddatlariga amal qilish.
4. Kollektor-zovur suvlaridan foydalanishda uning tarkibidagi tuz miqdori va tarkibi, tuproq hossalari hamda sug`oriladigan yerlarning meleorativ ahvoli kabi omillar e`tiborga olish zarur.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА КАВКАЗОРТИ ЗИРАКЎТИ ЎСИМЛИГИНИНГ ЎСИШ ВА РИВОЖЛАНИШИ.

**Л. Ботирова б.ф.н., З. Сулаймонқулова талаба,
ГулДУ**

Ҳозирда чорвачиликнинг озуқа базасини яратиш мақсадида республикамизнинг экин майдонларига юқори ҳосилли бир қанча ноанъанавий ўсимликлар жорий қилинмоқда. Буларнинг ичида зиракўтлар (*Onobrychis Mill*) туркуми вакиллари муҳим ўринга эга.

Барча бурчоқдошлар сингари зиракўтлар ҳам тупроқни азот билан бойитиш ва таркибида оқсил моддаларининг кўплиги ҳамда бу туркумнинг айрим вакиллари қурғоқчиликка чидамлилиги сабабли, ҳосилдорлиги паст бўлган ерларни яхшилашда катта аҳамият касб этувчи юқори қийматли ўсимликлардан ҳисобланади.

Ўрта Осиёда зиракўтлар асосан, тоғ ва тоғ этакларида кенг тарқалган бўлиб, яйловларнинг озуқа қийматини оширади. Қурғоқчиликка, совуққа чидамлилиги ва энг муҳими ҳар бир тупдаги азот тўпловчи туганакларининг вазнига кўра, зиракўтлар баъзи бир маданий беда навларидан (*Medicago sativa L.*) бир неча марта устун туради (Даленова, 1970) .

Кавказорти зиракўти *Fabaceae* оиласи, *Onobrychis* туркуми, *Euonobrychis* кенжа туркуми, *Eubrychis* секциясига мансуб 40-60 (130) см баландликга эга кўп йиллик ўтсимон ўсимликдир. Пояси тўғри ёки тик турувчи бўлиб, қисқа туклар билан қопланган. Пастки барглари бандли 6-10 жуфт баргчалардан иборат, баргчалари қалами-элепссимон ёки чўзик бўлиб, узунлиги (10) 15-20 мм, эни 3-5 мм; юқориги барглари қарийб ўтrock, 10-12 жуфтли баргчалари қалами наштарсимон ёки қалами, узунлиги (8) 15-25 (30) мм, эни (1) 2-3 мм; шингили гуллагунга қадар попуксимон, косабарги майин туклар билан қопланган, гултожи қирмизи ёки тўқ қизил рангда, елкани қайиқчадан узунrock, дуккаги ярим ойсимон тузилишга эга. Кавказорти зиракўти ҳар хил муҳитга, иқлимнинг ноқулай шароитга тез мослаша олиши билан бошқа бурчоқдошлардан ажралиб туради.

Биз кавказорти зиракўтини Сирдарё вилояти шароитида ўргандик. Бу ўсимликнинг меваси бир чанокли, қалин қисқа тукли, ярим юмалоқ тузилишда бўлиб, узунлиги 6мм, эни 4 мм ни ташкил этади. Қирралари энсиз, 3-4 (6) та асоси кенгаймаган тишчалардан иборат. Уруғи ловиясимон, тўқ жигар рангли, ўлчами 3,5 x 2,0 мм. Кавказорти зиракўти 1000 дона

мевасининг вазни 20,7- 23,0 г ни ташкил этади. Шунча миқдордаги уруғнинг оғирлиги 12 г атрофида.

Мартнинг охирларида сепилган уруғлар орадан 10 кун ўтгач уна бошлайди. Майса бошқичининг давомийлиги 6-8 кундан ошмайди. Июньнинг ўрталарида новданинг 4-5 бўғимидан бошлаб гулдор поя шаклланади ва ўсимлик генератив даврга киради. Июньнинг охирларида дастлабки гулларнинг очилиши кузатилади. Июльнинг ўрталарига келиб ўсимлик қийғос гуллайди ва айрим эрта гуллаган ўсимликларнинг генератив новдаларида акропеталь тарзда меваларнинг шаклланиши кузатилади. Августнинг ўрталарига келиб ўсимликнинг мевалари пишиб етилиши кузатилди. Лекин айрим тупларда ҳали ҳам очилган гуллар қайд этилди. Бу ўсимлик кўп йиллик бўлганлиги боис ундан икки уч марта ўрим олиш мумкинлиги айрим адабиётларда ёритилган. Лекин ўсимликдан биринчи йили бир марта ўрим олишни тавсия этамиз. Шуни қайд этиш керакки, бу ўсимлик ҳаётининг иккинчи ва учинчи йиллари уч ўрим ҳосил беришга қодир бўлса ҳам, ўрим миқдорини икки мартадан оширмаслик маъқулдир. Тажрибаларимизнинг кўрсатишича, уч ўрим ўтказилган ўсимликларнинг асосидан ривожланган новдалар келгуси йили жуда нимжон бўлиб, фақат бир ўрим ҳосил бериши ва шунда ҳам ҳосилдорлик анча паст бўлиши кузатилади.

Кавказорти зиракўти бутун мавсум давомида барча чорва молларининг, айниқса, қўй ва бузоқларнинг сеvimли озучаси ҳисобланади. Ўсимликнинг йиллик новдалари ва барглари таркибида, 15,25% протеин, 43,14% азотсиз экстракт модда, 34,86% клетчатка бўлиши унинг юқори сифатли озуча эканлигидан далолат беради (Борисова, 1952). Зиракўтларнинг сифатли асал бериши ҳамда уларнинг таркибидаги охак моддасининг молларни таянч-ҳаракат аъзоларини мустаҳкам бўлишидаги аҳамиятини эътиборга оладиган бўлсак, бу ўсимликларнинг халқ хўжалигида қанчалик юқори аҳамиятга эгаллигига шубҳа қолмайди.

АНОР (*PUNICA GRANATUM L.*)НИНГ МАҲАЛЛИЙ ШАРОИТГА МОС БИОТЕХНОЛОГИК КОЛЛЕКЦИЯСИНИ ЯРАТИШ

Ф.Эргашева, Г. Абдушукурова, Д. Каримова, Ҳ.Ҳ.Қўшиев
ГулДУ

Юқори даражада шўрланиб бораётган ер майдонларида қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириш бўйича сарф-харажатлар етиштирилаётган ҳосилдорликка нисбатан ўзини қопламайди. Бу ҳолат иқтисодий зарарни ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли шўрга чидамли ўсимлик сифатида анор етиштириш ва анордан экспортбоп маҳсулотлар олиш, биринчидан, иқтисодий самарадорликка эришиш имконини берса, иккинчидан, экологик муҳит яхшиланади. Учунчидан, қишлоқ жойларида иш ўринларини яратилишига муҳим асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 17 май куни Сирдарё вилоятига ташрифи давомида кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлис қарорида Сирдарё вилояти шароитида анорчиликни ривожлантириш ҳамда шўр тупроқли ер майдонларига мос ва чидамли ўсимликларни етиштириш бўйича алоҳида белгиланган вазифаларга кўра анорчиликни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган тадқиқотларни юқори даражада ташкил этилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Сирдарё вилояти шароитида анорчиликни ривожлантириш имкониятларининг мавжудлиги аҳоли таморқаларида етиштирилаётган 10 дан ортик анор навлари ва анор етиштириш бўйича маҳаллий тажрибалардан кенг фойдаланилаётганлиги муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Лекин маҳаллий тажрибаларнинг ўзи кенг майдонларда анорчиликни ривожлантириш учун етарли эмас. Шунингдек, селекцион қиймати, шўрга чидамлилиги ва улардан сифатли маҳсулот тайёрлаш имкониятлари, аниқроғи кўчатчилик ҳамда кўчат етиштиришнинг илмий асослари яхши ўрганилмаган. Ушбу масалаларнинг ўрганилиши шўрланган тупроқлар унумдорлигини сақлаш ва ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини ошириш, ҳосил сифатини яхшилаш имкониятларини яратади. Кенг майдонларда

анорчиликни ривожлантириш учун тупроқ-иқлим шароитга мос бўлган анор навларини танлаш, эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда янги навлар яратиш, анорнинг энг мақбул навлари кўчатзорлари плантацияларини шакллантириш, анорнинг экспортбоп маҳсулотларини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун анорнинг биологик хусусиятларини тўлиқ ўрганиш асосида селекция жараёнини ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда ўсимликларнинг янги навларини яратиш ёки тур ва навларни танлашда ўсимликлар биотехнологияси усулларидан кенг фойдаланилмоқдаки, ишлаб чиқаришга тавсия этилаётган навларни илмий жиҳатдан аҳамияти кўрсаткичларини юқори даражада асослаш имконини беради.

Мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқатга бўлган талабини қондириш, бунинг билан биргаликда аҳоли саломатлигини сақлаш ва яхшилаш доимий ва асосий вазифалардандир.

Бунинг учун, биринчидан, "Қора қайин", "Туятиш", "Оқ анор", "Қизил ширин" навларнинг вегетатив органларидан кесиб олинади, иккинчидан, кесиб олинган вегетатив новдачаларни икки соат давомида оқар сувда сақланади, учинчидан, кучсиз ишқорий муҳитда яхшилаб чайқалади. Тўртинчидан, новдачаларни микроорганизмлардан холи қилиш учун $AgNO_3$ нинг 0,1% ли эритмасига 40 дақиқа давомида солиб қўйилади. Сўнгра стерилланган сувда уч марта чайқаб *in vitro* муҳитида "Woody plant medium" озуқасига экилади.

Анор ўсимлиги мевасининг хусусиятлари шундан иборатки, инсон иммунитетини кучайтириб, тананинг турли инфекция ва вирусларга қарши курашишини кучайтиради, инсонга соғломлик ва чирой, қувват ва тетиклик бахш этади. Айниқса, эътиборлиси шу билан изоҳланадики, анор саратон ва юрак қон-томир касалликларининг олдини олиш мумкин.

Анор (*Punica granatum* L.) *punicaceae* оиласига мансуб бўлиб, 2 та турни ўз ичига олади (Evreinoff 1949; Zukovskij 1950; Moriguchi *et al.*, 1987; Guarino *et al.*, 1990; Jbir *et al.*, 2008). Табиий ҳолатда анор Эрон, Афғонистон, Грузия ва Ҳиндистоннинг шимолий қисмида ўсади ҳамда анор номи билан машҳур бўлиб, тропик ва субтропик иқлим шароитида ўсадиган энг қадимги, сеvimли ва машҳур мевали ўсимлик ҳисобланади (Pekmezci and Erkan 2003). Анорнинг меваси доналари ва ҳар хил органлари тўқималари тиббиётда аҳамиятга эга бўлиши билан бирга танаси бўлақларидан ҳар хил безак тайёрлашда ишлатилади (Parmar and Kaushal, 1982; Naovi *et al.*, 1991; Jayesh and Kumar 2004; Johanningsmeier and Harris 2011). Анорнинг меваси минералли манбаларга, витамин, антиоксидант, биологик фаол калийли бирикмаларга бой. Ҳиндистон анор етиштириш ва анор маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича дунёда иккинчи ўринда туради.

Анорнинг турли иқлим шароитга мос бўлган нав ва формаларини яратишда юқорида номлари қайд этилган мамлакатларда биотехнологик усуллардан кенг фойдаланилиши қатор манбаларда ўз аксини топган. Анорни *In vitro* шароитда кўпайтириш ва кўчатларини олиш бўйича адабиёт манбаларини алоҳида қайд этиш мумкин (Murkute *et al.*, 2004, Singh and Khawale 2006, Chaugule *et al.*, 2007, Samir *et al.*, 2009, Singh *et al.*, 2011). Гарчи, анор шўр тупроқли иқлим шароитда етиштирилса ҳам, айнан, шўр тупроқли иқлим-шароитга мос бўлган навлари ёки анор навларини кўчатларини олиш бўйича деярли тадқиқотлар олиб борилмаган. Умуман олганда, шўрланган тупроқ шароитда анор етиштиришнинг илмий асослари анор кенг етиштирилаётган мамлакатларда ўрганилмаган. Шу сабабли шўрланган тупроқ шароитда анорни касалланишини олдини олиш, ҳосилдорлигини ошириш ёки тиббиёт ҳамда озиқ-овқат саноатида фойдаланиш масаласи бўйича етарли тарзда илмий хулосалар чиқариш муҳим аҳамиятга эга.

Бизнинг тадқиқотларимизда олинган дастлабки натижалар биотехнологик усуллар ёрдамида анор навларининг ташқи омилларга чидамли формалари олинганлиги билан хорижий манбаларда қайд этилган натижалардан фарқ қилади. Яъни тадқиқотлар давомида *In vitro* шароитда анорнинг биотехнологик коллекциясини дастлабки намуналарини яратиш билан бирга шўрга чидамли формаларининг яратилиши алоҳида аҳамиятга эгадир.

Шунга кўра олиб борилган тадқиқотлар натижасида анор навларининг шўрга чидамли коллекцион намуналари яратилиши анорчилик йўналишини яратилишига муҳим бир асос бўлиб хизмат қилади. Яратилган коллекцион материаллар анорчилик бўйича илмий тадқиқот

ишларини янги йўналишларини йўлга қўйилишига муҳим бир асос бўлиб хизмат қилади. Тадқиқотлар натижасида олинадиган натижалар, яъни биотехнологик усуллар ёрдамида анорнинг ташқи омилларга чидамли нав ва формаларининг биотехнологик генетик коллекциясини яратилиши илмий янгилик бўлади.

Тадқиқот жараёнида танланган Сирдарё вилояти шароитида анорчиликни ривожлантириш ва шўр тупроқли ер майдонларига мос ва чидамли ўсимликларни етиштириш бўйича алоҳида вазифаларнинг белгиланганлиги юқорида қайд этилган тизимли чоратadbирларни ишлаб чиқилишига муҳим туртки бўлиб хизмат қилади.

ЎСИМЛИКЛАРНИ КОЛЛЕКТОР – ЗОВУР СУВЛАРИ БИЛАН СУҒОРИЛГАНДА “ТУПРОҚ - ЎСИМЛИК” ТИЗИМИДА СОДИР БЎЛАДИГАН ЖАРАЁНЛАРНИ ЎРГАНИШ.

Ф.Ш. Алтмишев., И.Рахмонов.

ГулДУ.

Суғориладиган ерларнинг тобора кенгая бориши билан сув тақчиллиги кучли сезилаётган Республикамизда қўшимча сув захиралари ахтариш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. шунинг учун қишлоқ хўжалигида маҳаллий сув ресурслари коллектор – зовур сувларидан фойдаланиш сув хўжалиги ва мелиоратив нуқтаи назарларидан катта аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда Республикамизнинг суғориладиган деҳқончилик минтақасида дерли сурункасига давом этаётган сув танқислиги сабабли қўшимча захира тарзида ҳар хил даражада шўрланган коллектор – зовур, ер ости сувларини қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирида, саноатнинг айрим соҳаларида фойдаланишни тақозо этмоқда. Ўтган даврда ҳар хил даражада шўрланган коллектор – зовур сувларини етиштирилаётган экинларни суғоришда, тупроқлар шўрини ювишда фойдаланишга оид кенг қамровли асосий ҳудудларда олиб борилган. Олинган маълумотларнинг таҳлилига қараганда аксарият кўп ҳолларда асосий урғу қайси даражада шўрланган сувни мазкур ҳудудда экинларни суғоришга ишлатиш мумкинлигини аниқлашга берилган. Лекин, коллектор – зовур сувларидан сурункасига ёки вақти –вақти билан фойдаланилганда “тупроқ- ўсимлик” тизимида содир бўладиган кимёвий, биологик ва бошқа жараёнларнинг ўзгариши ва уларнинг йўналишини ифодаловчи миқдорий кўрсаткичлар деярли ўрганилмаган.

Маълумки ҳар хил даражада шўрланган сувлар далага берилганда ўсимлик илдизи тарқалган қатламдаги тупроқнинг агрокимёвий, биологик ва бошқа хоссалари ўзгариши натижасида етиштирилаётган экинларнинг ўсиб ривожланиши ўзгаради. Маълумотларга қараганда ўсимлик танасида содир бўладиган физиологик жараёнлар жадаллашади, унинг мрфометрик кўрсаткичлари, олинадиган маҳсулот , ҳосил миқдори ва сифати пасаяди. Шу боис қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида коллектор – зовур сувларидан фойдаланишда содир бўлиши мумкин бўлган салбий асоратларни имконият даражасида камайтиришга йўналтирилган ташкилий –технологик тадбирларнинг таркиби ва меъёрларини белгилаш тупроқ хоссалари, ўсимликларда содир бўладиган биологик жараёнларни ўзгаришини ифодаловчи кўрсаткичлар муҳим аҳамиятга эга. Булар жумласига: тупроқнинг сув-физик, кимёвий (тузлар таркиби, сингдириш сиғими, эритма концентрацияси ва таркиби, ионларнинг жадаллиги, оксидланиш ва қайта тикланиш), агрокимё, биологик ва бошқа жараёнлар киради. Мазкур жараёнлар ўзгаришини етиштирилаётган ўсимликларда содир бўлаётган биологик, физиологик ўзгаришлар (фотосинтез, нафас олиш ва б.қ.) билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил қилинганда ҳар хил даражада шўрланган коллектор – зовур, ер ости сувларидан экинларни суғориш ва фойдаланишнинг моҳияти, самарадорлигини экологик ва иқтисодий жиҳатдан ҳаққоний баҳолаш мумкин.

ШЎРАДОШЛАР ОИЛАСИНИНГ МАНЗАРАЛИ ВАКИЛЛАРИ ВА УЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ

Базарова Р.Ш., Абдурасулова С.Ш., Адилова М.

ГулДУ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, халқимиз фаровонлигини ошириш устида катта ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг 2015 йил 20 майдаги 01-05/1-127-сонли 5 йиғилиш баёни ҳамда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2015 йил 09 мартдаги Р-4421-сонли фармойишига асосан Гулистон шаҳрининг бош режасига асосан шаҳарни қайта қуриш ва реконструкция қилиш муносабати билан қурилиш ишлари билан бирга вилоятимизда бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари олиб борилиб, вилоятимиз кўркига кўрк қўшилмоқда. Маназарали ўсимликлар азалдан инсонга ҳамроҳ бўлиб келган. Улар шаҳар ва қишлоқларимиз кўчаларини безаб, инсонга маънавий завқ бағишлайди. Шу билан бирга манзарали ўсимликлар таркибини истиқболли чиройли хушманзара ўсимликлар ҳисобига бойитиш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Шунга кўра айни пайтда вилоятимизда рўй бераётган динамик ўзгаришлар, экосистемаларда содир бўлаётган трансформацион жараёнлар флора таркибини турли табиий-географик худудлар ва хатто маъмурий районлар бўйича доимо ўрганиб бориш зарурлиги асосланмоқда. Сирдарё вилояти экин майдонларининг каттагина қисми турли даражада шўрланганлиги худудда чиройли ландшафт яратиш учун қийинчилик туғдиради. Шўрадошлар оиласининг манзарали вакиллари ўрганиш ва улардан айнан вилоятимиз кўчаларини безашда фойдаланишни мақсад қилиб олдик.

Сирдарё вилоятида шўрадошлар оиласининг Кохия туркуми манзарали ҳисобланади. Бу туркумнинг 80 дан ортиқ тури мавжуд бўлиб, боғдорчиликда 10 тури маданий ўсимлик сифатида экилади. Бу туркумнинг номи Немис ботаник олими [Вильгельма Даниеля Йозефа Коха](#) шарафига номланади. Ҳозирги кунда Сирдарё вилоятида қуйидаги турлари манзарали ўсимлик сифатида экишни тавсия этилмоқда.

***Kochia scoraria* (L.) Schrad.- бурган супурги.**

Бир йиллик ўт. Бўйи 30-140 см, бир пояли, пояси пастдан шохланган, тик ўсади. Шохлари пастдан юқорига қараб тик ўсади яшил тусли, баъзан қизариб кетади, ингичка туклар билан қопланган. Барглари туксиз ёки ости бир оз тукли, уч томирли, қалами ёки қалами-наштарсимон. Гуллари барг қўлтиғида 1-3 тадан, баъзан 5 тадан жойлашади. Июнь - сентябрь ойларида гуллаб уруғлайди. Буш ётган жойлар, боғлар, йўл ёқаси ва экинзорлар четида ўсади. Республикамиз бўйлаб супурги учун экилади[1,2,3].

Кохия (*Kochia*)-нинг 2 тури бугунги кунда гулчиликда оммалашган бўлиб, **Бургам супурги**-Кохия веничная- *Kochia scoraria*, кўриниши бутасимон бўлиб, қурғоқчиликка анча чидамли бўлганлиги сабали ёзнинг иссиқ кунларида ҳам суғориш талаб этилмайди. Қулай шароитда ўсимликнинг бўйи 100см гача боради. Кеч кузгача ҳам ўсади, совуққа анча чидамли[1,2,4].

Сочли супурги- Кохия волосолистная- *Kochia trichophylla*. Ватани Хитой. Тез ўсиб қалин кўриниш ҳосил қилади. Унумдор тупроқларда ўсиб, баландлиги 100 см гача боради. Қурғоқчиликка чидамли. Қуёшли жойларда яхши ривожланиди. Уруғидан тез ўсиб кўпаяди[1,2,3].

Ўсимликни ўстириш: Ўсимлик уруғлари жуда майда бўлиб, уруғ унувчанлигини тезлаштириш учун фитогармонлар билан ишлов бериб экиш мумкин. Ўсимликни икки хил шароитда тувакда ва тупроқда ўстириш мумкин[4,5].

I. Ўсимликни тувакка экиш: Тупроқ танлаб олингандан кейин, тувакка тупроқ солинади. Тупроқнинг 2 қисми тупроқ, 1 қисми гўнг ва 1 қисми қум аралашмадан иборат бўлиши керак. Бу ўсимлик касалликларга анча берилувчан ҳисобланади. Шунинг учун тупроқ ўсимлик

экишдан олдин духовка ёки печларда 140⁰ ҳароратда 25 дақиқа давомида қиздирилади ва фунгицидлар ёки калий перманганатнинг оч пушти эритмаси билан ишлов берилади. Тувакка тош, идишлар синигининг майда бўлаклари солинади, кейин унинг устига тупроқ солинади. Тувак ёруғлик яхши тушадиган ерга жойлаштирилади. Уруғ орқали экилганда, ўсимлик уруғлари жуда ҳам майда бўлганлиги сабабли, қумга аралаштирилиб сепилади. Тувак усти клёнка ёки ойна билан ёпилиб, иссиқ ва ёруғ жойга қўйилади. Ўсимликни парваришланинг дастлабки ойларида ҳарорат 18-20⁰дан паст бўлмаслик керак. Суғориш ишлари сув сепкичлар орқали амалга оширилади. Уруғ экилгандан сўнг 7-10 кун ичида уруғлар униб чиқади. Кўчат униб чиққач, учунчи барг ҳосил бўлгач пикровка қилинади.

Кўчатларни тувакка экишда, кўчат катталигига эътибор қаратилади ва чуқурча ковланиб, ўсимликнинг илдиз қисми тўлиқ, поя қисми озгина кўмилади. Экиш пайтида сув қуйилади, экиб бўлгандан кейин ҳам суғорилади. Парвариш вақтида намликни нормада ушлаб туриш тавсия этилади. Тупроқ намлиги ошиб кетса, ёш ўсимликларнинг пояси қорайиш бошланади. Бундай пайтларда касалланган кўчатлар дарҳол олиб ташланиши, тупроқ намлиги пасайтирилиши талаб этилади. Тупроқ намлигини пасайтиришда ер юмшатилади, қиринди ёки чиринди ташланади.

II. Ўсимликни тупроққа экиш. Бу ўсимлик манзарали ўсимлик сифатида тупроққа экиш бир неча хил амалга оширилади.

2.1.Очиқ майдонларга экиш. Ўсимликни экишда майдон танланиб, юмшатилади. Тупроққа ишлов берилади. Унумдор ва озкислотали ва нейтрал тупроқлар талаб этилади. Уруғлар сотиб олинса уларнинг сақланиш муддатига ҳам эътибор қаратилиши лозим. Муддати ўтган уруғлар унувчанлигини паст бўлади. Ерга уруғ март ойининг охири ёки апрель ойининг бошларида ер устки қисмига сепилади, тупроқ билан кўмилмайди. Агар уруғлар кўмилиб тупроқ остида қолиб кетса, унмаслиги мумкин.

Ўсимлик иссиқ ва ёруғликни ёқтиради, шунинг учун ушбу ўсимликни экаётганда шу томонларга эътибор қаратиш талаб этилади. Кўчатлардан экилганда кўчатлар бўйи 15 смдан кам бўлмаслик, кўчат оралиғи 30-45 см бўлиши керак. Ўсимликни тўғридан тўғри очик жойларга экиш мумкин. Уруғ экишни кузда ва баҳорда ташкил этиш мумкин, унинг учун уруғ экилган майдонни ўраш талаб этилади. Май ойининг бошларида экилса, ҳаво ҳарорати анча кўтарилган бўлади.

2.2.Ўсимликни бардёрга экиш : Ўсимликни бардёрга экканда экиладиган гуллар ҳисобга олинади. Бу ўсимликни кўпроқ атиргул, гултожихўроз,Доривор тирноқгул,астра, довудгул, Келишган кўконгуллар билан уйғунлашиб экилади. Бунда бардёр четига паст бўйли, ундан сал узунроқ гуллар, кейин кохия жойлаштирилади. Ундан гултожихўроз, хушманзара кунгабоқар жойлаштирилади.

2.3. Ўсимликдан ландшафт безашда фойдаланиш. Кохия ўсимлигининг шоҳлари қирқишга жуда қулай бўлиб, қайси шакл берилса, шу шаклга тез тушади. Ўсимлик жуда ҳам тез ўсганлиги ва сершоҳ бўлганли сабабли уни кескич ёки ўткир қайчи билан қирқиб, турли шаклга пирамидасимон, шарсимон, тўртбурчак, матрешка, сафтортириш, минатюра ёки ҳар қандай шаклга келтириш мумкин. Шаҳарни безашда ҳар хил тошлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунда тошлардан ҳар хил кўриниш ҳосил қилинади ва унга ўсимлик жойлаштирилади.

Сирдарё вилоятида ўсадиган Кохия ўсимлигининг 2турини (*Kochia prostrata* (L.) Schrad. *Kochia scoraria* (L.) Schrad) турларидан манзарали ўсимлик сифатида шаҳар ва кишлоқларимиз кўча ва хиёбонларини безашда фойдаланиши мумкин. Шунинг учун бу ўсимликни гулчилик билан шуғулланаётган тадбиркорларимизга фойдаланишни тавсия этамиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бочанцев В.П. и др. Определитель дикорастущих растений Голодной степи // Труды ТашГУ. Вып.178. Ташкент, 1960. -С.136-152.
2. Флора Узбекистана. Т.2. Ташкент, 1953. –С.69-223.

3. Ҳамидов А., М. Набиев, Т. Одилов. Ўзбекистон ўсимликлари аниқлагичи. Тошкент: Ўқитувчи, 1987. Б. 270-309.
4. www.plantarium.ru
5. <http://ru.wikipedia.org>

САНОАТ ВА ТРАНСПОРТ ЭКОТИЗИМЛАРИНИНГ ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

Л.Каршибаева, З.Мадраҳимова, Эшмуродов Ж.

ГулДУ

Саноат, транспорт ва шаҳар экотизимлари антропоген ландшафтлар қаторига киради. Улар тайёр энергияни (газ, кўмир, электр) олади. Улар ҳам инсон яшashi ва ҳаётини яхшилаш генератори, ҳам атроф табиий муҳитни ифлослантирувчи манбалари ҳисобланади. Саноат ва транспорт экотизимлари энергияни кўп истеъмол қилади. Улар табиий экотизимлар билан биологик боғлиқ бўлиб, улардан соддалаштирилиши, яъни турлар хилма - хиллигининг монокультура тизимларигача пасайишигача соддалаштирилиши билан кескин фарқ қилади. Улар энергияни, кислородни, сувни кўп истеъмол қилади, ис гази, ифлослантирувчи моддалар чиқиндиларни кўплаб ишлаб чиқаради, тупроқ унумдорлигини пасайтиради, сувни ифлослантиради, табиатга катта зарар етказади. Уларни кўллаб-қувватлаш ва тиклаш катта харажатларни талаб қилади.

Саноат ишлаб чиқаришида табиат объектларига ва инсон саломатлигига қора ва рангли металлургия, кўмир, нефть қазиб олиш, нефтни қайта ишлаш, кимё ва қурилиш материаллари саноати катта зарар етказади. Автотранспорт ҳавога чиқарадиган зарарли газлар ва чиқармалар ҳам табиатга зарари бўйича саноатдан қилишмайди. Масалан, фақат битта автомобиль йилига ўртача 4 тонна кислородни ютади, тахминан 200 модданинг аралашмасидан иборат чиқарма газларни, 800 кг углеводород оксиди, 40 кг азот оксидини ва деярли 200 кг турли углеводородларни ҳавога чиқаради.

Шунинг учун саноат ишлаб чиқариши ва транспорт барча турларининг атроф-муҳитга зарарли таъсирини бартараф этиш ва максимал камайтириш табиат муҳофазаси ва экология иқтисодиётнинг энг муҳим вазифалари қаторига киради. Бу вазифалар қуйидаги йўналишларда ҳал этилади:

- саноат корхоналарининг зарарли чиқармалари ва чиқиндиларини тозалашни такомиллаштириш, тозалаш қурилмалари ишлаши ва уларни назорат қилиш самарадорлигини ошириш, атроф-муҳитга зарарли моддалар чиқаришнинг руҳсат этилган меъёрларига қатъий амал қилиш;

- моддий ресурслар ва табиий хомашёдан фойдаланишда тежаш тартибини кучайтириш;

- технологик жараёнларни ишлаб чиқариш чиқиндиларини камайтириш томонига доимий такомиллаштириш, чиқиндиларни утилизациялаш ҳажмини кенгайтириш, экологик хавфсиз маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш;

- ишлаб чиқаришнинг ёпиқ циклида табиий ресурсларнинг комплекс истеъмолига асосланган кам чиқиндили ва чиқиндисиз технологияни кенг миқёсда қўллаш;

- автомобиль ва бошқа дивигателлар чиқарадиган газларда мавжуд бўлган зарарли моддаларнинг токсиклигини (заҳарлилигини) камайтириш ва нейтралациялаш;

- дизель двигателли энгил автомобиллар ишлаб чиқаришни тезлаштириш, электромобилларни, «водородли» автомобиллар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва бошқалар.

Саноат, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш соҳалари доирасидаги экотизимларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тизими қуйидаги икки асосий йўналишда амалга оширилади:

- 1) объектларга экологик статус бериш;

2) ишлаб чиқариш – хўжалик фаолиятини экологизациялаш.

Объектларнинг экологик статуси қуйидагиларда ифодаланади:

а) объектлар уларнинг экологик хавфлилиги даражаси нуқтаи назаридан паспортизация қилинади. Масалан, корхона экология паспортида атроф-муҳитга тушадиган чиқиндилар ҳажми, тозалаш иншоотларининг мавжудлиги, атроф-муҳит муҳофазасига харажатлар ҳажми ва бошқа маълумотлар берилади;

б) корхоналар атрофида уларнинг фаолияти етказадиган экологик зарар даражасига боғлиқ ҳолда санитария – муҳофаза зоналари ташкил этилади. Бу кўрсаткич бўйича корхоналар бешта классга бўлиниб, классификацияланади. Масалан, биринчи класс корхоналари учун санитария муҳофаза зонаси кенглиги 1000 м белгиланади; иккинчи класс учун – 500 м; учинчи класс учун – 300 м; тўртинчи класс учун – 100 м; бешинчи класс учун – 50 м.

в) корхоналар учун ўзларининг ишлаб чиқаришининг экологик хавфсизлигини таъминлаш бўйича мажбуриятлари ва ҳуқуқлари белгиланади. Масалан, корхона атроф-муҳитни ифлосланиш ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилиши, ишлаб чиқаришнинг табиатга таъсирини тўла компенсацияловчи табиат муҳофазаси тадбирларини амалга ошириши шарт.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА ТАРҚАЛГАН ШЎРАДОШЛАР ОИЛАСИНИНГ МАНЗАРАЛИ ВАКИЛЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ

Одилова М., Базарова Р.Ш.

ГулДУ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, халқимиз фаровонлигини ошириш устида катта ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг 2015 йил 20 майдаги 01-05/1-127-сонли 5 йиғилиш баёни ҳамда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2015 йил 09 мартдаги Р-4421-сонли фармойишига асосан Гулистон шаҳрининг бош режасига асосан шаҳарни қайта қуриш ва реконструкция қилиш муносабати билан қурилиш ишлари билан бирга вилоятимизда бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари олиб борилиб, вилоятимиз кўркига кўрк қўшилмоқда. Маназарали ўсимликлар азалдан инсонга ҳамроҳ бўлиб келган. Улар шаҳар ва қишлоқларимиз кўчаларини безаб, инсонга маънавий завқ бағишлайди. Шу билан бирга манзарали ўсимликлар таркибини истиқболли чиройли хушманзара ўсимликлар ҳисобига бойитиш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Шунга кўра айни пайтда вилоятимизда рўй бераётган динамик ўзгаришлар, экосистемаларда содир бўлаётган трансформацион жараёнлар флора таркибини турли табиий-географик ҳудудлар ва хатто маъмурий районлар бўйича доимо ўрганиб бориш зарурлиги асосланмоқда. Сирдарё вилояти экин майдонларининг каттагина қисми турли даражада шўрланганлиги ҳудудда чиройли ландшафт яратиш учун қийинчилик туғдиради. Шўрадошлар оиласининг манзарали вакиллари ўрганиш ва улардан айнан вилоятимиз кўчаларини безашда фойдаланишни мақсад қилиб олдик.

Сирдарё вилоятида шўрадошлар оиласининг *Kochia turkumi* манзарали ҳисобланади. Бу туркумнинг 80 дан ортиқ тури мавжуд бўлиб, боғдорчиликда 10 тури маданий ўсимлик сифатида экилади. Бу туркумнинг номи Немис ботаник олими [Вильгельма Даниеля Йозефа Коха](#) шарафига номланади. Ҳозирги кунда Сирдарё вилоятида қуйидаги турлари манзарали ўсимлик сифатида экишни тавсия этилмоқда.

***Kochia scoraria* (L.) Schrad.- бурган супурги.**

Бир йиллик ўт. Бўйи 30-140 см, бир пояли, пояси пастдан шохланган, тик ўсади. Шохлари пастдан юқорига қараб тик ўсади яшил тусли, баъзан қизариб кетади, ингичка туклар билан қопланган. Барглари туксиз ёки ости бир оз тукли, уч томирли, қалами ёки қалами-наштарсимон. Гуллари барг қўлтиғида 1-3 тадан, баъзан 5 тадан жойлашади. Июнь -

сентябрь ойларида гуллаб уруғлайди. Буш ётган жойлар, боғлар, йўл ёқаси ва экинзорлар четида ўсади. Республикамиз бўйлаб супурги учун экилади.

Кохия (Kochia)-нинг 2 тури бугунги кунда гулчиликда оммалашган бўлиб, Бургам супурги-Кохия веничная- Kochia scoraria, кўриниши бутасимон бўлиб, қурғоқчиликка анча чидамли бўлганлиги сабали ёзнинг иссиқ кунларида ҳам суғориш талаб этилмайди. Қулай шароитда ўсимликнинг бўйи 100см гача боради. Кеч кузгача ҳам ўсади, совуққа анча чидамли.

Сочли супурги- Кохия волосолистная- Kochia trichophylla. Ватани Хитой. Тез ўсиб калин кўриниш ҳосил қилади. Унумдор тупроқларда ўсиб, баландлиги 100 см гача боради. Қурғоқчиликка чидамли. Қуёшли жойларда яхши ривожланиди. Уруғидан тез ўсиб кўпаяди.

Ўсимликни ўстириш: Ўсимлик уруғлари жуда майда бўлиб, уруғ унувчанлигини тезлаштириш учун фитогармонлар билан ишлов бериб экиш мумкин. Ўсимликни икки хил шароитда тувакда ва тупроқда ўстириш мумкин.

I. Ўсимликни тувакка экиш: Тупроқ танлаб олингандан кейин, тувакка тупроқ солинади. Тупроқнинг 2 қисми тупроқ, 1 қисми гўнг ва 1 қисми қум аралашмадан иборат бўлиши керак. Бу ўсимлик касалликларга анча берилувчан ҳисобланади. Шунинг учун тупроқ ўсимлик экишдан олдин духовка ёки печларда 140⁰ ҳароратда 25 дақиқа давомида қиздирилади ва фунгицидлар ёки калий перманганатнинг оч пушти эритмаси билан ишлов берилади. Тувакка тош, идишлар синиғининг майда бўлаклари солинади, кейин унинг устига тупроқ солинади. Тувак ёруғлик яхши тушадиган ерга жойлаштирилади. Уруғ орқали экилганда, ўсимлик уруғлари жуда ҳам майда бўлганлиги сабабли, қумга аралаштирилиб сепилади(3.3.4-расм). Тувак усти клёнқа ёки ойна билан ёпилиб, иссиқ ва ёруғ жойга қўйилади. Ўсимликни парваришланишнинг дастлабки ойларида ҳарорат 18-20⁰дан паст бўлмаслик керак. Суғориш ишлари сув сепкичлар орқали амалга оширилади. Уруғ экилгандан сўнг 7-10 кун ичида уруғлар униб чиқади. Кўчат униб чиққач, учунчи барг ҳосил бўлгач пикровка қилинади.

Кўчатларни тувакка экишда, кўчат катталигига эътибор қаратилади ва чуқурча қовланиб, ўсимликнинг илдиз қисми тўлиқ, поя қисми озгина кўмилади. Экиш пайтида сув қўйилади, экиб бўлгандан кейин ҳам суғорилади. Парвариш вақтида намликни нормада ушлаб туриш тавсия этилади. Тупроқ намлиги ошиб кетса, ёш ўсимликларнинг пояси қорайиш бошланади. Бундай пайтларда касалланган кўчатлар дарҳол олиб ташланиши, тупроқ намлиги пасайтирилиши талаб этилади. Тупроқ намлигини пасайтиришда ер юмшатилади, қиринди ёки чиринди ташланади.

II. Ўсимликни тупроққа экиш. Бу ўсимлик манзарали ўсимлик сифатида тупроққа экиш бир неча хил амалга оширилади.

2.1.Очиқ майдонларга экиш. Ўсимликни экишда майдон танланиб, юмшатилади. Тупроққа ишлов берилади. Унумдор ва озкислотали ва нейтрал тупроқлар талаб этилади. Уруғлар сотиб олинса уларнинг сақланиш муддатига ҳам эътибор қаратилиши лозим. Муддати ўтган уруғлар унувчанлигини паст бўлади. Ерга уруғ март ойининг охири ёки апрель ойининг бошларида ер устки қисмига сепилади, тупроқ билан кўмилмайди. Агар уруғлар кўмилиб тупроқ остида қолиб кетса, унмаслиги мумкин.

Ўсимлик иссиқ ва ёруғликни ёқтиради, шунинг учун ушбу ўсимликни экаётганда шу томонларга эътибор қаратиш талаб этилади. Кўчатлардан экилганда кўчатлар бўйи 15 смдан кам бўлмаслик, кўчат оралиғи 30-45 см бўлиши керак. Ўсимликни тўғридан тўғри очик жойларга экиш мумкин. Уруғ экишни кузда ва баҳорда ташкил этиш мумкин, унинг учун уруғ экилган майдонни ўраш талаб этилади. Май ойининг бошларида экилса, ҳаво ҳарорати анча кўтарилган бўлади.

2.2.Ўсимликни бардёрга экиш : Ўсимликни бардёрга экканда экиладиган гуллар ҳисобга олинади. Бу ўсимликни кўпроқ атиргул, гултожихўроз,Доривор тирноқгул,астра, довудгул, Келишган қўқонгуллар билан уйғунлашиб экилади. Бунда бардёр четига паст бўйли, ундан сал узунроқ гуллар, кейин кохия жойлаштирилади. Ундан гултожихўроз, хушманзара кунгабоқар жойлаштирилади.

2.3. Ўсимликдан ландшафт безашда фойдаланиш. Кохия ўсимлигининг шоҳлари қирқишга жуда қулай бўлиб, қайси шакл берилса, шу шаклга тез тушади. Ўсимлик жуда ҳам тез ўсганлиги ва сершоҳ бўлганли сабабли уни кескич ёки ўткир қайчи билан қирқиб, турли шаклга пирамидасимон, шарсимон, тўртбурчак, матрёшка, сафтортириш, минатюра ёки ҳар қандай шаклга келтириш мумкин. Шаҳарни безашда ҳар хил тошлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунда тошлардан ҳар хил кўриниш ҳосил қилинади ва унга ўсимлик жойлаштирилади.

Ҳаммага маълумки Сирдарё вилоятининг кўплаб экин майдонлари сув танқислиги ва тупроқ шўрланиш даражаси ортиб кетиши муносабати билан ташландиқ ерларга айланиб қолган. Шундай ерлардан унумли фойдаланиш учун шўрадошлар вакиллари билан фойдаланиш мумкин. Шўрадошларнинг деярли барча вакиллари қурғокчиликка ва шўрга чидамли бўлган ўсимликлар ҳисобланади. Шу сабабли бу оиланинг балиқкўз, шўрак, шўра, олабута каби туркумлари билан Сирдарё вилоятида ўсадиган турларидан Кохия ўсимлигининг 2 турини (*Kochia prostrata* (L.) Schrad. *Kochia scoraria* (L.) Schrad) турларидан манзарали ўсимлик сифатида шаҳар ва қишлоқларимиз кўча ва ҳиёбонларини безашда, гулчилик билан шуғулланаётган тадбиркорларимиз фойдаланишлари мумкин. Экиб фойдаланишни тавсия этамиз.

ТАБИЙ БИРИКМАЛАР ЁРДАМИДА ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ЎСИШ – РИВОЖЛАНИШИДА ЭКЗОГЕН ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИ БОШҚАРИШ

Н.А.Аблақулова., К.М.Исмаилова., Г.Қ.Абдушукурова., Ж. Рахматов

ГулДУ

Ўсимликларнинг ўсиш ривожланиш босқичларида ташқи омиллар таъсирини идора этиш бўйича қатор ишлар амалга оширилган. Табиий бирикмалардан фойдаланиш асосида жуда кўплаб ишлар олиб борилмоқда.

Экзоген омиллар ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишида муҳим рол ўйнайди. Уларни таъсири натижаси ўсимликларнинг чидамлилиги кўрсаткичларига боғлиқдир. Айрим ҳолларда экзоген омиллар ўсимликларнинг ўсиш-ривожланишига салбий таъсир этиб, ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатини пасайтиришга сабаб бўлади. Бу жараёнларда ташқи омиллар таъсирини бошқариш муҳим аҳамиятга эга. Адабиёт маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши ҳамда ташқи омиллар таъсирини мақсадли тарзда бошқаришда табиий ва синтетик физиологик фаол моддалардан фойдаланиш ҳосилдорлик ва унинг сифатини сақлаб қолиш имконини беради. Бунда қўлланилиши мумкин бўлган физиологик фаол моддалардан кичик миқдорда ўсимликларнинг ҳужайра ва тўқималарида амалга ошадиган моддалар алмашинувига таъсирини эътиборга олган ҳолда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Табиий бирикмалардан фойдаланиш ўсимлик учун ҳам атроф муҳит учун ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Ўсимликлар тўқималарида кечадиган физиологик ва биокимёвий жараёнлар асносида юзага келадиган ҳимоя воситалари туфайли ташқи стресс омиллар, жумладан, замбуруғли касалликларга қарши таъсир этиш ёки чидамлилиги хусусиятларини юзага келишига сабаб бўлади. Айрим ҳолларда ташқи биотик омиллар таъсирида моддалар алмашинуви жараёнидаги ўзгаришлар ўсимликни нобуд бўлишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда ўсимликнинг ҳужайра ва тўқималарида мавжуд бошқа физиологик фаол моддалар ҳам ўсимликни қайта тикланишида фаоллик даражаларини намоён эта олмаслиги мумкин. Кўпинча бундай ҳолатларда ўсимликларни ташқи омиллар таъсиридан ҳимоя қилиш ёки чидамлилигини оширишда табиий, синтетик стимуляторлар ёки ҳимоя воситаси сифатида кимёвий препаратлардан фойдаланилади.

Биз тадқиқотларимизда буғдойнинг замбуруғли касалликларига табиий тритерпеноидли препаратларнинг таъсири ва уларнинг таъсир этиш хусусиятларини ўрганиш билан боғлиқ изланишлар олиб бордик. Ташқи стресс омиллардан ҳимоя қилиш ёки ўсиш ва

ривожланишини бошқариш учун ўсимликни ўсиши ва ривожланиш босқичлари ҳақида етарли маълумотларга эга бўлиш мақсадга мувофиқ. Ўсимликларни ривожланиш даври ниҳолларни касалликларга чидамлик даражасини баҳолаш ва уларни бошқаришда таъсир этувчи экзоген ва эндоген омилларни баҳолаш имконини беради. Шунинг учун олиб борилган тадқиқотларимизда энг аввало буғдойнинг онтогенетик ривожланиши ва ривожланиш босқичларида ташқи омилларнинг таъсирини ўргандик.

Табиий бирикмалар таъсирида ўсимликларда биотик ва абиотик омилларга нисбатан иммунитет ҳосил бўлади. Табиий бирикмалар замбуруғли касалликларга қарши таъсир этиш хусусиятига эга бўлиши билан бирга ўсимликларни абиотик омилларга чидамлик даражасини ошириши ҳам айрим тадқиқотларда ўз ифодасини топган. Кўпгина адабиётларда селекционерлар томонидан ўсимликларнинг касалликларга чидамли бўлган навларини яратиш муҳим аҳамият касб этиши таъкидлаб ўтилган. Бу қайсидир томондан ҳақиқат эканлиги аниқ. Лекин ҳозирги вақтда бизга маълумки навлардаги чидамли генларнинг ўзгариши замбуруғ ирқи таркибининг ўзгаришига олиб келиши кузатилган. Ҳар бир янги ирқда чидамли навлар генларининг таъсирини бартараф қила оладиган касаллик қўзғатувчи генлари бўлади. Хўжайин ва текинхўрнинг эволюцияси боғлиқлигининг асосий сабаби касалликнинг янги ирқини пайдо қиладиган жараён дир.

Демак, олинган маълумотлар асосида шуни айтиш лозимки ўсимликларни биотик ва абиотик омиллардан ҳимоя этишда табиий бирикмалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ саналади. Биз олиб борилган тадқиқотлар натижасида буғдойнинг замбуруғли касалликларга табиий бирикмалардан мисдиглицирризинат ва кобальтдиглицирризинатдан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

ҒЎЗА ВА БУҒДОЙ ЎСИМЛИГИ ТАРКИБИДАГИ АЗОТ МИҚДОРИНИНГ ҲОСИЛ БЎЛИШИДА МУЛЧА ВА ТУПРОҚГА КАМ ИШЛОВ БЕРИШНИНГ ТАЪСИРИ

Мусурманов А.А, Қурвонтоев Р., Ўрозбоев И.У, Жапақов Н.Б.
ГулДУ

Республикамизнинг ҳар бир тип тупроқларининг унумдорлик даражаси тупроқ ҳосил бўлиши ва уни ҳосил қилувчи омиллар мажмуасининг таъсири билан белгиланади. Ҳозирги кунда тупроқ унумдорлигини ошириш, табиий ҳолатини тикловчи тизим ишлаб чиқиш учун суғориладиган деҳқончиликда турли табиий органик моддалар билан мулчалаб экилган экинларни навбатлаш ва тупроқга кам ишлов бериш тизимида ерлардан кенг фойдаланиш имкониятини яратади.

Мирзачўл воҳаси суғориладиган тупроқлари шароитида кам ишлов бериш билан биргаликда табиий органик моддалар билан мулчалашнинг тупроқ хоссалари ва унумдорлигига, ўсимлик таркибида азот миқдорининг ҳосил бўлишига таъсири бўйича тадқиқотлар ҳозирги кунга қадар олиб борилмаган, бу тадқиқотнинг янада долзарб эканлигини билдиради.

Ҳозирги кунда бир қатор чет давлатлар - Япония, АҚШ, Германия, Франция, Италия, Испанияда қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган ерларда мулчалаш ва кам ишлов бериш усуллари қўллаш одатдаги агротехнологик тадбир ҳисобланиб, унинг тупроқ хоссаларига ижобий таъсири тадқиқотлар асосида исботланган [1,2,3].

Ўзбекистон суғориладиган тупроқлари шароитида мулчалаш ва кам ишлов беришнинг тупроқ хоссаларига таъсири алоҳида тадқиқотларда ўрганилган [4] биз олиб борган тадқиқотларда тупроқни мулчалаб кам ишлов бериш технологияси Мирзачўл воҳасида кенг тарқалган суғориладиган тупроқларда қўлланилиб, унинг тупроқ хоссаларига таъсири ўрганилди [5].

Мирзачўл воҳасида кенг тарқалган суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларга кам ишлов бериш шароитларида қишлоқ хўжалик экинлари етиштириладиган майдонни турли табиий

органик моддалар билан мулчалашнинг тупроқда азот миқдорини ўзгаришини ўрганишдан иборат.

Қишлоқ хўжалик экинларидан ғўза экилган майдонни мулчалаш ва кам ишлов бериш бўйича кўп йиллик дала тажрибаларини Мирзачўл воҳасининг суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлар шароитида олиб борилди. Дала тажрибалари Республикада умумқабул қилинган қўлланмалар асосида қуйидаги 8 та вариантда олиб борилди:

1-вариант. Ер шудгор қилинди+ чизел-борона қилинди + пушта олинди+ чигит экилди+ минерал ўғитлар миқдори– N-250, P-175, K-125 (назорат);

2-вариант. Шудгор қилинмайди+олдиндан олинган пушта усти юмшатилади+чигит экилди+унинг устига ширинмия чиқиндиси майдалаб ташланди+ минерал ўғитлар миқдори– N-250, P-175, K-125;

3-вариант. Шудгор қилинмайди+олдиндан олинган пушта усти юмшатилади+чигит экилди+устига сомон чиқиндиси ташланди+минерал ўғитлар миқдори-N-250, P-175, K-125;

4-вариант. Шудгор қилинмайди+пушта усти юмшатилади+чигит экилди+гўнг билан мулчаланди+минерал ўғитлар миқдори-N-250, P-175, K-125.

5-вариант. Ер шудгор қилинди+ чизел-борона қилинди + пушта олинди+буғдой экилди+ минерал ўғитлар миқдори–N-200, P-150, K-100 (назорат) + буғдойдан бўшаган майдонга такрорий экин мош экилди (назорат);

6-вариант. Шудгор қилинмайди+олдиндан олинган пушта усти юмшатилади+буғдой экилди+унинг устига ширинмия чиқиндиси майдалаб ташланди+ минерал ўғитлар миқдори– N-200, P-150, K-100+буғдойдан бўшаган майдонга такрорий экин мош экилди;

7-вариант. Шудгор қилинмайди+олдиндан олинган пушта усти юмшатилади+буғдой экилди+устига ғўзапоя майдалаб ташланди+минерал ўғитлар миқдори-N-200, P-150, K-100+буғдойдан бўшаган майдонга такрорий экин мош экилди;

8-вариант. Шудгор қилинмайди+пушта усти юмшатилади+буғдой экилди+гўнг билан мулчаланди+минерал ўғитлар миқдори-N-200, P-150, K-100+буғдойдан бўшаган майдонга такрорий экин мош экилди.

Турли озиқа тартиботи ва тупроқга ишлов бериш жумладан ғўзани мулчалаш учун берилган табиий органик моддалар унинг ўсиши ва ривожланишига сезиларли таъсир этди. Тупроқга мулчалаб кам ишлов бериш фонида ўсимлик қолдиқлари билан ва гўнг билан мулчаланган вариантларда ўсимлик танасида кўп миқдорда азот тўпланганлигини кўрсатди.

Азотнинг энг кўп миқдори ширинмия ва гўнг билан мулчаланган вариантлардаги ғўза баргида тўпланиб 0,48 ва 0,50% ни ташкил этди. Азотнинг энг кам миқдори назорат ва сомон билан мулчаланган вариантлардаги ғўза чаноғи, толаси ва илдизида (0,35-0,39; 0,25-0,32 ва 0,18-0,26%) бўлиши аниқланди. Ширинмия ва гўнг билан мулчаланган вариантларда азотнинг энг кўп миқдори уруғ, чанок, поя ва толада ташкил қилди. Ўсимлик танасидаги азотнинг умумий миқдори бўйича назорат ва сомон билан мулчаланган вариантларда 1,84-2,23%, ширинмия ва гўнг билан мулчаланган вариантларда 2,70-2,76% бўлиб кўплиги билан фарқланди (1- жадвал).

1-жадвал

Мулчалаб тупроқга кам ишлов бериш таъсирида ғўза ўсимлиги таркибида азот миқдорини ҳосил бўлиши, % (2015-2017йй.)

Вариант	Барг	Поя	Чанок	Тола	Илдиз	Уруғ	Умумий миқдори	Барг	Поя	Чанок	Тола	Илдиз	Уруғ
Ғўза таркибидаги азот миқдори							Ўсимликнинг умумий миқдоридан						
1	0,36	0,22	0,35	0,25	0,18	0,48	1,84	18,39	12,32	18,19	13,25	10,15	20,78
2	0,48	0,45	0,54	0,36	0,30	0,57	2,70	18,95	17,80	19,78	13,41	11,89	26,25
3	0,42	0,32	0,39	0,32	0,26	0,52	2,23	18,82	14,63	16,79	13,99	11,19	21,40

4	0,50	0,42	0,49	0,36	0,34	0,55	2,76	19,66	15,58	18,61	13,43	12,77	22,44
Азотнинг ғўза томонидан олиб чиқилиши								Умумий олиб чиқилганга нисбатан					
1	5,93	8,43	8,46	3,98	2,04	7,53	36,37	16,70	21,02	17,38	11,25	5,77	16,83
2	13,30	11,68	9,98	7,94	3,92	10,06	56,88	18,53	23,14	19,98	15,42	7,56	19,46
3	11,31	11,54	8,94	5,77	2,69	9,59	49,84	16,46	22,58	18,57	13,06	6,09	18,65
4	12,94	11,99	10,28	9,76	4,70	9,84	59,51	17,75	25,53	23,39	17,47	8,35	19,72

Тажриба натижаларига кўра ғўза ўсимлиги томонидан азот элементини тупроқдан олиб чиқиб кетилишининг умумий миқдори жиҳатдан қараганда назоратда бошқа вариантларга нисбатан камида қарийиб 1-1,5 баравар камлигини кўрсатди. Азот миқдорини ғўза томонидан олиб чиқилиши назорат вариантыда баргда 5,93кг/га, пояда 8,43кг/га, чанокда 8,46кг/га, толада 3,98кг/га эканлиги аниқланди, кам ишлов берилиб ширинмия билан мулчаланган вариантда баргда 13,30кг/га, пояда 11,68кг/га, чанокда 9,98кг/га, толада 7,94кг/га, сомон билан мулчаланган вариантда баргда 11,31кг/га, пояда 11,54кг/га, чанокда 8,94кг/га, толада 5,77кг/га, гўнг билан мулчаланган вариантда баргда 12,94кг/га, пояда 11,99кг/га, чанокда 10,28кг/га, толада 9,76кг/га ташкил этганлиги аниқланди.

Тажриба давомида ишлов бериш усуллари тупроқдан азот элементини ўзлаштирилишига сезиларли таъсир этмаслигини, кучли таъсир органик мулча меъёрлари эканлигини кўрсатса, ширинмия ва гўнг билан мулчаланган вариантларда азот элементи кўп олиб чиқиб кетилиши, айниқса мулчаланган вариантлардаги ғўзанинг поя, барг ва чаноғида кўп азот тўпланиши аниқланган бўлса, назорат вариантыда ғўзанинг фақат уруғида кўп тўпланди.

Буғдой ўсимлиги таркибида азот моддасининг ҳосил бўлиши ўғит меъёри ва мулчалош материаллари таркибига чамбарчас боғлиқ. Азотнинг умумий миқдори ғўзапоя, ширинмия ва гўнг билан мулчаланган вариантларда (4,92-7,57-7,62%) бўлиб, назорат вариантыда 1-1,5 баравар кам (4,68%). Азотнинг энг кўп миқдори мулчалаб шудгорланмаган гўнг ва ширинмия вариантлардаги буғдойнинг пояси ва бошоғида (2,36-2,33 ва 2,43-2,40%), назорат ва ғўзапоя билан мулчаланган вариантлардаги буғдойнинг пояси ва бошоғида (1,34-1,44 ва 1,55-1,58%) тўпланган.

Ўсимлик умумий миқдорига нисбатан поянинг таркибида азотнинг энг кўп миқдори ширинмия ва гўнг билан мулчаланган вариантларда кўп (28,3 ва 28,5%), бошоқ таркибида ҳам мулчалаб кам ишлов берилган вариантларда ҳосил бўлган (44,78-45,06-45,36%) .

Азот элементини тупроқдан буғдой ўсимлиги томонидан ўзлаштирилиши бошқа ўсимликларга нисбатан кучли бўлиб, унинг тупроқдан ўзлаштирадиган умумий миқдори гўнг ва ширинмия билан мулчаланган вариантларда 61,13-58,69кг/га бўлиб, назорат ва ғўзапоя билан мулчаланганда 44,64-53,24 кг/га ташкил этди (2-жадвал).

2-жадвал.

Буғдой ўсимлиги таркибида азот миқдори ҳосил бўлишига мулча ва тупроқга кам ишлов беришнинг таъсири, %. (2015-2017й)

Вариант	Ўсимлик таркибидаги азот миқдори				Умумий миқдори	Ўсимлик умумий миқдорига нисбатан			
	Илдиз	Поя	Барг	Бошоқ		илдиз	поя	барг	бошоқ
5	0,31	1,34	1,48	1,55	4,68	12,21	26,27	26,82	44,47
6	0,44	2,33	2,40	2,40	7,57	12,54	28,30	29,81	45,06
7	0,40	1,44	1,50	1,58	4,92	12,52	27,85	27,19	44,78
8	0,45	2,36	2,38	2,43	7,62	12,09	28,54	32,67	45,36

Вариант	Ўсимлик томонидан олиб чиқиб кетиладиган азот миқдори кг/га				Умумий миқдори	Ўсимлик умумий миқдорига нисбатан			
	Илдиз	Поя	Барг	Бошоқ		Илдиз	Поя	Барг	Бошоқ
5	6,79	10,26	12,22	15,37	44,64	17,47	24,40	25,36	39,82
6	9,93	11,68	14,82	22,26	58,69	19,91	24,46	28,96	43,17
8	7,95	11,03	14,73	19,53	53,24	17,70	25,15	27,15	42,44
4	9,67	12,31	15,31	23,84	61,13	18,83	24,88	32,60	44,70

Хулоса. Ғўза ва буғдой ўсимлиги таркибидаги азот миқдори асосан берилган мулчанинг тури ва сифатига қараб ўзгаради, тупроқдан уларни ўсимликлар томонидан олиб чиқиб кетилиши ҳам кўпроқ мулча тури ва сифатига боғлиқ бўлиб, мулчаланган вариантларда органик модда йилдан-йилга тўпланиб боради ва тупроқ унумдорлигини оширади.

ИССИҚХОНА ЎСИМЛИКЛАРИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ БИОТИК ОМИЛЛАР

Абдурасулова С.Ш

ГулДУ

Ёлонғоч шиллиққуртларнинг *Deroceras caucasicum* бир тури бўлиб, тарқалиш табиий ареали Кавказ ҳисобланади. Бошқа ҳудудларга яъни Ўрта Осиёга инсон таъсири орқали келтирилган бўлиб, ҳозирда ушбу ҳудудда турли хил биотопларда: ариқ бўйларидаги турли хил ўтлар орасида, боғлардаги тўкилган барг қопламлари остида, инсон томонидан яратилган турли хил сунъий тўсиқлар орасида ҳаёт кечиради.

Deroceras caucasicum тури Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги Боёвут 1, Боёвут 2, Боёвут 3 ҳудудларининг турли хил биотопларида масалан, боғларда ва ариқ бўйларидаги ўтлар орасида, Сайхунобод ва Сирдарё туманларида маҳаллий аҳоли иссиқхоналарига яқин жойлардаги сунъий тўсиқлар остида кенг тарқалган.

Аҳолини озик-овқат билан таъминлаш йил сайин полиз ва сабзавот экин майдонлари кенгайиб бормоқда. Полиз ва сабзавот экин майдонларни кенгайиб бориши билан бир қаторда, уларга зарар келтирувчи умуртқасизлар сони ҳам ўсиб бормоқда. Ушбу умуртқасиз ҳайвонларнинг вакиллари билан бу моллюскалар ҳисобланиб, табиатдан инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, *Deroceras caucasicum* Сирдарё вилояти ҳудудида кенг тарқалган бўлиб, ўсимликларга етказиладиган зарар ўзига хослиги билан бошқа зараркунандалар зараридан ажралиб туради.

Бу шиллуққурт ўсимликхўр полифаг бўлиб, улар инсон ҳаёти учун муҳим бўлган турли ғалла экинларига, сабзавот ва полиз экинлари билан озикланиб, уларга турли зарар келтиради. Мисол учун, бодринг ва помидорларнинг баргига зарар етказади, бунда барглар пластинкасида нотўғри чўзиқ ўйиқлар бўлади. Тез-тез ва кўпроқ ўсимлик паренхимаси зарарланади, қаттиқ томирли-толали бирикмалар бутунлигича қолади. Шунинг билан бир қаторда, баҳор пайтида карам, қулупнай, сабзи, пиёз, бодиринг қўчатларини барча қисмини еб ташласа, ёзда эса (улар пишганда) меваларига турли даражада зарар етказади.

Биз томондан Сирдарё туманининг “Малик” жамоа хўжалигидаги иссиқхоналарда бу тур томонидан помидор ва бодирингда зараланиш даражасини ўрганиш жараёнида куйидагилар аниқланди:

- биринчи иссиқхонада, бодирингга етказган зарари ўрганилганда 50 та нусха шиллиққурт 20 кунда (2,5 кг) бодирингнинг ҳаммасини еб (Фақат пўсти қолган), 25- куни бодринг баргига ўтишди. 3-5 кундан сўнг, бодрингнинг фақат баргидаги тўрсимон томирлар қолади.

- иккинчи иссиқхонада, помидор меваларига келтирилган зарар ўрганилганда 50 та шиллиққурт 20 кун ичида 25 та помидордан 15 тасига (массаси 3 кг дан) зарар етди.

D.caucasium нинг помидор мевасига етказган зарари 21 % дан 37% ни ташкил этса, бодирингнинг ҳосилдорлигига етказган зарар 43% ни ташкил этади.

Турли хил ўсимликлар ва полиз экинларига келтирилган зарари бевосита ҳайвоннинг ҳаётга йиклига боғлиқ. Шунинг учун *D.caucasium* нинг ҳаёт цикли ўрганилганда у қуйидаги босқичлар кузатилади: куз (октябрь)да шиллиққуртларнинг тухум қўйган 1 қисми нобуд бўлади; тухумлари, вояга етган шиллиққуртлар ва ёш шиллиқлар қишлайди.

Баҳорда қишлаган тухумдан тухумдан ёш шиллиққуртлар чиқади ва вояга етган шиллиққуртлар тухум қўяди, шундан сўнг улар нобуд бўлади.

Ёзда (июнь-август) – ёш шиллиққуртларнинг ўсиши ва қишдан чиққан шиллиққуртларнинг ўсиши ва қишдан чиққан шиллиққуртларнинг тухум қўйиши кузатилади.

D.caucasium нинг вояга етишида намлик ва ҳаво ҳарорати катта роль ўйнайди. Шиллиққуртлар ҳаво ҳарорати 11,6⁰ дан 24,8⁰ гача бўлган даврда уларнинг ўта фаоллиги кузатилади.

Ҳаво ҳарорати 8-14,4⁰С, ҳаво намлиги 40% дан паст бўлса, шиллиққуртларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

D.caucasium ҳаёт цикли ўрганилганда шу нарса аниқландики, баҳор бошидан ва тухум қўйишидан ташқари йилнинг ҳамма даврида жуда кўп озикланади. Озуқуни ёйиш узлуксизлиги (интенсивлиги) ҳаво ҳароратига боғлиқ. Энг кўп озикланиш ҳаво ҳарорати 15-21⁰С га тўғри келди.

Адабиёт маълумотларига (Увалиева 1975, 1990; Муҳитдинов 1972; Пазилов 1992) караганда, 50-60 кунлик шиллиққуртлар энг кўп озикланувчи шиллиққуртлар ҳисобланади. 26 мг ли шиллиққурт 1 кунда 13 мг бодринг, 7,8 мг помидор барги ёки 7 та карам барги, ёки 4,4 мг бақлажон барги ёки 5,2 мг қалампир баргини ёйиши мумкин. Бунда 1суткада улар 30 мг тана вазнига қўшилиши мумкин. Вояга етган шиллиққуртлар вазни 135-934,6 мг ҳам жуда кўп озикланади.

Шиллиқлар ўсимликхўр полифаг бўлишларига қарамасдан, улар айрим ўсимликларни алоҳида иштаҳа билан истеъмол қиладилар. Шунинг учун экинларга етказиладиган зарар миқдори турли даражада. Энг кўп ва тез-тез қулупнай, мевалари, помидор ва бодринг (сабзавотларнинг ўзи), парникларда эса бодринг, помидор, бақлажон кўчатлари зарарланади.

Хулоса ўрнида шуни қайд қилиш лозимки, Сирдарё вилоятида *D.caucasium* турининг ўсимликларга етказиладиган зарари ўзига хослиги билан бошқа зараркунандалар зараридан ажралиб туриши аниқланиб, бу шиллиққуртнинг ҳаммахўр эканлиги исботланди.

D.caucasium турли хил ўсимликлар ва полиз экинларига келтирилган зарари бевосита ҳайвоннинг ҳаёт циклига боғлиқ эканлиги аниқланиб, унинг ҳаёт цикли қуйидаги 3 босқичда иборат эканлиги аниқланди:

- куз (октябрь) да шиллиққуртларнинг тухум қўйган 1 қисми нобуд бўлади; тухумлари, вояга етган шиллиққуртлар ва ёш шиллиқлар қишлайди;

- баҳор (апрель, май)да қишлаган тухумдан ёш шиллиқлар чиқади ва вояга етган шиллиқлар тухум қўяди, шундан сўнг улар нобуд бўлади;

- ёз (июнь-август)да ёш шиллиқларнинг ўсиши ва қишдан чиққан шиллиқларнинг тухум қўйиши кузатилади.

ТОҒ ОЛДИ ҲУДУДЛАРИДА СИФАТЛИ МЕВА ЕТИШТИРИШДА ТУПРОҚ КИМЁВИЙ ТАРКИБИНИ БОЙИТИШНИНГ АЙРИМ ИМКОНИАТЛАРИ.

И.А.Рахмонов, Н.С. Умиров

ГулДУ

Мақолада кам унумдор тупроқли тоғ олди минтақаларида мевали боғлар яратишда тупроқ унумдорлигини оширишнинг ва суғориш суви тежамкорлигига эришишнинг айрим усуллари муҳокама қилинган. Тупроқ унумдорлигини оширишда бой кимёвий таркибли сел сувидан фойдаланиш билан тошлоқ ерлар унумдорлигини бойитиш технологиясини амалга ошириш тартиби баён этилган. Шу билан бирга суғориш суви тақчил ҳудудларда кичик майдонлардаги мевали боғларни суғоришда тупроқ унумдорлигини илдиз зонасида чиринди тўшамаларини ҳосил қилиш билан ошириш ва сув сарфи даражасини кескин камайтириш мумкинлиги кўрсатилган. Қўлланилган технологиялардан олинган натижалар таҳлили келтирилган. Технологиялар амалда қатор йиллар давомида амалда ўрганилиб сифатли мева-узум маҳсулотлари етиштиришда арзон ва экологик тоза усуллар эканлиги кўрсатилиб кенг қўллаш таклиф этилган.

Калит сўзлар: мевали боғлар, тупроқ унумдорлиги, минераллар, маҳаллий ўғитлар, чўкма, суғориш суви, кимёвий таркиб, структура, тежамкорлик, ҳосил.

Кириш. Қаерда бўлишдан қатъий назар зироатчиликда самарадорликка эришишда тупроқ таркибининг унумдорлиги ва структурасининг даражада бўлиши энг асосий омиллардан ҳисобланади. Унумдорлиги паст бўлган ерларда тупроқ унумдорлигини оширишнинг кўплаб усуллари мавжуд ва ўз ўрнида қўлланиб келинади. Масалан, тупроқнинг ҳайдалма (25-35 см) қатламини гўнг, турли чириндилар, ўзга ердан унумдор юза қатлам тупроғини олиб келиб ташлаш ва сел суви лойқаларини ётқизиш каби усуллар билан бойитиш мумкин. Айтиб ўтилган усуллар билан бойитилган тупроқ шароитида сабзавот, полиз, донли ва дукакли экинлардан ҳосил олишда сезиларли самарадорликка эришилади. Аммо боғдорчилик ишлаб чиқаришини асосан тоғ олди ҳудудларидаги суғориладиган ерларга тўғри келиши ва бу ерлар тупроғини 30-40% кам унумли яримтошлоқ ва тошлоқ ерлар ташкил этишини эътиборга олганимизда айтарлик юқори натижага эришиб бўлмайди. Чунки мевали дарахт ва ток илдизи ён томонга тарвақайлаб ва ер қаърига тик чуқур жойлашиб ўсади. Тошлоқ ерларда тупроқ таркибининг унумдорлиги, яъни фойдали аралашмаларнинг мавжудлиги атиги 5-7% ни ташкил этади. Ернинг тошлоқлиги илдиз ривожланишига кескин салбий таъсир қилади.

Гулистон давлат университети ва Тошкент давлат аграр университети мутасадди йўналиш тадқиқотчилари томонидан тошлоқ ерлар тупроғи унумдорлигини ошириш ва мевали боғлар барпо этиш устида қатор йиллардан буён тадқиқот ишлари олиб борилади. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида суғориш сувидан тежамкорлик билан фойдаланиш ва унинг самарадорлигини ошириш хусусида баҳс юритилади. Амалий жиҳатдан янги усул таклиф этилиб олинган натижалар баён этилган.

Тоғ ва тоғ олди ҳудудларида суғориш суви бир вақтнинг ўзида ноёб тоза ичимлик суви эканлиги билан алоҳида эътибор билан муносабатда бўлишни тақозо этади.

Қатор йиллардан буён тоғ олди ҳудудларида боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш ва рационал таркиб топтириш юзасидан Жиззах вилояти Янгиобод тумани фермер хўжаликлари шароитида илмий-амалий изланишлар олиб бориб, бир қанча аҳамиятли натижаларга эришиш мумкин бўлган хулосаларга эришилди.

Услуглар ва материаллар. Тошлоқ ерларда мевали боғлар ва тоқзорлар парвариш қилишда тупроқ унумдорлигини оширишнинг иккита ишланмаси тайёрланиб, Жиззах вилояти, Янгиобод тумани фермер хўжаликлари шароитида амалда қўллаб кўрилади.

Биринчи ишланма “Ҳовуз усули” бўлиб, у қуйидагича амалга оширилади. Танланган майдонда мевали дарахт кўчатлари экиладиган ўрин белгиланиб, атрофи 1,5-2,0 м чамасидаги

радиусда чуқурлиги 2-3 м бўлган ҳовузлар ҳар бир кўчат учун экскватор ёрдамида қазилади. Қазиб олинган тошлоқ массаси транспорт воситасида майдондан ташқарига чиқариб ташланади. Пайдо бўлган ҳовуз кўринишидаги бўшлиқ ташиб келтирилган унумдор тупроқ, чиринди ёки маълум қисм гўнг аралашмали тупроқ билан тўлдирилади ва зичланади.

Тупроқ тўлдирилган ҳовуз ўртасига мевали дарахт ниҳоли экилади ва парвариш қилинади.

Иккинчи ишланма “Траншея” усули, бунда мевали дарахт ва ток кўчатлари экиладиган қатор ораси аниқланиб, ҳар бир қатордан суғориш йўналиши бўйича эни 3-4 м чуқурлиги 2-3 м атрофидаги траншея қазилади. Ковлаб олинган тошлоқ масса майдон ташқарисига чиқариб ташланади. Қазилган траншея биринчи усулдаги каби тўлдирилади ва тупроқ зичланади. Траншея ўртасидан белгиланган система асосида кўчатлар экилиб парвариш қилинади.

Тадқиқот натижалари. Таклиф этилаётган ишланмаларни амалга ошириш катта миқдорда қазилган ва ташиш ишларини амалга оширишни таълаб қилсада эришилган натижалар ишланмаларни татбиқ этиш кераклигини кўрсатади. Янгиобод тумани шароитида 1999 йил “Траншея” усулида тайёрланган ерга экилган “Стар-кремсон” навли олма оддий усулда экилган ердаги олмага нисбатан 40% гача, “Кулала”, “Дилафрўз” навли ноклар эса ундан ҳам зиёдроқ ҳосил берганлиги аниқланди. Олма ва нок мевасининг вазни 50-60 гр ортиқ бўлганлиги кузатилди.

Бундан ташқари, Жумладан суғориш суви сарфини камайтириш мақсадида мевали боғларни парвариш қилишнинг қуйидаги технологияси амалда қўлланилиб ўрганилиб чиқилди.

Куз ёки эрта баҳорда мевали дарахт атрофи ер ер диаметри 2,0-2,5 м чуқурлиги ён илдизларининг устки қисми очилгунча ҳовуз тарзида ковланади. Ковланган ҳовузга чиринган гўнг ёки гўнг чиринди аралашмаси 8-10 см қалинликда тўшалади. Бу қоплама устидан майин тупроқ билан ёпилади. Кузатишлар олиб бориш 0,5 га олма боғида юқорида фйтиб ўтилган технология асосида боғ қатор орасига ишлов берилади. 0.5 га майдондаги олма боғи эса таққослаш учун ўрганилади. Кузда тайёрланган майдондаги олмалар таққосланаётгандагига нисбатан 5-6 кеч гуллаганлиги кузатилди. Шунингдек куртакларининг бўртиши ҳам бир неча кунга кечикканлиги аниқланди. Дарахтларнинг баҳорги уйғонишини 5-6га кечикишининг қуйидаги авзалликлари мавжуд – биринчидан баҳорда баъзан бўладиган совуқнинг таъсири кам бўлади. – иккинчидан, узоқ муддат сақланган меваларнинг узоқ муддат сифатини сақлашга эришилади. Таклиф этилаётган технология билан парвариш қилинган олма боғида солиштирилаётган майдондагига нисбатан суғориш суви сарфи ва илдиз атрофидаги тупроқнинг намлиги камида 30%, етиштирилган ҳосилнинг маҳсулдорлиги 25-32% оширганлиги, дарахт новдаларининг ўсиш динамиласи 20-22% юқори бўлганлиги аниқланди.

Таклиф этилган технология суғориш суви тақчил бўлган худудлардаги унчалик катта бўлмаган боғлар ва тармоқ хўжаликларида қўлланилганда янада ахамиятли бўлади. Ўрганилаётган технология асосида янги яратилаётган боғлардаги кўчатлар дастлабки йилларида парвариш қилинганда янада яхши ривожланганлиги яққол кўринди.

Хулоса, таклиф ва тавсиялар. Ўтказилган тадқиқотлар ва кузатишлардан хулоса қилиш мумкинки, таклиф этилаётган усулларда тупроқ унумдорлиги кескин ошиб, илдиз ривожланиши яхшиланади, шунингдек суғориш суви сарфи 30-35% га тежалишига эришилади.

Ўрганилган парвариш қилиш технологиясининг авзалликлари қуйидаги омиллар билан намоён бўлади: тупроқдаги намлик узоқ вақт тутиб турилиши сабабли солинган маҳаллий ўғитдаги миниралларининг эриб тупроққа сингиш даври давомийлиги ошади. Хашак чоқиндиси ва сомон ўзига сингдириб олган намлик узоқ вақт буғланиб кетмай сақланиб туришдан дарахтларнинг чакнаш даври кечикади. Экин майдонларида суғоришлар сонига боғлиқ сув таъсирида тупроқнинг зичланиши ҳам ортиб боради. Тупроқ зичлигининг ортиши тупроқ аэроциясининг бузилишига яъни экин илдизи зонасида ҳаво режими бузилишига ва захира намлик тўпланиши имкониятининг камайишига олиб келади. Тўшалган сомон ва хашак тупроқда намликнинг узоқ вақт тутиб туриши билан бирга, чириб таркибига

сингади ва илдиз зонасида салмоқли гумус захирасини хосил қилади. Чунки бир тонна сомоннинг чиришидан 180 кг, бир тонна гўннинг чиришидан 75 кг гумус хосил бўлади. Хосилли олма боғлар вегетация давомида беш марта суғорилганда таклиф этилаётган усулда уч марта суғориш билан сифатли хосил олиш мумкин. Бу билан суғориш суви тақчил бўлган худудлардаги унчалик катта бўлмаган боғлар ва томорқа хўжаликларида қўлланилганда янада ахамиятли бўлади. Боғлар қатор орасида ушбу технологиянинг икки йилда бир марта қўллаш етарли ҳисобланади.

ФОСФОРОРГАНИК ИНСЕКТОАКАРИЦИДЛАР ВА МАХСУС АКАРИЦИДЛАРНИ САРФЛАШ МЕЪЁРЛАРИ

С. Тўхтамишев., Д. Ким.

ГулДУ

Фосфорорганик инсектоакарицидлар фосфат ва тиофосфат кислоталарнинг мураккаб зфирлари ёки амидлари ҳосилаларидир: Бу гуруҳга кирувчи пестицидлар қуйидаги қатор афзалликлари билан фаркланадилар.

Юқори инсектоакарицидлик хоссаларига эга бўлиши, зараркунандаларга нисбатан таъсир қилиш доираси кенглиги, ташқи муҳит шароитида тургнклиги камрок ва учимликларнинг ривожланнши даврида зарарсиз моддаларга нарчаланиб кетиши, системали (барг шираси) орқали таъсир этиш.

Барча фосфорорганик пестицидлар тавсия қилинган нормаларда ўсимликларга салбий таъсир қилмайдилар.

Қуйидаги фосфорорганик дорилар кишлок хўжалиги экинларининг зараркунанда ҳашарот ва каналарига қарши кенг қўлланилмоқда.

ДАНАДИМ, 40% эм.к. (рогор, БИ-58, диметоат, нугор). Соф моддаси: 0,0-диметил-8-метилкарбамоил-метил)-дитиофосфат. Юқори ҳароратга чидай олмайди ва иситилганда изомерларга парчаланади. Ультрарафинаш нурлар таъсирида парчаланиши анча тезлашади. Сақлаш мобайнида фаол моддаси — фосфамид унча узоқ турмайди ва тез орада заҳарлилиги ни йўқотади.

Ўсимлик сиртига тушган фосфамид ҳарорат, ёруғлик ва сув таъсирида тез парчаланади, аммо ўсимлик ичида у заҳарлилик хусусиятини 20 кунгача сақлайди. Препарат ичдан яхши таъсир этади. У ўсимлик ичида ксилема бўйича (илдиздан ер устки қисмларга томон) яхши силжийди, лекин флоэма бўйича (барглardan илдизга томон) силжиши қийин, шу боисдан баргга сепилган фосфамид унда қолаверади.

Фосфамид кучли ва унча узоқ давом этмайдиган ичдан таъсир этувчи инсектицид ва акарицид ҳисобланади. Препарат асосан сўрувчи зараркунандаларга (ўргимчаккана, ўсимлик ширалари, қандала, трипс ва бошқаларга) қарши қўлланилса яхши натижа беради, кемирувчи зараркунандаларнинг (ғўза тунлами, карадрин ва ҳ.к.) кичик ёшдаги қуртларини ҳам ўлдиради. Ўсимлик ичига тез ўтиши ва сиртида парчаланиши туфайли фойдали ҳашаротларга қиладиган заҳарли таъсири узоққа чўзилмайди. Шу жиҳатдан ишлов беришни энтомофагларнинг энг кўп қисми ғумбаклаганда ва тухум шаклида бўлганда ўтказиш муҳимдир.

Фосфамид 40% ли эмульсия концентрати шаклида чиқарилади ва пахтачиликда бир қанча сўрувчи зараркунандаларни йўқотишда ҳар гектарга 1,5-2 л дан сарфлаб ишлатилади. У иссиққонли ҳайвонлар ва одам учун ўртача заҳарлидир (ЎД50каламушлар учун 230 мг/кг га тенг). Тери орқали сезиларли даражада таъсир қилади. Ғўза фосфамид билан шиддатли ишланаверса ўргимчаккана, ўсимлик ширалари ва оққанотда якка ва гуруҳли чидамлилики вужудга келиши мумкин. Ғўзага охириги марта фосфамид билан ишлов бериш пахта очилишидан 15 кун олдин, бошқа экинларга ишлов бериш эса 30 кун илгари тўхтатилади. БИ-58 билан ишланган далага трихограммани 15 кун, браконни — 10 кун, стеторусни 5 кун кейин қўйиш мумкин.

КАРБОФОС, 50% эм.к. (фуфанон, 57% эм.к.). Соф моддаси: 0,0-диметил-8-(1,2-дикарбэтоксизтил)-дитиофосфат. Юқори ҳа-рорат шароитларида нисбатан тез парчланиб кетадиган препарат. У нордон ва ишқорий муҳитда ва айниқса тунука идишда тез парчланади. Шунинг учун ҳам карбофос ич томондан махсус материал билан қопланган тунука идишларда ёки пластик канистрларда тарқатилади.

Карбофос сиртдан таъсир қиладиган инсектицид ва акарицид бўлиб, бошланғич пайтда жуда заҳарлидир, аммо қисқа муддатда самара беради. Бу препарат фумигант сифатида ҳам таъсир қилиши мумкин. Карбофос парчланиши ва буғланиши туфайли ўсимлик сиртидан тез кўтарилиб кетади. Одам ва ҳайвонлар учун карбофос ўртacha заҳарлидир. ЎД50 каламуш учун вазнининг ҳар килограммига 450-1300 мг гача ўзгаради. Кумулятив таъсири деярли йўқ, терига суств таъсир қиладди.

Ўзанинг сўрувчи зараркунандаларига (ўргимчаккана, ўсимлик ширалари ва б.) қарши кураш олиб борилганда гектарига 1,0-2,0 л дан ишлатиш тавсия этилган. Тез парчланиши ва иссиққонлиларга нисбатан кам заҳарлилиги уни иссиққоналарда (0,05-0,15%), сабзавотчиликда (0,1-0,2%), боғдорчиликда (0,2-0,3%), чорвачиликда сиртки ва тери ости паразитларга қарши қўллаш имконини беради. Ишлов беришни пахта етилишидан 20 кун олдин тугаллаш тавсия этилади.

ҲИМОЯ ҚИЛИНАДИГАН ЎСИМЛИКЛАРГА ПЕСТИЦИДЛАРНИ ТАЪСИРИ

С. Тўхтамишев., И. Раҳмонов.

ГулДУ

Юртимизда қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислохотлар натижалари шиддат билан ўз самарасини бермоқда. Кейинги пайтларда ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан сақлаш соҳасида ҳам муҳтарам президаентимиз томонидан кўпгина қарорлари ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Айниқса ҳар бир туманда ўсимликларни касаллик ва зараркунандаларни ҳимоя қилиш борасида ўсимликлар клиникасини ташкил қилиниши бугунги кунда долзарб масалаларни ҳал қилувчи марказга айланиб бормоқда.

Шуларни инобатга олган ҳолда ўсимликларни ҳимоя қилиш борасидаги қилинадиган ишлар тўғрисида қуйидагиларни ҳам келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Пестицидлар қўлланилганда ўсимликнинг ривожланишини кучайтириши ёки уни нобуд қилиши (заифлантириши) мумкин. Бунга пестицидни табиий ҳолати, миқдори, ишлатиш усули, тури, ўсимликни ёши, шунингдек, ташқи муҳит шароитлари таъсир қиладди. Ҳимоя қилинадиган экинларда пестицидларни фитоцид (қуйдириш) таъсири уруғларни униб чиқишини, униб чиқиш энергиясини, шунингдек, қуйдириш, хлороз, барг тўкилиши ва мева ҳосил қилиш жараёнларини сусайтиради.

У ёки бу пестицидни ишлатишга яроқлигини хемотерапевтик индекс ёрдамида ҳашаротларни пестицид таъсирида нобуд бўлишини энг кўп миқдорда, заҳарни эса энг кам миқдордаги нисбатида ишлатиш билан ўсимликка зарарли таъсир этмаслиги билан аниқланади. Хемотерапевтик индекс қанчалик кам бўлса, шунчалик ишлатиладиган пестицид яроқли деб ҳисобланади. Шундай қилиб, ишлаб чиқаришда ишлатиладиган пестицид танлаб таъсир этадиган бўлиб, заҳарли организмларни энг кўп даражада нобуд қилиш ва ҳимояланган ўсимлик турларини зарарлантirmайдиган бўлиши керак.

Дала-лаборатория усули билан олиб борилаётган тажрибада ҳимоя қилинаётган ўсимлик турига пестицидларни таъсир этиш характериға қараб, бутун ўсиш даврида маданий ўсимликларнинг ҳолати, уларни зарарланиш белгилари (ўсишини сусайиши, ўсиш, ривожланиш аъзоларини салбий ўзгариши, морфологик янгилиниши ва бу белгиларни пайдо бўлиш вақти, усул, ўсимликни нобуд бўлиши ёки уни тикланиши каби ўзгаришлар) кузатиб борилади.

ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА БИОТЕХНОЛОГИЯ

С.Тўхтамишев., И.Рахмонов., Умматов Б

ГулДУ

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалик экинларининг катта қисми-30% га яқини зарарқунанда ва ҳашаротлар ҳисобига нобуд бўлади. Ўсимликлар ҳимояси бўйича мутахассисларни маданий экинларнинг касаллик, зарарқунандалари ва бегона ўтларига қарши кураш борасидаги барча уринишлари кутилган натижаларни бермаяпти. Шунинг учун ўсимликларни ҳимоя қилишдаги долзарб муаммоларни ҳал этишда тубдан янгиланган усуллар ва йўналишларни излаш лозим. Бундай муаммоларни ечимини топишда биотехнологиянинг ўрни ғоятда муҳимдир. Масалан, ажратиб олинган тўқима ва органлар културасидан фойдаланиш, ўсимликшуносликда катта ҳажмдаги соғломлаштирилган экиш материалларини олиш имконини беради.

Биотехнологиянинг мазкур соҳа бўйича эришган ютуқлари билан бир қаторда, қишлоқ хўжалик экинларини касаллик ва зарарқунандалардан ҳимоя қилишда анъанавий биологик ва кимёвий кураш чораларини ҳам инкор этиб бўлмайди. Ҳозирги замон биотехнологиясининг ривожланиши туфайли инсектицид вирусларни ишлаб чиқариш ва улардан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш имконияти пайдо бўлди. Уларни кенг ҳажмда ишлаб чиқариш ва ҳайвон ҳужайраларида ўстириш ишлари амалга оширилмоқда.

Маълумки, ўсимликларни биологик йўл билан ҳимоя қилишда тирик организмлар ёки уларнинг фаолияти маҳсулотларидан зарарқунанда организмлар етказадиган зарарнинг олдини олиш ва камайтириш тушунилади.

Ўсимликларни ҳимоя қилишда турли хил заҳарли кимёвий моддалардан фойдаланиш натижасида ҳашаротларда уларга нисбатан кўникиш пайдо бўлади. Бундан ташқари кимёвий препаратлар мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатмасдан, фойдали ҳашаротлар ва микроорганизмларга бир хилда зарарли таъсир кўрсатади.

Шунингдек, зарарқунандаларга қарши курашда уларнинг нейтрал турлари чексиз кўпайиб кетади, натижада одамларга ҳам ҳавф туғдиради. Умуман, пестицидлар одам ва ҳайвонлар учун заҳарли ҳисобланади. Уларнинг кўп миқдорда тўпланиши атроф муҳитнинг ифлосланишига сабаб бўлади. Одам учун энг ҳафли пестицидлар хлороорганик табиатга эга бўлиб, ўн йиллар давомида тупроқда сақланиб туриши билан бирга, одам ва ҳайвонларнинг тўқималарида ҳам тўпланади. Бутун дунё соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ер юзида ҳар йили ярим миллионга яқин аҳоли пестицидлар таъсирида турли хил касалликларга чалинса, беш мингдан ортиғи заҳарланиш оқибатида ҳалок бўлади.

Дунё олимларининг саъйи ҳаракатлари туфайли пестицидларнинг заҳарлилиги кейинги йилларда бирмунча пасайтирилган. Препаратларнинг тегишли туридан фойдаланиш натижасида пестицидларнинг атроф муҳитга зарарли таъсири кескин камайиб бормоқда. Ҳозирги кунда тупроқда заҳарли қолдиқлар қолдирмасдан тезда парчаланиб кетадиган препаратлар яратилган ва амалиётда фойдаланмоқда.

Шунга қарамасдан, пестицидларни ишлаб чиқариш ва улардан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш бир қатор жузъий камчиликларга эга. Статистик маълумотларга кўра, синтез йўли билан олинган препаратларнинг ўндан биригина амалиётда фойдаланиш учун яроқлидир.

Ўсимликларни ҳимоя қилишда кимёвий усулларни қўллашнинг асосий камчиликларини бартараф этишда биотехнологик усуллари катта эътибор қаратилмоқда. Биотехнология ўсимликларни ҳимоя қилишда вируслар, бактериялар, замбуруғлар, содда ҳайвонлар ва ҳашаротлар, шунингдек, тирик организмларнинг биологик фаол моддалари (антибиотиклар, гормонлар, феромонлар ва ҳ.к) ишлаб чиқариш технологиялари билан шуғулланади.

Шундай қилиб, мутахассисларни ўсимликларни ҳимоя қилиш борасида тегишли воситалардан фойдаланиш муаммоси қизиқтирса, биотехнологларни уларни ишлаб чиқаришни қандай ташкил этиш лозимлиги муаммоси қизиқтиради. Бу ерда шуни ҳам қайд

этиш лозимки, бактерия ва замбуруғларни ўсимликларни ҳимоя қилиш мақсадида этиштириш, турли хил моддалар, масалан, антибиотикларни олиш борасидаги ишланмалардан тубдан фарқ қилмайди. Шу билан бирга биотехнология ва ген муҳандислиги ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларидан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиради

TUPROQ XOSSALARIGA ORGANIK O'G'ITLAR QO'LLASHNING TA'SIRI

To'htamishev S, Xudoyqulova N

GulDU

Dehqonchilikning eng asosiy vazifalaridan biri mahsulot ishlab chiqarishni ko'paytirish va tuproq unumdorligini oshirishdir. Bu vazifalarni amalga oshirish bevosita tuproqda organik va mineral o'g'itlarni to'g'ri qo'llash bilan bog'liqdir. Organik o'g'itlardan go'ng va maliy jihatdan eng muhim hisoblanadi. Chunki uning tarkibida o'simliklarning o'sish va rivojlanishi uchun zarur bo'ladigan barcha oziq elementlari: N, P, K, Ca, S, Mg, va boshqa elementlar bo'lib, bundan tashqari go'ngning organik moddalari ta'sirida tuproqning suv-fizik xossalari (suv o'tkazuvchanligi, nam sig'imi, hajm massasi) va biologik aktivligi yaxshilanadi. Uning tarkibida N,P,K dan tashqari uglerod bo'lgani uchun ham qimmatli organik o'g'it hisoblanadi.

Tuproqqa organik o'g'itlar qo'llanilganda organik o'g'itlar ta'sirida tuproqni agrokimyoviy, biologik fizik — suv, mikrobiologik va boshqa xususiyatlari yaxshilanadi. Organik o'g'itlar bilan birga tuproqda asosan organik moddalar, ko'p miqdorda makro va mikrounsurlar, shuningdek juda ko'p miqdorda mikroorganizmlar (mikroflora) qo'shiladi. Organik moddalar tuproqda kechadigan gumifikasiya jarayonida oziqdanish tartibini saqlaydi. mikrobiologik va biokimyoviy jarayonlar sonini, yunalishini, jadalligini oshiradi. Buning natijasida tuproqda fosforni kimyoviy birikishi pasayadi, azotni biologik singdirilishi ortadi. Organik o'g'itlar ta'sirida tuproqda ular tarkibidagi chirindi moddalari ortadi, g'o'zani ularga bo'lgan talabi ta'minlanadi, shuningdek o'simlik to'qimalarini singdirishi va modda almashuvi ortadi.

Organik moddalarni parchalanishidan tuproqqa og'ir singadigan birikmalarni erivchan holatga keltiradigan karbonat ангидрид gazi ajralib chiqadi. Bunda tuproq usti havosi karbonat ангидрид bilan boyib, bu o'simlikda kechadigan fotosintez jarayonini aktivlashtiradi. Tuproqda go'ng bilan birga juda ko'p miqdorda mikroorganizmlar tushib, ular tuproqdagi oziq elementlarni o'simlik tomonidan o'zlashtirilishini tezlashtiradi, ya'ni o'simlikning mineral oziqlanishini kuchaytiradi. Shunga ko'ra birgalikda ishlatish tavsiya etiladi.

Fiziolog va agrokimyogar olimlar tomonidan olib borilayotgan kuzatishlarida aniqlanishicha tuproqdagi oziq. elementlarning bir qismi, ya'ni 5 % chasi organik birikmalar holatida o'zlashtiriladi. Ular hujayralarning, ionlar uchun kirishni oshiradi va o'simlikning oziqlanishini kuchaytiradi. Shunga ko'ra go'ng va boshqa organik o'g'itlarga faqat oziq manba sifatida emas, balki o'simlikning oziqlanishini rag'batlantiruvchi vosita deb ham qarash kerak.

Respublikamizda uzoq muddatli statsionar tajribalarda organik o'g'itlarni sistemali ravishda qo'llash tufayli to'plangan katta amaliy va nazariy ishlar shundan dalolat beradiki, tuproq, unumdorligini oshirish, gumus zahirasini boyitishda organik o'g'itlarning roli beqiyos katta.

G'O'ZA TARKIBIDAGI BIOLOGIK FAOL ORGANIK BIRIKMALARNI SELEKSIYA SOHASIDA QO'LLASH ORQALI YANGI G'O'ZA NAVLARINI YARATISH

Boboyorova N.S.

SamQXI

Tabiiy biologik faol birikmalarning tuzilishi va funksiyasini o'rganish, tirik organizmlar faoliyatining biokimyoviy, biofizikaviy va molekulyar-genetik mexanizmlarini o'rganish, biologik faol birikmalarning ta'sir mexanizmlarini hujayra va molekulyar darajalarda o'rganish va ular ta'sir qiladigan samarali nishonlarni aniqlash, dori preparatlari, oziq-ovqat mahsulotlarining bioxavfsizligini diagnostika qilish va uni baholash uchun test-sistemalar, o'simliklarni kimyoviy himoya qilish vositalarini ishlab chiqish va biotexnologiya metodlari yordamida ko'rsatkichlari yaxshilangan qishloq xo'jalik mahsulotlarini yaratish butun dunyo olimlarining asosiy vazifalaridan biri hisoblanadi.

1973 yilda Toshkent davlat universiteti "Tabiiy birikmalar kimyosi" laboratoriyasi, kafedrasini va g'o'za sellyulozasi kimyosi, texnologiyasi Ilmiy-tadqiqot institutining g'o'za kimyosi laboratoriyasi bazasida bo'lim tashkil etilgan bo'lib, u 1977 yili O'zR FA Bioorganik kimyo institutiga aylantirilgan.

Institut faoliyatining dastlabki yillaridan boshlab hayvon oqsillari va peptidlarini strukturaviy-funksional o'rganish bo'yicha tadqiqotlar olib borilgan. Birinchi marta o'rta Osiyoda yashaydigan hayvonlar - *Latrodectus tredecimguttatus* va *Segestia florentina* qoraqurt o'rgimchaklari, *Vespa* va *Vespa germanica* arilari, hamda *Bufo viridis* yashil qurbaqasi zaharlari komponentlarining strukturasi va funksiyasi o'rganilgan.

G'o'za tarkibidagi moddalarni kompleks kimyoviy o'rganish o'ta samarali ekanligi aniqlangan va O'zbekistonning ushbu asosiy texnik ekinini qimmatli moddalarga boy ekanligi ko'rsatib berilgan. Ko'p yillik tadqiqotlar natijasida 100 dan ortiq individual birikmalar, shular qatorida organik, yog' kislotalari va aminokislotalar, yuqori molekulyar spirtlar va uglevodorodlar, uglevodlar, vitaminlar, ko'plab polifenol birikmalar (flavonoidlar, antotsianlar, leykoantotsianlar, taninlar, gossipol va boshqalar) ajratib olingan va o'rganilgan. Gossipol asosida 200 dan ortiq hosilalari sintezlangan bo'lib, ularni strukturaviy-funksional tahlil qilish natijasida ularning ba'zilari o'smalarga qarshi, immunomodullovchi, viruslarga qarshi, interferon ishlab chiqaruvchi va boshqa faolliklarga ega ekanliklari ko'rsatib berilgan va ular asosida original mahalliy dorivor preparatlar yaratilgan.

Hozirgi vaqtda institut Respublikamiz paxtachiligini hosilni 15-20% ga saqlash imkonini beradigan g'o'za zararkunandasiga qarshi feromonli tutgichlar komplekti bilan ta'minlab kelmoqda.

Tadqiqotlar natijasida institut faoliyatining markaziy yo'nalishlaridan biri hisoblangan o'simlik va hayvonlardan ajratilgan oqsil-peptid bioregulyatorlarining tuzilishi va ta'sir mexanizmi aniqlangan, birinchi marta bioregulyatorlarning (defoliant va etilenning g'o'za bilan) yuzaro ta'sir etish mexanizmlari ochib berilgan, bu esa yuzaning defoliatsiya sabablari va bu jarayonlarda bioregulyatorlarning rolini aniqlash imkonini berdi.

Institut tematikasidagi asosiy o'rinni texnik ekinlar – g'o'za, yorongul, totim sumaxa, anor, eyforbiyalardan biologik faol moddalarni ajratish bo'yicha olib boriladigan fundamental tadqiqotlar egallaydi. Ushbu o'simliklardan 120 dan ortiq birikmalar ajratib olingan bo'lib, ular asosida virus, o'smaga qarshi, antigipoksik, qon to'xtatuvchi, immunomodullovchi va boshqa ta'sirlarga ega samarali dori vositalari yaratilmoqda.

Institut jamoasining muhim vazifasi bioorganik kimyoning ustuvor sohalaridagi ilmiy yo'nalishlariga muvofiq mos holda fundamental tadqiqotlarni bajarish, mazkur tadqiqotlar asosida ilmiy-texnika taraqqiyotining prinsipial yangi imkoniyatlarini aniqlash va mustaqil Respublikamizning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishiga hissa qo'shadigan natijalarga erishishdir.

- Malvaceae o'simligi va an'anaviy ozuqa o'simliklarining urug'idan ajratib olingan biotsid peptidlarning fizikaviy-kimyoviy xarakteristikasi, mikroob va insektitsidga qarshi faolliklari sistematik o'rganildi.

Peptidlarning N-oxidagi aminokislota ketma-ketliklari va go'zaning viltga chidamlilik darajasi bilan farqlanadigan turli navlari va liniyalaridagi biotsid peptidlarning miqdori, ularning fungitsid faolliigi va zamburug' kasalliklari bilan zararlanishi o'rtasidagi bog'liqlik o'rnatildi. G'o'zalarning barcha navlarida 2C albuminlarga kiruvchi molekulyar og'irligi 10635 Da bo'lgan polipeptid mavjudligi aniqlandi. Turli navli g'o'zalarning patogenlarga chidamliligi va 2S albuminlar miqdori o'rtasidagi bog'liqlik aniqlandi. G'o'zaga patogen yuqqanidan keyin undagi himoya oqsillari - 1,3-?-glyukanaza va xitinazalar biosintezining tezligi va uning 70 chidamliligi o'rtasidagi bog'liqlik aniqlandi. G'o'zaning yangi navlari va liniyalarining viltga chidamliligini baholash uchun xitinaza va 1,3-?-glyukanaza miqdorini immunoferment tahlil qilish yo'li bilan test-sistema ishlab chiqildi. G'o'zaning ochiq urug'li liniyasidan sellyuloza sintezlanishini susaytiradigan oqsil ajratib olindi. Ushbu oqsilning sellyuloza biosinteziga ta'siri o'rganildi va bunda sellyuloza hosil bo'lishi susayganligi aniqlandi. Ajratib olingan oqsil sellyuloza hosil bo'lishida ishtirok etadigan asosiy ferment – glyukansintetazaning faolligini 94%ga pasaytiradi va u chigitlarning tuklanishiga javobgar gen-ingibitor markeri sifatida qiziqish uyg'otadi.

Komplekslarning lipid matriks bilan o'zaro ta'sirlashganida parchalanishi hisobiga gossipol va uning hosilalarining molekulari lipid fazaga o'tishi ko'rsatib berildi. Ma'lum bo'lishicha, gossipolning suvda eruvchan komplekslari va uning hosilalari suvda eruvchanligi sababli viruslarga qarshi faollikka ega bo'lgan dorivor vositalarni yaratish uchun eng samarali hisoblanadi. Gossipolning deyarli barcha quyi molekulyar moddalari bilan birga birikma hosil qiladigan noyob va universal klatratogen birikma ekanligi aniqlandi, universal xo'jayinlarning klatratlariga polimorfizm hodisasi xos ekanligi aniqlandi; - gomogen va geterogen muhitlarda karboksimetiltellyuloza va sellyuloza sulfatining strukturalanishi o'rganildi. Biriktirilgan mahsulotning strukturasi va fizikaviy-kimyoviy xossalari ta'siri, biriktirilayotgan agentning funksional guruhlarining tabiati, uning kattaligi va makromolekulaning konformatsion holati ko'rsatib berildi, parametrlari molekulyar boshqariladigan polisaxaridlar sulfatining sintezi qonuniyatlari aniqlandi, ularning fizikaviy-kimyoviy parametrlari tavsiflandi va birinchi marta ularning mikroblarga qarshi faol ekanligi aniqlandi.

Multirezistent bakteriyalar, viruslar (gepatit C, leykemiya, OITV-1) glikoproteinlari va proteoglikanlarning model strukturalari asosida, sulfatlangan monosaxaridlar va polisaxaridlar (galaktomannan, sellyuloza, pektin, arabinogalaktan) misolida kompyuterda modellash yo'li bilan komplekslar ishlab chiqildi. Bu komplekslar patogenlarni kompleks hosil qilish yo'li bilan ingibirlanishini ko'rsatadi; olingan natijalar tajribalarda isbotlangan;

Birinchi marta o'simlik xomashyosidan fitopatogen faollikka ega bo'lgan 20 dan ortiq gomogen peptidlar ajratib olindi. Ularning molekulyar parametrlari va aminokislota ketma-ketliklari, hamda fitopatogen faolliklari aniqlandi. Ajratib olingan peptidlar g'o'zaning transgen navlarini yaratishda marker sifatida qiziqish uyg'otadi. Birinchi marta ochiq urug'li g'o'zadan tola hosil bo'lishini susaytiradigan oqsil ajratib olindi va tavsiflandi, g'o'za tolasining hosil bo'lishining molekulyar mexanizmlarining jihatlaridan biri ochib berildi.

BIOLOGIK FAOL BIRIKMALARNI QAYTA ISHLASH ORQALI YANGI DORILAR SINTEZI

Boboyorova N.S.
SamQXI

Organik kimyoni dolzarb muammolardan biri hozirgi kunda, biologik faolliigi yuqori, inson organizmiga salbiy ta'sir ko'rsatmaydigan, zaharliligi kam va shu bilan ishlab chiqarilganda ekologik-muhitni ifloslantirmaydigan xususiyatlarini ilmiy asosda o'rganishni va yondashuvni talab etadi. Demak, organik kimyoning vazifalaridan biri ma'lum xossaga ega bo'lgan aniq moddalar

sintezidir, ammo olingan noma'lum tabiiy yoki sintetik moddalarning tuzilishini aniqlash juda katta ahamiyat kasb etuvchi ikkinchi og'ir vazifadir.

Dori moddalarining organizmda biotransfarmatsiyalanishi natijasida hosil bo'ladigan metabolitlarni aniqlash, ularning biologik faollikka ta'sirini o'rganish orqali yangi dori vositalarini loyihalashtirish, muomalasi cheklangan prekursorlar, giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalarni tez va oson aniqlash usullarini ishlab chiqish kabi vazifalar ham farmatsevtik kimyo zimmasiga yuklatilgan.

O'z navbatida farmatsevtik kimyo fanida olib borilayotgan sintez usullari noorganik va organik kimyo fanlari, tahlil ishlari esa analitik kimyo nazariy bilimlari va qoidalariga mos ravishda amalga oshiriladi. Ammo ta'kidlash lozimki, farmatsevtik kimyoda bajariladigan sintez va tahlil usullarida yuqori darajada aniqlik talab qilinib, tahlil ishlari majburiy uch bosqichda amalga oshiriladi: bular, moddaning chinligi, tozaligi (yod aralashmalar ruxsat etilgan miqdori) va miqdorini aniqlashdir.

XVII asrga kelib, boshqa tabiiy fanlar qatorida kimyo fani ham tez sur'atda rivojlana boshladi. Shu davrda Georg Shtal (1660-1734-yy.) kimyoviy hodisalarni tushuntirishga urinib, o'zining «flagiston» nazariyasini ilgari surdi. Robert Boyl (1627-1692-yy.) esa «Olov materiyasi» nazariyasini yaratdi. Flagiston nazariyasiga ko'ra, elementlar yonganda o'zidan qandaydir modda, ya'ni flagiston chiqaradi. Boylning fikricha, modda qizdirilganda unga «Olov materiyasi» deb ataladigan qandaydir nozik materiya birikadi, shuning uchun ham u og'irlashadi.

Boyl kimyoviy tajribaga, ya'ni sintez va tahlil qilish masalalariga katta e'tibor berdi, kimyoviy jarayonni kuzatish orqali uning qonunlarini topish mumkin, degan fikmi ilgari surdi. Shtal va Boyl nazariyalari kimyo fanining rivojlanishiga katta ta'sir ko'rsatgan bo'lsada, ularning «Flagiston» va «Olov materiyasi» soxtaligini iste'dodli rus olimi M.V. Lomonosov (1711-1765-yy.) o'zining ilmiy tajribalari orqali aniqladi. U metallar qizdirilganda o'zlaridan flagiston chiqarmaydi yoki qandaydir «Olov materiyasi»ni biriktirmasdan, balki havo zarralari (kislorod) bilan birikadi va shu sababli ham metallarning massasi ortadi, degan fikrga keldi. Olim o'zining ko'p sonli kashfiyotlari bilan Rossiyada kimyo fanining tez sur'atda rivojlanishiga asos soldi va uni asosiy fanlar qatoriga ko'tardi.

M.V. Lomonosov Rossiyada tibbiyot va dorishunoslikning yuksalishiga ham katta ta'sir ko'rsatdi va bu sohadagi barcha tashabbuslarni qo'llab keldi. U tibbiyot va dorishunoslikda hal qiluvchi fan sifatida kimyoga katta e'tibor berib, har bir shifokor kimyo fanini chuqur egallagan bo'lishi kerak deb ta'kidladi. M.V. Lomonosovdan so'ng uning ishini M.V. Severgin va T.E. Lovislar davom ettirib, o'sha davr dorishunoslik amaliyoti va ilmi taraqqiyotiga o'z hissalarini qo'shdilar.

Tibbiyot va dorishunoslikni rivojlantirish hamda yuqori malakali mutaxassislar tayyorlashda farmatsiya sohasidagi birinchi professor A.P. Nelyubin (1785—1858-yy.) ko'p ishlar qildi. Olim o'z umrining taxminan 50 yilini tibbiyot va dorishunoslik faniga bag'ishladi. U 1816-1844-yillarda Peterburg tibbiy-jarrohlik akademiyasi farmatsevtika bo'limining rahbari sifatida qator ilmiy-tahliliy ishlarni olib bordi.

Hozirgi zamon organik kimyosining asoschisi A.M. Butlerov (1828-1886-yy.) organik birikmalarning kimyoviy tuzilish nazariyasini yaratdi va shu nazariyaga ko'ra ularning tibbiy tasniflanishini birinchi bo'lib tavsifiya qildi va asosladi.

A.M. Butlerovning kimyoviy tuzilish nazariyasi murakkab organik moddalarning tuzilishini chuqur o'rganishga, sintetik kimyoning rivojlanishiga hamda ko'pdan ko'p yangi dori moddalar yaratilishiga yo'l ochdi. Ushbu nazariya izomeriya sabablarini to'g'ri va ilmiy asosda tushuntirishga imkon berdi.

Shunday qilib, N.N. Zinin, D.I. Mendeleev va A.M. Butlerovning kimyo sohasidagi kashfiyotlari tufayli XIX asrga kelib, kimyo va u bilan bog'liq boshqa fanlar, jumladan, farmatsevtik kimyo katta yutuqlarga erishdi. Shu davrda atoqli rus olimlaridan D.L. Romanovskiyning kimyoterapiya, N.I. Luninning vitaminlar, E.A. Shatskiyning alkaloid va glikozidlar sohasidagi ilmiy izlanishlari va yozgan asarlari dorivor moddalarni yaratishda muhim ahamiyat kasb etdi.

O'tgan asrning 30-yillarida A.E. Chichibabin, I.L.Knunyans, N.A.Preobrajenskiy, A.P. Orexovlar tomonidan olib borilgan ilmiy izlanishlar farmatsevtik kimyo fanining rivojlanishiga katta turtki bo'ldi. Ayniqsa akademik A.P. Orexovning «Alkaloidlar kimyo»si maktabining namoyondalari S.Yu.Yunusov va O.S. Sodiqovlar Markaziy Osiyoning alkaloid saqlovchi o'simliklarini o'rganishda katta yutuqlarga erishdilar.

S.Yu. Yunusov tashabbusi bilan 1943-yilda O'zRFAning O'simlik moddalari kimyosi instituti qoshida alkaloidlar kimyosi laboratoriyasi ochildi. 1957-yilda esa ushbu laboratoriya asosida O'simlik moddalari kimyosi instituti tashkil etildi. O'simliklarning biologik faol birikmalarini keng ko'lamda kompleks o'rganish natijasida 1200 dan ortiq alkaloidlar, 500 dan ortiq glikozidlar, 300 dan ortiq flavanoid va kumarinlar, 300 dan ortiq uglevodlar, nuklein kislotalar hamda oqsillar ajratib olinib, ularning kimyoviy tuzilishi va biologik faolligi o'rganib chiqildi. Ulardan 60 dan ortig'i original dori vositalari sifatida tibbiyot amaliyotiga tatbiq etildi.

Akademik O.S.Sodiqov va uning shog'irdlari tomonidan anabazin, gosipol, batredin, baqagen kabi dori preparatlari olinib, tibbiyot amaliyotiga qo'llash uchun tavsiya etildi. Professor M.A.Azizov va uning shog'irdlari tomonidan turli mikroelementlarning biologik faol ligandlar bilan kordinatsion birikmalari sintez qilinib, ularning tuzilishi va biologik faolligi o'rganildi hamda 10 dan ortiq dori preparatlari tibbiyot amaliyotiga tatbiq etildi.

Hozirda undan furatsillin, furadonin, furazolidon kabi yuqori biologik ta'sirli dori moddalarini tayyorlashda foydalaniladi. Neftni qayta ishlash mahsulotlaridan tibbiyot va farmatsevtika amaliyotida, asosan uning tarkibidagi to'yingan uglevodorodlardan tashkil topgan suyuq va qattiq preparatlardan vazelin moyi, vazelin va qattiq parafinlar keng qo'llanadi. Yoqilg'i slanslarini quruq haydash jarayonida tibbiyot uchun juda muhim dorilardan ixtiol preparati va yana bir qator boshqa geterosiklik birikmalar olinadi.

Har xil oilaga kiruvchi ko'pdan ko'p o'simliklarning turli organlaridan (bargi, po'stlog'i, poyasi, ildizi, mevasi vaguli) oqsil, uglevod va efir moylaridan tashqari bir qator juda qimmatbaho biologik faol moddalar ham olinadi. Ularga terpenoidlar, alkaloidlar, glikozidlar, vitaminlar va boshqa preparatlar misol bo'la oladi. Hozirgi vaqtda ularning ko'pchiligi sintez yo'li bilan olinadi. Biroq hozirgacha ham turli dori moddalarini olishda ko'pchilik dorivor o'simliklar xomashyo sifatida o'z qimmatini saqlab kelmoqda. Masalan, yurak glikozidlari, ba'zi alkaloidlar (morfin, strixnin, xinin, rezerpin va boshqalar) faqat o'simliklardan olinadi. Shuningdek, o'simliklardan turli ekstraktlar, galen preparatlari, qaynatma, damlama va boshqa dori turlari tayyorlanadi. Hayvon mahsulotlaridan turli biologik faol moddalar, jumladan, gormon preparatlarini olishda keng foydalaniladi.

Xulosa qilib aytganda, aniq bir maqsadga qaratilgan yo'nalishda yangi dori moddasini olishning hozirgi vaqtda ko'p tarqalgan yana bitta usuli, ayni paytda keng qo'llanadigan yuqori biologik faol dori moddalarining kimyoviy tuzilishiga asoslangan yarimsintetik usuldir. Yarim sintetik usul bilan olish, ayniqsa, tabiiy dori moddalari, jumladan, alkaloid, gormon, vitamin va antibiotiklarning kimyoviy tuzilishiga biror o'zgarish kiritilishi, ular ta'sirini yanada kuchaytirishga, barqarorligini oshirishga va ba'zida esa ta'sirini mutlaqo boshqa yo'nalishga o'zgarib ketishiga olib keladi.

СУВ КАМЧИЛ ШАРОИТИДА КОЛЛЕКТОР ЗОВУР СУВЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ.

Н.Б. Жапақов

ГулДУ

Республикамиз ўзининг қулай тупроқ иқлим шароити ва табиий ресурсларига кўра қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришни ривожлантириш учун етарли шарт шароитларга эга. Аҳолининг моддий фаровонлигининг кун сайин ўсиши натижасида сув ресурслари ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб йил сайин ортиб бормоқда. Шунга кўра экинларни суғоришда сув танқислиги тобора кўпроқ сезилмоқда. Бундай шароитда суғориладиган майдонларни кенгайтириш ҳамда мавжуд суғориладиган фондни сув билан етарли миқдорда таъминлашга мавжуд обихаёт захираларидан (резервли) оқилона фойдаланиш ҳамда сувнинг исроф бўлишини минимумга камайтириш йўли билан эришиш мумкин.

Шунинг учун суғориладиган ерлардан кўпинча суғориш манбаларини қидириб топиш муҳим вазифа ҳисобланади. Шу муносабат билан сизот, зовур ва ер ости (артезиан) сувларидан сув таъминоти, суғориш ва шўр ювиш мақсадида фойдаланишнинг катта сув-хўжалиги, мелиоратив ва экологик аҳамияти бор.

Бу вазифани ҳал этишда аэрация қатламида ер ости сувларидан ёпиқ сикл шароитида, фойдаланишнинг таъсири хусусиятини билиш муҳимдир. Мирзачўлни жанубий-ғарбий қисмидаги тик зовурлардан чиқаётган ер ости сувларидан суғориш учун кенг фойдаланилаётган ДФХУ ҳудудида ўтказилган тадқиқотлар ана шу масалани ўрганишга қаратилган. Ўрганилаётган майдоннинг ҳар гектаридан намуна олиниб тупроқларнинг шўрланиш тоифалари аниқланган. Суғориладиган майдонларда, тупроқ профили бўйича сувда эриган тузларнинг ўсимликлар вегетация даврида ўзгариб туриши асосан ер ости минераллашган сизот сувларининг ҳаёти билан боғлиқдир. Сизот сувлари сатҳи бир хилда бўлганида эса тупроқ қатламида тўпланадиган туз миқдори сизот сувларининг минерализация даражаси билан белгиланади. Сизот сувлари сатҳини минерализация даражасининг бир хиллигига эришилса, тупроқнинг шўрланиш даражаси суғориш нормаси билан боғлиқ ҳолда ўзгаради.

Бу қонуният кўп йиллик дала тажрибаларида ўз исботини топган.

Бунда зовур ва ер ости сувларининг таркибида заҳарли хлор тузлари кўп бўлганда экинлар суғорилмаслиги керак. Сувнинг таркибида Na катиони кўп бўлганда ҳам бундан фойдаланиш тавсия этилмайди, чунки унинг таъсирида тупроқ шўртабли бўлиб қолиши мумкин.

Тажриба натижалари шуни кўрсатди. Шунинг учун қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда сув танқислигини эътиборга олган ҳолда суғоришни навбат билан ўтказиш, яъни биринчи суғориш дарё сувлари билан, кейинги суғоришлар кам минераллашган сувлар билан ва охириги суғоришни яна тоза дарё суви билан ўтказиш маъқулдир.

Ўртача минераллашган (3-10г/л) зовур ва ер ости сувларидан фойдаланишда уларнинг минераллашганлик даражаси ва типлари ҳисобга олинган ҳолда 1:1, 1:2 ва 1:3 нисбатда чучук дарё сувлари билан аралаштирилиб экинларни суғориш мумкин.

Мавсум давомида тупроқ қатламларида сувда эрувчан тупроқнинг ўзгариш динамикаси кузатишдан маълум бўлдики, тик зовурлардан чиқаётган кам минераллашган ер ости сувларидан деҳқончиликда фойдаланиш яхши самара беради. Лекин тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхши сақлашда зовур оқова сувидан фойдаланиш натижасида туз йиғиллишининг олдини олиш учун ундан суғориш ишларида кетма-кет 2-3 йилдан ортик фойдаланмаслик керак.

Олиб борилган тадқиқотлардан маълумки, ҳозирнинг ўзида Ўзбекистонда ортикча харажатсиз суғориш мақсадида сув сарфи 630 м³/с бўлган ер ости сувларидан фойдаланиш имкони бор. Лекин шунча имкониятлар бўлишига қарамасдан бу сувлардан фойдаланиш 10% дан ошмаяпти.

Ер ости сувлари Ўзбекистоннинг Фарғона водийсида, Мирзачўл, Хоразм ва Сурхон-Шеробод чўлларида чучук сувга қўшилган ҳолда суғориш мақсадида ишлатилади. Тадқиқотчилар В.М. Легостаев, В.Т. Лев, Г.А. Ибрагимов ва бошқалар (1970-1976 йй.) Фарғона, Андижон, Сирдарё вилоятларида ер ости ва зовур сувларини соф ҳолда механик таркиби оғир тупроқлар шароитида ишлатиб кўриб, яхшигина маълумотлар олдилар. Уларни маълумотлари бўйича бу сувларнинг ҳар 1 литрида 4 г гача туз бўлса, оғир механик тупроқлар учун ва 6 г гача туз бўлса енгил механик тупроқлар учун ишлатишга яроқли экан. Албатта шўр сувлардан суғориш мақсадида фойдаланилганда тупроқнинг механик таркибини, далани зовурлашганлик даражасини ва сувнинг кимёвий таркибини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

6- ШЎЪБА. ТАБИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДАГИ ННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

БУГУНГИ КУН ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ҚЎЙИЛАЁТГАН ТАЛАБЛАР

У.К.Абдурахманова, И.А.Абдурахмонов О.А.Эрматова

ГулДУ

Фан ва маданият узлуксиз ривожланаётган ҳозирги ХХІ асрда ўқитувчи-педагогларнинг касбий фаолиятига жуда катта талаблар қўймоқда. Таълим тизимини замонавийлаштириш талабларидан келиб чиққан ҳолда ўқувчи ва талабаларни замон талаби даражасидаги комил инсон етиб тарбиялашнинг бошқача айтганда, таълим тарбия тизимини сифат жиҳатидан бутунлай янги босқичга кўтариш лозим. Бундай долзарб вазифаларни хис қилишда бўлажак ўқитувчи кадрларни илмий-тадқиқот фаолиятга тайёрлаш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, таълим соҳасидаги ислохотлар фақат малакали кадрлар тайёрлашга хизмат қилиб қолмай, балки, фуқаролик жамиятининг илмий салоҳиятини ривожлантиришга ҳам қаратилгандир. Бу борада талаба билим асосларини эгаллаш жараёнида илмий тадқиқот фаолияти бўйича кўникма ва малакаларини ҳам эгаллаб бориши лозим.

Бугунги кунда ўқитувчилик касбини илмий-тадқиқот фаолиятдан айрича ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Таълим жараёнига янги педагогик ва ахборот технологияларининг кириб келиши ҳамда унга оид ўқитувчининг тажриба синов ишлари, уларни ўрганиш, тизим ҳолига келтириш, умумлаштириш ва амалиётга тадбиқ этиш ўқитувчининг тадқиқотчилик фаолияти асосидагина ўзининг юқори самарасини бериши мумкин.

Инсониятнинг тараққиёт йўлидаги муаммолари ечими илм-фанда эришилган ютуқларга нечоғли боғлиқ эканлигини мамлакатимизнинг ҳар томонлама ривожланаётганлигидан ҳам билиш мумкин. Шунинг учун ҳам, юртимиз тараққиётида фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш мумкин. Ҳар бир фан ўқитувчиси олий таълим тизимида дарс бериш билан бирга албатта тасдиқланган мавзуси бўйича илмий тадқиқот билан шуғулланиши керак, бу ўқитувчининг касбий етуқлигига замин бўлади.

Адабиётларда такидланишича, жамият тараққиёти, ишлаб чиқариш ривожини маълум маънода ёш авлодга бериладиган таълимнинг мазмуни ва самарадорлиги, ошириладиган таълимнинг йўналиши, моҳияти ҳамда натижаларига боғлиқдир. Дарҳақиқат, таълим тизимининг мазмун ва моҳияти жиҳатдан ривожланиши талабаларга илмий билим бериш, таълим жараёнига илм-фан, техника ҳамда технологиянинг илғор ютуқларини жорий этиш, шахсда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш ҳамда уларни бойитиш асосидагина жамиятда илм-фан тараққиётига асосланган ривожланиш вужудга келишига эришилар экан, ана шу жамиятда барча соҳаларда юксалиш рўй беради. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда Олий ўқув юртларида илмий тадқиқот ишларини ташкил этишга ва изчил олиб боришга жуда катта талаблар қўйилмоқда.

Кузатишларимиз натижасида шу нарса аён бўладики, ҳалигача ёшларни илмий тадқиқот ишларига йўналтиришда бир қатор камчиликлар мавжуд. Хусусан, талаба ёшларнинг истеъдодини кўра билмаслик уларга ишонч кўзи билан қарамаслик талаба ёшларнинг илмий-ижодий меҳнатлари маҳсулига бефарқлик ёшларнинг имкониятларини интелектини баҳолай олмаслик каби ҳолатлар шундай камчиликлар жумласидандир.

Шарқнинг буюк алломаларидан Абу Наср Форобийнинг фикрича, Ер юзида фақат инсонгина билиш қобилиятига эга. Ҳақиқатни билиш эса, инсоннинг табиий ривожланиш ҳолатидан биридир. Маърифат-тарбияланувчининг хоҳиш иродасини керакли йўналишга бошқариш санъатидир, дейди Форобий.

Фаробий билимни ёд олиш усулига нисбатан унинг маъносини тушунтириш афзаллиги, таълимнинг муваффақиятли кечиши учун тарбия берувчининг ўзи тарбияли бўлмоғи лозимлигини айтган.

Ўрта аср ижтимоий тараққиёти буюк мутафаккир Абу Наср Фаробий номи билан боғлиқ бўлиб, унинг инсон камолоти ҳақидаги таълимоти таълим-тарбия соҳасида катта аҳамиятга эга.

Абу Райхон Беруний таълим- тарбия соҳасида ўз замонасида (X-XI асрлар), ҳатто ҳозирги кунда ҳам долзарблигини йукотмаган фикрларни илгари суради. У таълим бериш жараёнида таълим олувчини зериктирмаслик, билим беришда бир хил нарсаларни ўргатавермаслик, узвийлик, изчиллик, мавзуларни қизиқарли асослаб, кўрғазмали баён этиш зарурлигини уқтирган.

Ватанамиз тараққиётининг устувор пойдевори таълим ва тарбия бўлиб, уни ҳар томонлама пухта, аниқ режалар асосида тизимли ташкил этмас эканмиз, тоабат мурғак қалб эгасининг кўнглига йўл топа олмаймиз бу борада мактаб ва ўқитувчи ўрни ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз биринчи президенти И.А.Каримовнинг қўйидаги фикрлари мана шу долзарб мавзунини тасдиқлайди: “Маърифатпарвар боболаримизнинг фикрларини давом эттирсак, агарки дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир, десак, ўйлаймизки, айна ҳақиқатни айтган бўламиз” деган эди.

Жаҳон ва миллий педагогикамиз тарихига эътибор қаратар эканмиз, таълимнинг ташкилий масалаларининг тадқиқотлари Фаробийнинг “фан ва ақл-заковат” асарида чуқур таҳлил қилинган. Замонавий педагогик технология таълимнинг маълум мақсадга йўналтирилган шакли, усули ва воситаларининг маҳсулидир. Кузатувлар шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда ўқитувчи дарс жараёнида фақат ўзи ишлайди, ўқувчилар эса кузатувчи бўлиб қолаверадилар. Таълимнинг бундай кўриниши ўқувчиларнинг ақлий тафаккурини ўстирмайди, фаоллигини оширмайди, таълим жараёнидаги ижодий фаолиятини сўндиради. Таълимда педагогик технологияларнинг асосий мақсади эса ўқитиш тизимида ўқувчини дарс жараёнининг марказига олиб чиқиш, ўқувчиларни ўқув материалларини шунчаки ёд олишларидан, автоматик тарзда такрорлашларидан узоқлаштириб, мустақил ва ижодий фаолиятини ривожлантириш, дарснинг фаол иштирокчисига айлантиришдир. Шундагина ўқувчилар муҳим ҳаётий ютуқ ва муаммолар, ўтиладиган мавзуларнинг амалиётга татбиқи бўйича ўз фикрига эга бўлади, ўз нуқтаи назарини асослаб бера олади. Чунки таълим ва баркамол шахс тарбияси бир-бири билан узвий боғлиқ жараёндир. Мазкур жараёнда мантиқий фикрлаш, тасаввур қилиш, билиш фаолиятини ривожлантириш каби жиҳатлар муҳим аҳамиятга эга. Замонавий таълим орқали ўқувчиларда шахсий дунёқараш ва эътиқод шаклланади.

Бугунги кун ўқитувчиси XXI аср қиёфасини ўзида тўла шакллантирган, ўз соҳаси эмас, балки фанлараро боғланишни таъминлаш учун бутун бир соҳанинг билимдон эгаси, нутқи раво, изчил ва адабий тилда сўзловчи, сўзи билан амали бир, жамиятда баркамол, эътиқоди бут, маънавий мафкураси, фикри ва зикри соғлом, баркамол фарзандларни тарбияловчи мукамал инсон бўлмоғи лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.Каримов “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” –Т.: “Ўзбекистон”.2012. 8 б.
2. Ҳолиқова З., “Педагогик инновациялар ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари” Таълим муоммолари № 1. 2010. 48 – 49 б.
3. www.гоогле.uz. маълумоти

ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРНИНГ КИМЁ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДАГИ АХАМИЯТИ

¹Ш.Қ.Тошбоева, ¹У.К.Абдурахманова, ²Алланиязова М.К.

¹ГулДУ, ²ҚҚДУ

Мамлакатимиз таълим тизимида ҳозирги вақтда катта ўзгаришлар содир бўлмоқда, чунки таълимни ривожлантириш тенденцияси тараққий этаётган барча мамлакатлар учун хос бўлган умумий хусусиятдир. Бундай босқичда ҳалқ хўжалиги учун ўзининг танлаган касби бўйича билимдон, муаммолар ечимини мустақил топа оладиган эркин фикрловчи, тадбиркор, етук мутахассислар керак [1-2]. Бундай мутахассисларни тайёраш учун олган назарий билимларни амалиётга қўллаш ва фандаги янги илмий маълумотларни мустақил эгаллаш кўникмасига эга бўлиш талаб қилинади. Чунки бугунги кунда таълим соҳасида олиб борилаётган кенг қўламли ислоҳотлар, таълим мазмунини такомиллаштиришга оид қабул қилинган давлат қарорлари таълимни ҳаёт билан боғлашни, ўқитиш самарадорлигини оширишни, тез тараққий этиб бораётган жамият учун ҳар томонлама шаклланган баркамол авлодни тарбиялаб етиштиришни талаб қилади. Кимё фанларида интерфаол методларнинг бажарилиши, талабаларни гуруҳда ўз фикрларини баён қилишга, мустақил фикрлашга ва ишлашга, топқирликга, ҳозиржавобликга ўргатади. Шунингдек, уларнинг кимё фанига бўлган қизиқишини оширади. Ўқувчиларни фаолликга, ундайди. Шунинг учун кимё фанларини ўқитиш жараёнига инновацион технологияларни жорий этиш ва уни такомиллаштириш масаласини ҳар жихатдан таҳлил қилиб ёритиш мақсад қилиб олинди.

Таълим соҳасида юз бераётган ўзгаришлар, катта ахборот оқимининг кириб келиши, билимларни тезкор эгалланиш эҳтиёжининг пайдо бўлиши таълим соҳаларида интеграциялашувни жорий этишни талаб қилмоқда. Шунингдек, ўқитишнинг интерфаол методларидан фойдаланиш ҳам алоҳида долзарблик касб этиб бормоқда [2].

Интерфаол методлар ўқувчиларни билиш фаолиятига қизиқтириш, дарслик, қўлланмалар ва луғатлар билан ишлаш ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ишлаш малакасини шакллантиради.

Интер фаол ўқитиш-ITLM бунима? ITLM инглизчадан таржима қилинганда, таълим бериш ва ўқитишнинг интерфаол усуллари деган маънони беради.

I – (interactive) интерфаол, T – (teaching) таълим бериш, L- (learning) ўқитиш, M- (methods) усуллар.

Интерфаол усуллар – бу ўқувчилар орасида ҳамда ўқувчилар ва ўқитувчи ўртасида ўзаро ҳаракатни талаб қилувчи усуллардир. “Интерфаол” сўзиинглизча “интеракт” сўзидан келиб чиқиб, “интер”- бу “ўзаро”, “аст” – “ҳаракат” маъноларини беради. Ўқитишнинг интерфаол усуллари ўқувчининг юқори фаоллигини, олинган маълумотларни ижодий қайта англашини тақозо этади. Интерфаол ўқитишнинг асосий мезонлари: норасмий мунозара, материални эркин баён қилиш имкониятлари, кам миқдорда маърузалар, аммо кўп миқдорда семинарлар, ўқувчининг ташаббуси, жамоа ҳаракатини талаб қилувчи гуруҳли топшириқлар мавжудлиги, ёзма ишларнинг бажарилиши.

Интерфаол усуллар анъанавий усулларга қарама-қарши қўйиладими?

Фақат икки усул мавжуд, деган фикр унчалик ҳам тўғри эмас. Ўқувчиларнинг ўзаро ҳаракат қилиш имкониятлари бўйича фарқ қилувчи юзлаб усуллар мавжуд. Агар сиз, эски дарсликлар билан ишлаётган бўлсангиз ҳам, ўқувчилардан қайси бир саволни ёзма ишдан аввал жуфтликларда муҳокама қилишни илтимос қилсангиз, у ҳолда интерфаол усул ишлатган бўласиз. Агар ушбу йўналиш бўйича ўз ишингизни таҳлил қилиб чиқсангиз, у ҳолда илгари ҳам дарс беришда ҳамкорликда ўқитиш элементларини қўллаганингизни кўрасиз.

Замонавий педагогик технологиялар, ахборот технологиялдари ва интерфаол методларни таълим жараёнида кимё фанлари дарсларига жорий этилиши бўйича мавжуд ҳолатларни ўрганиб чиққанимизда аксарият ўқитувчилар дарс машғулотларининг қизиқарли ва самарали бўлганлигини таъкидлашди. Узлуксиз таълимда ўқув-тарбиявий жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларни жорий этиш бўйича илмий асосланган андаза ва кўрсатмалар етарли эмас.

Кимё фанларида ҳам фан ва машғулотнинг хусусиятидан келиб чиқиб, дарс жараёнида педагогик технологиянинг “Зинама-зина”, “Кейс стади”, “балиқ склети” ва бошқа қўллаб усулларни қўллаш мумкин. Шулардан “зинама-зина” усулини агар биоорганик кимё дарсларида бирор мавзу бўйича, қўллаш талаб этилсин, масалан:

Мавзу: “Витаминларнинг хоссаларини ўрганиши”.

Дарснинг таълимий мақсади: Витаминлар, уларнинг турлари, ўзига хос кимёвий хусусиятлари ва биологик аҳамиятига доир тажрибаларни бажариш ва ишлатилиши ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш.

Ушбу жараёнда биз тегишли мавзу бўйича лаборатория тажрибалари бажариб бўлингандан кейинги мавзуни муҳокама қилиш жараёнида қўлланилиши мумкин бўлган “зинама-зина” методини қўлланилишини таҳлил қиламиз. Талабалар мавзуга оид лаборатория тажрибаларини бажариб бўлганларидан сўнг, кузатилган натижалар ҳисобот ҳолида иш журналиги ёзилади ва хулосалар қиладилар. Сўнгра мавзуни мустаҳкамлаш мақсадида талабаларни 5 та кичик гуруҳчаларга бўлинади, ҳар бир гуруҳга витаминлар номи ёзилган А-4 форматли қоғозда топшириқлар берилади. Талабаларни топшириқ шартлари билан таништирилади.

Гуруҳ	Бериладиган топшириқ	Бажарилган вазифа
1- гуруҳ	Витаминлар қанда моддалар, уларнинг умумий хоссаларининг тавсиф беринг	Берилган топшириқ бўйича талабалар билганларини ёзад.

Гуруҳ	Бериладиган топшириқ	Бажарилган вазифа
2- гуруҳ	В ₁₂ ва С витамини уларнинг ўзига хос хусусияти ва биологик аҳамияти	Берилган топшириқ бўйича талабалар билганларини ёзад.

Гуруҳ	Бериладиган топшириқ	Бажарилган вазифа
3- гуруҳ	В ₁₂ ва С витамини уларнинг ўзига хос хусусияти ва биологик аҳамияти	Берилган топшириқ бўйича талабалар билганларини ёзади

Гуруҳ	Бериладиган топшириқ	Бажарилган вазифа
4 гуруҳ	Д витамини унинг ўзига хос хусусияти ва биологик аҳамияти	Берилган топшириқ бўйича талабалар билганларини ёзади

Гуруҳ	Бериладиган топшириқ	Бажарилган вазифа
5-гуруҳ	Е витамини унинг ўзига хос хусусияти ва биологик аҳамияти	Берилган топшириқ бўйича талабалар билганларини ёзади

Агар машғулот жараёнида компьютер технологиясидан фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Видеопроекторда экранда жадвални талабаларга кўрсатилиб ва топшириқ бажарилган вазифа қисмигагина ёзилиши мумкин бўлар эди. Топшириқлар қуйидаги жадвал асосида тузилади:

Топшириқни бажаришга 10 минут вақт берилади. Гуруҳ аъзолари топшириқни биргаликда бажарадилар. Вақт тугагандан сўнг гуруҳ аъзоларидан бири тақдимот қилади ўз гуруҳининг фикрларини химоя қилади. Гуруҳлар шундай тартибда химоя қиладикимашғулотда мавзу бўйича муаммо гўё зинама-зина очиб берилади.

В ₁₂ витамини хоссалари	
С витамини хоссалари	
Д витамини хоссалари	
А витамини хоссалари	

Ушбу технология талабаларни мустақил фикрлашга, жамоада ўзининг фикрини химоя қила олишга, жамоа фикри билан ҳисоблашган ҳолда хулоса чиқаришга ва ниҳоят фикрларини умумлаштиришга ўргатади.

FOSFOR VA UNING BIRIKMALARI MAVZUSINI INOVATSION TEKNOLOGIYALAR YORDAMIDA O'QITISH

N.O.Umirova, O'.Q.Abduraxmonova

GulDU


O'zbekiston Respublikasi “Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi” da ta'limning barcha bosqichlarida isloh qilishni asosiy vazifasi qilib belgilanadi. Isloh qilishning eng muhim tomonlaridan biri – o'quv tarbiya jarayoniga ilg'or pedagogik texnologiyalarni joriy qilish hisoblanadi. Kimyo fani mavzulari o'quvchi va talabalarda qiyin o'zlashtiradigan fan bo'lganligi uchun uni o'qitishga pedagogik texnologiyalarni joriy qilish dolzarb muammo hisoblanadi [1].

Kimyo fanida ba'zi mavzularni tushuntirish uchun multimediali, animasiyali, elektron darsliklar, kompyuter imitasion modelini yaratish dasturlarining o'quv jarayonida qo'llanilishi natijalari shuni ko'rsatmoqdaki, o'quvchilar tomonidan fanning ba'zi mavzularini o'zlashtirib olishlarini ancha osonlashtirganini, muhimi, o'quvchilar kompyuter xonasida istaganlaricha mavzularni takror-takror ko'rishlari mumkinligi, imkoniyatlari o'rganilgan bilimlarning yanada mustahkamlanishiga zamin bo'lmoqda [2]. Kimyo fanida “Fosfor va uning birikmalarining laboratoriya mashg'ulotlarida” mavzusini o'qitishda fosforning birikmalarini tushuntirishda o'quvchilarning tasavvur doirasini kengaytirish uchun animasiyalar ishlab chiqildi.

Fosfor 1669 yili X. Brand tomonidan ochilgan. Er qobig'idagi miqdori (massa bo'yicha) 9,3-10~2%. Tabiatda, asosan fosfat minerallari — apatit $Ca_5(PO_4)_3$ (F,Cl) va fosforitlar $Ca_3(PO_4)_2$, $Ca_5(PO_4)_2(OH, CO_3)$ sifatida uchraydi. Uning allotropik modifikatsiyalari ma'lum. Oq fosfor (α - va β - shakllari bor) qattiq va suyuq xolatda P_4 tarkibli tetraedr shaklidagi molekular hosil qiladi [3].

Masalan o'quvchiga tushuntirish oson bo'lishi uchun fosfin gazi zaharli gaz bo'lganligi uchun uni hosil qilishning animatsiyali ko'rinishi o'quvchilarga taqdim qilinadi. Taqdim qilishdan oldin o'quvchilarga fosfin gazi haqida ma'lumot beriladi, masalan:



Fosforning vodorodli birikmalaridan fosfin fosfor gidridlari deb xam yuritiladi. Fosfin – PH_3 (gaz), difosfin - P_2H_4 (suyuqlik), P_2H yoki $P_{12}H_6$ (qattiq moddalar) shular jumlasiga kiradi. Fosfin yoqimsiz xidga ega bo'lib, suvda, CS_2 , benzol, efir va tsiklogeksanolda eriydi. Kuchli qaytaruvchilardan hisoblanadi. Qizdirilganda parchalanadi, $100^\circ S$ dan yuqorida havoda alanganlab ketadi. Fosfinning kislorod bilan aralashmasi portlaydi. Fosfin quyidagi reaksiya yordamida olinadi:



Shu kabi ma'lumotlar berilib, o'quvchilarga animatsion slayd ko'rsatiladi. Shundan so'ng fosfin gazini olishning boshqa usullari ham aytib o'tiladi, jumladan:

Fosfin kaltsiy yoki alyuminiy fosfiddan ham olinishi mumkin. Fosfinning suvdagi eritmaları o'ziga xos xususiyatga ega. Ularda kislotaga va asos xossalari borligi sezilmaydi. Ammo fosfin kuchli kislotalar bilan fosfoniya tuzlarini hosil qila oladi.

Mavzuni tushuntirish davomida fosforning vodorodli birikmalarining qanday maqsadlarda ishlatilishi haqida ham ma'lumot beriladi: Fosfin toza fosfor olish maqsadida hamda fosfor organik birikmalar sintezida ishlatiladi. Fosfinning hosilalaridan bo'lgan fosfinalkilenlar, fosfinatlar, fosfinitlar, fosfinoksidlar va fosfitlar turli sohalarida qo'llaniladi.





Ushbu mavzuda albatta fosfoniya birikmalari haqidagi ma'lumotlar ham tushuntiriladi. Umumiy formulasi: $R_4P^+ X^-$ (R=H, alkil, aril; $X^+=Cl^-$, Br, J, OH, OR bo'lgan kristallar. Qutbli eritmalarda eriydi. Bular oson gidrolizlanadi va qizdirilganda dissotsilanadi. To'rtlamchi fosfoniya

birikmalari barqaror bo'lib, gidroksidlari asos xossalriga ega. Qizdirilganda uchlamchi fosfinlar oksidi hosil bo'ladi:

$R_4P^+ + OH^- \rightarrow R_3P = O + HR$ – Reaksiya tenglamasi albatta o'quvchilarni faollikka chaqirib yoziladi.

Ushbu mavzu bo'yicha tayyorlangan animatsion slayd videoproektor orqali namoyish etiladi. Bu vaqtda animatsiyaning har bir jarayoni o'qituvchi tomonidan tushuntirib turiladi, ya'ni: - Fosfin gazi havoda halqasimon ko'rinishida yonadi. Agar xonaning chirog'i o'chirilsa, gaz yorug shu'la bilan yonadi. Chunki fosfin oz bo'lsa-da bug'lanib turadi, (fosfin bug'i havo kislorodi ta'sirida oksidlanishi natijasida shu'lalanadi va oq tutun hosil qiladi. Oq tutun hosil bo'lishi fosfor (V)-oksidi hosil bo'lganligini bildiradi, ushbu reaksiya tenglamasi quyidagicha:



O'quvchilar animasiya holiga keltirilgan tajribalar tasavvurlar paydo bo'lishi uchun tajribalarni o'tkazishda, asboblardan foydalanishda, reaksiylar havfli bo'lishi, eksperiment ko'p mehnat talab qilishi oldini oladi, fosforning tajribalarini animasiya ko'rinishida ko'rsatib o'tishimiz mumkin.

Xulosa sifatida shuni aytish mumkinki, kompyuterda yaratilgan fosfin gazining hosil bo'lishi va uning yonish reaksiyalari tajribalarini o'rganishga oid animatsion slayd orqali o'quvchilarning qiziqishi ortadi, fikrlashga o'rganadi va mavzu tushunarli bo'ladi. Bu esa o'z navbatida ta'lim samaradorligini oshirish uchun xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Anvarova N. Kimyo fanida kompyuter dasturlari. Xalq ta'limi.-2002.-№4,80-81 b.
- 2.U.K.Abduraxmanova "Kimyo fanlarini o'qitishda informatsion texnologiyalarining o'rni" G'G' Oliy ta'limda zamonaviy o'quv, ilmiy va tarbiyaviy faoliyatni takomillashtirish muammolari. Respublika ilmiy – nazariy konferentsiyasining materiallari to'plami. Guliston 2006. 60-61b.
- 3.U.K.Abduraxmanova "Kimyo fanlarini o'qitishga zamonaviy pedagogik texnologiyalarni joriy etishning dolzarbligi" G'Uzluksiz ta'lim tizimida ma'naviy kasbiy barkamol shaxs tarbiyasi. Respublika ilmiy-nazariy konferentsiyasi materiallari to'plami 2007.

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЭКОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА “SCORE” МЕТОДИДАН ФОЙДАЛАНИШ

М. Алламуратов, Р.Базарова, С. Дадаев,

ГулДУ

Ҳозирги кунда ўқувчи, талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, уларда таълим ва билимга бўлган эҳтиёжни янада кучайтириш, мустақил фикр юритиш кўникмаларини шакллантириш орқали салоҳиятли, қўйилган муаммони ҳал қила оладиган етук мутахассисларни тайёрлаш муҳим вазифалардан ҳисобланади[1]. Ҳаммамизга маълумки, малакали кадрлар тайёрлашнинг муҳим омилларидан бири таълим сифати ва самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Таълим сифати ва самарадорлигини оширишда ўқитишнинг замонавий усуллари, шакл ва воситалари, ўзин технологиялари, муаммоли, модулли, лойihalаш, ҳамкорликда ўқитиш технологияларидан дарс жараёнида қўллаш хусусан, таълимнинг ноанъанавий турлари муҳим ўрин тутди. Бу эса узлуксиз таълимда ёшларни билим олишда таълимнинг мазмунини ишлаб чиқиш ва уни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш усуллари такомиллаштириш борасида илмий-педагогик изланишлар олиб боришни тақозо этади. [2,3,4,6]

Кейинги вақтда олий таълим муассасаларида талабаларнинг мустақил таълимни ташкил этиш Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2005 йил 21 февралдаги 34-сонли буйруғи асосида тасдиқланган «Талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби» тўғрисидаги намунавий Низом асосида амалга оширилмоқда [4]. Кўпгина олий таълим муассасаларида талабаларнинг назарий ва амалий мустақил таълим олишлари учун катта имкониятлар мавжуд. Шунга қарамай ҳозирги вақтда ўқув-тарбия жараёнида талабаларда мустақил таълим олиш кўникма ва малакаларини шакллантириш масаласига долзарб педагогик муаммо сифатида қаралмайди, мустақил таълим мазмунини таҳлил этиш ва ишлаб чиқаришга замонавий нуқтаи назардан ёндошилмайди, унинг самарали метод, шакл ҳамда воситаларидан фойдаланишга етарлича эътибор берилмайди. Бу ва шунга ўхшаш бошқа масалалар олий таълим муассасаларида бакалавр тайёрлашда талабаларнинг мустақил таълимни ташкил этиш, амалга ошириш, назорат қилиш борасида қатор педагогик муаммолар мавжудлигини кўрсатади.

Ушбу масалаларни илмий-педагогик нуқтаи назардан ўрганиш, таълим жараёнида талабаларнинг мустақил таълим олишга бўлган эҳтиёжини эътиборга олиш ва мустақил билим эгаллашлари учун етарлича шарт-шароит яратиб бериш зарурати, олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг талабалар мустақил таълим олишларини ташкил этиш, амалга ошириш ва назорат қилиш бўйича каспий-педагогик тайёргарлигининг замон даражада эмаслиги; талабаларда мустақил таълим олиш бўйича билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланмаганлиги; талабалар мустақил таълим олишларини ташкил этиш, амалга ошириш ва назорат қилишга оид ўқув методик адабиётлар, тавсиялар, ишланмалар, йўриқномалар кўрсатмаларининг етарли эмаслиги ва бошқа муаммолар ушбу мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

Замон талабларига жавоб бера оладиган, ҳар томонлама етук, қўйилган муаммони мустақил ҳал қилиш лаёқатига эга, ўз устида ижодий ишлай оладиган мутахассислар тайёрлашдир. Бу хусусиятларга эга бўлган кадрларни жамиятимизга етказиб беришда мустақил таълим алоҳида ўрин тутди.

Мустақил таълим-мутахассис ёрдамида ёки унинг ёрдамисиз бирор вазифа (масала, муаммо) ни мустақил ўрганиш асосига қуриладиган ўқув фаолияти ҳисобланади.

Мустақил таълимнинг структурасига мустақил иш, мустақил билим олиш (ўрганиш), очиқ ва дистанцион курсларда шуғулланиш киради. Мустақил таълим тамойилларига эса, таълим олувчи шахсига йўналтирилганлик, таълим жараёнини демократлаштириш, таълим жараёнини ахборот-коммуникацион технологиялар асосида ташкил этиш, илм орқали билим

олиш, ўқув материалларини модулларга ажратиб ўзлаштириш, билимларни ўзлаштиришда дифференциаллашган (табақалашган) ёндошувлар, мустақил ишлаш амалий кўникма ва малакаларини босқичма-босқич шакллантириш, талабанинг мустақил ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган бўлади [5] .

Ҳозирги кунда ҳамма маълумотларни фақат дарс машғулотида бериб бўлмайди. Мустақил таълим бу-талабанинг фанлардан олган билим, кўникма ва малакаларини яна кенгайтиришга ва такомиллаштиришга қаратилган ўқув фаолияти тури. Муайян фандан ўқув дастурида белгиланган, талаба томонидан ўзлаштириш лозим бўлган билим, кўникма ва малаканинг маълум бир қисми бўлиб, фан ўқитувчиси маслаҳати ва тавсиялари асосида аудиторияда ва аудиториядан ташқарида бажариладиган тизимли фаолиятдир.

Талабаларнинг мустақил таълимини йўлга қўйишга қаратилган таълим принциплари, қонуниятлар ҳамда уни амалга оширувчи интерфаол методлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Мустақил таълимни йўлга қўйишда талабанинг муайян фан бўйича билим кўникма ва малакаларини ошириш, уларда мустақил дунёқарашни шакллантириш, шу билан бир қаторда бўлажак мутахассис сифатида унинг ижодий ва илмий тафаккурини ривожлантиради. Ижодий технологик ёндашув талабаларни тезкор фикрлашга ва фаол ҳаракатни талаб қилади. Талабалар мустақил ишлари жорий машғулотларга, яъни маъруза, амалий ва семенар машғулоти, лаборатория ишларига тайёргарликни мустақил ўзлаштириш учун мўлжалланган ўқув материални ўрганишни, уй вазифаларини, курс, илмий-ижодий, фан тўғарақлари, илмий-тадқиқот ишларини бажаришни ўз ичига олади. [6]

Ҳар бир фан ўқув режаси ва фан дастурларида талабаларни мустақил ижодий фаолиятини ривожлантириш мақсадида талабалар мустақил таълим имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Мустақил таълимни ташкил этишда намунавий дастурда кўрсатилган мавзулардан чиқмаган ҳолда дастурда тасдиқланган мавзулар олинди. Режа-топшириқ тўғри йўналтирилган бўлиши қарак. Мавзунини мустақил ўрганишда бир хил топшириқлар мунтазам берилиб борилса, бу талабани зериктиришга олиб келади.

Бугунги кун фан ўқитувчиларининг асосий вазифаларидан бири, ёшларга билим беришда; таълим жараёнини ташкил этишда интерфаол методлардан фойдаланишни кенг қўламда амалга оширишдир. Бунда ўқитувчи дарс давомида муаммоли вазиятларни келтириб чиқариши, ўқув топшириқларнинг мақсадини аниқлаши, мустақил изланиш орқали саволларга жавоблар топиши, назарий билимлар ва амалий кўникмалар асосида жавобларнинг тўғрилигини текшириши, билимларни тизимга солиши ва мустақамлашлар натижасида билим, кўникма ва малакаларини янги вазиятларда қўллаш.

Экология фанидан талабаларни мустақил ишлашини ташкил этишда биз ўқитишнинг интерфаол методлардан бири “SCORE” методидан фойдаланишни тавсия этамиз. Ўқув семестрининг бошида талабаларни намунавий дастур асосида белгиланган мустақил ишлар мавзусини билан таништирилади ва кўриладиган режаси ишлаб чиқилиб, фойдаланадиган адабиётлар рўйхати келтирилади. Берилган адабиётлардан талабалар ўзлари мустақил ўрганиб келади ва ўқитувчи талабалар билимини баҳолаш босқичида микрогуруҳларга ёзилган саволлар ва жавоб учун қуйидаги шаклдаги сўров варақаси тарқатилади.

“SCORE” методи

Мавзу: _____

Муаммо: _____

(бугунги кунда бу муаммолар келтириб чиқараётган муаммолар ҳақида)

Симптом (S-symptom)- _____

Бу муаммонинг симптоми (белгиси) қандай?

Сабаблари (C-cause)- _____

Бу муаммолар келиб чиниш сабаблари қандай?

Натижаси (O-outcome)- _____

Бу муаммонинг олдини олишга нисбатан қутилиётган натижа ёки мақсад қандай?

Ресурси(R-resources)- _____

Қандай ресурс ушбу муаммони бартараф этишга ёрдам беради

Самараси (E-effekt)-

Ушбу мақсадга кришиш узок кутилган қандай самарага олиб келади.

Талабаларга тайёрланиш учун вақт белгиланади, тайёр бўлган микрогуруҳдан бошлаб сўралади. Фаол қатнашган ва тўғри жавоб берган талабалар рағбатлантирилади.

Агар педагогик технологияни қўллашда илмий асос ва қафолатланган натижа бўлмас экан, бундай технологиялар оқибати шахс камолати, таълим тизими ва жамиятнинг юксалишига тўғаноқ бўлаверади. Узлуксиз таълимда экологик билимлар, экология фанидан мустақил ишларни ташкил этишда, бир вақтнинг ичида бир неча кишини баҳолаш имконини беради, талабаларни мустақил фикрлашга ундайди. Бу методдан фойдаланиш на фақат олий ўқув юртларида, балки мактаб ва академик лицей ва коллежларда экология фанини ўқитишда дарс жараёнида “SCORE” методидан фойдаланиш ўз самарасини беради деган фикрдамиз ва ушбу методдан фойдаланишни тавсия этамиз.

ФИЗИКА ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИГА КИМЁ ФАНИНИ ЎТИШДА “АТОМ ТУЗИЛИШИ” МАВЗУСИНИ СЕМИНАР МАШҒУЛОТИДА ГЛОССАРИЙ ТРЕНИНГ МЕТОДИ АСОСИДА ЎТИШ.

Акбарова М.Т.

ЎЗМУ

Инновацион технология – ўқитиш шакллари оптималлаштириш мақсадида ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнида инсон салоҳияти ва техник ресурсларни қўллаш, уларнинг ўзаро таъсирини аниқлашга имкон берадиган тизимли методлар мажмуасидир.

Инновацион технология – таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш мақсадида ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнида ўқитувчининг педагогик ва талабаларнинг билиш фаолиятини уйғун равишда ташкил этиш, мазкур фаолиятни фаоллаштириш мақсадида, самарали ўқитиш методлари, воситалари ва шакллари қўллаш, уларнинг ўзаро таъсирини аниқлашга имкон берадиган тизимлар мажмуасидир.

Талабаларга физикадан таълим-тарбия бериш асосида уларни фанга бўлган қизиқишини ошириш, физик тафаккури ва мантиқий фикрлашини ўстиришда янги педагогик технологиялар катта аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, янги педагогик технологиялардан фойдаланиш дарс самарадорлигини оширишда ижобий натижалар беради.

Бизга маълумки, фаннинг ҳар қандай соҳасида мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчаларнинг изоҳли луғати (гlossарий) мавжуд, буларни билмасдан ўқув материални ўзлаштириш мумкин эмас.

Таянч иборалар ва тушунчаларни ёдлаб қолиш ва гапириб беришнинг энг самарали усулларида бири - гlossарий тренигидир. Гlossарий тренинг - ўқув машғулотининг таркибий қисми, унинг мақсади ўтилган ўқув материални ва ҳар бир мавзусига ёки бобга оид билимларни чуқурроқ мустаҳкамлашдир.

Қўйилган мақсадга эришиш учун кимё фанларидан ўқув дастуридаги мавзуларнинг режаси ишлаб чиқилади ва шу режа асосида мавзуга оид гlossарий тренинглари лойиҳаси тайёрланади.

Ҳар бир мавзуга оид битта гlossарий тренинги ишлаб чиқилади, бунинг учун шу мавзуга таллуқли изоҳли ва таянч сўзлар рўйхати тайёрланади. Тренингда талабаларга ўқув дастуридаги мавзулар кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда изоҳли сўзлар рўйхати берилади. Бунда ҳар бир сўзга бир нечта изоҳ келтирилади, талаба эса тўғри изоҳни танлаб олади. Масалан, Физика йўналиши талабаларига кимё фанини ўтишда “Атом тузилиши” мавзусини семинар машғулотида гlossарий тренинг методи асосида ўтидик. У қуйидагича амалга оширилади.

1. Атом - мусбат зарядланган атом ядроси билан манфий зарядланган электронлардан таркиб топган электронейтрал заррачадир

1. Атом - мусбат зарядланган атом ядроси билан мусбат зарядланган электронлардан таркиб топган электронейтрал заррачадир

2.α- заррача - мусбат зарядга эга бўлган заррача бўлиб, унинг массаси 4 углерод бирлигига тенг, тезлиги 20000 км/сек, гелий атомидан иборат

2. α- заррача - манфий зарядга эга бўлган заррача бўлиб, унинг массаси 4 углерод бирлигига тенг, тезлиги 20000 км/сек, гелий атомидан иборат

3. Атом тузилишининг ядро назарияси - бу назарияга мувофиқ атом марказида мусбат зарядли ядро жойлашган бўлиб, унинг атрофида электронлар ҳаракат қилади. Атом таркибининг мусбат зарядли қисмини инглиз олими Э. Резерфорд алфа - заррачаларнинг тарқалишини ўрганиш натижасида кашф этди ва 1911 йилди атом тузилишининг ядро назариясини таклиф қилди.

3. Атом тузилишининг ядро назарияси - бу назарияга мувофиқ атом марказида манфий зарядли ядро жойлашган бўлиб, унинг атрофида электронлар ҳаракат қилади. Атом таркибининг мусбат зарядли қисмини инглиз олими Э. Резерфорд алфа - заррачаларнинг тарқалишини ўрганиш натижасида кашф этди ва 1911 йилди атом тузилишининг ядро назариясини таклиф қилди.

4. β - заррача - манфий зарядга эга бўлган заррача бўлиб, унинг ҳаракат тезлиги 100000 км/сек га тенг. Бу нур тез ҳаракатдаги электронлар оқимидан иборат.

4. β - заррача - мусбат зарядга эга бўлган заррача бўлиб, унинг ҳаракат тезлиги 100000 км/сек га тенг. Бу нур тез ҳаракатдаги электронлар оқимидан иборат.

5. Бош квант сон - айна орбиталнинг энергияси унинг ядродан узоқ ва яқинлигига қай тарзда боғлиқ эканлигини тавсифлайди ва электрон энергиясининг катталигини кўрсатади. Бу тушунча фанга дастлаб 1913 йилда Нилс Бор томонидан киритилган.

5. Бош квант сон - айна орбиталнинг энергияси унинг ядродан узоқ ва яқинлигига қай тарзда боғлиқ эканлигини тавсифлайди ва электрон энергиясининг катталигини кўрсатади. Бу тушунча фанга дастлаб 1913 йилда Нилс Бор томонидан киритилган.

6. γ - нур - зарядсиз заррача бўлиб, худди рентген нурига ўхшаб электр магнит тўлқин хоссасига эга. У жуда қалин металл пластинкасида ҳам ўтади, электр майдонида оғмайди. Ўзининг табиати жиҳатидан ёруғлик нурларига ўхшайди, лекин тўлқин узунлигининг жуда кичиклиги билан ундан фарқ қилади.

6. γ - нур - зарядсиз заррача бўлиб, худди рентген нурига ўхшаб электр магнит тўлқин хоссасига эга. У жуда қалин металл пластинкасида ҳам ўтади, электр майдонида оғмайди. Ўзининг табиати жиҳатидан ёруғлик нурларига ўхшайди, лекин тўлқин узунлигининг жуда катталиги билан ундан фарқ қилади.

7. Магнит квант сон - электрон орбиталларнинг фазодаги вазиятини характерлайди, унинг қийматлари - l дан $+l$ гача бўла олади, нол ҳам бўлиши мумкин. Магнит квант сон айна энергетик қобикда неча хил орбитал бор эканлигини, орбиталларнинг шаклини кўрсатади.

7. Магнит квант сон - электрон орбиталларнинг фазодаги вазиятини характерлайди, унинг қийматлари - l дан $+l$ гача бўла олади, нол ҳам бўлиши мумкин. Магнит квант сон айна энергетик қобикда неча хил орбитал бор эканлигини, орбиталларнинг шаклини кўрсатмайди.

8. Нейтрон - зарядсиз заррача, ядро таркибида бўлади, унинг массаси 1,0087 м.а.б. га тенг.

8. Нейтрон - зарядли заррача, ядро таркибида бўлади, унинг массаси 1,0087 м.а.б. га тенг.

9. Радиоактивлик ҳодисаси - ўз - ўзидан нурланиш ҳодисасидир. Бу ҳодисани чуқур ўрганиш шуни кўрсатадики, баъзи радиоактив элементлар α - нурлар, бошқаси β - нурлар, айримларидан гамма - нурлар ҳам чиқади

9. Радиоактивлик ҳодисаси - ўз - ўзидан нурланиш ҳодисасидир. Бу ҳодисани чуқур ўрганиш шуни кўрсатадики, баъзи радиоактив элементлар α - нурлар, бошқаси β - нурлар, айримларидан гамма - нурлар чиқмайди.

Шунда ўқитувчи талабалар билимини глоссарий тренинглардан фойдаланиб баҳолайди ва улар томонидан кимё фанини янада чуқур ўзлаштириш учун замин яратади. Натижада ўқув жараёнининг самарадорлигини ошишига эришилади.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚИТИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАР

Бийтўраева К., Нуриев К.К.,

ГулДУ

Таълим тизимини такомиллаштиришда яъни таълим тизимининг янги моделларини яратишда ахборот ва телекоммуникацион технологияларнинг роли жуда катта эканлиги тажрибалар асосида тўла тасдиқланган, зеро Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисидаги” қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да таълим жараёнига замонавий-ахборот ва телекоммуникацион технологияларни тадбиқ этишга жуда катта эътибор берилган.

Гулистон давлат университети ўқув жараёнида янги технологиялардан фойдаланиш-педагогик усулларни янада такомиллаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг иш услубини сифат жиҳатида ўзгартириш ва педагогик тизимда тузилмавий ўзгаришларни амалга оширишга имконият яратади. Шуларнинг барчаси педагогик жараённи ташкил этиш ва бошқариш бўйича ўзига ҳос масалаларни кўйишга ва уларнинг мақбул ечимларини қидиришга олиб келади.

Ўқув жараёнини шундай усулда бошқаришнинг характерли жиҳатларини очиш учун, асосий педагогик усулларни тавсифласак. Замонавий компьютер ва телекоммуникацион технологияларга асосланган ўқитиш усулларида бири бўлган ва айниқса мустақил таълимда муҳим аҳамиятга эга бўлган усулларини кўпроқ таҳлил этайлик. Чунки, таълимда замонавий технологияларни қўллашда ўқитишни индивидуаллаштириш ва талабаларнинг мустақил таълим олишига асосий эътибор қаратилади.

Мустақил таълим усуллари замонавий ахборот технологияларнинг такомиллашиши билан янги босқичга кўтарилади ва анъанавий таълим тизими мазмунини тубдан ўзгартиради. Замонавий технологиялар асосида амалга ошириладиган мустақил таълим манбалари куйидаги воситаларга асосланган.

- ахборот ресурс манбаларини электрон нашрлари
- компьютер ўқув тизимлари
- аудио-видео ўқув ресурслари
- электрон дарслик ва ўқув қўлланмалари
- электрон ўқув услубий мажмуалар
- электрон журналлар
- компьютер тармоқлари воситасида бериладиган ўқув материаллар ва вертуал лаборатория ишлари.

Шуни таъкидлаш жоизки, янги таълим тизимида компьютер тармоқлари воситасида мустақил таълим учун бериладиган ўқув ресурслари алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки талабалар ички локал тармоқ ва зиёнет, интернет орқали жуда кўп АРМлар каталоглари хизматидан фойдаланишлари мумкин.

Замонавий компьютер ва телекоммуникацион технологияларга асосланган таълим тизими мазмунан анъанавий таълим тизимидан тубдан фарқ қилади. Шу туфайли профессор-

Ўқитувчилар томонидан мустақил таълимни амалга ошириш учун тайёрланадиган ўқув ресурслари сифатига ўта жиддий талаблар қўйилади.


Маълумки, замонавий таълим тизимида, анъанавий тизимидан фарқли ҳолда, асосий фигура талаба ҳисобланади, чунки талаба ўзининг ўқув жараёнини мустақил режалаштиради ва амалга оширади. Ўқитувчи эса, талабага жуда кенг ахборот майдонда мустақил фаолият кўрсатишига кўмаклашувчи ва маслаҳат берувчи фигура вазифасини бажаради.

Замонавий таълим тизимида ўқитувчи ва таълим олувчининг ўзаро таъсири жуда фаоллашади, бу эса ўз навбатида ўқитувчидан ўз устида мунтазам ва фаолроқ ишлашни тақазо этади.

Шундай қилиб, замонавий компьютер ва телекоммуникацион технологиялардан таълим доирасида фойдаланиш натижасида ўқув жараёнида ўқитувчининг роли, ўрни ва унинг асосий вазифаларининг мазмуни тубдан ўзгаради. Чунки замонавий таълим тизимида, ўқитувчининг ўқув курсларини яратиш бўйича фаолиятни анча мураккаблашади. Ўқув курсларини яратиш учун махсус кўникма ва малакалар зарур бўлади, ўқув материаллари сифатига талаб тубдан ўзгаради, ўқув жараёнида таълим олувчининг роли ортади. Ўқитувчи учун ўқув фани ва ўқитиш мазмунини яхши билиш кифоя қилмасдан замонавий ахборот технологиялар соҳасида ҳам махсус билимларга эга бўлиш талаб этилади. Масалан, замонавий ахборот технологиялар базасида амалга ошириладиган ўқув жараёнида ўқитувчидан педагогик характердаги билим ва малакалардан ташқари, замонавий компьютер тизимини мукамал билиш, ундан фойдаланиш ва зарур бўлса уни такомиллаштириш ҳам талаб этилади. Шу сабабли замонавий ахборот технологияларга асосланган таълим тизимини бошқаришнинг ўзига ҳос томони меҳнатни тақсимлаш асосида таълим жараёнини ташкил этиш ҳисобланади.

Таълим тизимига янги ахборот технологияларни қўллаш таълим мазмунини такомиллаштиришга имконият яратиб беради.

Таълим мазмунини ўқув курслари тўплами орқали, ўқув курсларини эса мавзулар тизими билан белгилаш мумкин. Замонавий технологиялар имкониятларидан фойдаланиб, юқори сифатли ўқув машғулотини ташкил этиш-бу таълим мазмунини ривожлантириш бўйича долзарб масала ҳисобланади.



Замонавий таълим тизимида ўқитишнинг самарадорлигини оширишга мўлжалланган тизим қуйидаги ўзига ҳос хусусиятларга эгадир.

- Ўқув жараёнини ўқитувчилар орасида меҳнат тақсимотга асосланган ҳолда ташкил этиш.

- Ҳар хил мутахассисликка эга бўлган ўқитувчиларни ва ахборот технологиялар бўйича мутахассисларни ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўқув курсларини ишлаб чиқиш бўйича жамоага бирлаштириш.
- Ўқитиш самарадорлигини доимий назорат қилиш ва педагогик жараёни ташкил этишни мос равишда тузатиб бориш.

Ушбу таклиф этилаётган усулда ўқув жараёнини ташкил этиш турли мутахассислар ўртасида меҳнатни ўзаро тақсимлаш, ҳар хил йўналишлардаги мутахассисларни битта асосий масалани самарали ва мукамал ҳал этишга жалб қилиш имкониятини беради.

БИОЛГИЯ ДАРСЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

С. Дадаев, Р. Базарова, М.Алламуратов

ГулДУ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки йилиданок асрларга арзигулик мазмун ва самара касб этадиган ислохатлар амалга оширилди. “Таълим тўғрисидаги” қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да баркамол шахс тарбияси давлат аҳамиятига молик муҳим масала устивор йўналиш сифатида белгиланди. Бу мақсадга эришишнинг самарали воситаларидан бири “Ўқитишнинг илғор шакллари ва янги педагогик технологияларни, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўқув жараёнига жорий этишдан” иборатдир.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга жорий этиш йилларида республикамиз таълим тизимида қатор муҳим ўзгаришлар юз берди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўрсатиб ўтилганидек, “Таълим жараёни барча даражада компютерлаштирилади ва ахборотлаштирилади, шунингдек, замонавий ахборот технологиялари базасида таълим жараёнининг ахборот таъминоти ривожлантирилади”. Сўнги йилларда мамлакатимизнинг барча соҳаларида бўлгани каби, таълим тизимида ҳам ўзига хос янгиликлар қарор топмоқда. Айниқса таълим тизимини технологиялаштириш, таълим самарадорлигини ошириш ҳамда ижтимоий ҳаётимизга кириб келаётган янги иновацион технологияларни қўллаш асосий вазифаларимиздан биридир. Чунки янги иновацион технологияларини тезда қабул қилиш, уларни таҳлил этиб, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хулоса чиқариш ҳамда талабаларга етказиб бериш ҳозирги куннинг энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Педагогик технологияларни ривожлантириш назарий асосларини танқидий равишда таҳлил қилиш, таълим жараёнига нисбатан самарали ёндашувини амалга ошириш ҳисобига эришилади. Таълим тизимида ахборот технологияларини қўллаш, асосан, шахсий компютерлар ва ахборот технологияларининг педагогик дастурий воситалари яратилиши билан боғлиқ.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерактив методлар инновацион технологиялар педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида куллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда, бундай бўлишининг сабабларидан бири шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчи-талабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб таҳлил қилишларига, хатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахсни ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир каторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Таълим жараёнида ўқувчи-талаба асосий фигурага айланади.

Шунинг учун ўқув юртлари факультетларида малакали касб эгаларини тайёрлашда **замонавий ўқитиш методлари – интерактив методлар, инновацион технологияларнинг** ўрни ва роли катта. Педтехнология ва пед маҳоратга оид билим, тажриба ва интерактив методлар ўқувчи-талабаларни билимли етук малакага эга булишларини таъминлайди. Ахборот технологияларининг мультимедиа воситалари асосида ўқув-материалларини образли кўринишда ифодалашдек муҳим имконият мавжуд. Маълумотларни матн сифатида эмас, балки образлар воситасида тақдим этиш ахборот технологияларининг таълим тизимида ўзига хос инқилобий жараён эканлигидан далолат беради. Образлар

кўринишидаги маълумотларни тақдим этиш ўқитишга ва фикрлашга кескин равишда таъсир этиши мумкин. Бунинг сабаби, образлар кўринишида берилган ўқув материаллари матн кўринишидагига нисбатан инсон томонидан осон ўзлаштирилиши (чунки билимларнинг 65-70 фоизи кўриш орқали олинади) ва унга ижобий таъсир этишидир. Обзрлар кўринишида маълумотларни тақдим этиш матн кўринишидагига нисбатан принципал жиҳатдан фарқ қилиб, инсоннинг фикрлаш учун жуда муҳим восита сифатида ишлатилиши мумкин.

Биология йўналишида мутахассислик фанларидан лаборатория машғулотларини тақдимот кўринишда тайёрланган электрон материаллар асосида ўтказиш амалий томондан муҳим аҳамиятга эга бўлиб, айниқса лаборатория машғулотлар бўйича Виртуал стендларнинг яратилиши ўқув жараёнида замонавий педагогик-ахборот технологлари асосида лаборатория ишларини бажарилишини таъминлайди. Бундан ташқари, виртуал стендларининг яратилиши натижасида лаборатория шороитда ўтказилиши мумкин бўлмаган (захарли моддалар, матирелларининг етишмаслиги) ишларини бажариб кўрсатиш ва улар асосида ўтказилаётган ишларни экологик соф муҳитида бажариш имкониятини беради. Виртуал стендлардан амалий ва лаборатория ишларини бажаришда фойдаланиш ўқув жараёнининг самарадорлигига эришишни таъминлайди. Компютерда яратилган лаборатория ишларининг виртуал стендларини ўқувчи-талабалар ўзлари учун қулай ва зарур вақтларда кўриши, такрор бажариши, муҳокама қилиши каби имкониятларга эгадир. Бу эса уларнинг ўзлаштириш сифат кўрсаткичини оширишга олиб келади. Яна муҳим томонларидан бири-бу виртуал стендлардан фойдаланилганда ўқув материалларининг сарф қилинишини тежалашидир. Чунки компютерда виртуал стенд билан шуғалланган ўқувчи-талабалар лаборатория шароитида ишлатилаётган (реактив ва шунга ўхшаш) материалларини исроф қилмасдан керакли меъёрда ишлатишга эришилади.

Замонавий педагогик технологиялар таълим тизимига кириб келар экан, керакли педагогик шарт-шароитлар бўлиши тақоза этилади. Кўпгина педагогик олимларнинг илмий изланишларидан маълумки, агар педагогик жараёнда моддий техник таъминот, метод, усул, ўқитувчи шахси ўзаро бир-билан боғлиқ ҳолда таъсир этса, бу жараён мукамал ва самарали бўлиши мумкин.

Таълим беришда янги иновацион технологияларнинг самараси, албатта олдинги анъанавий ўқитишдан кўра юқори натижани беради. Ҳозирги вақтда ҳар бир узлуксиз таълимда ўқитиш шакллари замонавий педагогик технологиялар асосида олиб борилаётганлиги ўз натижасини кўрсатмоқда. Замонавий ва ахборот комуникацион технологияларининг дарс жараёнида қўлланиши, таълим сифатининг ошишини самараси катта бўлиб, бунда ўқувчи-талабанинг ўзи дарсни ўтказди, муаммаони ечади, ўқитувчи уни назорат қилиб, йўналиш берган ҳолатда машғулотлар ўтказилади. Ўқув машғулоти иновацион технология асосида ташкил этишни режалаштиришда, педагогдан юксак малака талаб этилади, материаллар тайёр бўлгач, педагог асосан ташкилий ва консультатив вазифаларни бажаради. Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, дарс жараёнида ушбу технологияларни қўллаш, гуруҳда жамоатчилик билан амалга ошириш имкони бўлмаган фаолият турларини индивидуаллаштирган ҳолда мустақил бажариш имконини беради. Биология дарсларида замонавий педагогик ва инфорацион технологиялардан фойдаланиш дарс самаражорлигини оширади ва талабаларни ижодий изланишга ва мустақил фикрлашга олиб келади, бу эса таълим самарадорлигини ошириш имконини беради.

ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР ЁРДАМИДА БАРКАМОЛ АВЛОД ДУНЁҚАРАШИДА ТАНҚИДИЙ ФИКИРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

***Данияров С.А. *Саттаров С.М. **Абдураимова С.Д.**

ГулДУ

Ҳозирги кунда республикамизнинг турли соҳаларидаги ислохатларнинг амалга оширилётганлиги баркомол авлод олдига муҳим вазифаларни қўяди.

Ўзбекистон республикасининг “Таълим тўғрисида” ги қонуни, кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва вазирлар маҳкамасининг таълимга оид қатор қарорларидан кўзланган мақсад билимли, ижодкор, изланувчан, илмий дунёқараши кенг она замин тараққиётига хизмат қиладиган баркамол авлод вакиллари тарбиялашдан иборат. Таълим жараёнининг сифати, таркибидаги умумий ва хусусий жиҳатларини, уларнинг ўзаро бир-бири тўлдиршини, бойитиб боришини кўришимиз мумкин. Шу нуқтаи назардан, келиб чиқиб, интерфаол методларнинг таълим сифатини оширишдаги ўрнини ва аҳамиятини асослаб ўтиш - давр таълабидир.

Интерфаоллик –ўқитувчи ва таълаба мулоқатларида содир бўлади. Интерфаол методлардан фойдаланиб дарс ўтишининг бош омили таълим жараёни учун қулай шароит ва вазиятлар яратиш орқали таълабанин ижодий, фаол, эркин фикрлаши учун танқидий муҳит яратишдир.

Академик лицей талабаларининг табиий фанларни ўзлаштиришлари, ўзлаштирган манбаларга танқидий-ижодий ёндашишлари учун ўз фаолиятларини психологик муҳитдан қайта кўришлари, замонавий педагогик технология ислоҳатининг йўналишларидан моҳирона илмий, ўқув услубий, тарбиявий томонлардан унумли ва самарали, ижодий фойдаланилса, самара албатта юқори бўлади.

Лицейимизнинг ҳар бир талабаси ўз мутахасислиги бўйича давр талабига лойиқ вакил бўлиши учун, замонамиз табиий –ижтимоий фанлари (биология, кимё, физика, география, математика, фалсафа, иқтисодий назария) қонуниятларини тўғри таҳлил қила олишлари давримизнинг долзарб ва энг муҳим жараёнларидан бири ҳисобланади. Академик лицейни тамомлаётган ҳар бир талабамиз табиий фанларни тўлиқ ўзлаштиришлари ижодий –танқидий таҳлил қилишлари учун ижодий тафаккур бўлишлар шарт деб ҳисоблаймиз. Зеро талабаларимиз тафаккури бир қатор ақлий ўқув малакаларидан иборат бўлиб, уларнинг йўқ шакилланганлик даражаси шахсининг айрим хусусиятларида жумладан:

А. Воқеа –жараёнларга умумбашарий нуқтаи назардан боҳо бериш

Б. Ўқув фанларини ижодий таҳлил қилиш

В. Ўсиш ва ривожланиш жараёни оқибатларини олдиндан кўра билиш ва таҳлил қилиш.

Бу фикр ва ғоялар айниқса табиий фанларни ўқитишда жуда муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Чунки бизни ўраб турган табиий оламни ҳар бир ўқувчи тушунишга, ўрганишга, таҳлил қилишга ҳаракат этади.

Она заминимизнинг баркамол авлод вакиллари табиий олам тузилишини илк болалик тафаккури билан шакиллантирадилар, кейинги таҳлилларда ўзларининг бутун ҳаётлари мобайнида айта танқидий тафаккур асосида:

-Қизиқиш –билиш хоҳиши ҳар доим устун бўлади.

-Скептизм –фикрларни синчиклаб ўрганиш хоҳиши

-Мантиқий –далиллар билан ишлаш хоҳиши.

- Хабардорлик –ахборотлар билан ишлаш хоҳиши

-Стратегиялар –мавжуд қонунлар билан ишлаш хоҳиши

-Мойиллик –Ўзгалар фикрига кўшилиш хоҳиши деган ҳулосага келадилар деган фикрдамиз.

Академик лицей талабаларига танқидий фикрлашни ривожлантириш учун, улар тафаккурида ижодий руҳни шакиллантириш мақсадга мувофиқдир.

Кафедрамизнинг илғор ўқитувчилари дарс бериш жараёнида талабаларга ғоя ва фикрларни пассив тарзда узатувчи эмас, балки янги педагогик технологиянинг интерфаол методлари ёрдамида уларнинг фикрларини кенгайтирувчи, тафаккурларини янада тиник, илмий манбаларга тўлдирувчи, туҳнологик воситаларга суяниб иш кўрмоқдалар.

-Рефлексия ва танқидий педагогик таҳлил асосида олинган янги билимлар, аввалги тасавурлар билан ижодий –илмий аосда бир бирига тўғри сингдирилган тақдирдагина самара юқори бўлади. Бу жараён фаол жараён бўлиб вақт ирода масулият ва диққат этиборни талаб этади. Одатда у ўз ўзидан пайдо бўлмайди. Бу жараёнларни ҳосил қилиш учун

замонавий педогогик технология асосида ўқитишни шундай ташкил этиш керакки, у интерфаол метод орқали баркамол авлод вакиллари дунёқарашидаги билимлар аниқлансин, танқидий тасвурларни ижобий томонга ўзлаштиришга олиб келсин.

Ҳозирда таълим жараёнида талабаларнинг билим олишлари билан биргаликда уларни эркин ва мустақил фикирлашга ўргатиш талаб қилинмоқда. Зеро мустақил фикирга эга бўлган баркамол авлод вакиллари Она ватанни севади, унинг табиатини ардоқлайди ва келажакка умид билан қарайди. Демак узлуксизлик ва узвийлик таълим тизимида ортиқча такрорийликка чек қўйиб, энг аввало, жамиятнинг манавий ва интеллектуал салоҳиятини кенгайтиради, қолаверса давлатнинг ижтимоий ва илмий техник тараққиётини такомиллаштириш омили сифатида ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида барқарор ривожланишни таъминлайди

СУПРАМОЛЕКУЛЯР КИМЁ ТАЪЛИМИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ


А.Г. Ешимбетов, К.Қ. Утениязов, К.К. Косназаров, М.Қ. Алланиязова, А.Д. Кудиярова,
К.Р. Алламбергенова



ҚҚДУ

Маълумки, “супрамолекуляр кимё” термини биринчи мартаба 1978 йили Ж.М. Лен томонидан қўлланилган [1]. 1987 йили Д. Крам, Ж.М. Лен ва Ч. Педерсенларнинг илмий ишлари Нобель мукофотига лойиқ топилганидан кейин кимё соҳасида янги - супрамолекуляр кимё фани жадал ривожланди. Ушбу фан тушунчалари, вазибалари ва аҳамияти, яна шунингдек кимёдаги ҳамда тирик организмлардаги супрамолекуляр жараёнлар Ж.М. Леннинг монографиясида [2] кенг ёритилган. Ўтган давр мобайнида соҳага бағишланган 20 дан ортиқ монографиялар нашр қилинди.


Соҳанинг ривожланиши унинг таълими билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг эътиборига олган ҳолда, таниқли олим Д.Н. Долимов томонидан тузилган “Супрамолекуляр кимё асослари” фани ишчи ўқув дастури кимё бакалаврият таълим йўналиши талабаларида супрамолекуляр кимё фанининг асосий тушунчалари, масалан, тирик организмлардаги супрамолекуляр жараёнлар, катион, анион ва нейтрал бирикмаларни боғловчи мезбон молекулалар, кристалл инженерияси ҳамда супрамолекуляр бирикмаларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумотлар беришга қаратилган.

Супрамолекуляр кимёда “Меҳмон - мезбон” типидagi комплекслар ва Д.Н. Долимов раҳбарлигида олиб борилган илмий изланишлар фанни ўқитишда муҳим аҳамият касб қилади. Ширинмия илдизидан олинган глицирризин кислотаси ва унинг тузлари иштирокидаги доривор бирикмаларнинг супрамолекуляр комплекслари дастлабки бирикмаларга нисбатан биологик фаоллигининг ҳамда эрувчанлигининг юқорироқ эканлиги билан ажралиб туради [3]. Яна шунингдек, Д.Н. Долимов раҳбарлигида ГК ва унинг тузлари турли хил геометриялари назарий ҳисоблаш усулларида моделлаштирилди. Ярим эмпирик ҳисоблашлар натижасида K^+ иони ГК қанд қисмида жойлашиши энергетик жиҳатдан оптималлиги аниқланди ва натижа ГК нинг моноаммонийли тузи рентген тузилиш таҳлили (РТТ) маълумотлари билан тўлиқ мос тушади [5].





Ишчи ўқув дастурига кристалл инженерияси мавзусининг киритилиши РТТ натижаларини ўзида жамлаган Кэмбриж структуралар базасида (CCDC [5]) мавжуд супрамолекуляр кимёга оид маълумотлар билан талабаларни таништириш имкониятини туғдирмоқда.



Хулоса қилиб айтганда, “Супрамолекуляр кимё асослари” фани ишчи ўқув дастури долзарб муаммоларни ўз ичига олган. Дастурга қўшимча сифатида супрамолекуляр бирикмаларни олиш ва уларни аниқлаш усулларини, яна шунингдек, замонавий ҳисоблаш усулларида моделлаштириш мавзуларини киритиш орқали ушбу фаннинг чуқурроқ ўқитилишини таъминлаш мумкин.

Адабиётлар

1. Jean-Marie Lehn. Supramolecular chemistry: Where from? Where to?//[Chem. Soc. Rev.](#), 2017, **46**, 2378-2379.
2. J.M. Lehn. Supramolecular Chemistry. Concepts and Perspectives, 1995.
3. А.Д. Матчанов, Д.Н. Далимов, М.Г. Мухамедиев, А.Х. Исламов, У.Д. Матчанов. Синтез и некоторые физико-химические свойства супрамолекулярных комплексов дитерпениодов с ГК и её солями//Материалы конф. молод. ученых “Актуальные проблемы химии природных соединений” посвященной памяти акад. С.Ю. Юнусова, 19 март, 2012, Ташкент, с.12-13.
4. Ж.М. Икрамшиков. Глицирризин кислотаси монокалийли тузи лагохилин комплекси тузилишини математик моделлаш ёрдамида црганиш. Малакавий битирув иши. ЎзМУ, 2017, 48 б.
5. The Cambridge Crystallographic Data Centre (CCDC), www.ccdc.cam.ac.uk/

AXBOROT TEXNOLOGIYALARNI QO'LLAB ORGANIK KIMYO FANIDAN ELEKTRON QO'LLANMA YARATISH

Ixtiyarova G.A., Axadov M.SH., Jo'raqulova N.X.

TDTU, NavDPI, QarshiDU


Axborot-kommunikativ texnologiyalar (AKT) qo'llanilishi kimyo o'qitilishi uchun yangi istiqbollar va samarali o'qitish imkoniyatlarini ochadi. Shu bilan bir qatorda mustaqil ravishda o'qish qobiliyatini rivojlantirish axborot manbalari bilan ishlashda muayyan savodga yo'naltirilib buning o'zi o'quvchining intellectual rivojlanishi uchun zarur sharoitdir. Ishning maqsadi- kimyo darslarida axborot-kommunikativ texnologiyalardan foydalanish. Internet resurslarini qo'llash orqali uy vazifalarini masofadan turib o'qituvchi tomonidan berilishi va o'quvchi tomonidan bajarilgan vazifalarni tekshirish mumkin. AKT o'quv materialini o'zlashtirishni nazorat qilishning eng qulay uslubidir.

Ta'lim jarayonida interfaol uslublar: innovatsion pedagogik va axborot texnologiyalaridan foydalanib, ta'limning samaradorligini ko'tarishga bo'lgan qiziqish, e'tibor kundan-kunga kuchayib bormoqda.

Axborot innovatsion texnologiyalarning o'ziga xos xususiyatlari:

- Innovatsion texnologiyalar har doim o'quvchi va talabalarning fanga bo'lgan qiziqishini orttiradi;
- Innovatsion texnologiyalarni qo'llash jarayonida o'quvchi va talabalarning muloqot madaniyati rivojlanadi;
- Innovatsion texnologiyalar o'quvchi va talabalar o'z iqtidori, bilimini namoyon etadi;
- O'quvchi va talabalarning ijobiy xislat va fazilatlarini shakllantiradi.

Zamonaaviy texnologiyalar qo'llanilgan mashg'ulotlar talabalar egallayotgan bilimlarni o'zlari qidirib topishlariga, mustaqil o'rganib, tahlil qilishlariga, xatto xulosalarni ham o'zlari keltirib chiqarishlariga qaratildi. Buxoro davlat universiteti olimlari tomonidan Kolloid kimyo, umumiy kimyo va kimyoviy texnologiya fanlaridan elektron darslik tayyorlangan va guvohnomalar olingan. Biz mualliflar tomonidan biologiya ta'lim yonalishi talabalari uchun organik kimyodan elektron qo'llanma yaratdik va uning dasturi uchun guvohnoma olingan. Kelajakda elektron darslikni yaratishni maqsad qilib qo'ydik (1-rasm).



Rasm.1 Organik kimyo elektron darsligining ko'rinishi
Yaratilgan elektron qo'llanma quyidagi ko'rinishga ega (2-rasm).



Rasm.2 Organik kimyo elektron darsligining bosh sahifasi

Organik kimyo fanidan elektron qo'llanma asosan 12 ta mavzudan iborat bo'ladi. 1. matnning kompyuterda ko'rinishi. 2. Prezantatsiyali (multimedia) qismida Organik kimyoga oid animatsiya va video lavhalar, taqqimotlar (slayd) ko'rsatiladi. Har bir ma'ruzaning rejasi tuzilgan. Olimlar bo'limida shu fanga hissa qo'shgan organik olimlar haqida rasmlari bilan to'liq ma'lumotlar keltirilgan (3-rasm).



Rasm.3 Organik kimyo elektron darsligidagi olimlar haqidagi ma'lumotlar sahifasi

Bu bo'limda talabalarga organik kimyo faniga hissa qo'shgan olimlar va nobel mukofoti sovrindorlari haqida yetarli ma'lumotlar beriladi. Har bir mavzu bo'yicha bilimni mustahkamlash uchun berilgan masala va mashqlar, testlarni yechish orqali talaba o'z o'zini baholashga erishadi.

Demak, Organik kimyo darsida elektron qo'llanmadan unumli foydalanilgan holda talabalarining ko'nikma va malakalarini shakllantirildi, hamda yuqori dars samaradorligiga erishish imkoniyatlari yaratiladi.

БИООРГАНИК КИМЁ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИКНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Г.А.Ихтиярова, Н.Х. Жўрақулова, Г.Б.Норбоева

TDTU, QarshiDU

Мамлакатимизда таълим соҳасида рўй бераётган туб янгиланишлар ҳар бир таълим муассасасида ўқув жараёнини методик таъминотини ривожлантиришни талаб этади. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да таълимнинг барча босқичларида ўқув фанларини замонавий ахборот технологиялар асосида ўқитишга катта эътибор қаратилган. Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари яқин йиллардан бери педагогик инновацияларнинг асосий манбаи бўлиб бормоқда [1].

Ушбу тадқиқотда кимё таълим йўналиши талабалари учун “Биоорганик кимё” фанини ўқитишда электрон дарсликнинг аҳамияти ва афзалликлари ҳақида баён қилинган.

Электрон дарслик – компьютер технологияларига асосланган ўқитиш методларидан фойдаланишга мўлжалланган ўқитиш воситаси бўлиб, ундан мустақил таълим олишда ва ўқув материалларини ҳар томонлама самарали ўзлаштиришда фойдаланиш мумкин.

Электрон дарсликда фаннинг ўқув материаллари талабага интерактив усуллар билан, психологик ва педагогик жиҳатлар, замонавий ахборот технологиялари, аудио ва видео анимациялар имкониятларидан ўринли фойдаланилади [2].

Электрон дарсликлар қуйидаги қисмлардан иборат бўлиши зарур:

1. Ўргатувчи қисм – гипертекстга асосланган ва статик, динамик расмлардан иборат.
2. Машқ қилдирувчи қисм – хатоларни кўрсатиб берувчи ва тўғри хулосага олиб келувчи.
3. Назорат қилувчи – тестлар орқали назорат қилувчи тизим асосида шаклланади. [2]

“Биоорганик кимё” фанини ўқитишда электрон дарсликлар қуйидаги асосий хоссалари билан ажралиб туради:

- таълимни ва ўқув машғулотларини юқори сифатли даражада олиб борилишини таъминлаши;
- мустақил таълим олиш ва эгалланган билимларни мустақил баҳолаш имкониятининг берилиши;
- маъруза ва амалий машғулотларнинг уйғунлиги;
- “Биоорганик кимё” фани ҳақида, олимлари ҳақида тўлиқроқ маълумот берилиши;
- матн, шунингдек, бошқа ахборот материалларини махсус навигация (гиперматн) ва иллюстрация (мультимедиа воситалари, расмлар, диаграммалар ва жадваллар) орқали тақдим этилиши.

Талаба яратилган электрон китоб орқали қуйидаги имкониятларга эга бўлиши мумкин:

- Зарурий маъруза ва лаборатория ишларини режа асосида тезда излаш (оддий дарсликда буни топиш қийин);
- Китоб ва дарсликда бўлмаган аудио, видео кўринишларни: тажрибаларда содир бўладиган ҳодисаларни – газнинг ажралиши, моддаларнинг ёнишини, чўкманинг ранги, унинг эришини видеода жонли овоз, рангли тасвирларини кўриш;
- Мавзуга тегишли тажрибаларни ва молекулаларнинг фазовий тузилишини мультимедиа кўринишида кўриш;

- Матнинг зарурий лавҳаларини принтер оркали босмадан чиқариш;
- Маърузада олган талаба билимини мустаҳкамлаш ва тез текшириш (тест, масалаларни ечиши, жадвални тўлдириш каби);

Электрон китоб оркали талабалар маърузада олган билимларини синаб кўриш имкониятига эга бўладилар. Кимё лабораториясини бажариш жараёнида замонавий ахборот ва компьютер технологияларини қўллаш ўқитувчи учун ҳаддан ташқари имкониятлар эшигини очиб беради. Бундай воситалар ёрдамида дарс жараёнини ташкил қилинса, талабалар диққати кўпроқ жалб қилинади, вақтдан ютилади, лабораторияда техника хавфсизлигига эътибор ортади ва таълим сифати яхшиланади. Бундан ташқари, электрон дарсликларнинг ютуғи шундаки, фойдаланиш ва қоғозга чиқариш қулайлиги ва алоҳида кўрсатмаларга муҳтожлиги камлигидадир.

Демак, талабаларнинг “Биоорганик кимё” фанини ўзлаштириши учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиб янги инновацион ахборот технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Фанни ўзлаштиришда талаба электрон дарслик, мультимедиа ва анимациялардан фойдаланади бунда дарс самарадорлиги янада ортади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси.- Т:- Ўзбекистон,- 2000,- 248 б.
2. Закирова Ф. ва бошқалар. Электрон ўқув-методик мажмуалар ва таълим ресурсларини яратиш методикаси. -Тошкент: ОУМТВ. – 2010. – 64 б.
3. Закирова Ф. Методические аспекты создания и использования web-сайта преподавателя // Ж.Педагогик таълим- Тошкент, 2010.- №2.- С. 79-86.
4. Закирова Ф. WEB 2.0. – инновация в образовании // Ж. ТАТУ хабарлари. 2012.- №2. С. 101-102.
5. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании. Учебное пособие.М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана.2002-33бс.

ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИ

Икрамова З.А., Алимходжаева Н.Т., Сулайманова Г.Г.

ТошПТИ

“Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаб вояга етказиш жараёнининг моҳияти тўлақонли очиб берилган. Айниқса, таълимнинг интеграллашуви бўлими талаба-ёшларнинг онгини дунёвий билимлар билан бойитишга, уларда табиий фанларнинг турли соҳаларига бўлган қизиқишини орттиришга қаратилган.

Ўқитиш жараёнида ўқувчи-талабаларга шахс сифатида қаралиши, турли педагогик технологиялар ҳамда замонавий методларни қўлланилиши уларни мустақил, эркин фикрлашга, изланишга, ҳар бир масалага ижодий ёндошиш, маъсулиятни сезиш, энг асосийси, ўқишга, фанга, педагогга ва ўзи танлаган касбига бўлган қизиқишларини кучайтиради. Бундай натижага эришиш амалиётда ўқув жараёнида инновацион ва ахборот технологияларни қўллашни тақозо этади. Улар жуда хилма-хилдир. Биз улардан баъзилари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

“**Ақлий ҳужум**” методи – ўқитувчи талаба эгаллаши керак бўлган мавзунини оддийдан – мураккабга томон босқичма-босқич лойиҳалаб боради.

“**Тармоқлар**” методи – ўқувчи-талабани мантиқий фикрлаш, умумий фикр доирасини кенгайтириш, мустақил равишда адабиётлардан фойдаланишни ўргатишга қаратилган.

“**3x4**” методи - ўқувчи-талабаларни эркин фикрлаши, кенг доирада турли ғояларни бера олиши, таълим жараёнида яқка, кичик гуруҳ ҳолда таҳлил этиб, хулоса чиқара олиши, таъриф бера олишига қаратилган.

“Блиц –ўйин” методи – ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этишга, мантикий фикрлашга, ўрганаётган предмети асосида кўп, хилма-хил фикрлардан, маълумотлардан кераклигини танлаб олишни ўргатишга қаратилган.

“Интервью” техникаси ўқувчи-талаба савол бериш, эшита олиш, тўғри жавоб бериш, саволни тўғри тузишни ўргатишга қаратилган.

Қўлланиладиган педагогик технологияларнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир йўла ахборот берилади. Айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида нуқталардан муҳокама этилади. Масалан, ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари белгиланади. Бу интерактив технология танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўз ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, химоя қилишга имконият яратади.

Қуйида биз мазкур тажрибамиздан келиб чиқиб мавзуни ўқитиш ва ўзлаширишда самара бериши мумкин бўлган педагогик технологияларни мазмуни ва қўллаш усулини келтирамиз.

Ақлий ҳужум. Гуруҳлараро ишларда қўлланиладиган, қўплаб ғояларни ишлаб чиқиш мумкин бўлган методдир. Бу ҳақиқатан ҳам талабаларнинг ўқув жараёнида фаол иштирок этишлари, турли ғояларни баён қилиш чоғида бошқаларни ҳам қизғин ишга йўллашлари, илҳом билан ишлашларига имкон берувчи ва унга рағбатлантирувчи методдир. Ақлий ҳужум шунинг учун ҳам фаоллаштиришнинг муҳим усулики, унда танҳо ишлаш мумкин эмас, биргина ғоя гуруҳнинг барча иштирокчиларини бир хилда ўзига тортиб олади.

Ақлий ҳужум турли тарзда қўлланилиши мумкин: масалан, қандайдир мавзуни муҳокама қилиш учун, янги савол қўйиш ёки исталган қандайдир муаммони ҳал этиш учун.

Асосий қоидалари қуйидагилар:

1. Айтилаётган барча ғоялар бир-бирига нисбатан муҳимликда тенгдир.
2. Қиритилаётган ғояларга нисбатан танқиднинг мавжуд эмаслигидир.
3. Ғояни тақдим этаётган пайтда сўзловчининг гапини бўлмаслик.
4. Сўзловчига нисбатан баҳоловчи компонент мавжуд эмаслиги.

Методни ишлатишга киришмоқ:

А-метод – гуруҳнинг барча иштирокчиларига бир мавзу ва бир савол қўйилади.

1. Ўқитувчи ўқув жараёнида ташаббусни ўз қўлига шундай тарзда олади: у аудиториядаги барча талабаларга савол беради ва қандайдир махсус мавзуга дахлдор барча мумкин бўлган фикрларни айтишни сўрайди.
2. Барча, хатто, аҳмокона ғояларни ҳам айтишга руҳсат берилади. Айтилаётган фикрлар ичида биргина асосий мавзу сақланиб қолиши шарт.
3. Бирортасининг ҳам фикри шарҳланмайди, танқид қилинмайди, баҳоланмайди.
4. Асосий фикрларни ўқитувчи доскага ёзиб олади ёки экранда кўрсатади.
5. Ақлий ҳужум тугагач, барча ғоялар тўпланиши, гуруҳларга ажратилиши ёки категорияларга бўлиниши мумкин.

Б-метод – барча мавзу ва саволлар умумий йўналиши сақланган ҳолда катта гуруҳ таркибидаги гуруҳчаларга тақдим этилади.

1. Ўқитувчи умумий мавзу бўйича 4–6 та савол тайёрлаши мумкин.
2. Катта гуруҳ кичик гуруҳчаларга ажратилади ва ҳар бир гуруҳчага ақлий ҳужум ўтказиш учун алоҳида савол берилади.
3. Ҳар бир гуруҳча ақлий ҳужум масулотини ёзиб олиши учун биттадан киши ажратади, кейинчалик, жараён тугаши билан уни гуруҳнинг барча аъзоларига тақдим этади.
4. Ғоялар ҳар бир гуруҳча томонидан катта саҳифага маркердан фойдаланиб ёзиб олиниши мумкин. Шундай саҳифа- плакатнинг юқорисига тайёрланган саволлар ёзиб қўйилади. Саҳифа - плакат жараённинг охирида ҳар бир хохловчи нима ёзилган ва жамланганлигини кўриши учун осиб қўйилади.

5. Ақлий ҳужумнинг бу методи вақтнинг қисқача даврида бир саволнинг бир нечта сифати ишлаб чиқилиши зарур бўлган жойда, айниқса, фойдалидир.
6. Ўқитувчи – раҳбар – ёрдамчи сифатида ҳаракат қилади ва бир гуруҳдан иккинчи гуруҳга ақлий ҳужум амалга оширилади пайтда ўтиб туради.

Олий таълимдаги инновацион жараёнлари негизида куйидаги ёндашувларни белгилаш мумкин: маданиятшунослик жиҳатидан (инсонни билишнинг устивор йўналиши) ёндошув; шахсий фаолият жиҳатидан (таълимдаги янги технологиялар) ёндошув; кўп субъектлик (диалогик) ёндошув; касбий тайёргарликни инсонпарварлаштириш; индивидуал - ижодий (ўқитувчи ва талабаларнинг муносабати) ёндошув.

Олий таълимдаги инновацион фаолиятнинг субъекти ўқитувчи ва унинг шахсий имкониятидир. Бунда ўқитувчи шахсининг ижтимоий-маданий, интеллектуал ва ахлоқий ва имкониятлари юксак ахамиятга молик бўлади. Ҳозирги жамият, маданият ва таълим тараққийти ўқитувчининг инновацион фаолиятига катта зарурат тугилади. Инновационлик педагогик жараёнини ифодалаб, нафакат унинг дидактик қурилишига, балки ўқитувчининг ижтимоий моҳиятли натижаларига ва руҳий кифасига ҳам таалуклидир. Ҳозирги кунда инновацион педагогика билан шуғулланаётган олимларни фикрича 700 дан ортиқ технологиялар мавжуд. Аммо қафолатланган натижа олиш ҳар бир ўқитувчидан усулни тўғри танлай билиш ва уни моҳирона қўллай билишни талаб этади.


«СУЛЬФАТ КИСЛОТА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЧУН ОЛТИНГУГУРТ ХОМАШЁСИ» МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА «КЛАСТЕР» МЕТОДИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ

Н.Н Маматқулов

ТошДТУ Олм фил


“Ноорганик моддалар кимёвий технологияси” фанини ҳар бир мавзуларини ўқитишда ундаги тушунча ва билимларни баён қилингандан сўнг дарсни мустаҳкамлаш учун инновацион технологиянинг «Кластер» методи амалга оширилади. Масалан, «Сульфат кислота ишлаб чиқариш учун олтингургурт хом ашёси» мавзусига доир маълумотларни тушунтиргандан сўнг, ушбу мавзудаги билимларни мустаҳкамлаш учун гуруҳдаги талабаларга «Кластер» тузиш топширилади. Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, доска ёки оқ қоғознинг ўрта қисмига мавзуга оид таянч тушунча ёзилиб, талабаларга берилади. Унга боғланадиган тушунча ёки билимлар тармоқларга бўлиб чиқилади. Олтингуртнинг табиатда учраши ва олинишига доир «Кластер» тузишга мисол келтирамиз.

«Олтингуртнинг табиатда учраши ва олиниши»



Бу усулни «Сульфат кислота ишлаб чиқариш учун олтингургурт хом ашёси» мавзусига доир яна қўллаш мумкин. Мавзунини ўқитувчи тушунтиргандан сўнг олтингургурт бирикмаларининг синтезига доир «Кластер» тузиш учун талабаларга топшириқ беради ва уни назорат қилади.

Олтингургурт бирикмаларининг синтези



Дарсни мустаҳкамлаш жараёнида талабалар томонидан тузилган кластерлар йиғиштириб олинади ва баҳоланади. “Кимёвий технология” йўналиши учинчи босқич талабаларида «Сульфат кислота ишлаб чиқариш учун олтингургурт хом ашёси» мавзусига оид педагогик тажрибалар «Кластер» методини билимларни ўзлаштиришда юқори натижа беришини кўрсатади. Ушбу «Кластер» методидан намуналар келтирдик.

Адабиётлар.

1. Қосимова З. Таълим технологиялари. Ўқув қўлланма. 2013. 204 б.
2. Ишмухаммедов Р.Ж. “Инновацион технологиялар ёрдамида ўқитиш самарадорлигини ошириш” Тошкент: 2000 й.

ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

М.Б. Маматкулова, Ш. И. Қосимов

ГулДУ

Ҳозирги даврда янгиланаётган таълим тизимида якуний натижа, бевосита таълим-тарбия жараёнини амалга оширадиган ўқитувчи меҳнатининг қандай ташкил этилишига бориб тақалаверади. Таълим зиммасига қўйилаётган улкан вазифалар эса таълим беришга муносабатни, ёндошувни ўзгартиришни тақозо этмоқда. Шу муносабат ва ёндошувни ўзида мужассам этиши лозим бўлган илғор педагогик технология хусусида бир қанча мақсадлар эълон қилинди. Шу сабабли ҳам биринчи навбатда таълим муассасаларида таълим мазмуни ва унинг таркибини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, хусусан, бу мазмунга нафақат билим, кўникма ва малака, балки умуминсоний маданиятни ташкил қилувчи - ижодий фаолият тажрибасини киритиш ғояси кун тартибига қўйилди.

Илғор педагогик технологияларни лойиҳалаш ва улардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш маълум қонуниятларга асосланади. Бу асослар педагогик технология (педагогик тизим)нинг ўзига хос жиҳатларини ифода этади ва методикадан фарқли

томонларини кўрсатиб беради. Бошқача айтганда, уларни педагогик тизим принциплари, деб аташ мумкин.

Кўпгина асосий услубий инновациялар бугун ўқитишнинг интерфаол усулларини қўллаш билан боғлиқдир. Интерфаол сўзи бизга инглиз тилидан сўзидан кириб келган. „Интер“– бу ўзаро, актив –ҳаракат қилиш демакдир. Интерфаол ўзаро ҳаракат қилиш ёки нима билан (масалан, компьютер билан) ёки ким билан (одам билан) суҳбат, диалог (мулоқот) режимида бўлишни билдиради.

Демак, интерфаол ўқитиш - бу ҳаммадан аввал диалогли ўқитишдир, уни боришида педагог ва талабанинг ўзаро ҳамкорлиги амалга оширилади.

Ўқитишнинг интерфаол усуллари талабаларнинг ғоятда катта таълим салоҳиятини фаоллаштириш ва фойдаланишга, ўқув жараёнига ижодийлик элементларини киритиш ва ижодий фаолият юритувчи тизимларга хос бўлган хусусиятларидан фойдаланишга имкон беради.

Куйида интерфаол методларнинг баъзиларига тўхталиб ўтаемиз:

«Ақлий хужум».Ўз номидан маълумки, талабалар ақлига хужум қилиниб, улардан ахборот тўпланади.

Масалан: «*Фақат ёғ олиш мақсадида ўстириладиган ўсимликлардан қайсиларини биласиз?*» мавзусида ҳар бир талаба ўзи билганини ёзади. Кейин икковлашиб ёзади (10 дақиқа) ва охирида икки гуруҳ ёзганларини жамлайди ва ёзув тахтасига ёзади ёки сардор ўқиб беради. Қолганлар эса ўзларида бўлмаганини ёзиб олади.

«Таянч сигналлар». Бу дарс усули кўп вақтлардан бери ишлатилиб келинаётган усул бўлиб, бунда мавзу бўйича таянч сигналлар ёзиб қўйилади, талабалар эса шулардан фойдаланиб саволларга жавоб топади ва мавзунини тўлиқ ўрганиб олади. Озиқ-овқат технологиялари мутахассислик фанлари дарсларида мисол, масала, таянч сўзлар, формула, аппаратларнинг расми, ишлаш принципи ва жадвал-схемалар бўлиб, улардан фойдаланиб хоҳлаган саволга жавоб бериш мумкин ёки ўқитувчи томонидан саволни топиш учун таянч сигналлар тузиб чиқиши мумкин.

«Адабиётлар билан ишлаш» усулида дарслик, қўлланма, услубий кўрсатма, лаборатория ишланмалари берилиб, мавзу эълон қилинади ва талабалар маълум вақтда мавзунини мустақил ўрганиб олишади ҳамда жавоб беришади. Бунда «Ақлий хужум» усулидагидек индивидуал, диалог, кичик гуруҳ, жамоа бўлиб ишлашади.

«Кўчма бозор». Номидан маълумки, билимлар сотиладиган жой бўлиб, харидор ва сотувчидан иборат мулоқот, кўчма эса бир нечта давлатлар ёки ўз маҳсулотини намойиш этаётган экспортёрлар қатнашиб, ўз билимларини намойиш этадиган ярмаркадир. Олувчилар ҳам, сотувчилар ҳам фаол бўлмасалар бозорлари касод бўлади.

«Ролли ўйинлар». Ролли ўйинлар усули дарснинг барча турларида қўлланилиши мумкин. Бизнинг йўналишда касбга йўллаш мақсадида талабаларни уч гуруҳга бўлиб технолог, менежер, иқтисодчи, қадоқловчи оператор, лаборант, эколог касблари ҳақида баҳс юритиб, мутахассислик фанларини шу касблардаги аҳамияти ҳақида фикрларини олиш мумкин. Касбни ҳимоя қилиш ёки саҳна кўриниши орқали рол ўйнаш шаклида олиб бориш мумкин.

«Рақамлар тилга кирганда». Амалий машғулот ёки маъруза дарсларида талабалар бир неча дақиқалар ичида рақамлар орқали мавзудан келиб чиққан ҳолда масалан, ёғ-мой саноати ҳақида - унинг тарихи, биринчи чиқарган маҳсулоти, қурилган заводлар, олимларнинг ишлари, маҳсулот турлари каби саволларга тарқатма материалдаги рақамлардан фойдаланиб жавоб берадилар.

«Ўзинг учун қулай жой танла» усули. Ушбу усул аудиторияда ўтказиладиган мавзулар юзасидан муаммоли саволларни муҳокама қилишда ва уларнинг ечимини баҳс-мунозара орқали топишда яқиндан ёрдам берадиган усулдир. Бунинг учун бир-бирини инкор этадиган, аммо мавзуси бир хил бўлган осма плакатлар қўйилиб, бирига «қарши эмасман», «розиман», иккинчисига эса «қаршиман», «норозиман» деган сўзлар ёзиб қўйилади. Талабалар ўзи

танлаган плакат ёнига бориб ўтиради ва баҳс-мунозара бошланади. Масалан: Ёғларни олишнинг экстракциялаш ёки форпресс усули. Қайси усул афзал деган савол билан чиқилади.

Хулоса қилиб айтганда, дарслар самарадорлигини оширишнинг асосий омиллари профессор-ўқитувчининг янги талаблар асосида ўз устида узлуксиз ишлаши, инновация ва новаторлик фаолиятини олиб бориш кўникмаларини эгаллаши, педагогик ва ахборот технологияларини ўзлаштириши ҳамда уларни ўқув жараёнига татбиқ этиб, дарснинг сифат самарадорлигини оширишдан иборат.

“ОРГАНИК КИМЁ” ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Маткаримова Н.С., Таджиева Ш.А.

ТКТИ

Ҳозирги кунда таълим-тарбия жараёнида интерфаол педагогик технологиялардан узлуксизлик ва узвийлик тамойили асосида фойдаланишга катта эътибор берилмоқда, чунки таълимнинг интерфаол тури олий таълим жараёни таълим олувчида мустақил тафаккур ҳамда тезкор фаолиятни таркиб топтиришга хизмат қилади. Таълимнинг интерфаол методларидан ҳар бир босқичда талабанинг ўзига хос психологик хусусиятлари, тафаккур тарзини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш, аниқ бир талабалар аудиториясининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш ўқитувчидан катта педагогик маҳоратни талаб қилади. Органик кимё фанининг дарс жараёнида ҳам талабалар фаоллигини кучайтириш ва таълим сифати, самарасини ошириш мақсадида илмий педагогик изланишлар олиб бориш, ҳар бир таълим соҳаси олдида турган долзарб масалалар қаторига киради. Органик кимё фанини ўқитишда “Биламан, Билиши хоҳлайман, Билиб олдим (БББ)”, “Инсерт” методларидан фойдаланиш талабаларни фикрлашга муоммоларни ҳал этиш, кўникмаларини ҳосил қилишга, кашфиётларга интилиш, ҳамкорлик ва шериклик сифатларини шакллантиришга, ўқитувчи томонидан берилган вазифларини ҳал этиш режасини тузишга ва энг асосийси талабалар олдида қўйилаётган муоммони ҳал қилишга ва уни мустақил муҳокама қилишга ундайди.

“Биламан, Билиши хоҳлайман, Билиб олдим (БББ)” методида “Биламан” сатрида талабалар органик кимё фанидан эгаллаган ва кўникма ҳосил қилган дастлабки билимларини янги мавзу доирасида мустахкамлашга қўллаш имконини беради.

“Билиши хоҳлайман” сатрида эса талабаларда органик кимёга доир масалаларни, янги синтез қилинадиган маҳсулотлар технологияларини ишлаб чиқаришга татбиқ қилишни, улар асосида сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар яратиш имконини беради. Бу сатрнинг афзаллик томони, талаба эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда органик хом ашё моддаларни ишлаб чиқаришни яна бошқа қандай технологиялар мавжудлигини мукамал билишни хоҳлаётганини билдиради ва ўқитувчи талаба эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда кейинги дарсларида ушбу технологиялар ҳақида чуқурроқ тўхталиб ўтишга чорлайди.

“Билиб олдим” сатрида талабалар янги мавзу бўйича ўзлаштирган билим, малакаларини кўникмага айлантиради. Ўқитувчи берилган мавзу бўйича талабаларга маълумотларни муваффақиятли етказиб берганини ушбу сатр орқали билиб олади. Бу эса ўқитувчини янада ўз устида ишлаб, ўз камчилик ва ютуқларини талаба фикри орқали такомиллаштиради.

Замонавий шароитда таълим самарадорлигини оширишнинг энг мақбул йўли машғулотларни интерфаол метод ёрдамида ташкил этиш ҳисобланади. Органик кимё фанини интерфаол таълим ёрдамида шакллантириш орқали ўқитувчи талабаларни қобилиятини ривожлантириш, мустақил ўз-ўзини назорат қила оладиган тенгдошлари билан фикр алмашиб бахслаша оладиган мустақил, ҳамда танқидий фикрлаш таклифларни илгари суриш, фикр мулоҳазаларни эркин баён қилиш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш, муоммони ечимини

топишга интилиш, мураккаб вазиятлардан чиқа олиш каби сифатларни шакллантиришга муваффақ бўла олади.

Органик кимё фанининг “Парафинлар” мавзусига (БББ)” методи

“Биламан”	“Билиши хохлайман”	“Билиб олдим”
Тўйинган углеводород; метан, этан, пропан, бутангача агрегат ҳолати газ эканлигини; Суяқ углеводородлардан мотор ёқилғи сифатида фойдаланишини; октан сони сифатли ёқилғи эканлигини.	Тўйинган углеводородлар алканларнинг физик хусусиятига кўра уларнинг агрегат ҳолати C ₁ -C ₄ гача газ C ₅ -C ₁₆ қолганлари қаттиқ ҳолатдаги углеводород бўлсада, нима учун айнан уларни агрегат ҳолати мумсимон моддалар яни парафинларга киёсланганлигини;	Декарбоксиллаш жараёни билан электролиз жараёнининг фарқи; Алкансульфокислоталар ва сульфохлоридлар саноатда синтетик ювувчи воситалар ва сирт актив моддалар олишда ахамияти катталиги; алканларни нитролаш натижасида эритувчилар, портловчи моддалар олишда мумкинлигини.

Шунингдек таълим сифатини оширишда “Инсерт” методи ҳам талабаларда мустақил фикрлаш тушунчасини оширишга, талабани фаоллаштиришга ундайди. Масалан “Органик кимё” фанининг “Оқсиллар” мавзуси мисолида кўрадиган бўлсак Инсерт методининг (В) - яъни мен билган нарсани тасдиқлайди сатрида талаба органик моддалардан бири оқсил эканлиги, уни тирик организмларда учраши, инсон организмда таянч вазифасини бажарадиган муҳим органик модда эканлигини тасдиқлайди. (+) сатрида – оқсилларни сифат анализларидан: Биурет ва Ксантопротеин усуллари орқали талаба оқсилларни аниқлашни ҳамда таркибида пиптед боғи борлигини ўрганади. Бу эса талабага янги маълумот бўлиб хизмат қилади.

Қолган сатрларда талаба ўқитувчи томонидан берилган маълумотларни анализ қилиб ўзида мавжуд билимлари билан солиштирган ҳолда мавзунини чуқур ўзлаштиришга ундайди.

Тушунчалар	В	+	-	?
Молекуласи α- аминокислоталардан ташкил топган юқори молекуляр бирикмалар пептидлар ва оқсиллар деб юритилади.		+		
Ҳайвонот ва ўсимликлар аъзоларида оқсиллар турли функцияларни бажаради.	В			
Оқсиллар таркибида 5 хил элемент бор.			-	
Балиқ сперматозоитлардаги оқсиллардан олтингурут бўлмайди.				?
Оқсилларнинг кўпчилиги сувда эрийди.			-	
Оқсиллар 2 гуруҳга алмаштириб бўлмайдиган ва алмаштириши мумкин бўлган оқсилларга бўлинади.		+		
1 грамм оқсил кислород иштирокида оксидланиб парчаланганда 4.1 кЖ энергия ҳосил бўлади.				?

(В) – мен билган нарсани тасдиқлайди.

(+) – янги малумот

(-) – мен билган нарсага зид

(?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

Хулоса қилиб айтганда, “Органик кимё” фанини ўқитишда (БББ), (Инсерт) методлари таълим сифатини ошириш, талабаларни фаоллигини ўстириш, шунингдек ўзини фикрини эркин баён қилишга ва кўникма ҳосил қилишга хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати

1. Yo‘ldoshev J. G., Usmonov S. A. Zamonaviy pedagogik texnologiyalarni amaliyotga joriy qilish. — T.: Fan va texnologiyalar, 2008. 132–134 b.

НАСОСЛАР ВА УЛАРНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ” МОДУЛИНИ ЎҚИТИШДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР ВА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР

Мамбетшерипова А., Жуманова З., Артықбаева Б.

ҚҚДУ

Ўқитиш жараёнида, педагогик технологиялар талаблари асосида ифода этилса, ўқув мақсадларига эришилади. Илмий-техник тараққиёт жадаллашган даврда ўқитиш самарадорлиги, асосан, ўқувчининг ўқитиш жараёнидаги ўрни, педагогнинг унга бўлган муносабатига боғлиқ бўлади.

Ўқитишнинг бир қанча технологияси мавжуд улар қуйидагича:

“Насослар ва уларнинг классификацияси” мавзусини талабаларга ўқитишда бир қанча инновациялардан фойданиш мумкин. Инновациялар ўзининг фойдаланиш ўрни, жиҳати ва бажарилиш усуллари, муаммоли ечимлари билан бири-биридан фарқ қилади.

“Инновация” сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, янгилик киритиш деган маънони билдиради. Инновация педагогик муаммолар ечимини излаш, таълим соҳасида инновацион жараёнларнинг бориши, хусусиятлари, мазмуни таркиби ва классификацияси, текшириш натижаларини таҳлил қилиш билан болиқ.

Олий таълим ўқув жараёнига инновацион таълим технологияларини татбиқ этиш тизими

Ўқув маишулотлари	Интерфаол методлар	График органайзерлар
1. Маъруза маишулотлари таълим технологияси.	1. Ақлий ҳужум. 2. Эркин ёзиш. 3. Асосланган эссе. 4. ФСМУ.	1. Кластер. 2. Б-Б-Б чизмаси 3. Т-чизма. 4. Венн диаграммаси.
2. Семинар маишулотлари таълим технологияси.	5. Блиц-сўров. 6. Блиц-ўйин. 7. Ёзма ва оғзаки. 8. Тушунчаларни аниқлаш.	5. Концептуал жадвал. 6. Инсерт жадвали. 7. “Нима учун” чизмаси. 8. “Қандай?” диаграммаси.
3. Амалий маишулотлари таълим технологияси.	9. Тушунчалар асосида матн. 10. Чалкаштирилган манتيқий занжирлар кетма- кетлиги.	9. Балиқ скелети. 10. Тоифалаш жадвали. 11. Нилуфар гули.
4. Мустақил таълим технологияси.		
5. Кейс-стади таълим технологияси.		
6. Лойиҳа таълим тех-нологияси.		

Модулли ўқитишда, ўқув дастурларини тўла, қисқартирилган ва чуқурлаштирилган табақалаш орқали, ўқитишни табақалаштириш имконияти мавжуд бўлади, яъни ўқитишни индивидуаллаштириш мумкин бўлади.

Олий таълимда таълабаларни замонавий педагог технологиялардан интерфаол методлар, график органайзерлар бу усулларнинг ўқитиш методикасидан модулга боғлаб қуйдагича мисоллар келтиришимиз мумкин. Бу замонавий инновацион технология усулларини ўқув жараёнининг турига қараб бир қанча турларидан фойдаланиш мумкин. Масалан, талабага ўтилган дарсни такрорлаш вақтида ақлий ҳужум усулидан - бу усулда ўтилган мавзу юзасидан савол берилади, талабалар озаки жавоб беради, дарс давомида ёки дарс охирида Б-Б-Б усулидан, ФСМУ усули, эссе усулидан ёки ассимент ўтказиш усуллари орқали амалга оширилиши мумкин. Б-Б-Б усулида талаба билмоқчи бўлган маълумотни, билишни хоҳлаган маълумотни билиб олади. Ассимент ўтказиш асосан, дарс охирида бериладиган тест ва қисқа жавобли саволлардан ташкил топган бўлади, бунинг натижаси талабаларни дарсни қанчалик ўзлаштирганлиги ва профессор-ўқитувчининг дарс ўтишининг натижасини белгилаб беради. Бундай замонавий усуллардан фойдаланиш талабаларнинг дасрга бўлган қизиқишини оширади, соҳани пухта эгаллашига олиб келади. Қуйида айрим усулларни кўргазмалар тарзда мисоллар билан келтириб ўтамиз

“ЎСИМЛИКЛАР ТАРКИБИДАГИ ОҚСИЛЛАР» МАВЗУСИГА “БББ” МЕТОДИНИ ҚЎЛЛАШ

Нарзуллаева Н. Н.

ЎзМУ

Ҳозирда таълим методларини такомиллаштириш соҳасидаги асосий йўналишлардан бири интерфаол таълим ва тарбия усулларини жорий қилишдани борат. Интерфаол усулларни қўллаш натижасида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш, таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш, ўз фикрини баён қилиш, уни асослаган ҳолда ҳимоя қила билиш, соғлом мулоқот, мунозара, баҳс олиб бориш кўникмалари шаклланиб, ривожланиб боради. Интерфаол усулларини қўллашда қуйидаги гуруҳлар билан ишлаш бўйича айрим маслаҳатлардан фойдаланилганда мақсадга мувофиқ бўлади.

1. Ҳамкорлик гуруҳлари кам сонли бўлиши керак. Гуруҳ қанчалик кичик бўлса шунчалик ҳар бир ўқувчи масъулиятлироқ бўлади.

2. Ҳар бир гуруҳ аъзосининг билимини индивидуал тартибда текшириш лозим.

3. Даврий тартибда танлаб (оралатиб) оғзаки сўровлар ўтказиш фойдали, бундай пайтда ўқувчилар гуруҳ аъзолари ёки бутун синф олдида гуруҳ иши ҳақида гапириб берадилар.

4. Барча гуруҳлар ишини кузатиб бориш ва гуруҳ аъзосининг умумий меҳнатда иштирок этган ҳамма ҳолатларини қайд этиш керак.

5. Ҳар бир гуруҳда «назоратчи» бўлиши керак, у ҳар бир гуруҳдошидан нима учун гуруҳ берилган саволга бошқача эмас, айнан шундай жавоб берганлигини тушунтириб беришни сўраши мумкин.

“Ўсимликлар таркибидаги оқсиллар» мавзусига “Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим” методини қўллашда юқоридаги гуруҳлар билан ишлаш бўйича келтирилган маслаҳат бўйича олиб борилди.

Бу метод ёрдамида тингловчилар маъруза ёки амалий машғулот жараёнида ўрганган янги билимларини эски билимлари билан таққослаш имкониятига эга бўладилар. Бу метод ўқитувчига янги мавзунини ўзлаштиришда айнан нималарга эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатади. Айниқса, “Билишни хоҳлайман” устунини тўлдириш орқали тингловчилар ўрганилаётган нарса, ходиса ва жараёнларга бўлган қизиқишларини акс эттирадилар.

Ушбу методдан маъруза машғулотида мавзуни талабалар томонидан қанчалик ўзлаштирилганлигини аниқлаш мақсадида фойдаланиш қулай деб ҳисоблаймиз. Бунда таълим олувчиларга яқка тартибда ишлаш учун жадвал кўринишидаги тарқатма материаллар берилади ва у дарс давомида тингловчилар томонидан тўлдириб борилади. Бу методнинг авзаллиги шундаки, олинган маълумотлар ўқитувчига мавзуни ўзлаштирилганлиги ҳақида маълумот берса, тингловчида олган билимларини ёзма равишда баён этиш, бир тизимга солиш, уларни аҳамиятини англаш каби кўникмаларни эгаллаши учун ёрдам беради.

Ушбу методдан биология ва озиқ-овқат технологиясига оид фанларни ўқитиш жараёнида ихтиёрий мавзуни ўзлаштириш учун фойдаланиш мумкин. Бунда тингловчи ўз фикр мулоҳазаларини ёзма нутқ тарзида баён этар экан, ўзида мавжуд бўлган билимларини хотирага солишга, уларни анализ ва синтез қилишга, айти дарсда ўтилатган мавзуга диққатини қаратишга, берилаётган маълумотларнинг моҳиятини чуқур тушунишга, ўзида мавжуд бўлган потенциал билимларини самарали тарзда юзага чиқаришга ҳаракат қилди. Ушбу метод тингловчида мустақил ишлаш, билимларини тизимлаштирилган ҳолда ёзма равишда баён этиш, ўз-ўзини назорат қилиш, фикр-мулоҳазаларини тўғри ва эркин баён эта олиш кўникмаларини шаклланишига ёрдам беради. Дарс машғулотига қўлланган “Б/Б/Б” усулидан намуна келтирдик.

Намуна: «Ўсимликлар таркибидаги оксиллар» мавзуси бўйича тузилган **Б/Б/Б** жадвали

Биламан.	Билишни хоҳлайман.	Билиб олдим.
Бошоқли дон, дуккакли ўсимлик дон, мойли ўсимликларда оксиллари учрашини биламан	Бошоқли дон, дуккакли ўсимлик дон, мойли ўсимликларда учрайдиган оксиллари турлари ва уларнинг аҳамиятини билишни хоҳлайман.	<p>Донли маҳсулотлар таркибида сувда эрийдиган, 5-10% ли тузли эритмада эрийдиган, 60-80% спиртли эритмада эрийдиган ва 0,1-0,2% ишқорий эритмада эрийдиган оксиллар мавжудлигини билдим. Булар альбуминлар, глобулинлар, проламинлар ва глютелинлар эканлигини билдим.</p> <p>Дуккакли ўсимлик донида юқоридаги оксиллардан ташқари трипсин ва лектинлар ҳам учрашини билдим.</p> <p>Мойли ўсимлик уруғи таркибида 10-30% альбумин ва 90%ни глобулин ташкил этишини билдим.</p> <p>Ўсимлик таркидиги оксиллар инсон соғлиги учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини билиб олдим. Оксиллар тирик организмларни яшаши ва ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини билдим.</p>

Ушбу методни қўллашда дарсни бошлашдан аввал талабаларни гуруҳчаларга бўлиб, ҳар бир гуруҳга “Б/Б/Б” бўйича карточкалар тарқатилди. Карточкалар йиғиштириб олиб, шу асосида дарс машғулотига бошланди. Карточкадаги “Биламан” ва “Билишни хоҳлайман” деб ёзилган каталогни кўздан кечирилди ва дарс машғулотига давом эттирилди. Дарс машғулотига тугагандан сўнг яна карточкалар йиғиштириб анализ қилинди. Ушбу мақолада карточкалардан намуна келтирдик.

Олинган натижалардан шундай хулосага келдикки, ўқитувчи “Б/Б/Б” методини қўллаш орқали ўқувчи ёки талабаларга дарс машғулотига натижасида қандай маълумотларни

беришни режалаштириб олади. Бу методни турли мавзудаги дарс машғулоти олиб боришда ижобий натижа беради.

Адабиётлар.

1. Йулдошев Ж.Г., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Т.: 2011.
2. Ходжаев Б., Уразова М. Умумий педагогика. – Т.: ТДПУ, 2015.


ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТАЛАБАЛАРНИНГИЛМИЙ - ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Нуриев К.К., Худойбердиев Р, Маматова О.,

ГулДУ

Университет олимлари, ўқитувчилари, талабалари, магистр ва докторантларнинг биргаликдаги ижодий фаолияти-қобилиятларини ривожлантириш, иқтидорларини кашф этиш, тадқиқотчилик характерини шакллантириш, ташаббускорликни, келажакда доимий ўз устида ишлаш эҳтиёжи ва кўникмаларини тарбиялашда амалиётда синалган йўл бўлиб ижобий самара беради. Талабалар илмий тадқиқот ишлари (ТИТИ) – бу ҳар қандай таълим йўналишида ўқитувчиларнинг профессионал кифасини шакллантиришнинг зарур воситаси ҳисобланади. Талабаларнинг илмий ишларда қатнашиши моддий ва маънавий бойликларни яратиш жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб ҳисобланади.

ТИТИ ташкил этиш ва ўтказиш шакллари шартли равишда ўзаро боғланган икки йўналишга бўлиш мумкин (расм): ўқув жараёнига киритилган ТИТИ, ва демак, ўқув вақтида ўқув режалари ва ўқув дастурларига мувофиқ олиб борилади; Ўқув вақтидан ташқари бажариладиган ТИТИ. ТИТИ ривожлантиришига сабаб бўладиган тадбирлар конференциялар, мусобақалар, семинарлар ва ҳақозалардир.



Расм. Замонавий университетда талабалар илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш схемаси

Ўқув вақтидан ташқари талабаларни ялпи ИТИга жалб этишнинг асосий шакли бу талабалар илмий тўғарагидир (ТИТ). ТИТ нисбатан кўп бўлмаган (15...20 нафар) ижодий талабалар жамоасидан ташкил топади. Улар ўқув режасига киритилган мутахассисликка оид кафедранинг илмий ишларига мос бир ёки бир нечта илмий муомма билан шуғулланишади.

ТИТ турли кафедраларда ёки ОТМ бошқа бўлимларидан ташкил этилиши мумкин. Талабалар ундан адабиётлар бўйича аннотация, тхлилий ишланмалар ва рефератлар тузишни ўрганадилар, тажрибалар ўтказиш, олинган натижаларни ишлаш кўникмаларини эгаллайдилар, кўрсатма манбалар, лаборатория жихозлари ва ўқув техник воситаларни лойиҳалайди ва тайёрлайдилар. Ахборотлар тайёрлаб улар билан кафедра илмий семинарларида ва тўгарак йиғилишларида ёки анжуманларда чиқишлар қиладилар. ТИТ фаолияти касбий тайёргарликни чуқурлаштириш, мутахассиснинг ижодий этилишига йўналтирилади. ТИТ ишини биринчи курсдан бошлаш ва кейинги курсларда ишнинг характери мос ҳолда ўзгартирилиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

ТИТ қуйидаги масалалар қўйилиши мумкин:

- Бўлажак мутахассисларнинг илмий эрудициясини ва назарий дунёқарашини кенгайтириш;
- Фан ва техниканинг маълум соҳасида илмий муоммаларни ишлаб чиқиш ҳолати билан талабаларни таништириш;
- Назарий билимларни амалиётда қўллаш қобилиятини ривожлантириш;
- Талабаларга ИТИ олиб бориш кўникмаларини ўргатиш;
- Ижодий фикрлашни ривожлантириш;
- Илмий мунозалар олиб бориш қобилиятларини шакллантириш;
- Маълум илмий, техник ёки бошқа ҳақиқий масалаларни ечиш;

Фан илмий тўғараги (ФИТ)нинг мақсади ўқув режасига биноан у ёки бу фанни ўрганиш жараёнида ечиладиган масалаларга қараганда анча мураккабларини ечишдир. Бундай тўгараклар битиртирувчи кафедраларда биринчи ва иккинчи курс талабалари учун махсус ташкиллаштириш фойдалидир.

Мутахассислик бўйича илмий-тадқиқот тўғараги (МБИТТ) ОТМ, факультет, кафедранинг хусусиятига боғлиқ ҳолда фақат юқори курсларни бирлаштириши ёки аралаш ҳолда бўлиши мумкин. Бундай тўгаракларда турли курсларнинг талабалари илмий ишларни ўқитувчи, аспирант ёки кафедра илмий ходимлари раҳбарлигида бажарилади. МБИТТ битиртирувчи ва шакллантирувчи кафедраларда ҳар қандай шаклдаги гуруҳларда ташкиллаштириш мумкин. Факультетлараро ва ОТМлараро илмий тўгараклар ОТМнинг бирорта кафедрасида бир ёки бир нечта ОТМларнинг турли мутахассисликдаги талабаларни жалб этишни талаб этадиган йирик комплекс илмий мавзунини бажариш учун режалаштирилади. Талабалар муоммали гуруҳи (ТМГ) бу кафедрада ёки ОТМ илмий бўлимида ўқитувчи раҳбарлигида ягона ҳақиқий илмий муаммони ечиш учун вақтинча ташкил этилган талабаларнинг ихтиёрий илмий жамоасидир.

ТМГ шакллантирувчи ва битиртирувчи кафедраларда ёки шу кафедраларда илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини (ИТТКИ) бажарувчи ва у билан илмий ишлар соҳасида яқин алоқада бўлувчи ходимларни тайёрловчи ва малакасини оширувчи ОТМнинг илмий тузилмасида (лабораторияларида, КБ, ҳисоблаш марказлари ва ҳ.к.) яратиш тавсия этилади. ТМГда талабалар сони 5...8 бўлиши маъқулдир. Муоммали гуруҳда талабалар грант ва хўжалик шартномалари лойиҳаларида назарий ва экспериментал тадқиқотларни бажаришда ҳамда технологик жараёнларни, техник объектларни тадқиқ қилишда, иктисодий таҳлилда, турли синовларни ўтказишда ва ишланмаларни тадбиқ этишда қатнашадилар. Талабаларнинг ўқув жараёни даврида бажарадиган ИТИ муҳим шакли ўқув-тадқиқот иши (ЎТИ) дир. ЎТИ – бу мутахассисликнинг асосий фанлари бўйича бажариладиган ИТИ (ёки мутахассислик профилига боғлиқ ижодий конструкторлик ёхуд лойиҳавий) характердаги ишдир. Бу ишни талаба ўқув режасига мувофиқ бажариши керак. ЎТИ ўқув режаси бўйича ўқув машғулотида ижодий ёндашувни киритади, бунда ўқувчиларнинг илмий қизиқишлари

ва шахсий қобилиятлари ҳисобга олинади. Бу иш ўқувчиларда илмий техник масалаларда ўзлари йўл топа олишлари, ўз топшириқларини мустақил бажарилиши каби қобилиятларини шакллантиришга йўналтирилган.

ЎТИ кафедра ва ОТМ илмий тузилмаси олиб бораётган ИТИ билан ўқув фанлари орасида боғлиқликни таъминлаш керак.

ЎТИ талабалар бажаришида қуйидаги мақсадлар қўйилади:

- Ҳар бир талабага назарий ва экспериментал ИТИ бажаришнинг дастлабки кўникмаларини сингдириш;
- Ижодий, аналитик фикрлашни, мутахассислик бўйича ижодий ишлаш қобилиятини ривожлантириш, назарий билим даражасини кенгайтириш;
- Назарий билимларни аниқ амалий масалаларни ечишда қўллай олиш кўникмасини тарбиялаб етиштириш;
- Мутахассислик бўйича ўз топшириқларни мустақил бажаришга талаб ва кўникмани шакллантириш;

ЎТИ бажаришга кетган ўқув соатининг умумий хажми мутахассисликга боғлиқ ҳолда ўқув йили давомида 36...200 соатни ташкил этиши мумкин. ЎТИ ОТМ кафедрасининг лабораториясида ўқув жадвалида мўлжалланган кун ва соатларда ўтказилади. Талабалар ишининг самарасини ошириш ва тартиблаш учун ўқув бўлими билан келишган ҳолда ЎТИ учун ҳафтада (бошқа фанлардан озод ҳолда) бир кун (6 соат) ажратиш мумкин.

ЎТИ бажаришда қуйидаги асосий босқичлар бўлиши керак:

- Темани танлаш, илмий фаразни илгари суриш ва масалаларни илгари қўйиш;
- Тадқиқот услубиёти ва усулларини танлаш;
- Эксперимент, кузатиш, ўтказиш учун моддий базани тайёрлаш;
- Олинган натижаларни ишлаш, таҳлил қили шва умумлаштириш;
- Эксперимент натижаларини муҳокама қилиш;
- Хулосалар, таклифлар тайёрлаш, олинган натижаларнинг назарий ва тадбиқий моҳиятини баҳолаш.

Ўқув жараёни доирасида талабалар ИТИ энг самарали шаклидан бири тадқиқотли БМИ ёки тадқиқот қисмига эга бўлган БМИ ва долзарб мавзуга оид ижодий БМИдир. Уларни бажариш яхши ўзлаштирувчи ўқиш даврида ИТТКРда энг фаол қатнашган талабаларга топширилади. Илмий БМИ бажариш ўқув жараёнинг муҳим шакли бўлиши билан бирга талабалар илмий ва ижодий ишини ташкил этишнинг яқунловчи шакли ҳисобланади. Бундай БМИлари мазмуни ва таркиби бўйича талабалар илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик лойиҳавий ишларнинг яқунловчиси ҳисобланади.

ТИТИ тизимида муҳим ўринни талабалар илмий семинари (ТИС) эгаллайди. У юксак ўқув-тарбиявий самара беради ҳамда ёшларда илмий виждонлик, юқори талабчанлик, ҳалоллик, илмий мунозара олиб бориш каби сифатларни шакллантиради.

ТИС маъруза қилиш танланган йўлнинг тўғрилигига, йўл қўйилганликка, олинган натижани асослашни топиш унинг тўғрилигига тақризчи ва дўстларнинг раекциясидан билиш имкониятини беради. Семинарлар ҳар бир талаба ва ҳамма қатнашчилар бажарувчи барча ИТИ звеноларни боғловчи бўлиб ҳисобланади. ТИС ўтказиш даври-икки ҳафтада бир марта (семестр давомида 5...6 марта). Бу ҳар бир талабага камида бир марта илмий маъруза билан чиқишга ёки тақризчи ролига киришга имкон беради. Семинар йиғилишини дарс жадвалининг охириги жуфтлигига киритиш маъқулдир. Чунки керак бўлганда ишнинг давомийлигини таъминлаш мумкин. ТИС самара шакли бу иш билармонлик ўйини бўлиб ишлаб чиқаришга оид фан бўйича ўтказилади. У қатнашчиларнинг фаоллигини ва кизиқувчанлигини бир мунча оширади. Бу ўйинни фанлар бўйича ўтказиш услубиятлари турли адабиётлар кенг ёритилган.

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, таълим ва фаннинг мақсадлари умумий бўлиб унинг ягона ечимни топишни кўрсатади. Олий таълимни кенг доирада ривожлантириш замонавий шароитда фаннинг ва илмий хизматнинг ривожланиши каби самарадорликни оширишга

ҳамда таълим-тарбия ва тадқиқот жараёнлари охириги натижаларининг ўсишига йўналтирилиши керак.

АТЦЕТИЛЕННИ ОЛИНИШИ МАВЗУСИНИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

Ш.И.Қосимов., Х.А.Исмоилова., Б.А.Тулиев.

ГулДУ

Бугунги кунда инновацион педагогик технологияларга жуда катта талаб қўйилмоқда. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» юқори малакали кадрларни тайёрлашни талаб этаётган бир вақтда кафолатланган самарали натижани вужудга келтирувчи йўналиш жуда катта аҳамият касб этади. «Таълим тўғрисида» ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да соғлом фикрловчи баркамол авлодларни тарбиялаш ислоҳотларининг бош вазифаларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Албатта ўз ўрнида ва ўз вақтида бу соҳага оид дарслик ва ўқув - услубий қўлланмалар яратиш ва инновацион илғор педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва таълим тизимига жорий қилиш давр талабидир.


Таълимни инновацион технологиялар билан таъминлаш, айти вақтда педагог – ўқитувчидан ҳам ижодкорликни, илмий маҳоратни, ишлаб чиқаришга доир билим ва малакани талаб этади. Инновацион педагогик технологиялардан ўқув жараёнида фойдаланиш ўқитувчининг меҳнатини энгиллаштириш билан бир қаторда талабаларнинг онгини, билимини оширишда муҳим роль ўйнайди. Таълим, маълумот ёки тушунча бериш педагог фаолияти ва талаба фаолиятдан иборатдир.

Замонавий ахборот технологияларининг сўнги ютуқларининг дарс жараёнларида қўлланилиши ўқув машғулотларининг самарадорлигини оширади ва ўқув жараёнини ҳаётий жараёнлар билан боғлашга ёрдам беради. Кимё лабоараторияларида тажрибаларнинг замонавий усулларда бажарилиши, талабаларни мустақил ишлашга, мустақил фикрлашга ўргатади, шунингдек, уларни фаолликга, фанга қизиқувчанликка ундайди. Атцетилени олиниши мавзусини ахборот технологиялардан фойдаланиб ўқувчиларга мультимедиа технологияси ва виртуал лаборатория асосида таълим бериш ва тақдим этиш технологиясини замонавий ахборот технологияларидан унумли фойдаланиб ишлаб чиқишга ҳаракат қилинди ҳамда атцетилени физик ва кимёвий хоссаларини тажрибалар бажаришдан олдин анимацион слайдлар намойишида кўрсатиб бериш ва сўнгра ўқувчи ва талабаларнинг мустақил бажаришлари дарснинг самарадорлигини оширади.


Барча фанларни ўқитишда масканимизда мультимедиа (сервер хизмати), компьютерли тест назорати, сканер технологияси, интранет, зиёнет, виртуал кутубхона, виртуал лаборатория, масофадан туриб таълим бериш ва тақдим этиш технологияси каби замонавий ахборот технологияларидан унумли фойдаланилмоқда. Фанларни ўқитишда босқичма - босқич амалга оширилаётган электрон дарсликлар ва ўқув - услубий қўлланмаларни электрон вариантларини яратилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай мультимедиа янги ахборотлар билан узлуксиз бойитилиб борилиши, ҳамиша давр билан ҳамнафас ўзгариб бориши, ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Замонавий ахборот технологияларидан унумли фойдаланиб анимациялаштирилган тақдимот асосидаги виртуал ишланма тайёрланди ва АКТ асосидаги тайёрланган дарс ишланмаси яратилди.

Ксракли нарсалар: 1. Таги тешик, шиша най ўрнатилган пробирка.

2. Таги текис колба. 3. Кальций карбид. 4. Сув. 5. Гугурт.



Таги тешик пробирка кичик бўлак тошга ўхша кальций карбиди солинади.1 пробирка колбадаги сувга бўктирилади. «Тош» сув билан шиддатли реакцияга киришиб ацетилен газини ажратади. Агар шиша най учига гугурт ёқиб яқинлаштирилса, газ тутаб ёнади. Қуйидагича реакция боради.





Янги усулларни таълим жараёнига жорий этиш ўқув жараёнларини тубдан ўзгаришига олиб келмоқда. Бундай ижобий ишлар таълим жараёни иштирокчиларини билимларини кенгайтиришга, ижодкорликка, яратувчанликка, комилликка, тинимсиз изланишга ва ўз устида ишлашга ҳар бир дарсни ҳақиқатдан ҳам, бир санъат асари сифатида тақдим этишга олиб келмоқда.

Тажриба синов ишларининг ёки назорат ишларининг ўзига хослиги шундан иборатки, бу назорат ишларини ўқувчи бажариш давомида нафақат унинг билимлари, шу билан бир қаторда уларнинг мустақил ва мантиқан фикрлаш кўникма ва малакалари ривожлантирилади. Мақсад эса бундай назорат ишларида вазифа муаммоли вазиятнинг юзага келишини тақозо қиладиган шароит яратишдан иборат бўлди. Ўқувчи ўз фаолиятида тайёр намуналардан озод бўлган ҳолда масаланинг ҳал қилиниш йўллари кидиради ва тадқиқ қилади. Тадқиқот давомида ўқувчиларнинг назорат ишлари натижаларига кўра биз ўз мақсадимизга эриша олдик, яъни ўқувчиларнинг ҳар бир мавзунини мустақил ҳолда, мантиқан фикрлашга ўргатиш, ҳамда муаммоли методлардан фойдаланиш ўқувчиларнинг дарсларга қизиқишини, ўқишга бўлган масъулиятини оширган. Натижа кўрсаткичлар шуни билдирадики ўқувчилар билан олиб борилган дарс, дарсдан ва синфдан ташқари машғулотлардаги мультимедиа юқори самара берар экан. Мультимедиа технологияси ва виртуал лаборатория асосида таълим бериш нафақат самарадорликка, балки ўқувчининг ҳар қандай муаммоли вазиятларда эркин, мантиқан фикрлай олиши, ижодий фаолиятининг ривожланишига ҳам олиб келади. Таълимнинг бугунги вазифаси ўқувчиларни кун сайин ошиб бораётган ахборот – таълим муҳити шароитида мустақил равишда фаолият кўрсата олишга, ахборот оқимидан оқилона фойдаланишга ўргатишдан иборатдир. Бунинг учун узлуксиз равишда мустақил ишлаш имконияти ва шароитини яратиб бериш зарур.

Ўзбекистон Республикаси демократик, ҳуқуқий ва фуқаролик жамиятини қуриш йўлидан бораётган бир пайтда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади ва ҳаракатга келтирувчи кучи ҳар томонлама ривожланган баркамол инсонни тарбияшдан иборатдир.

"TERMODINAMIKANING II QONUNI. ENTROPIYA." MAVZUSINI O'QITISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNI QO'LLASH

Sh.K. Toshboyeva

GulDU

Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyevning 2017 yil 7 fevraldagi "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi Farmonida ijtimoiy soha, xususan ta'lim va ilm-fan sohalarini rivojlantirish, ta'lim tizimining uzluksizligini yanada takomillashtirib ta'lim muassasalarida fanlarni axborot-kommunikatsion va innovatsion pedagogik texnologiyalar asosida o'qitish ustuvor vazifa qilib qo'yilgan.

Ta'lim jarayoniga innovatsion texnologiyalarni amaliy jihatdan tatbiq etishda darsni oldindan loyihalash, rejalashtirish va o'tkazishning samarali tizimi ishlab chiqilishi har bir o'qituvchi uchun pedagogik muvaffaqiyatni kafolatlaydi.


Innovatsion ta'lim texnologiyalari asosida "Termodinamikaning II qonuni.Entropiya." mavzusidan seminar va amaliy mashg'ulotlarni o'tkazish ta'lim sifati va saradorligini oshiradi. Bu qonunning postulat ko'rinishda bir necha ta'riflari bo'lib, ular bir-biriga bog'liq va biridan ikkinchisini keltirib chiqarish mumkin. Rudolf Klauzius (Gottlib) postulatiga muvofiq, issiqlik issiq jismdan sovuq jisimga o'z-o'zicha o'tadi. "Issiqlik sovuq jismdan issiq jisimga o'z-o'zicha o'tmaydi". Issiqlik issiqlik manbaining o'zida ishga aylana olmaydi. Buning uchun issiqlikni issiqlik manбайдan olib uni ishga aylantiraoladigan biror ishchi jisimga berish kerak. Misol uchun issiqlik gazga berilsa, u kengayib ish bajarishi mumkin. Yana, ish hosil qilishi uchun gazni uzluksiz kengaytirish kerak, lekin bu mumkin emas. Binobarin, gaz yana kengayib ish bajarishi uchun siqilishi kerak, ya'ni ishchi jism davriy ravishda kengayib-siqilishi kerak.

Agar gaz biror haroratda kengaytirilsa va natijada ish bajarsa, u yana ish bajarish uchun shu haroratda siqilishi, kengaytirilganda bajargan ishga teng ish sarflanishi kerak. Natijada xech qanday foydali ish bajarilmaydi. Ish bajarilishi uchun siqilishda sarflangan ish, gaz kengayib bajargan ishidan kam bo'lishi kerak. Buning uchun siqilish jarayonini kengayishdagiga nisbatan pastroq haroratda olib borish kerak. Demak, ishchi jism sovutilishi kerak, ya'ni issiqlik manbaining issiqligini ishga aylantirish uchun yana sovutgich ham bo'lishi shart.


Quyida mavzuni kengroq yoritish maqsadida "Sinkveyn" usulidan foydalanish taklif etiladi. Sinkveynmetodini qo'llash orqali dars bo'yicha olgan bilimlarini mustahkamlash jarayonini ifodaladik.Sinkveyn metodining o'tkazish tartibi quyidagicha: 1-qatorga ot turkumiga mansub bo'lgan bitta, 2- qatorga esa sifat jihatini anglatuvchi 2 ta, 3- qatorga fe'l turkumiga mansub 3 ta, 4-qatorga esa mavzuga doir 4 ta so'zdan iborat gap tuziladi. 5-qatorga esa birinchi qatordagi so'zning sinonimi bo'lgan bitta so'z yozilishi kerak bo'ladi.

Ko'rinib turibdiki, talabalar tomonidan aytilgan yuqoridagi 5 qatorlik so'zlar bir-biriga nisbatan hech qanday qofiyaga tushmagan. Biroq qofiyaga tushmagan bo'lsada, o'tilgan mavzu bo'yicha talabalarning olgan bilimlarini o'qituvchi tomonidan nazorat qilish yoki bo'lmasa o'tilgan darsni qanchalik auditoriya tomonidan o'zlashtirilganlik darajasini aniqlash qiyin kechmaydi.

Bu metodnig afzallik tomonlari shundaki, birinchidan mavzu bo'yicha o'tilgan darsni mustahkamlashda barcha talabalar baravariga ishtirok etadi, ikkinchidan, ularning tasavvurlari ortadi, uchunchidan esa talabalarning idrokini o'stirishga va sintezlash ko'nikmalarni oshirishga yordam beradi. Kamchiligishundaki, berilgan vazifa bo'yicha barchatalabalarning birdek tasavvurga ega bo'lmasligi va ijodiy yondosha olmasligidadir.



"Termodinamikaning II qonuni. Entropiya." mavzusining asosiy va kichik muammolari "Baliq skeleti" metodi yordamida yoritiladi:



Bunda termodinamikaning II-qonunining asosiy vazifasi va jarayonlarning o'z-o'zidan borish shartlari, entropiya, uning turli jarayonlardagi o'zgarishi hamda ehtimollik to'g'risida ma'lumotlar umumlashtiriladi. Ta'lim oluvchilarga erkin fikr aytishga ruxsat beriladi va ular ragbatlantiriladi. Mavzularni o'qitishda o'quv maqsadlarini aniqlash, "Sinkveyn" va "Baliq skeleti" kabi innovatsion texnologiya usullaridan foydalanish o'qitishning samaradorligini oshirishga olib keladi

ДЕХҚОНЧИЛИККА ОИД МАВЗУЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШДА ОМИЛЛАР ТАЪСИРИ БОҒЛИҚЛИГИНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Тўрақулов М, Давлатов П.Д, Хўжақулов Ф. М, Эгамбердиев П.Э.

ГулДУ

Дехқончилик ҳозирги даврида кенг тармоқли фан сифатида шакилланган бўлиб, жадал ривожланиб, янгиланиб бормоқда. Талаба таълим олиш жараёнида ўрганиши лозим бўлган қатор фанлардан фарқли ўлароқ мевачилик фанида кўплаб мавзуларни мустақил тарзда нашр этилган манбалардан ва энг асосийси, табиатда, яъни бевосита мевали дарахатлар устида кузатишлар олиб бориш маълумотлари тўплаш билан чуқур билим ва кенг тасаввурга эга бўладилар.

Талаба ёки тадқиқотчи танланган мавзуни мустақил ўзлаштириши учун, энг аввало ер ва муҳит билан боғлиқ бўлган табиий жараёнлар хусусида маълум даражада билим ва тасаввурга эга бўлмоғи, қўйилган топширқни ҳал қилиниш масштаби кенглиги ва чуқурлигини белгилайди.

Мавзуни талаба урганишга киришишдан олдин унинг мақсади, алоҳида эътибор қаратиш керак бўлган ўринлари, кузатиш ва таҳлил қилиш усуллари, ўқитувчи ёки илмий раҳбар томонидан режа лойиҳаси шуғулланувчига ахборот сифатида берилади ва икки томонлама мунозара ва муҳокама қилинади. Бунда эришиладиган ижобий натижа шундан иборат бўладики, талаба ёки тадқиқотчининг мавзу устида шуғулланиши учун ҳаракат кетма-кетлиги ва масштаби борасида аниқ тасаввури шакилланади.

Талаба қишлоқ хўжалиги ва ўрмончилик таълим йўналишига оид қатор, жумладан, боғдорчилик, сабзавотчилик, дала экинларини етиштириш технологияси ва ўрмончилик фанларидан мустақил таълим мавзуларини ўзлаштиришда қўйилган мақсадга эришиш самараси бунга қадар айрим фанларни ўзлаштирганлик даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Масалан, табиатшунослик, ботаника, кимё ва жўғрофия кабилар.

Гулистон давлат университети “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси” кафедраси тадқиқотчилари томонидан бевосита қишлоқ хўжалик маҳсулотларини дала шароитида етиштиришни ўрганувчи фанлардан мустақил ўрганилиши керак бўлган мавзуларни ўзлаштириш лойиҳалари ишлаб чиқилди. Бунда талаба деҳқончилик ва боғдорчилик маҳсулотларини етиштиришда табиий факторларнинг таъсирини ўзаро узвий боғлиқлиги қуёш, тупроқ, сув ва ҳаво пирамидаси шаклидаги тасоввурни англаш, шунингдек бу шакилни барча мавзуларни ёритишдаги энг асосий таянч деб қабул қилиш таклиф этилди ва мантиқан асосланди.

Таклиф этилаётган ўсимлик, яъни мевали дарахт яшашидаги омиллар таъсирининг узвийлиги пирамидасидан кўриниб турибдики, қуёш ёруғлик ҳамда ҳарорат манбаи бўлиб, у жараёнларнинг кечишида энг асосий омил: фаол фотосинтез жараёни, баргларда хилорофил шакилланишини, меваларда табиий қанд моддасининг тўпланишини таъминловчи энг асосий манба. Ўсимлик вэгитациясининг бошланиши, давомийлиги муддати ва тугалланишида қуёш нури таъсирининг аҳамияти тенгсиздир.

Тупроқ барча ер остки органини ўзида тутиб туриб, илдизнинг ривожланиши ва сўрилиб, ўзлаштирувчи озиқ элиментлари билан таминланиши, сувнинг эса тупроқдаги минералларини эриб, илдизда сурилиш жараёнидаги ва ер устки органларини сув ва суюқ озуқа шираси билан таъминлашдаги роли, ҳаво оқими (шамол)нинг аэрация жараёнини нормал тутиб туришидаги ўрнини юзасидан етарли тасаввур ва билимларга эга бўлиши керак. Бунда талаба ўзи изланиш олиб бораётган муҳит ер шарининг қайси географик кенглигида жойлашган эканлигини назарда тутган ҳолда, табиий ўзгаришлари, фаслларнинг давомийлиги, йиллик ер юзига қуёш нуридан тушадиган ҳароратнинг миқдори, сувга бўлган талаб ва сувнинг миқдори, тупроқ таркиби, ҳаво намлиги, шамолнинг асосий йўналиши ва тезлигини билиши ва таъсирлари оқибатини анализ қилаолиши керак.

Айтиб ўтилан даражада табиатдаги ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлигини англаш, яъни етарли билим ва кўникмаларни шакллантирилиши талаба ёки тадқиқотчи юқорида зикр этилган қишлоқ хўжалик фанларидан мустақил таълим топшириқларини бажариши ҳамда ўзлаштиришида кутилган мақсадга мазмунан бой хулосалар билан эришади. Чунки барча мавзуларнинг ёритилиши таклиф этилаётган “ўзоро узвийлик пирамидаси”га асос сифатида таянади.

Талабага мавзуга доир мустақил таълим лойиҳа топшириғини беришдан олдин унда узвийлик пирамидаси ҳақида ва мустақил таълим ёритишни мустақил ижодий иш даражасида эканлиги хусусида етарли тасоввур ҳосил қилишимиз керак. Оқибатда талабалар мавзунини ўрганиш жараёнига ижобий ёндашиб, фаоллиги кескин ортади. Ўзлаштиришнинг даражаси мавзунини ёзма ёки оғзаки баёни сифати ва муҳокама учун тузилган саволларнинг мазмуни ҳамда қамрови кенглиги билан белгиланади. Ўз ўрнида ўқитувчи ёки илмий раҳбар талабалар томонидан ўзлаштирилган мустақил таълим мавзуларининг ёритилганлик даражасини ва бажаришда талабаларнинг индивидуал муносабатларини чуқур таҳлил этиб, гуруҳда етарлича мустақил фикрловчи, масалага ижодий ёндоша оладиган, тадқиқотлар юритиши мумкин бўлган иқтидорли талабаларни йуналишлари ва қизиқишларини белгилай олади.

TA'LIM JARAYONIDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR

A.U.To'xtamushova., G.Ahmedova. P.Ш. Зарипова.


ТКТИ, ТошФИ

Ta'lim jarayoniga innovatsion texnologiyalarni eng ilg'or interfaol metodlarini samaralijoriy etish - bugungi kunning dolzarb muammolaridan biridir. Ushbu pedagogik texnologiyalarni ta'lim jarayoniga qo'llashning zaruriyati - bugungi kunga kelib fan va texnikaning o'ta rivojlanganligi natijasida ahborotlar oqimining keskin ko'payib borayotganligi va ularni kechiktirmay, o'z vaqtida yetkazish uchun vaqtning chegaralanganligi, ta'lim beruvchi va ta'lim oluvchining ta'lim jarayonidagi ro'lini o'zgartirish va ushbu jarayonni faollashtirishda namoyon bo'ladi. "Jarayon" so'zining ma'nosi lotin tilidan oldinga harakatlanish, o'zgarish ma'nolarini anglatadi. Pedagogik jarayon esa ta'lim beruvchi va ta'lim oluvchining aniq belgilangan maqsadga qaratilgan, hamda oldindan ko'zlangan natijaga olib boruvchi o'zaro hamkorlikdagi faoliyati tushuniladi. Bugungi kunda yurtimizda barcha jabhalarda keng ko'lamdagi islohotlar olib borilmoqda. Jumladan, davlat siyosatining eng ustuvor yo'nalishi sifatida ta'lim tizimini isloh qilish, uni samaradorligini oshirish maqsadida takomillashtirib borish, yangi yuqori sifat bosqichiga ko'tarish, ta'lim jarayoniga ilg'or, innovatsion pedagogik va ahborot texnologiyalarni tadbiq etish pedagoglar oldiga qator vazifalarni qo'yimoqda.

Innovatsiya so'zi ingliz tilidan "innovation" – yangilik, yangilik kiritish ma'nolarini bildiradi. Ta'lim jarayonidagi innovatsiya yangilanishni, o'zgarishlarni amalga joriy etish jarayoni va faoliyatini anglatadi. *Pedagogik innovatsiya* – o'quv jarayonini va uning natijalarini samaradorligini oshirishga, uni yaxshilashga xizmat qiluvchi yangiliklar tizimi. Dars jarayonida ta'lim oluvchini faollashtirishga, uni mustaqil fikrlashga undovchi metodlar interfaol metodlardir. Ularning markazida ta'lim oluvchi turadi.


Qanday metodlardan foydalanilganda belgilangan, kafolatlangan natijaga erishish mumkin? Ushbu savolga javobni har bir pedagog o'ziga darsga tayyorgarlik ko'rish jarayonida qo'yishi, darsning turi va xususiyatidan kelib chiqqan holda u yoki bu metodikaga murojaat etishi mumkin (1-rasm).

TA'LIM METODLARINI TANLASH MEZONLARI




1-rasm. Ta'lim metodlarini tanlash mezonlari

“Umumiy va noorganik kimyo” fanidan amaliyot darslarida turli metodlardan ketma-ket izchillikda foydalanish mumkin. Dastlabki bosqichda talabalarning mavjud bilimlariga tayangan holda mavzu bo'yicha krossvord, test savollari berish mumkin. Blits-so'rov ham kutilgan natijani berishi mumkin. Interfaol metod talabaga nima beradi (2-rasm)?



Taqdimot usuli, video-topishmoq metodi orqali talabalarda mustaqil yoki guruhda ishlash ko'nikmasini shakllantirish mumkin. Qanday yo'l tutska qisqa muddat ichida kuchli zo'riqishsiz kutilgan natijaga erishamiz? Buning uchun eng samarali metodika qaysi? Individual yoki kichik guruhlarda ishlash kerakmi? Quyidagi misolda berilgan mavzu xususida erkin o'ylash va turli javoblar o'rtasidagi bog'liqlik to'g'risida fikrlash imkonini beruvchi “Klaster” metodini ko'rib chiqamiz (2-rasm). “Klaster” metodi – didaktik strategiyaning muayyan shakli bo'lib, u talabalarga ixtiyoriy muammolar xususida erkin, ochiq o'ylash va shaxsiy fikrlarni bayon qilish uchun sharoit yaratishga yordam beradi. Mazkur metod turli xil g'oyalar o'rtasidagi aloqalar to'g'risida fikr yuritish imkonini beruvchi tuzilmani aniqlashni talab etadi va ushbu metod aniq obyektga

yoʻnaltirilmagan fikrlash shakli hisoblanadi. Undan foydalanish insonning miya faoliyatining ishi bilan bogʻliq ravishda amalga oshadi, yaʼni talablar tomonidan muayyan mavzuni chuqur va puxta oʻzlashtirilguniga qadar fikrlash faoliyatining bir maromda boʻlishini taʼminlaydi. 3-rasmda marganetsning kimyoviy birikmalarining genetik bogʻlanishga oid “Klaster” keltirilgan.



3-rasm. Marganetsning kimyoviy birikmalarining genetik bogʻlanishga oid “Klaster.”

МИС-РУХ ГАЛЬВАНИК ЭЛЕМЕНТИДА ЭЛЕКТР ТОКИ ҲОСИЛ БЎЛИШИ ЖАРАЁНИНИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЁРДАМИДА ЎҚИТИШ

Ш.К.Тошбоева.

ГулДУ

Ўқув машғулотида компьютердан фойдаланиш ўқитиш жараёнини қизиқарли олиб бориш, ҳар бир тингловчига индивидуал ёндашиш имконини беради. Ахборот-коммуникацион технологиялари (АКТ) имкониятлари орқали талабалар жуда кўп маълумотларни олиш имкониятларига эга бўлади. Кимё фанида шундай мавзулар борки, бу мавзуларни талабаларга тушунтириш, уларда шу мавзу бўйича тасавурларни шакллантириш қийин. Масалан, электрокимё асослари, эритма ва суюқланмаларидаги электролиз жараёнлари, гальваник элементларнинг ишлаш принциплари жараёнларини анимация шаклида тақдим этиш билим олувчиларнинг тасавурини кенгайтириш, дастлабки билимларини ривожлантириш ва қўшимча маълумотлар билан бойитиш имкониятини яратади. Бунда кимёвий моддаларни тежаш, жараённи такрор-такрор намоиш этиш, фойдаланувчи учун ўқув материалнинг ахборотга бой, содда ва тушунарли бўлишига эришилади. Қуйида **мис-рух гальваник элементида электр токи ҳосил бўлиши жараёнини ахборот технологиялари ёрдамида ўқитиш методикаси билан танишасиз.**

Металларнинг эритмага ион ҳолида ўтиш қобилияти турлича бўлади. Бу ҳол шу металнинг тузилишига ва унинг атомлари орасидаги боғлар қанчалик мустаҳкамлигига боғлиқ. Бирор металл ўз тузининг сувдаги эритмасига ботирилса ҳам, металл атомлари ион тарзида эритмага ўтади. Шу билан бир вақтда ионлар эритмадан металл сиртига ўтади. Металл ион ҳолатига ўтиб гидратланганда, металл сиртида қолган электронлар зичлиги ортиқча бўлганлиги учун металл сирти манфий зарядланади.

Атомлари эритмага ўтиш қобилияти жуда кучсиз бўлган металдан ионларнинг эритмадан металлга ўтиш тезлиги катта бўлса, бунда металл сирти мусбат зарядланади. Ва, ниҳоят, шундай ҳодиса ҳам бўлиши мумкинки, ионларнинг эритмага ўтиш тезлиги ва ионларнинг металлга ўтиш тезлиги ўзаро тенг бўлиб қолади. Бу ҳолда потенциаллар фарқи нолга тенг бўлади.

Металл пластинка сувга ботирилса, шу металлнинг сиртқи қаватида жойлашган ва металл кристали панжарасидаги атомлардан эркин ҳаракатланувчи электронларнинг силжиши натижасида ҳосил бўлган металл ионлари сувнинг жуда қуслили қутбланган молекулалари таъсирида гидратланади. Гидратланиш натижасида металлнинг шу ионлари билан электронлар орқали боғланиб турган қолган ионлари орасидаги боғ бўшаши ва ионлардан бир қанчаси металлдан узилиб чиқиб, суюқликнинг металл сиртига яқин қаватга ўтади, бунда ионлар гидратланган тарзда бўлади; натижада металл пластинкаси манфий зарядланади, чунки металл ортиқча электронларга эга бўлиб қолади.




Бу ерда, Me — металл атомлари, Me^+ — металл ионлари, $\text{Me}^+ \cdot \text{H}_2\text{O}$ — металлнинг гидратланган иони, e^- — электрон.

Эритмага ўтган мусбат зарядли металл ионлари билан манфий зарядли металл пластинка орасида электролитик тоттишиш вужудга келади. Металл ионлари суюқликка ўтаверади, лекин бир вақтда худди шундай тезликда тескари жараён ҳам боради - ионлар эритмадан металл юзасига ўтади. Системада мувозанат қарор топади. Металлдан эритмага ўтган ионлар эритманинг бутун ҳажмига баравар тақсимланмай, металлга тортилади ва металл сирти яқинида жойлашиб, қўш электр қават ҳосил қилади. Металл билан сув орасида потенциаллар фарқи вужудга келади. Металл суюқликка тегиб турган юзада (чегарада) ҳосил бўладиган потенциаллар фарқи *электрод потенциали* деб аталади.

Юқоридаги маълумотларга асосланган ҳолда Якоби-Даниельгальваник элементини кўриб чиқамиз. Бу элементни тайёрлаш учун Zn пластинкаси ZnSO_4 эритмасига, Cu пластинкаси CuSO_4 эритмасига туширилади, сўнгра иккала эритма KCl ли сифон орқали бири бири билан туташтирилади.

(анод) Zn/ ZnSO_4 / KCl /Cu / CuSO_4 / (катод)



Рух ўз тузи эритмасида яхши эрийди, яъни ўз атомларини эритмага мисдан кўра осонроқ беради, шу сабабли Zn манфий зарядланади. Рух сиртида ортиқча электронлар болади. Эриш тезлиги кичик болган мис шу вақтда мусбат зарядланади, чунки мис ионлари эритмадан мис сиртига ўтиш тезлиги мис ионлари пластинкадан эритмага ўтиш тезлигига қараганда анча катта. Натижада пластинка сиртида электронлар танқислиги вужудга келади ва пластинка мусбат зарядланиб қолади. Агар бу пластинкалар ўтказгич (масалан, мис сим) билан бирлаштирилса, рух сиртидаги электронларнинг ортиқча қисми мис пластинкага ўтади. Бу ҳодиса натижасида рух пластинканинг заряди камаяди ва қўш электр қаватидаги мувозанат бузилади. Қўш қават мувозанатини қайтадан ҳосил қилиш учун маълум микдордаги рух пластинкадан эритмага ўтади.

Ортиқча электронлар рух пластинкадан мис пластинкага ўтишида мис пластинканинг мусбат заряди камаяди. Қўш электр қаватдаги мувозанатни сақлаб қолиш учун мусбат ионларнинг (Zn^{2+} ва Cu^{2+}) бир қисми эритмадан ажралиб мис пластинкага олади. Жараён ўз-ўзидан давом этади.

Электронларнинг ўтказгич бўйлаб бир томонга қараб оқиши электр токидан иборат бўлиб, уни тегишли асбоблар ёрдамида ўлчаш ёки назарий ҳисоблаб топиш мумкин.

Анодда: $Zn^0 - 2e = Zn^{2+}$ (қайтарувчи)

Катодда: $Cu^{2+} + 2e \rightarrow Cu^0$ (оксидловчи)

Потенциаллар фарқи юзага келиб, электр юритувчи куч (ЭЮК) пайдо бўлади. 25°Сда 1 мол/л эритмадаги рух электроди нормал потенциали $E^0 = -0,76$ В, мис электродининг нормал потенциали $E^0 = +0,34$ В га тенг. Потенциаллар фарқи 1,1 В га тенг бўлади.

Гальваник элементда содир бўладиган жараёнларнинг динамик модели экранда намойиш қилиб кўрсатилганлиги учун талабаларнинг дарсга бўлган қизиқишлари жуда юқори бўлади. Бу жараённинг анимацияси ҳам методикада белгиланган тартибда намойишланади. Бу анимацияда электронлар рух пластинкадан мис пластинкага ўтиши, қўш электр қаватдаги мувозанатнинг ўзгариб бораётганлигини ифодаловчи тенгламаларни бевосита кузатиш мумкин. Бу анимациялардан кимёвий жараённи, унинг моҳиятини тушуниш қийин эмас. Чунки бу ёзувлар ҳам жараёнлар анимацияси билан бирга кўрсатилиб борилади.

Хулоса қилиб айтганда, дарс жараёнига АКТ нинг жорий қилиниши дарснинг самарадорлигини кескин оширади ва талабаларнинг ўзлаштириш даражасининг юқори бўлишига олиб келади.

AMALIYOT MASHG'ULOTLARINI TASHKIL ETISHDA – INTERFAOL METODLARNING O'RNI

Tuxtamushova A.U., Ikramova Z.A.


ТошКТИ, ТошПТИ

О'zbekistonda ta'lim tizimini tubdan isloh qilish, uni mazmunan yuksak pog'onalarga olib chiqish yuzasidan qator qonuniy hujjatlar qabul qilinganki, bular «Ta'lim to'g'risida» va «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» to'g'risidagi qonunlardir. Ushbu qonuniy hujjatlardan kelib chiqadigan vazifa ta'lim dasturlari mazmunining yuqori sifatiga erishish va yangi pedagogik texnologiyalarni joriy qilishdan iboratdir. Yoshlar – yurtimiz istiqboli, bizning ertangi kunimiz. Ertangi kunimizning qanday bo'lishi ko'p jihatdan, qaysidir ma'noda biz - o'qituvchilarga ham bog'liq. Chunki, bugungi kun ta'lim dargohlarida istiqbolimiz uchun poydevor yaratiladi, uning nechog'lik mustahkamligi, bugun biz pedagoglarning o'quv auditoriyalaridagi ta'lim jarayoni sifatiga hamda uni amalga oshirishdagi yondashuvimizga bog'liq. Bugungi kun o'qituvchisi doimo o'z darajasi, ilmiy salohiyati va pedagogik mahoratini oshirib, uni san'at darajasiga yetkazib borishi kerak. O'z fikrini tushunarli, ko'rgazmali ifodalay bilish, jahon va mamlakatimiz ijtimoiy-iqtisodiy hayotidagi voqealarga o'z munosabatini bildirishi, ta'lim berishda ijodiy yondashuvni rivojlantirib borishi kerak. O'qituvchining ijodiy yondashuvi esa o'z navbatida talaba tomonidan kimyo fanini o'rganishga bo'lgan ijobiy yondashuvining zaruriy sharti bo'lib hisoblanadi.

O'qitishning interfaol metodlarini ta'lim tizimiga qo'llanilishi raqobatbardosh mutaxassis kadrlar tayyorlashning muhim omillaridan biri hisoblanadi. Bugungi kunga kunga kelib o'qituvchi o'z mutaxassisligi bo'yicha chuqur bilimga ega bo'lishi va faqat katta hajmdagi ma'lumotlarni yetkazib berishining o'zi yetarli emas. Ta'lim jarayoniga yangicha qarash, talabalarga interfaol yondashuv asosida bilim berish - eng samarali yo'llaridan biri hisoblanadi. Boshqacha aytganda, talabalar o'quv jarayoniga faol jalb qilingandagina berilayotgan materiallarni osonlik bilan idrok etadilar. Shundan kelib chiqqan holda, bugungi kunda asosiy metodik innovatsiyalar o'qitishning interfaol metodlarini qo'llashni taqozo etadi.

Ta'lim beruvchi va ta'lim oluvchining o'zaro hamkorligiga asoslangan amaliy mashg'ulotlarda o'quv mashg'ulotining samaradorligini oshirishda yuqorida ta'kidlab o'tganimizdek interfaol metodlarni qo'llashning o'rni muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki qisqa vaqt ichida kutilgan, kafolatlangan natijaga erishish, talabalarni faolligiga, mustaqil fikrlashishiga erishish, hamda kichik guruhlarda muqobil fikrlar ichidan maqbulini tanlay olish, muammo va

muammoosti muammolarini aniqlay olish, o'zgarar fikrini tinglay olish, o'z nuqtai nazarini himoya qila olish ko'nikmalarni shakllantirish kabi xususiyatlarni, talabalar rivojlantirish - bo'lg'usi kimyogar-texnologlar uchun juda muhimdir. Ma'lumki, amaliy mashg'ulotlarda ma'ruza darslarida o'tilgan mavzularni mustahkamlanadi. O'qituvchining vaqtdan unumli foq dalanishi, uni to'g'ri taqsimlay olishi, talabalar diqqatini ko'rgazmali vositalar yordamida taqdimot, videorolik namoyishi orqali, amaliy mashq bajarishda, masalalar yechishda interfaol metodlardan, shuningdek grafik organayzerlardan joyida va o'rinli foq dalanishi, xuddi shu o'qituvchining an'anaviy usulni qo'llagan holatidan tubdan farq qiladi. 1-rasmda talabalar diqqatini vaqtga nisbatan o'zgarib borishi keltirilgan. Ko'rinib turibdiki, interfaol metodda talabalar faol pozitsiyada, ya'ni ularning diqqati o'quv materialini o'zlashtirishga qaratilgan.




rasm -1. Ta'lim oluvchi diqqatining vaqtga nisbatan o'zgarib borishi

Amaliymashg'ulotlarnio'tishda "Keys – stady", "Bumerang", "Aqliyhujum", grafikorganayzerlardan "Klsater", "Venndiagrammasi", "SWOT" tahlil, "Insert" vah.k. metodlaridanfoq dalanishko'proqsamaraberadi.

Masalan, "Klaster" metodi(tutam, bog'lam) – axborotxaritasinituzishyo'li-barchatuzilmaningmohiyatinimarkazlashtirishvaunianiqlashuchunqandaydirbirorasosiyomilatroidag 'oyalarniyig'ishusuli.Bilimlarni faollashtirish jarayonini tezlashtiradi, fikrlash jarayoniga mavzu bo'yicha yangi o'zaro bog'lanishli tasavvurlarni erkin va ochiq jalb qilishga imkon beradi. Talabalar klasterni tuzish qoidasi bilan tanishadilar. Yozuv taxtasi yoki kata qog'oz varag'ining o'rtasiga asosiy so'z yoki 1-2 so'zdan iborat bo'lgan mavzu nomi yoziladi. Klasterni mustaqil ish sifatida individual topshiriq sifatida ham berish mumkin. Kim eng ko'p bog'lam xosil qila oladi (albatta asoslangan tarzda). Birikma bo'yicha asosiy so'z bilan uning yoniga mavzu bilan bog'liq so'z va takliflar kichik doirachalar "yo'ldoshlar" yozib qo'shiladi. Bu "yo'ldoshlar"da 'kichik yo'ldoshlar" bo'lishi mumkin. Yozuv ajratilgan vaqt davomida yoki g'oyalar tugaguncha davom etish mumkin. O'tilgan mavzuni mustahkamlashda "Venn diagrammasi" grafik organayzeridan foq dalanilganda taqqoslanayotgan ob'ektlarni (guruh, moddalar yoki elementlar) xususiy va umumiy jihatlarini qiyoslanadi. Bunda o'zaro kesishuvchi ikkita yoki uchta doiralardan foq dalaniladi. Masalan, VII – A va VII-B guruh elementlarini "Venn diagrammasi" grafik organayzeridan foq dalanib, o'ziga xos va barchasi uchun umumiy bo'lgan xossalarini aniqlash vazifasini berish mumkin:

Interfaol metodlar qo'llanilganda talaba bilimlarni qabul qilish jarayonida to'laqonli ishtirokchiga aylanadi. O'qituvchi tayyor bilimlarni berishni emas, balki talabalarda bilim olishga rag'bat, ishtiyoq uyg'otadi, ularni mustaqil izlanishga yo'naltiradi. O'qituvchining faolligi talabalarga ko'chadi, bu bilan birga talabalar tashabbuskorligi uchun imkoniyat yaratiladi. Muammoli ta'limni tashkil qilish ham talabalarni mustaqil, tahliliy, tanqidiy va ijodkorona fikrlashini shakllantirishga ko'maklashadi.



Ularda muammoni topish – muammo osti muammolarini izlash – muqobil variantlarni topish – maqbul yechimga kelish tizimida fikrlash, individual, juftlikda va jamoada ishlash, o‘zaro fikr almashinish, fikrlar xilma –xillgi sharoitida o‘z fikrini himoya qila olish, to‘g‘ri fikrni qo‘llab-quvvatlashni o‘rganadi. Ayniqsa, “Keys-stadi” metodini, amaliyot darslarida qo‘llash orqali yetkazilayotgan materialni o‘qituvchi emas, balki talabaning o‘zi o‘zlashtirishi, bu o‘rinda o‘qituvchi yo‘naltiruvchi vazifasini o‘tashi muhimdir. “Keys-stadi” (inglizcha case –to‘plam, aniq vaziyat, stadi –ta‘lim) – keysda bayon qilingan va ta‘lim oluvchilarni muammolarni ifodalash hamda uning maqsadga muvofiq tarzdagi yechimi variantlarini izlashga yo‘naltiradigan aniq, real yoki sun‘iy ravishda yaratilgan vaziyatning muammoli- vaziyatli tahlil etilishiga asoslangan ta‘lim uslubidir. Keys texnologiyasi –bilimlarni tayyor holda yetkazish yoki yechimlarni berish emas, balki uni izlab topish va mustaqil izlashga o‘rgatadi.

Agar u o‘quv jarayonida ma‘lum bir maqsadga erishish yo‘li sifatida qo‘llansa, metod xarakterida bo‘ladi, biron bir jarayonni tadqiq qilishdabosqichma-bosqich, ma‘lum bir algoritm asosida amalga oshirilsa, texnologik jihatni kasb etadi.

Xulosa qilib aytganda, amaliyot mashg‘ulotlarida talabalar tomonidan egallangan nazariy bilimlarni amaliy ko‘nikmalar bilan mustahkamlash nazarda tutiladi. Mavzu yuzasidan vazifalarni talabalar individual, juftlikda yoki kichik guruhlarda bajarishlari mumkinligi esa qo‘llaniladigan interfaol metodlarni tanlash va oldindan loyihalashtirish, kutiladigan natijani avvaldan belgilash imkonini yaratadi.

БИОТЕХНОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Т.Турдиқулов,

ГулДУ

Бугунги кунда педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш ва эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда талабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахсининг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Таълим жараёнида талаба асосий фигурага айланади.

Ўқитиш жараёнида, мақсад бўйича кафолатланган натижага эришишда қўлланиладиган ҳар бир таълим технологияси ўқитувчи ва талаба ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил эта олса, ҳар иккаласи ижобий натижага эриша олса, ўқув жараёнида талабалар мустақил фикрлай олсалар, ижодий ишлай олсалар, таҳлил эта олсалар, хулоса қила олсалар, ўзларига, гуруҳга, гуруҳ эса уларга баҳо бера олса, ўқитувчи эса уларнинг бундай фаолиятлари учун

имконият ва шароит ярата олса – ана шу ўқитиш жараёнининг асоси ҳисобланади. Демак, педагогик технология – талабанинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан лойиҳалаштирилган ва қафолатланган натижа беришига қаратилган педагогик жараёндир.

Таълим жараёнида ўқитувчининг асосий вазифаси ўрганиладиган мавзунинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда энг юқори самара берадиган ўқитиш воситаларини танлай олишидир.

Биология тизимидаги фанларни ўқитиш жараёнида табиий кўргазмали воситалар етакчи ўринни эгаллайди. Табиий кўргазмали воситаларга микропрепаратлар, тирик ўсимлик ва ҳайвонлар, коллекциялар, гербарийлар, остеологик материаллар ва шу кабилар киради. Албатта, ҳамма дарсда ҳам табиий объектларни кўрсатиб бўлмайди. Кўпгина ўсимлик ва ҳайвонлар, тирик табиатнинг ривожланиш жараёнлари ва қонуниятлари махсус тайёрланган тасвири кўргазма воситалари ёрдамида тушунтирилади. Уларга муляжлар, статик ва динамик моделлар, расмлар, чизмалар, рельефли жадваллар киради. Кўргазма воситаларига шунингдек, ҳар-хил лаборатория асбоблари, микроскоп, ўқитишнинг техник воситалари, компьютер киради.

Биотехнология фанини ўқитишда ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятлари жуда катта. Тасвирий воситаларни компьютер хотирасига жойлаб, улардан мавзунинг ўрганиш жараёнида фойдаланиш мумкин. Ахборот технологияларидан мультимедияларни намойиш этиш, модул дастурлари орқали талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш, қўшимча материал тўплаш ва улар устида мустақил ишлаш, назорат дастурлари ва тест топшириқлари орқали талабаларнинг билимининг назорат қилиш ҳамда баҳолаш, талабаларнинг қизиқишини ривожлантириш мақсадларида фойдаланиш мумкин.

Биотехнологияни ўқитишда оғзаки баён, кўргазмали ва амалий методлар билан биргалликда ҳамкорликда ўқитиш, муаммоли изланиш ва мантикий методлардан фойдаланиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Куйида Биотехнология фанини ўқитиш жараёнида қўлланиладиган интерфаол педагогик инновацион технологияларнинг айримларини кўриб чиқамиз:

Блиц-сўров технологияси. Блиц- педагогикада тезкор, бир зумлик маъносида ишлатилади. Бу технологияда талаба-ўқувчиларга ўрганилган бутун мавзу ёки унинг маълум қисмининг асосий тушунчалари ва таянч иборалари бўйича тузилган саволларга жавоб (оғзаки, ёзма, бирор жадвал ёки диаграмма кўринишида) беришлари таклиф этилади.

Биотехнология фанидан блиц-сўров саволлари куйидагича тузилиши мумкин:

1. Биотехнология деганда нимани тушунасиз?
2. Биотехнологиянинг ўрганиш объектларига нималар киради?
3. Ҳайвонлар эмбрионини трансплантация қилишда танлаб олинган ота-она жупининг аҳамияти нимада деб ўйлайсиз?
4. Хужайра ва ген инженерлиги усуллариининг муваффақиятини таъмин этувчи омилларни санаб ўтинг.

ФСМУ технологияси. Бу технология куйидаги жумлаларнинг бош ҳарфларидан олинган:

(Ф) – Фикрингизни баён этинг;

(С) – Фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг;

(М) – Кўрсатилган сабабни тушунтирувчи (исботловчи) мисол келтиринг;

(У) – Фикрингизни умумлаштиринг.

Мазкур технологиянинг мақсади ўқувчиларнинг умумий фикрларидан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. ФСМУ методини қўллаб, ўқувчи-талабаларнинг дарс жараёнида фаоллигини оширишга эришилади. ФСМУ технологиясидан маъруза машғулотларида олинган билимларни мустаҳкамлашда,

ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Кластер усули. Ноанъанавий, интерфаол педагогик технология усуллардан ҳисобланиб, ундан барча фанларни ва ҳар хил мавзуларни ўқитишда фойдаланиш мумкин. Кластер усулини қўллаш орқали ўқувчи-талабалар дарс давомида ўз билим ва иқтидорини тўлиқ кўрсата олиш имкониятига эга бўлади. Мазкур усул талабаларда фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга, ўзининг кузатуви, тажрибалари ва олган янги билимлари асосида шакллантирган фикрларини баён этишга ўргатади.

Кластерни тузишда, одатда, қуйидаги қоидаларга амал қилинади:

1. Топшириқни диққат билан ўқиб чиқиш.
2. Фикрларни тармоқлантириш жараёнида пайдо бўлган ҳар бир фикрни ёзиб бориш.
3. Имло хатолар ва бошқа жиҳатларга эътибор бермаслик.
4. Белгиланган вақт тугамагунча ёзишни тўхтатмаслик, фикрларни жамлашга ҳаракат қилиш.
5. Фикрларни чегараламаслик, улар ўртасида ўзаро алоқадорликка эътибор қаратиш.

“Нима учун?” график органайзери. Дарс давомида гуруҳ талабаларининг ўзлаштирган билимларини мустаҳкамлаш учун “Нима учун?” график органайзерини қўллаш тавсия этилади. Унинг мақсади муаммонинг дастлабки сабабларини аниқлаш учун талабалар фикрлари жамланади ва муаммоли сўров асосида умумий хулосага келинади. “Нима учун?” схемаси талабаларда тизимли, ижодий, таҳлилий фикрлашни ривожлантиради ва фаоллаштиради.

Юқорида қайд этилган педагогик инновацион технологиялар таълим сифати ва самарасини оширишда турлича имкониятларга эга. Шу сабабли ўқитувчилар интерфаол усулларни танлашда ўрганилаётган мавзу, муаммо ёки ҳал қилиниши лозим бўлган масалага эътибор беришлари мақсадга мувофиқдир.

ГАЛОГЕНЛАР МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА МУЛЬТИМЕДИА ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Н.С. Умиров


ГулДУ

Бугунги кунда таълим тизимида замонавий ахборот технологияларига асосланган электрон дарсликлар ва қўлланмалар яратиш ҳамда уни таълим жараёнига тадбиқ этиш асосий вазифалардан биридир. Яратилаётган электрон дарслик, мультимедиалар ўқув дастури ва ўқув методик талабларига мос келиши лозим. Мамлакатимизда кимё фанидан мактаб таълими тизими учун электрон дарслик ва мультимедиалар кам яратилган. Бунга сабаб кимё фанида деярли ҳар бир мавзу мураккаб механизмлар асосида тушунтириб борилади. Электрон дарслик ва мультимедиали ўқитишда ўқитувчи ва ўқувчилар On line тизимига, яъни интернетга уланмасдан, синфда ва синфдан ташқари машғулотларда ўтилган мавзуларни такрорлашлари, мустаҳкамлашлари, назорат-тест дастурлари ёрдамида ўз-ўзларини баҳолашлари мумкин. Бу эса ўқувчиларни ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини бошқаришга интилиш, мустақил фикрлаш ва хулоса қилиш қобилиятларини шакллантиришга ёрдам беради.

Биз тавсия этаётган мультимедиали маъруза матни расмлар, анимацияларни ўз ичига олади. Ушбу мультимедиани Macromedia Flash анимацион дастуридан фойдаланиб яратиш ишлари олиб борилган. Macromedia Flash анимацион дастури ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган матнли, анимацияли, овозли электрон дарслик ва мультимедиалар яратиш имкониятига эга.


Инсон олиши мумкин бўлган маълумотнинг 70% ини кўриш ва эшитиш қобилияти орқали қабул қилишини эътиборга олсак, бундай электрон дарслар ва мультимедиалар ёрдамида ўқувчилар онгига сингдирилиши лозим бўлган маълумот ва тушунчаларни анъанавий дарслардагига кўра юқорироқ самара беришини тажриба натижалари тасдиқлади. Мультимедиада келтирилган мавзулардаги мураккаб жараёнларнинг анимацион кўринишда берилиши, назорат-тест дастурлари воситасида ўқувчиларнинг ўз-ўзини назорат қилиши, синфда ва синфдан ташқари машғулотларда фойдаланиш имконияти ўз навбатида сифат кўрсаткичларини ошишига олиб келди.

Элементларнинг атом тузилишини, яни электронларнинг орбиталларда ҳаракатланишини кўз билан кўриб бўлмайди. Ушбу ҳолатларни ўқувчиларга тушунтириш, атом тузилиши ҳақида ўқувчиларда онгида тасаввур ҳосил қилиш учун биз галогенларни атом тузилишларини акс эттирган анимациядан фойдаланилса, ўқувчиларда атом тузилишини кўз билан кўриш имконияти пайдо бўлади. Бунинг учун экранга галогенларни атом тузилиши берилади. (1- кадр).




Галогенларга оид тажрибалар барчаси мўрили шкафда ўтказдирилиши шарт. Бунинг сабаби галогенлар ва уларнинг кўпчилик бирикмалари заҳарли газ моддалар ёки уларнинг буғлари шундай хусусиятга эга. Тажрибаларни бажариш ўқувчилар саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. 8-синф кимё курсида бу мавзуга оид лаборатория машғулоти бериладиган. Галогенлар ва уларнинг бирикмаларига оид тажрибаларни ҳам анимациялар орқали намойиш этилса, ўқувчилар тажриба ҳақида тасаввурга эга бўладилар. Бундан ташқари жараёнларни изоҳлаб кетишга ҳам анча қулайликлар яратади.


2- кадр. Йоднинг сублиматланиши.



3- кадр. Бромнинг лабораторияда олиниши.



4- кадр. Хлорнингишқорларгатаъсири. Жавелсувинихосилбўлиши.



Кимёдан жараёнларни, ҳодисаларни амалга ошириш мақсадида компьютер дастурий воситаларининг анимацион технологияларини қўллаб, таълим жараёнига мослаштириб, кимёвий ҳодисанинг намоиш қилинишини лавҳама-лавҳа амалга ошириб, объектларни ҳаракатга келтириб, кимёвий тажриба ва эффектларни динамик ҳаракатда намоиш қилиш амалга оширилади. Бунда кўргазмалилик қондаси амалга ошиш имконияти юқори. Бу дарсда кўргазмалиликдан фойдаланиб, бир вақтда овозли матн, кимёвий тажриба ёки ҳодисанинг анимацияси орқали кимёвий тасаввурни, қолаверса, кимёвий тафаккурни ривожлантириб, табиат ҳодисаларининг моҳиятини илмий савияда тушунтириш учун ёрдам беради. Яқка тартибда ўқитиш имконияти пайдо бўлади, ундан ташқари бу жараённи кичик гуруҳ услубида ҳам амалга ошириш мумкин.

СОВРЕМЕННЫЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ В ПОВЫШЕНИИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ОБУЧЕНИЯ

Н.Г. Валеева

ТауТГУ

«Молодежь сегодняшнего мира — это крупнейшее по численности за всю историю человечества поколение, насчитывающее 2 миллиарда человек. Завтрашний день, благополучие планеты зависят от того, какими людьми вырастут наши дети»[1]. Именно поэтому в нашей стране придается такое огромное внимание повышению социально-политической активности молодежи страны, усилению ее материальной и моральной поддержки.

Одним из приоритетных направлений развития социальной сферы Республики Узбекистан в 2017-2021 годах является совершенствование государственной молодежной политики: «воспитание физически здоровой, духовно и интеллектуально развитой, самостоятельно мыслящей, преданной Родине молодежи с твердыми жизненными взглядами, повышение его социальной активности в процессе углубления демократических реформ и развития гражданского общества»[2]. В соответствии с приоритетными задачами социально-экономического развития страны, создания необходимых условий по подготовке специалистов с высшим образованием на уровне международных стандартов принято Постановление Президента Республики Узбекистан от 20 апреля 2017 года № ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования». Данным постановлением утверждена Программа комплексного развития системы высшего образования на период 2017 — 2021 годы по качественному и кардинальному совершенствованию уровня высшего образования, укреплению и модернизации материально-технической базы высших образовательных учреждений, оснащению современными учебно-научными лабораториями, информационно-коммуникационными технологиями [3]. Новое время требует и новых качеств от нынешних студентов: мобильность, динамизм, инициативность, умение принимать самостоятельные решения. Современному обществу необходим компетентный гражданин и труженик. Качество подготовки высококвалифицированных специалистов определяется

содержанием образования, технологиями проведения занятия, поэтому необходимо применение новых педагогических технологий в образовательном процессе.

Химия играет значительную роль в научно-техническом прогрессе. Нет ни одной отрасли не связанной в той или иной мере с применением химии. Это и технологии, связанные непосредственно с химическими превращениями и очистка промывных сточных вод, и утилизация отходов производства и химическая переработка исходного природного сырья, дающая возможность получить необходимые материалы для различных отраслей промышленности. Перед педагогами стоит задача: дать знания о важнейших группах элементов, их свойствах и получении, важнейших природных соединений; развивать познавательный интерес и интеллектуальные способности в процессе изучения материала, самостоятельного приобретения знаний в соответствии с возникающими жизненными потребностями; воспитывать отношение к химии как к одному из фундаментальных компонентов естествознания и элементу общечеловеческой культуры; учить применять полученные знания и умения для безопасного использования веществ и материалов в быту, сельском хозяйстве и на производстве, решения практических задач в повседневной жизни, предупреждения явлений, наносящих вред здоровью человека и окружающей среде; развивать интеллектуальные способности и гуманистические качества личности; способствовать формированию экологического мышления, убежденности в необходимости охраны окружающей среды, развивать интерес к химии как возможной области будущей практической деятельности.

Повышению качества обучения, мотивации, формированию функциональной грамотности обучающихся и ключевых компетенций, развитию потенциальных способностей обучающихся способствует внедрение современных технологий обучения и их систематическое использование. Новые технологии дают новые возможности по формированию личностного потенциала и обеспечению успешности будущих специалистов.

К разделу педагогических технологий, направленных на активизацию и интенсификации учебной деятельности обучаемых относится технология интерактивного проблемного обучения. Ученые установили, что человек включается в деятельность по своему желанию лишь тогда, когда предмет активности имеет смысл и представляет ценность для него. Происходит сдвиг мотива на цель. Цель - проблема, которая решается во время занятия. При использовании интерактивных методов роль преподавателя сводится к созданию на занятии проблемной ситуации и управлению познавательной деятельностью обучаемых. Использование таких приемов возбуждает интерес к содержанию материала, включает в интересную для них форму работы, способствует осознанию потребности в приобретении новых знаний. Научить человека всему, что понадобится в жизни, нельзя. Можно и нужно научить адаптироваться в меняющихся жизненных ситуациях, самостоятельно приобретая необходимые знания, применяя их на практике для решения возникающих проблем, самостоятельно увидеть возникающие в реальной действительности проблемы и искать пути рационального их решения, грамотно работать с информацией (уметь собирать необходимые для решения определенной проблемы факты, анализировать их, выдвигать гипотезы решения проблем); быть коммуникабельными, контактными в различных социальных группах, уметь работать сообща в различных областях, в различных ситуациях.

Современное занятие – это когда студент может сказать, что сам под руководством преподавателя добывает и усваивает новые знания, исследует факты и делает выводы, когда он может проявить собственное «я». Это процесс сотрудничества, сотворчества преподавателя и студента. Методы организации занятия могут быть самыми разнообразными. В настоящее время применяются разнообразные виды инновационных технологий, такие как: кейс-технологии, креативное обучение, модульная технология, лекция-пресс-конференция, лекция-беседа, лекция-визуализация, лекция-диспут, технологии проектирования и критического мышления, проблемная и игровая технологии, методы анализа различных ситуаций и т. д. [4].

Роль преподавателя в учебном процессе заключается в мотивации, создании условий работы, планировании, организации, анализе, сотрудничестве, направляющего к успехам и находкам. Студент – активный и равноправный участник учебной деятельности. Преподаватель ставит проблему и решает её с помощью студентов.

Глубокое и более полное усвоение учебного материала по химии обеспечивается посредством технологии развития критического мышления. Она способствует совершенствованию качества обучения, закреплению приобретенных знаний, формированию умения переноса их в новые ситуации, установлению межпредметных связей. Она развивает мыслительные навыки, делает образование личностно – ориентированным, помогает связи обучения с жизнью. Необходимые умения в первую очередь формируются и отрабатываются на занятиях, например, умение задавать вопросы и давать определения понятиям; выделять существенные признаки; анализировать, выделять главное, делать выводы, планировать; наблюдать; проводить эксперимент. Формированию этих умений способствует работа с учебником и дополнительной литературой, демонстрация опытов, выполнение студентами лабораторных и практических работ.

В ходе педагогической деятельности можно использовать различные методы и приёмы технологии развития критического мышления: 1. Кластер – это способ графической организации материала. 2. Инсерт – в дословном переводе означает интерактивную систему записи для эффективного чтения и размышления. 3. Синквейн от французского слова «sing» – пять. Используется как способ синтеза материала. Он может быть предложен, как индивидуальное самостоятельное задание; для работы в парах; как коллективное творчество. 4. Мозговая атака используется с целью активизации имеющихся знаний на стадии «вызова» при работе с фактологическим материалом. 5. Верные и неверные утверждения- предлагается ряд высказываний, по поводу которых надо высказать своё мнение: (+) верно или (–) неверно. 6. Концептуальная таблица. Приём используется, когда необходимо сравнить несколько объектов по нескольким позициям. 7. Таблица З-Х («Знаю – Хочу знать»). Один из способов графической организации и логико-смыслового структурирования материала. 8. Ромашка Блума. 9. «Фишбоун» (рыбный скелет) и др.

Все эти методы и приёмы технологии развития критического мышления позволяют работать творчески. При составлении кластера, синквейна, написании эссе студенты имеют возможность общаться через парную или групповую работу, проявлять своё творчество, выполняя задания самоконтроля и самооценки, работая с инструктивными карточками, развивают навыки самоорганизации и саморегуляции, навыки самоанализа, критического отношения к себе.

Примеры применения методов критического мышления: Метод "Фишбоун" (Рыбий скелет) можно использовать в группах. Суть данного методического приема — установление причинно-следственных взаимосвязей между объектом анализа и влияющими на него факторами, совершение обоснованного выбора. Дополнительно метод позволяет развивать навыки работы с информацией и умение ставить и решать проблемы. В основе Фишбоуна — схематическая диаграмма в форме рыбьего скелета.

Схемы Фишбоун дают возможность: организовать работу участников в парах или группах; развивать критическое мышление; визуализировать взаимосвязи между причинами и следствиями; ранжировать факторы по степени их значимости.

С помощью схемы можно найти решение из любой рассматриваемой сложной ситуации, при этом возникают каждый раз новые идеи. Эффективным будет ее применение во время Мозгового штурма. Наиболее распространенная более естественная форма рыбы — горизонтальная.




Схема включает в себя основные четыре блока, представленные в виде головы, хвоста, верхних и нижних косточек. Связующим звеном выступает основная кость или хребет рыбы.

- Голова — проблема, вопрос или тема, которые подлежат анализу.
- Верхние косточки (расположенные справа при вертикальной форме схемы или под углом 45 градусов сверху при горизонтальной) — на них фиксируются основные понятия темы, причины, которые привели к проблеме.
- Нижние косточки (изображаются напротив) — факты, подтверждающие наличие сформулированных причин, или суть понятий, указанных на схеме.
- Хвост — ответ на поставленный вопрос, выводы, обобщения.

Все записи должны быть краткими, точными, лаконичными и отображать лишь суть понятий.

Так, студентам предлагается информация (текст, видеофильм) проблемного содержания и схема Фишбоун для систематизации этого материала. Работу по заполнению схемы можно проводить в индивидуальной или групповой форме. Важным этапом применения технологии Фишбоун является презентация полученных результатов заполнения. Она должна подтвердить комплексный характер проблемы во взаимосвязи всех ее причин и следствий. Цель — заполнить схему «Рыбий скелет» на протяжении 10 минут. Затем проходит обсуждение результатов, обмен мнениями и заполнение общей схемы на доске.



Так же для работы как индивидуально, так и в группах можно использовать метод Синквейн. Синквейн — это методический прием, который представляет собой составление стихотворения, состоящего из 5 строк. Первая строчка стихотворения — это его тема. Представлена она всего одним словом и обязательно существительным. Вторая строка состоит из двух слов, раскрывающих основную тему, описывающих ее. Это должны быть прилагательные. Допускается использование причастий. В третьей строчке, посредством использования глаголов или деепричастий, описываются действия, относящиеся к слову, являющемуся темой синквейна. В третьей строке три слова. Четвертая строка — это уже не набор слов, а целая фраза, при помощи которой составляющий высказывает свое отношение к теме. В данном случае это может быть предложение, составленное студентом самостоятельно, обязательно в контексте раскрываемой темы. Пятая строчка — всего одно слово, которое представляет собой некий итог, резюме. Чаще всего это просто синоним к теме стихотворения.

По теме: Элементы I-A группы можно составить синквейн типа:

- Металл
- Мягкий, активный
- Горит, реагирует, образует

Относится к I-A группе ПСХЭ

Щелочной металл

Синквейн — это стремление уместить в короткой форме свои знания, мысли, чувства, эмоции, ассоциации, это возможность выразить свое мнение, касающееся любого вопроса, предмета, события, явления, которое и будет являться основной темой произведения.

Синквейн — это анализ и синтез информации, игра слова, которая способствует творческому саморазвитию и красивому выражению своих мыслей. Именно поэтому синквейн, как метод обучения, приобретает все большую популярность и все чаще применяется в образовательном процессе. «Критическое мышление» можно смело отнести к инновационным технологиям, так как она соответствует основным параметрам инновационного обучения.

